

**Б.ЖАЗИМОВ, Б.Б.АЗИМОВ**

**САБЗАВОТЧИЛИК, ПОЛИЗЧИЛИК ВА  
КАРТОШКАЧИЛИКДА ТАЖРИБАЛАР  
ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ**

**«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти  
ТОШКЕНТ - 2002**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
томонидан қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларининг агрономия  
мутахассислиги йўналишидаги магистрлари учун  
дарслик сифатида тавсия этилган*

Дарсликда сабзавот, полиз ва қартошка экинлари билан тажриба қўйиш, ўтказиш ва режалаштириш ҳамда замонавий тадқиқотлар усуллари берилган. Иzlанишлар натижаларига статистик ишлов бериш асослари ёритилган.

Ушбу дарслик қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртларининг агрономия факультетлари магистрлари учун мўлжалланган. Ундан илмий тадқиқот институтлари ходимлари, аспирантлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

**Муҳаррир: С. Йўлдошев**

**Тақризчилар:** Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Р.МАВЛЯНОВА,  
Қишлоқ хўжалиги фанлари номзодлари Р.А.ҲАКИМОВ,  
М.М.МУҲАМЕДОВ

SBN-S-89890-~~839~~-ХС-

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти. Т.2002

© Б.Ҳ.Азимов. Б.Б.Азимов. Т.2002

## КИРИШ

Сабзавотлар мұхым озиқ-овқат маҳсулоти ҳисобланиб, ғоят фойдали озиқдик, пархезлик ва шифобаҳшлик хусусиятига әгадир. Уларнинг таркибида углеводлар, оқсиллар, аминокислоталар, витаминлар, эфир мойлари, органик кислоталар, калий, натрий, фосфор, кальций, темир тузлари ва бошқа моддалар борки, инсон танаввул қылган озиқ-овқатларнинг ҳазм бўлишида катта роль ўйнайди. Сабзавотларнинг пиёз, саримсоқ каби турлари эса бактерицидлик хусусиятига әгадир.

Тиббий тавсияларга кўра, инсон озиқ-овқат рационининг 25 фоизи сабзавотларнинг ҳар хил турларидан иборат бўлиши, унинг нормал фаолият кўрсатиши учун бир йилда 140-150кг сабзавот ва нолиз маҳсулотини истеъмол қилиши керак.

Ўзбекистонда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотлари миқдори ҳозирги пайтда 2,35-2,5млн. тоннадан иборат бўлиб унинг маълум қисми эса чет элларга экспорт қилинади. Де-мак, юртимизда яшовчи ҳар бир кишига ҳозир 100кг дан камроқ сабзавот тўғри келади.

Шундай экан мамлакатимиз сабзавотчилиги олдида турган асосий вазифалар:

- *республикамизда сабзавот экинлари майдонини жамоа, шахсий ва фермер хўжаликларида кенгайтириши ва ҳосилдорлигини ошириш;*
- *уларнинг янги навларини яратиш ҳисобига сабзавотларнинг сифатини ошириш, ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиб, аҳолига тез етказиб бериш, уларни қайта ишлиашни кенг йўлга қўйиши, савдо-сотиқ ишларини такомиллаштириш;*

- ширин қаламнир, гулкарам, бақлажон, қовоқча, патиссон, салат, ровоч, күп үйллик пиёзлар, күкат ва бошқа сабзавотлар уруғи ва күчати экиладиган майдонларни кенгайтириб, сабзавотлар ассортиментини яхшилаш.

Турли муддатларда пишадиган навларни танлаш ҳисобига, очиқ далада турли усулларни қўллаб, эртаги маҳсулот олиш, ҳимоя қилинган ерларда сабзавотларни етиштириш ва ҳажмини кўпайтириш, ҳосилни йиғиштиришда, уни сақлашда ва транспортда жўнаташда нобудгарчиликни кескин камайтириш, маҳсулотни сақлашни илмий асосда ташкил қилиш сабзавотларни истеъмол қилиш муддатларини узайтиради.

Фан ютуқлари ва илфорлар тажрибасидан фойдаланмасдан туриб ушбу масалаларни ҳал қилиб бўлмайди. Афсуски, кўпчилик сабзавотларнинг маҳсулдор навлари ва ишлаб чиқилган парваришлиш технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ишларини кучайтириш зарур.

Ўзбекистонда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликни ривожлантиришга Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти (ИТИ), Ўсимликишунослик илмий тадқиқот институти, уларнинг вилоятлардаги тажриба станциялари, таянч нуқталари, Тошкент давлат аграр университети, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти, кўпчилик институтларнинг кафедралари ва ўқув-тажриба хўжаликлари ўзларининг катта ҳиссаларини қўшмоқда. Шунингдек, селекционер олимлар юқори ҳосилдор, касалликка ва заараркунандаларга чидамли, ҳосили юқори сифатли, механизация ёрдамида теришга яроқли, янги навларни яратиш бўйича иш олиб бормоқдалар, шу билан бирга юқори сифатли ҳосилдор уруғлар олиш технологиясини ишлаб чиқмоқдалар, элита ва навдор уруғларни етиштириб, маҳсус уруғчилик хўжаликларга бермоқдалар.

Сабзавоткор олимлар сабзавот, полиз ва картошка экинларини очиқ ерларда миңтақалар шароитига мослаб парваришиш технологияларининг асосий элементларини: алмашлаб экиш, тупроққа ишлов бериш, ўғитлаш, суғориш усуллари ва тартиботини, бегона ўтлар, касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашиш, механизация ёрдамида парваришиш ва ҳосилни йиғишириб олиш усулларини ишлаб чиқмоқдалар.

Шунингдек, кам тарқалган сабзавот экиnlари турларини ўрганишга, уларнинг истиқболли навларини танлаш, яратиш, етишириш технологияларини ишлаб чиқишига, уруғчиликни йўлга қўйиб, сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқаришига жорий қилишга катта эътибор бермоқдалар.

Сабзавотчиликдаги илмий тадқиқотларни тўғри ташкил этиш учун аввало ягона услубият зарур. Мазкур дарслик шунуктаи назардан келиб чиқиб, илмий тадқиқот институтлари материаллари ва айрим муаллифларнинг тажрибалари якуни асосида ҳамда тегишли ташкилотлар ва идоралар мавзууларига оид тадқиқотларининг йўналишини инобатга олиб тузилди. Дарсликни тайёрлашда тажриба иши методикаси бўйича чоп этилган кўпчилик материаллардан кенг фойдаланилди.

## **I-боб. ДАЛА ТАЖРИБАЛАРИ ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИННИГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ**

### **Тажриба ўтказиш турлари**

Сабзавот ва полиз экинларини парваришилаш ва ҳосилини йигишишириш бўйича тажрибалар ўтказишдан олдин тадқиқотларнинг аниқ вазифасини ва уни амалга ошириш усулини (лаборатория, вегетацион, дала ёки барчаси биргаликда) аниқлаб олинади ва шундан кейингина тажрибалар тизими тузилиб, тадқиқотлар дастури шакллантирилади.

Технологиянинг айрим масалаларини ўрганишда ва жадал технология ишлаб чиқилганда уларнинг асосини дала тажрибаси ташкил этали. Бу иш кўпинча вегетацион тажрибалар ва лаборатория тадқиқотлари (агрокимёвий, физиологик, биокимёвий ва бошқалар) билан узвий боғланган бўлади.

Дала тажрибаси – ўсимликлар ҳаётини табиий (дала) шароитда маҳсус ажратилган майдонда экиб ўстириш жараёни ёки усулларининг (алоҳида олинганда ёки биргаликда) ўсимликлар ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатига миқдорий таъсирини агрономик нуқтаи назардан ўрганишнинг асосий усулидир. Агрономик тадқиқотлар амалиётида дала тажрибасининг учта асосий шакли қўлланилади. Булар синов тажрибаси, лаборатория - дала, ишлаб чиқариш - дала шаклларидир. Охирги тажрибани баъзан «ишлаб чиқариш шароитидаги дала тажрибаси» ёки «оддий дала тажрибаси» деб аталади.

Қисқа муддатли синов тариқасидаги биринчи тажрибалар одатда дастлабки изланишлар тарзида олиб борилади. Масалан, 8-10 хил гербицидларнинг 4-5 меъёрларини кичик майдончаларда бир йил синаб, сўнг самарали вариантлари катта майдонларда синалади.

Лаборатория - дала тажрибалари шу тажриба ўтказилаётган минтаقا учун типик бўлган тупроқ-иқлим шароитларида ўтказилади. Бу тажрибаларда ишлаб чиқаришнинг типик шароитларига (янги навлар, тупроққа ишлов бериш усуллари, гербицидларни ўрганиш ва бошқалар) тўла мос келиши зарур бўлган талабларига риоя қилиш шарт бўлмаган усуллари ўрганилади.

Ишлаб чиқариш шароитида баъзи бир типик бўлмаган оғишлар содир бўлади. Бунинг сабаби - бу тажрибаларда шундай усуллар ва услублар ўрганиладики, кўпинча хўжалик миқёсида керакли машиналар, иш қуроллари, материаллар ва бошқа имкониятларнинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги туфайли уларни амалга ошириш қийин бўлади.

Вегетацион тажрибада ёки сунъий мұхитда қўйилган тажрибага нисбатан лаборатория –дала тажрибалари мазмуни бўйича аналитик бўлиб, уларда синтезни қўллашнинг имкониятлари катта. Улар агрокимёвий, микробиологик, физиологик, биологик ва бошқа лаборатория тадқиқотлари билан бирга олиб борилади. Аграр университетлар, илмий-тадқиқот институтлари, тажриба станциялари, яъни илмий-тадқиқот мусассасаларининг энг юқори бўғинлари лаборатория–дала тажрибаларини олиб борадилар.

Ишлаб чиқаришдаги дала тажрибаси факатгина шу зонага типик бўлган тупроқ-иқлим шароитларинигина талаб қилмасдан, балки майдончаларнинг анчагина катталашиши билан муқаррар боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришга мутаносибликни ҳам талаб қиласди. Уни иложи борича замонавий техникани, район ёки зонага типик бўлган алмашлаб экишини қўллаб, ўтказиш керак. Бундай тажрибаларнинг мақсади агротехник самарарадорлик (ҳосилдорликнинг ошиши ва бошқалар) билан бир қаторда ўрганиладиган янги технологиялар ва уларнинг усуллари ёки улар бирикмасининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий самарарадорлигини аниқлашдир.

Очиқ далада сабзавот, картошка ва полиз экинлари билан тажриба ўтказилганда, кўпинча, дала тажрибаларининг охирги иккита шакли қўлланилади. Кўп ҳолларда тадқиқотлар лаборатория–дала тажрибаларидан бошланиб, ишлаб чиқариш дала тажрибалари билан ҳамда олинган маълумотларнинг хўжаликлардаги ишлаб чиқариш синови билан тугалланади.

Мазкур дарсликда, асосан, бевосита илмий-тадқиқот ташкилотларида ўтказилган лаборатория–дала ва ишлаб чиқариш–дала тажрибаларини ўтказиш услубияти ва уларни ташкил қилиш хусусиятлари кўриб чиқилган.

Тадқиқотлар вазифасини муваффақиятли ҳал қилиш ва маълумотлар олиш учун тажрибаларни тўғри ташкил қилиш ва режалаштириш катта аҳамиятга эга. Бунга тажриба схемасини тўғри тузиш, майдон танлаш, майдонча жойини, уларнинг конфигурациясини, такрорийлик сони ва тажриба ўтказиш учун қўлланиладиган технологик тадбирларни белги-

лаб олиш ишлари киради. Олинган маълумотларнинг математик таҳлили методикаси, ҳосилни ҳисобга олиш тартиби ва йўли, ўтказиладиган кузатувлар, ҳисоблашлар ва уларпи амалга ошириш усуллари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

## Дала тажрибасининг схемаси

Тажриба схемасини режалаштириш тадқиқотчи ҳал қилиши керак бўлган мураккаб масаладир. Дала тажрибасининг схемасида ўрганилаётган вариантлар ва назорат варианти бўлади. Тажриба схемаси шундай тузилиши керакки, унда албатта таққослаш элементи бўлиши шарт. Таққослаш ҳар бир вариантнинг самарадорлигини аниқлашга ёрдам беради.

Тажриба схемасидаги вариантлардан бири андоза бўлиши зарур ва у бошқа вариантлар билан таққосланади.

Андозага тўғри келадиган вариантлар сони 10-12тадан ошмаслиги керак. Чунки вариантлар сони ошиб кетса, тажрибанинг аниқлиги пасаяди. Бундан ташқари, катта майдончаларда вариантлар сони кўп бўлса, тажрибаларнинг аниқлиги кичик майдончалардаги аниқликка нисбатан анча паст бўлади.

10-12та вариантдан иборат бир омилли тажрибаларнинг схемаси катта бўлмаслиги керак. Агар вариантлар сони кўп бўлиш зарурати туғилса, унда қўшимча яна андоза варианти кўйилади ёки иккита алоҳида схема тузилади. Кўп омилли тажрибаларда иложи борича ўрганиладиган омилларнинг барча бирикмалари, унга киритилади (1 жадвал).

Вариантлар сони ортиши билан майдончалар сони кўпаяди. Демак, тажриба майдонининг умумий юзаси ҳам ортади. Бунда вариантлар жойлашган майдонларнинг тупроқ унумдорлиги ҳар хил бўлиб, натижада тажрибанинг хатоси ортади. Вариантлар сони кўп бўлиб, ер майдони чегараланган бўлса, бир майдончанинг юзаси камайтирилганда ҳам тажрибанинг хатоси ортади. Майдонча сатҳи қанчалик катта бўлиб, вариантлар сони кўп бўлса, тажриба хатоси шунчалик кучли ошиб боради.

Бир омилли тажриба схемаси тўғри тузилганда ягона фарқли принципга риоя қилиниши, яъни тажрибадаги ҳар бир вариант бошқа вариантлар билан таққосланиши, улар орасидаги фарқ ягона бўлиши ва бошқа шароитнинг аралашшигига йўл қўймаслик керак. Лекин ушбу методик талабга доимо тўлиқ риоя қилиб бўлмайди. Сабаби ўрганилаётган

**Майдонча юзаси бир хил бўлганда тажрибадаги нисбий хатонинг варианatlар сонига боғлиқлиги (Н.Ф. Деревицкий тажрибаси бўйича)**

Лавлаги		Картошка	
Вариантлар сони	Тажрибанинг нисбий хатоси (m%)	Вариантлар сони	Тажрибанинг нисбий хатоси (m%)
2	4.57	2	8.04
3	5.03	3	8.38
4	5.38	4	8.51
6	5.40	6	8.76
9	5.74	9	8.89
12	6.24	12	9.67
18	6.31	16	10.31
27	6.76	24	10.65
54	7.21	48	14.61
108	7.93	96	16.41

омиллар ва ўсимликнинг яшаш шароити бир-бирига чамбар-час боғлиқлигидан уларни ажратиб бўлмайди. Масалан, алмашлаб экишда экинларни навбатлашни ўргангандан турли экинлар ҳосили бир пайтда йиғиштириб олинмайди. Шунинг учун ҳам далалар ҳосил териб олинишига қараб, турли муддатларда хайдалади.

Кўп омилли тажриба ўз ичига бир нечта бир омилли тажрибаларни қамраб, ягона фарқли принципда тузилади. Унда фақатгина таъсир эмас, балки ўрганилаётган омилларнинг ўзаро таъсири ва уларнинг кейинги таъсири ҳам ўрганилади.

Бир омилли ва кўп омилли дала тажрибаларида назорат қилиб районлаштирилган нав ёки ушбу минтаقا учун тавсия қилинган технологик жараёнларнинг бирорта элементи (ўғит миқдори, суфориш тартиби, гербицид ва ҳоказо) олинади.

### **Дала тажрибаси учун ер танлаш**

Дала тажрибаси методи билан ўтказиладиган тадқиқотлардаги асосий талаб тупроқ-иқлим шароитига нисбатан ҳамда ишлаб чиқариш, район ва зонадаги технологик шароитнинг типик бўлишига риоя қилишдир. Шунинг учун тажриба ўтказиладиган майдон шу район ерлари учун етарли даражада типик бўлиши шарт. Майдон тупроғининг хусусияти ва типи ҳамда рельефи шу райондаги асосий ерларнинг тупроғи ва рельефига мос бўлиши керак.

Тажриба даласига қўйиладиган яна бир муҳим талаблардан бири-тажриба натижаларининг етарли аниқлигини

таъминлаш учун зарур бўлган тупроқ қопламининг бир хиллигидир. Тажриба даласида лойли ёки шўрланган доғлар, илгари катта миқдорда солинган органик, минерал ва бошқа ўғитларнинг турли хил қолдиқлари бўлмаслиги керак.

Дала рельефи текис бўлиши керак, лекин бир томонга қараб бир хил текисликда қия бўлишига йўл қўйилиши мумкин. Берк қияликлар бўлишига йўл қўйилмайди. Турли йўналишга эга бўлган, ёнбағри қия бўлган ерларни тажриба учун ажратиш мумкин эмас. Тажрибадаги барча варианtlар ва такрорлашлар бир хил шароитга эга бўлиши шарт. Тажрибадаги ҳисобий майдончаларни яккам-дуккам дараҳтлардан 25-30м ва яхлит ўрмондан 40-50м нари жойлаштириш керак. Тажриба ерида ҳайдалган ерлар ва хирмонлар, молхона, қўмилган чуқур, хашак, гўнг сақланадиган жойлар бўлишига йўл қўйилмайди.

Дала тажрибалари замонавий интенсив алмашлаб экиш шароитида ёки уларнинг бўғинларида ўtkазилиши керак. Бу очик далада сабзавот, полиз ва картошка экинларини парваришилашнинг янги технологияларини ишлаб чиқишини ва ҳозиргиларини тақомиллаштиришни тезлатишга имкон яратади.

Тажриба учун ажратилган ерда, охирги 2-3 йил ичida бир хил, ўрганилаётган экин учун энг яхши ўтмишдош ўсимлик бўлиши, тупроққа бир хил ишлов берилганлиги, ўғит фони бир хил бўлганлиги муҳим аҳамиятга эга. Агарда ушбу талабга риоя қилинмаган бўлса, тажриба қўйишдан 2-3 йил олдин тенглаштирувчи экин экиш зарур.

Дала унумдорлигининг нотекислигини аниқлаш мақсадида тенглаштирувчи экин экилиб, кейинги тажрибалар учун керакли фон яратилади. Бунинг учун танланган ерга бир неча йил давомида ёппасига бирор экин экиласди. Даланинг унумдорлигини текислаш мақсадида органик ва минерал ўғитларни бир текис солишга йўл қўйилади. Текисловчи экин дастлаб тажриба мақсадида экилиб, ҳосили алоҳида-алоҳида ҳисобга олинади.

Дастлаб далага бир хил экин-ғалла, картошка, лавлаги, маккажўхори ва бошқалар экилганда ҳосилдорлиги алоҳида-алоҳида майдончалар бўйича аниқланади. Ҳосилнинг алоҳида ҳисобга олиниши тажриба учун текисланган майдончаларнинг унумдорлигини аниқлашга, уларнинг қулагийлик мувозанатини билишга, тажрибани жойлаштириш ва қайтариш усулини тўғри белгилашга ёрдам беради.

Текисловчи экинни экиш муддати, давомийлиги олдин ўтказилган тажрибадаги агроусулларнинг кейинги таъсири-нинг давомийлигига боғлиқ. Масалан, уруғнинг меъёрида экиш миқдорини, ўсимликларнинг озиқланиш майдонини, экиш усуллари ва муддатларини аниқлашда ҳамда навларни ўрганишда дала (тупроқ) унумдорлигини бир йил давомида текислаш кифоя. Минерал ўғитлар ўрганилган далада янги тажрибалар 2-3 йилдан кейин қўйилиши мумкин, органик ўғитлар бўйича тажрибаларда 4-5 йилдан сўнг дала тажриба-лари ўтказилиши мумкин.

### **Дала тажрибасини такрорлаш ва майдонча сатҳи**

Майдонча сатҳи ўсимликнинг озиқланиш майдони (озиқ-ланиш майдони қанча катта бўлса майдонча юзаси ҳам шунча катта бўлади), тажриба шакли дастлабки (лаборатория-дала, ишлаб-чиқариш-дала) тажриба ўтказилаётганда қўлланилади-ган машина, курол ва бошқаларга боғлиқ.

Ишлаб чиқариш-дала тажрибаларидаги майдонларда кўпчилик ишлар тракторлар ёрдамида бажарилади. Майдонча сатҳи қанча катта бўлса, тажрибани жойлаштириш учун шун-ча катта майдон талаб қилинади ва унумдорлиги бир текис бўлган майдонни танлаш қийинлашади, тажриба ўтказиш учун, ҳаражатлар ортали. Катта майдонларда дала ишларини ўтказиш чўзилиб кетади, уларнинг сифати ёмонлашади. Бу, ўз навбатида, тадқиқотларнинг аниқлигини пасайтиради. Бошқа томондан кичик майдончаларда кўпинча ҳосилдорликнинг қайтариқлар бўйича фарқи катта бўлади, машина ва куролларни қўллаш қийинлашади.

Тажриба ўтказиладиган майдон ва майдонча билан экин экилган майдон ва майдонча сатҳи ўртасида фарқ бўлади, ал-батта. Чунки, экин майдони ҳосил ҳисоби олиб бориладиган майдонни, ҳимоя қаторлари майдонини ва намуналарни тан-лаш учун ажратилган лаборатория қаторларининг майдонини, ўз ичига олади. Дала тажрибаларини ўтказишда қайтариқ ал-батта бўлиши шарт. У тажриба даласи тупроқ унумдорлиги бир хиллиги, ўсимликларнинг ўзига хос фарқлари ва бошқа-лар билан боғлиқ хатоларни тажрибада ҳисобга олиш имко-нини беради. Қайтариқлар сонининг ошиши тажрибанинг аниқлигини оширади. Дала тажрибасида қайтариқлар сони 4тадан кам бўлмаслиги, кичик майдончаларда эса 6-8 марта қайтариқ бўлиши керак.

Дала тажрибаларида турли сабзавот экинларини парваришилашнинг айрим усуллари ўрганилганда улар 4-6 қайтариқли бўлиб, ҳисоблаш майдончаларининг юзаси; қуйидаги ҳажм ( $m^2$ )да: кўкат экинлари учун  $-3m^2$ ; пиёз, зелдер, петрушка кўкати, сабзи ва лавлаги барги (пучок) учун  $-5m^2$ ; равоч, сарсабил, кўп йиллик пиёзлар, қатрон, ерқалампир (хрен), селдер ва петрушка илдизмеваси, пиёз, саримсоқ, колъраби, брюссел карами, кўк нўхот, ловия, пастернак, турп ва редис учун  $-10m^2$ ; сабзи ва қизил лавлаги, шолғом, турп, брюква, помидор, қалампир, бодринг, бақлажон, гулкамар ва бошли карам учун  $-20m^2$ ; қовоқча, патиссон, калтапалакли ва тупли қовун ва қовоқ учун  $-40m^2$ ; тарвуз, қовун ва қовоқ учун  $-80m^2$  юзали ер тавсия этилади.

Олинган ҳисоб-китобларни ишлаб чиқиш натижалари шуни кўрсатдики, бир хил майдонда, тажрибанинг бир варианти бўйича, қайтариқларнинг оширилиши майдонча сатхини кенгайтиришга нисбатан, тажриба хатосини анча камайтирас экан (2-жадвал).

Тажрибанинг аниқлигини оширишдан мақсад қайтариқ туфайли тажриба натижаларига вариацион статистика усули билан математик ишлаб чиқиб, уни миқдорий аниқлаш ҳамда ўзаро таққосланаётган вариантлар бўйича олинган ҳосилнинг ҳақиқийлигига математик баҳо беришdir.

Ҳар қандай дала тажрибасида қайтариқ бўлиши шарт. «Қайтариқсиз бажарилган иш кўзни боғлаб юриш ёки компассиз сузишга tengdir» деб таъкидлаган эди Д.Н. Прянишников.

2-жадвал

**Тажриба хатосининг миқдорига майдонча юзаси ва қайтариқларнинг таъсири (Ремер тадқиқоти бўйича)**

Бир вариантинг майдони, $m^2$	Қайтариқсиз майдонча юзасини катталашибирish		Бир майдонча юзасида ( $25m^2$ ) қайтариқнинг ошиши	
	Майдонча юзаси, $m^2$	Хатоси, %	Қайтариқ	Хатоси, %
25	25	10,0	1	10,0
50	50	8,3	2	7,1
75	75	7,6	3	5,8
100	100	7,1	4	5,0
125	125	6,7	5	4,5
150	150	6,4	6	4,1
175	175	6,1	7	3,8
200	200	5,9	8	3,5
225	225	5,7	9	3,3
250	250	5,6	10	3,2

Тажриба ўтказиш шароити ва қулайлик даражасига қараб, шунингдек, тадқиқотларнинг вазифасига мувофиқ танланган майдонча сатҳи у ёки бу томонга бироз ўзгариши мумкин. Лаборатория-дала ва синов тариқасидаги тажрибаларда майдонча майдони  $3\text{-}6\text{m}^2$  гача камайиши мумкин. Лекин бунда қайтариқлар сони 6-8тагача ортиши мажбурийдир. Алмашлаб экишни, тупроққа ишлов бериш усулларини ёки бошқа тадбирларни ўрганишдаги турли варианtlарда турли машина ва қуролларни алоҳида қўллаш билан боғлиқ тажрибаларда баъзан майдонча юзаси  $200\text{-}300\text{m}^2$  гача кенгайтирилади. Кўп йиллик стационар тажрибаларда экинларга механизм ёрдамида ишлов беришни таъминлаш учун майдонча сатҳини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

Агар тажрибада механизация воситаларидан унумли фойдаланиш кўзда тутилган бўлса, экилган ва ҳисобий майдончанинг эни тажриба экинлари қатор ораларининг энига, шунингдек, иложи борича, сеялканинг ва кўчат экадиган машинанинг энига нисбатан каррали бўлиши керак.

Майдончалар чўзиқ шаклга эга бўлиши зарур. Майдонча қанчалик узун бўлса, у даланинг эгри-бугри жойларини шунчалик тўлиқ қамрайди. Қисқа майдончага нисбатан узун майдонни сугориш ҳам қулай бўлади. Лекин майдонча узунлигининг энига нисбати қанча кўп бўлса, майдонча юзасининг ҳимоя жойи ҳам шунча кўп бўлади. Майдонча узунлигининг энига нисбати умуман 3:1га яқин бўлиши керак. Машиналар қўлланиладиган тажрибаларда бу нисбат 5:1дан то 10:1гача бўлиши мумкин.

Кенг қаторли (70см ва ундан ортиқ) экинлар экилган ерларда узунасидаги ҳимоя полосасининг кенглиги бир қатор энига teng қилиб олинади. Тупроққа ишлов бериш, сугориш, ўғитлаш, эгатлар оралиги 60см дан кам қилиб, экиладиган экинлар устида тажриба олиб борилганда ҳимоя полосасининг эни икки қатор кенглигидан кам бўлмаслиги керак. Кўндалант ҳимоя полосасининг эни камида 1м, оқова суви чиқадиган жой эса 3,0мдан кам бўлмаслиги керак. Кўчатли сабзавот ва полиз экинларида кўндалант ҳимоя полосасининг эни қатордаги ўсимликлар орасининг масофасига teng бўлиши даркор.

Сабзавот экинлари билан ўтказилган тажрибаларда варианtlарнинг тизимли ва тасодифий (рендомизацияцияшган) жойлаштирилишини қўллаш мумкин. Бундан ташқари, қўшимча ҳосилни аниқлашда жойлаштиришнинг стандарт

усулидан фойдаланилади. Бунда ҳар бир қайтариқда назоратлар сони ортади. Вариантларни жойлаштиришнинг тизимли методларидан фойдаланилганда турли қайтариқлар варианти-нинг майдончалари дала бўйича, тадқиқотчи одиндан белгилаб қўйган режа асосида бир текис қилиб жойлаштирилади. Қайтариқларнинг бир қаторда жойлаштирилиши кенг тарқалган бўлиб, кейинги қайтариқларда ҳам биринчисидаги-дек ҳамма вариантлар биринчисидан охиргисигача ёнма-ён жойлаштирилади.

**Бир қаторли тартиб билан жойлаштириш:**

1-қайтариқ	2-қайтариқ	3-қайтариқ	4-қайтариқ	Вариантлар
1 2 3 4 5	1 2 3 4 5	1 2 3 4 5	1 2 3 4 5	

Вариантларнинг майдончадаги қайтариғи икки ёки кўп қаторли бўлса, кўпинча, зина усулида жойлаштирилади. Улар бир йўналишда бўлади, лекин ҳар кейинги қаторда схемасининг боши бир, икки ёки кўп майдончага сурилади. Охири эса қатор бошига ўтказилади. Тажрибани бундай жойлаштириш шахмат усулида жойлаштириш дейилади.

**Икки ярусли тизимли усулда жойлаштириш**

1-қайтариқ	2-қайтариқ
1 2 3 4 5 н	1 2 3 4 5 н
3 4 5 1 2 н	3 4 5 1 2 н

3-қайтариқ                          4-қайтариқ

**Кўп қаторли зина шаклида жойлаштириш**

1-қайтариқ	1	2	3	4	5	6	7	8
	н							
2-қайтариқ	7	8	1	2	3	4	5	6
	н							
3-қайтариқ	5	6	7	8	1	2	3	4
	н							
4-қайтариқ	3	4	5	6	7	8	1	2
	н							

Қайтариқларни кўп қаторли жойлаштиришда вариантыларни жойлаштиришнинг бошқача усуллари ҳам бор. Лекин, қайтариқ ва вариантыларни қайси усулда жойлаштиришдан

қатъий назар, бир хил варианктар горизонтал ва вертикал йўналишларда ёнма-ён туриб қолиши мумкин эмас.

Бир хил варианктар бир бирларидан иложи борича узок жойлаштирилиши керак. Қайтариқлар майдончалари кўп қаторли қилиб жойлаштирилганда ҳар бир вариант вертикал кўринишда бир марта жойлашиши шарт. Майдончада ҳар бир вариант вертикал жойлаштирилганда, улар ораларида, ҳеч бўлмагандан, иккита бошқа вариант жойлашган бўлиши керак.

Майдончада вариантларни тасодифий (рендомизация-лашган) жойлаштиришни Р.А. Фишер таклиф қилган. Майдончаларни тизимли жойлаштиришга нисбатан тасодифий жойлаштириш тадқиқотларнинг аниқлигини 1-2% га ошириши тажрибаларда тасдиқланган. Майдончадаги ҳар бир қайтариқ вариантини тасодифий жойлаштириш ўрни куръя ташлаб ёки маҳсус тузилган жадвалдаги рақамлар ёрдамида аниқланади. Вариацион статистиканинг ҳамма методлари фақат тасодифий ҳолатларни аниқлашга асосланганлиги туфайли шу методга тўғри келади.

Тажрибада ўрганилаётган вариантлар орасидаги ўзаро боғланиш (корреляция)нинг имкониятлари тасодифий жойлаштиришда анча кам бўлиб, улар жуфт таққосланганда аниқ тенг бўлишига сабаб бўлади.

Вариантларни тасодифий жойлаштириш методлари ичida тасодифий блок (қайтариқ) методи ва лотин квадрати методи кенг тарқалган.

Тасодифий қайтариқ методи вариантларни энг содда жойлаштириш йўлидир. Схемадаги вариантлар сони ҳар бир қайтариқдаги майдонча сонига тенг. Уларни бир нечта блокларга кўшадилар. Блокларнинг умумий сони тажрибада қўлланилган қайтариқлар билан аниқланади. Блокда вариантлар майдончалар бўйича куръя асосида тасодифий ҳолатда жойлаштирилади. Блоклар шакли иложи борича квадратга яқин бўлиши керак. Майдончаларнинг қандай жойлашишидан қатъий назар, бунда вариантларни таққослаш яхшиланади.

Майдонча катталаштирилган узун ва квадрат шаклида бўлиши мумкин. Тажриба даласида блоклар бир, икки ёки бир нечта табақада зич (ихчам) жойлаштирилади. Улар биттадан ёки гуруҳлаб тарқоқ холда камдан-кам жойлаштирилади. Блоклар ичida майдончалар бир, икки ёки бир нечта қатор бўлиши мумкин. Айрим пайтларда блокларга зина шакли берилади. Қайтариқларни (блоклар) жойлаштириш мисоли куидагича:

I	II	III	IV	V	VI
4 2 1 3	1 4 3 2	4 3 1 2	3 1 2 4	2 3 4 1	4 2 3 1
I	II	III	IV	V	VI
3 1 2 4	1 3 4 2	4 2 1 3	3 1 2 4	2 3 4 1	4 1 3 2
1 2 4 3					1 2 4 3
IV	V				VI
I	3 1 2 4		2 3 4 1		II
III	1 2 4 3		4 1 2 3		IV
V	4 3 1 2		3 2 1 4		VI

“Лотин квадрати” методи тажрибасыда қайтариқлар сони вариантылар сонига баробар бўлиб, майдончанинг умумий сони  $n^2$ га tengdir. Режада вариантылар лотин алифоси билан белгиланади. Вариантылар сонига қараб, тажриба “лотин квадрати” методидаги, тажриба майдони квадрат ёки тўғрибурчак шаклида горизонтал ва вертикал қаторларга бўлинади. Бир хил майдонча икки марта на горизонтал, на вертикал қаторда такрорланмаса, барча вариантыларниң тўлиқ миқдорини горизонтал ва вертикал қаторда жойлаштириш мумкин. Ушбу қаторлар ичидаги майдончаларда вариантылар қуръа бўйича жойлашган. Бунда иккита чегараланган тасодифий жойлаштиришга эга бўламиз. Лотин квадратидаги майдончада вариантыларни “тизимли зинапоя” методидаги жойлаштириш имконияти бўлади.

### “Лотин квадрати” методидаги тажрибаларни жойлаштириш схемаси қуйидагича бўлади.

	A	B	C	D	E	F
I	1	2	3	4	5	6
II	2	3	4	5	6	1
III	3	4	5	6	1	2
IV	4	5	6	1	2	3
V	5	6	1	2	3	4
VI	6	1	2	3	4	5

Тизимли жойлаштириш

	C	E	B	A	D	F
I	3	5	2	1	4	6
II	2	6	5	4	1	3
III	1	2	6	3	2	5
IV	6	2	4	5	3	1
V	4	1	3	6	5	2
VI	5	3	1	2	6	4

Тасодифий (рендомизация-лашган) жойлаштириш


Вариантылар сони 4 тадан 7 тагача бўлганда «лотин квадрати» методидан фойдаланилади. Вариантылар сони оширилган таҳдирда тажрибада жуда кўп қайтариқлар керак бўлади. «Лотин тўғрибурчаги» методидаги вариантылар майдончаларда жойлаштирилганда қайтариқлар миқдорини кўпайтиришнинг ҳожати қолмайди. Сабаби, вариантылар қайтариқларда верти-

кал ва горизонтал йўналишларда бир-бирларига яқинлашмайди. Демак, даланинг тупроқ унумдорлиги бўйича варианлар бир текис жойлашиб, унинг натижалари математик ишлаб чиқишига таъсир кўрсатмайди. Бу методда варианлар сони қайтариқлар сонига қолдиқсиз бўлиниши керак.

Масалан, тажрибада 8 вариант тўрт квадрат қайтариқда жойлашган. 8 ни 4 га бўлиб 2 ни оламиз. Ҳар вертикал қаторни икки полосага бўлиш керак. Бунда  $4 \times 4 \times 2$  схемаси бўйича «лотин тўғри бурчаги» методида қўйилган дала тажрибасига эга бўламиз. Бу схемада биринчи рақам тажрибада қўлланилган қайтариқлар, охирги икки рақамнинг кўпайтмаси ўрганилаётган варианлар сонини, учала рақамнинг кўпайтмаси эса  $4 \times 4 \times 2 = 32$  –тажрибадаги майдончалар сонини билдиради.

Вариантларни реномизациядан фойдаланиб жойлаштиришнинг бошқача методлари ҳам бор. Сабзавот, картошка ва полиз экинларини парваришилашда ва ҳосилини йигиштиришда механизация технологияси қўлланилмайдиган кўп вариантли кичик майдончали тажрибаларда варианларни тасодифий жойлаштириш усулини кенг қўллаш зарур.

Кўп омилли тажрибаларда агар бирорта омил бўйича аниқ маълумот олиш керак бўлса, (қолган омилларга нисбатан катта аниқликка эхтиёж бўлмаса) «парчаланган майдонча» методи қўлланилади. Бу метод қўлланилганда биринчи қатордаги йирик майдончалар (масалан, ерга ишлов беришнинг турли турлари, ҳар хил ўтмишдошлар), кўндаланг йўналиш бўйича иккинчи қатор майдончаларига бўлинади (парчаланади), (масалан, ўғитлар миқдори), иккинчи қатор майдончалари ҳам шунга ўхшатиб майдароқ-учинчи қатор майдончаларига бўлинади (масалан, турли навлар). (1-расм)



1-расм. «Парчаланган майдонча» методида уч омилли тажрибада варианларни кетма-кет устига қўйиш схемаси

Бу методда - турли қатор майдончасидаги омилларни бир текис аниқ таққослаб бўлмайди. Бу унинг камчилигидир. Иккинчи ва кейинги қатор майдонча варианларининг самара-дорлиги эса биринчи қатор майдончасига нисбатан етарлича аниқ баҳоланади.

Бу метод камчилигини бартараф этиш учун «аралаштириш» методи қўлланилади. Бунла варианларнинг ҳамма комбинациялари иккита ёки кўпроқ гуруҳга шундай ажратилади-ки, блоклар ичидагиси аниқроқ бўлиб, тенглаштирилаётгани тажрибанинг энг муҳим қисмини ташкил қиласди. Блоклар оралиғидаги аниқлик етарли бўлмаслиги сабабли таққослаш учун тажрибанинг кам аҳамиятли қисми олинади.

Кўриб чиқилган методларнинг ҳар бирининг ўз афзал-ликлари ва камчиликлари бор. Уларни илмий-тадқиқот ишларида инобатга олиш даркор.

Тажриба ўтказишнинг схема ва методикасини белгилашда қулай, олинган маълумотларнинг хаққонийлигини пасайтири-майдиган методларни танлаш тавсия қилинади. Вариантлар сони кам бўлган йирик майдончали ишлаб чиқариш шароитидаги дала тажрибаларида механизация воситаларидан фойдаланиладиган бўлинса, шунингдек, кўп омилли тажрибаларда тартибли усул афзал ҳисобланади.

### **Тажриба майдонида қўлланиладиган технология**

Тажриба майдонида қўлланиладиган технология ушбу минтақада қабул қилинган парваришлаш технологиясига муносиб бўлиши керак. Тажриба далаларидағи ҳамма ишларни бир вақтда, баробар, қисқа муддатларда қоида бўйича бир кунда юқори агротехника даражасида ва имкони борича механизациянинг илгор хўжаликларда эришилган даражасида олиб бориш керак.

Ерга ишлов берилгандан ичкари марзасини ва ажратилган эгатларни қайтариқлар оралиғидаги йўлларга ёки майдонча чегарасига жойлаштириш керак. Бир даланинг ўзида тупроқни ичкарига, ташқи томонга ағдариб ҳайдашни йилмайил алмаштириб туриш керак. Тажриба майдонида фақат пайкал бўйлаб ҳайдаш қўлланилади. Фигурали ҳайдашга йўл кўйиб бўлмайди. Машина ва механизация воситаларини буриш ёки айлантириш зарурати туғилса, дала четидаги йўлларда амалга ошириш зарур.

Тажрибаларга қоида бўйича районлаштирилган ва янги истиқболли навларни киритиш зарур. Фақат юқори сифатли

ва бир турли әкіладиган уруғ ва ўтказиладиган күчатлардан фойдаланилади. Уруғ жуда тозаланган, сарапланган, бир тұпға мансуб бўлиши керак.

Экадиган машиналар ва агрегатлар яхши таъмирланган ва текширилган, әкишнинг талаб қилинган мөъёрига ва уруғни тупроққа кўмиш чуқурлигига мослаб қўйилган бўлиши керак. Бу иш аввал хўжаликда ўтказилади, кейин албатта далада-химоя полосасида ёки захира майдончасида текширилади. Да-лада шундай текшириш билан бирга сошникларнинг эгат ораларига тўғри тушиши назорат қилиб турилади. Уруғ әкиш миқдорини кондицион уруғлар сони бўйича бирламчи майдонда аниқлаш, кейин уни уруғ массаси бўйича ҳисоблаш керак. Уруғнинг хақиқатда экилганини, топширилган миқдорга унинг тўғри келиши, албатта, олдиндан текширилади. Тажри-банинг барча майдончаларида уруғ әкиш ва кўчат ўтказиш учун бир хил машиналарнинг ўзидан фойдаланилади. Хизмат қиласидаги ходимлар ҳам ўзгартирилмайди. Майдончада сеял-ка ёки кўчат экадиган машиналарнинг тўхтаб қолишига йўл қўйилмайди.

Тажриба учун кўчатларни teng шароитда бир типдаги иншоатларда, бир усулдаги агротехник талабларга (кулай ҳароратда, бир хил намлиқда, бир хил мөъёрда озиқлантиришда ва ёргуликда) биноан етиштириш керак. Кўчатлар тутма-ганлари ўрнига әкиш ва ўсимликнинг яроқсиз ҳолларини инобатга олиб, 20-25% ортиғи билан етиштирилади. Кўчатни очиқ ерга әкишдан олдин бир хиллигини, ўсимликнинг катга-кичиликлиги бўйича бир текислигини танлаб оладилар, ўсишдан қолган, ёки ортиқча ўсиб кетган, касалликларга учраган, за-парланганлари чиқитга чиқарилади. Тажриба схемаси ёки зо-на учун кўзда туттилган усулда ва ўшандай схемада ҳар бир майдончага экилган ўсимликлар сони бир хил бўлиши керак. Экилгандан сўнг 4-5 кун ўтгач ўсимликларнинг тутиб кетган-лари ҳисобланади ва тутмаганлари ўрнига янгилари экиласиди. Полиз экинларидаги тажрибаларда майсалар қийгос уна бош-лаганда зарурият туғилса уруғ униб чиқмаган жойларга (ни-ҳоллар пайдо бўлишига таъсир қиласидаги усулларни ўрганаёт-ган тажрибалардан ташқари) қўлда экиласиди.

Тажриба майдончаларидаги экинларни парвариш қилиш ишлаб чиқаришдаги экинларни парваришлашдан фарқ қиласиди, лекин тажрибанинг барча майдончаларida парва-ришни бир хил усулда ва бир пайтда ўтказиш керак (агар фақат тажриба схемасида вариантлар бўйича ишлар муддати

турлича бўлиши кўзда тутилмаган бўлса). Майдончага ўғитни бир текис ва тўғри солишга алоҳида эътибор берилади. Органик ўғитлар юқори сифатли ва таркиби бўйича бир хил бўлиши керак. Бегона ўтлар, касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашни бир кун ичидаги ўтказиш зарур. Шунингдек, фақат майдончадаги бегона ўтларни йўқ қилмасдан, балки йўл ёқасидаги ва ариқларнинг ёnlаридагиларни ҳам йўқ қилиш керак. Зарурият туғилса экинни икки муддатда ягана қилинади (сарапланган уруғ уялаб экилганда бир марта ягана қилинса бўлади). Ўсимликни бир меъёрда жойлашганлигини ва барча майдончаларда тажриба схемасида мўлжалланган ўсимлик қалинлигини таъминлаш учун ушбу ишни пухта бажариш даркор.

Тажриба ўтказишда тўғри сугориш муҳим аҳамиятга эгадир. Суфориладиган шароитдаги тажрибаларда ҳамма вариантларда шу зона учун экинни биологик хусусиятларига мувофиқ ўз муддатида сугоришни бир хилда ўтказиш керак. Суфориш техникаси тажриба майдонининг тупроғини бир текис намиқтириш, барча майдончаларни бир хил хўлланишини таъминлаш ва айни пайтда сув сарфини ҳисоблаб бориш керак. Агар суфориш ўрганилаётган усул бўлса, унда суфориш тажриба схемасига мувофиқ ўтказилади.

Уруғни экиш, кўчатни ўтказиш ва ўсимликни парваришлаш ишларини тажриба даласида иложи борича бир кунда бажариш керак. Агар бунинг иложи бўлмаса, ишни кейинги кунда, лекин барча қайтариқ бўйича, уларни бўлакламасдан ўтказиш лозим. Қайтариқни барча вариантларида ишни бажарив, кейинги қайтариқ майдончасига ўтиш керак. Тажриба схемасининг талабига биноан, масалан, экиш ва ўтказиш муддатларини белгилаганда, суфориш тартиботи ўрганилганда тажрибадаги суфориш муддатларидан истиснога йўл қўйилади.

Тажриба даласида ўтказилаётган ишларнинг муддати, тавсифи ва сифати дала кундалиги ёки ишчи дафтарида батафсил қайд қилиб борилади ва кейин ишлаб чиқилган кўринишда дала журналига ўтказилади.

### **Тажрибадаги йўлдош (ҳамкор) изланишлар**

Ўтказиладиган ҳамма тажрибаларда ҳамкор изланишлар, албатта, бажарилиши шарт. Атроф муҳитнинг ўзгариб туришини кузатмасдан, тажрибадаги ўсимликларнинг ривожланиш жараёнини билмасдан туриб, тажриба натижаларига тўғри баҳо бериб бўлмайди.

Ҳар бир тажриба учун алоҳида ёрдамчи изланишлар дастури ишлаб чиқилади. У тажриба мақсадидан келиб чиқиши ва у билан мантиқий bogланган бўлиши керак. Кўпчилик тажрибаларда ўтказилиши зарур бўлган кузатишлар ва тадқиқотлар олдиндан маълум бўлади. Ҳусусан метеорологик омиллар ҳисоботи, фенологик кузатишлар, биометрик тадқиқотлар, тупроқ намлигини кузатиш, ўсимлик зичлигининг ҳисоби шулар жумласига киради.

Ёғингарчилик, ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлиги каби метеорологик омиллар фақат вегетацион даврда ҳисобга олинмасдан, балки олдинги кузги-қиши ойлардаги ҳолати ҳам инобатга олиниши зарур. Метеорологик шароит таҳлилини иложи борича ойлар ёки декада (ўн кунлик)лар бўйича, шунингдек, тажрибадаги ўсимликларнинг ўсиш даврлари бўйича ҳам амалга ошириш керак. Булар:

- уруғ экилгандан то нихоллар қийғос (барча сабзавот экинларида) пайдо бўлгунгача;
- нихоллар қийғос пайдо бўлгандан то илдизмева ҳосил қилгунгача ёки пиёз, бодринг, помидор ва полиз экинларида мевалар пайдо бўлгунгача;
- пиёз, илдизмевалар пайдо бўлгандан то уларнинг техник пишабошлишига қадар бўлган давр;
- илдизмевалар ва пиёзнинг техник пиша бошлишидан уларнинг ҳосилини йигиштира бошлигача;
- кўчатни ерга ўтқазилгандан то карам бошининг шаклана бошлишига қадар ва помидор меваларини териши бошлангунгача;
- карам боши шаклана бошлагандан то карамни йигиштириб олгунгача;
- кўп марта йигиштириладиган экинларнинг биринчи мевасини тергандан то охирги мевасини териб олгунгача бўлган даврлардир.

Ҳавонинг фақат ўртacha ҳароратини эмас, балки минимал ва максимал ҳароратини ҳам ўлчаш муҳим (масалан, баҳорги ва кузги совуқлар)-аҳамиятга эга.

Дала тажрибасини ўтказаётган ҳар бир тадқиқотчи тажриба ўтказилаётган йилнинг метеорологик шароити маълумотларини илгари йиллардаги дала тажрибаларида олинган маълумотлар билан боғлаб таҳлил қилиши керак.<sup>1</sup> Метеорологик маълумотлар қоида бўйича метеорологик пунктдан ёки илмий корхонадаги метеорологик станциядан (айниқса ёмғиргарчиллик бўйича) тажриба ўтказилаётган жойдан камида 30км дан

узоқ бўлмаган, энг яқин жойлашган метеорологик станциядан олиниши керак.

Тупроқ намлигини дала ишлари бошланганда уруғ экилаётган ёки кўчат ўтқазилаётган даврда, шунингдек, ўсимликнинг энг муҳим ўсиш ва ривожланиш даврида ҳар ойда бир марта аниқлаш керак. Бундан ташқари, сугориладиган майдонларда тупроқнинг намлиги ҳар сугоришдан один аниқланади.

Ўсимликнинг намлик билан таъминланиши нуқтаи назаридан тупроқ намлигининг даражасини тўғри баҳолаш учун тупроқнинг чегараланган дала нам сифими ва ўсимликнинг сўлиши бошланадиган намлик чегарасини билиш керак. Чегараланган дала нам сифими майдончани сув билан тўйинтириш методи, сўлиш намлиги чегараси С.И. Долгов методи билан аниқланади («Агрехимические методы исследования почвы», «Наука» нашриёти, М., 1975й. 296-331 бетлар).

Тупроқ намлигини аниқлаш учун намуналар 0-10, 10-20, 20-30, 30-40, 40-50, 50-60 ва 60-70см чуқурликдан олинади. Шу тупроқнинг генетик қатламлари ва илдизнинг асосий қисми жойлашган чуқурликдаги намуналар намлиги билан ўзаро боғлиқ бўлади.

Гербицидларни ва тупроққа экишдан олдин ишлов бериш тартиби ўрганиладиган тажрибаларда тупроқнинг намлигини аниқлаш учун намуналар 0-5см, 5-10, 10-20 .... 60-70см чуқурликлардан олинади. Тупроққа ишлов бериш усуллари ўрганилганда намуна олинадиган чуқурликни ишлов бериш чуқурлиги билан боғлаш керак. Намуна олинадиган ғоваклик қоида бўйича тўрт қайтариқда пармаланади. Тупроқ намлигини аниқлайдиган варианtlар сони тажриба схемасига боғлиқ. Тупроққа ишлов бериш усуллари, ўтмишдошлар, сугориш тартиботи ва бошқа усулларни ўрганадиган тажрибаларда унинг намлигини барча асосий варианtlарда, бошқа тажрибаларда эса фақат битта-иккита вариантда аниқлаш керак.

Фенологик кузатишлар агроусулларнинг ёки омиллар муҳитининг ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини баҳолаш учун зарур. Улар тажрибаларнинг барча майдончалиарида ўтказилади. Ҳар бир босқич (фаза) бўйича 10% ўсимликда унинг бошланиши ва 75% ўсимликда ёппасига ушбу босқичга киргани қайд этилади.

Сабзавот ўсимлигининг айрим турларида қуйидаги ишларни ўтказиш муддатлари ва ўсиш босқичининг бошлангани белгиланади:

*помидор, бақлажон ва қалампирда:* майсалаш, майса кўчатни кўчириб ўтқазиш, биринчи ёки иккинчи чин баргнинг пайдо бўлиши, ерга кўчатни ўтқазиш, гунчалаш, гуллаш (помидорда гуллаган вақти ва биринчи гул шодасининг жойлашган жойи белгиланади), меваларнинг пайдо бўла бошлаши, помидор меваларида пишишнинг бошланиши, қалампир ва бақлажонда-меваларнинг техник етилганлиги, биринчи ва охирги теримлари;

*бодрингда:* майсалаш, учинчи баргнинг пайдо бўлиши, ён палакларининг пайдо бўла бошлаши, оналик гулнинг гунчалаши, оталик гулнинг гуллаши, уруғчи гулнинг гуллаши, тугунчанинг пайдо бўлиши, меваларнинг биринчи ва охирги терилиши;

*полиз экинларида:* бодрингдаги ўша фазаларнинг ўзи, лекин учинчи барг фазаси ўрнига-шатрик ва палак пайдо бўлиш даври;

*илдизмеваларда:* майсалаш, илдизмеванинг шакллана бошлаши, техник етилабошли, ҳосилни йиғиштириш;

*пиёз ва саримсоқда:* майсаларнинг пайдо бўлиши, пиёзнинг пайдо бўлиши, баргларини ётиши, баргларининг қуриши, ўсимликнинг гул поя чиқариши, ҳосилни йиғиштириш;

*оқ бошли, қизил бошли, гул ва савой карамларида:* майсалаш, уруғ кўчатни кўчириб ўтқазиш, кўчатни ерга ўтқазиш, тупбаргнинг пайдо бўлиши, карам бошининг пайдо бўла бошлаши, техник пишишининг бошланиши, гул ва эртаги оқ бошли карамда-ҳосилни биринчи ва охирги териш вақтлари, кечки оқ бошли карамда-ҳосилнинг йиғиштириш вақти;

*кўп йиллик сабзавот экинларида:* (ровоч, шовул, сарсабил, кўп йиллик пиёзлар, шеролчин, ерқалампир, қатрон): майсаларининг пайдо бўлиши ёки қишлоvdан кейинги вегетациянинг бошланиши, техник етилганлиги, йиғиштириш, ҳосил кесилгандан кейин вегетатив массасининг ўса бошлаши, ерқалампир (хрен) ва қатронда –баргларининг қуриш муддатлари;

*кўкат ва зиравор экинларда:* майсалаш, техник етилганликнинг бошланиши (8-10 та барг ҳосил қилиши), ҳосилни йиғиштириш, тўпгул ва гулдор поянинг пайдо бўла бошлаши, гуллаши, уруғнинг пишиши.

Бундан ташқари ҳамма экинларда уруғни экиш ва кўчатни ўтқазиш муддати белгиланади. Лекин, вегетация даври экилган санадан эмас, балки нихоллар ялпи пайдо бўлгандан бошлаб ҳисобга олинади.

Тажрибанинг барча майдонларида ўсимликнинг қалинлиги иккى марта-кўчат экилгандан кейин ёки экинларни иккинчи яганалашдан кейин ҳамда ҳосилни йигиштиришдан олдин (илдизмевалиларда, пиёзда, кўкат экинларида-йигиштирилаётганда) аниқланади. Баъзан, агарда тажриба шартида кўрсатилган бўлса, ниҳоллар пайдо бўлиши ҳисоби уларнинг ўсиш суръатига қараб олиб борилади ва нихоллар тўла пайдо бўлиш даврида ўсимликнинг туриш қалинлиги аниқланади. Ҳамма ҳисобий майдончалардаги барча ўсимлик ҳисобга олинади. Илдизмевалиларда ва пиёзда ҳисобий қаторнинг ярмида ҳисоблашга йўл қўйилади.

Кўпчилик технологик тажрибаларда, айниқса ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига таъсир қилувчи усуллар ўрганилганда (озиқланиш майдони, кўчатни экиш усуллари, ўғит бериш, суғориш тартиби ўрганилганда) ҳар 10-20 кунда биометрик тадқиқотлар ўтказилади. Тажрибанинг ҳар вариантни 3-4 марта қайтариқланганда диагонал бўйича 3-5 жойдан 10 тадан ўсимлик ажратилади. Ҳар намунадан ўсимлик сидирғасига ажратилади. Заарқунандалар заарлаганлари ва касалликлар туфайли жароҳатланганлари чиқариб ташланади. Намунадаги 10 ўсимликнинг ҳаммаси вариант бўйича қабул қилинган бир хил озиқланиш майдонига эга бўлиши керак. Уларнинг ёнида нобуд бўлган ўсимлик ёки бўшлиқлар бўлмаслиги керак. Турли экинлардаги ўсимликларнинг ўсишини ҳисоблаш муддати қуидагича:

*помидор*: кўчати-далага экишдан олдин, ўсимликда биринчи тўпгулнинг қийғос гуллаган вақтида, биринчи ва охирги ҳосил йигиштирилганда;

*ерга уруғи билан экилган бодринг*: учинчи барг даврида, уруғчи гул гуллай бошлаганда, мева бера бошлаганда, меваларни энг кўп териш пайтида, охирги йигиштиришда (бу муддатда ўсимлик ердан суғириб олинади ва улар ўлчанади);

*полиз экинлари* (*қовун, тарвуз, қовоқ*): шатрик даврида, палак пайдо бўлиш даврида, уруғчи гулларнинг гуллаш даврида, меваларининг пишиш даврида;

*илдизмевалилар*: учинчи чин барг пайдо бўлаётганда, боғламли ва кейин кесиладиган маҳсулотни йигиштиришда, техник пишган илдизмеваларни йигиштиришда;

*пиёз*: учинчи барг пайдо бўлаётганда, пиёзбоши пайдо бўлиши бошида, ҳосил йигиштирилаётганда.

Помидор ўсимлигига бош поянинг баландлиги ва ён шохларининг сони, барвлар сони ва юзаси ҳисобланади, шин-

гиллар сони, жойлашиш қатори (нечанчи барг устида) ва уларда тугилган мевалар сони аниқланади.

Илдизмевали ўсимликларнинг ўсиш даврида барглар сони ва энг катта баргнинг узунаси ҳисобга олинади. Ҳосилни йигиштириш пайтида сони, баъзан баргнинг юзаси, энг катта баргнинг узунлиги ҳисобга олинади, илдизмеваларни барги билан ва баргсиз вазни ўлчанади. Шунингдек, илдизмевалар яна икки йўналишда-диаметри ва узунлиги ўлчанади.

Қовун, тарвуз, қовоқ ва бодринг ўсимликларида бош ва ён шохлар сони, узунлиги, айрим пайтларда барглар майдони, ён навдаларнинг сони, уруғчи ва чангчи гулларнинг, туганаклари сони, улар жойлашган жой (қайси новдаларда ва қайси барг устида), меваларининг кўндаланг ва узуна диаметри аниқланади.

Пиёз ўсимлигига барглар сони, энг катта баргнинг узунаси, пиёз бошидаги уясининг диаметри аниқланади.

Айрим тадқиқотларда ўсимликдаги куруқ модданинг ортиб бориши, барг сатҳи юзасининг ўзгариши ва баргларнинг қалинлигини аниқлаш зарур.

Ўсимликдан биометрик таҳдил учун фойдаланилганда унинг баландлиги, бош ва ён шохларининг узунлиги, баргнинг узунлиги ва эни, барг бандининг узунлиги, шингиллар сони, тугилган мевалар ва бошқаларни даланинг ўзида ёки лаборатория шароитида ўлчаб, ҳосилни эса йигиштириш тугандан кейин ҳисоблаш мумкин.

Ўсимликлар уялаб жойлаштирилган тажрибаларда уларнинг бир-бирига таъсирини аниқлаш учун уядаги ҳар бир ўсимлик ўлчанади. Турли биометрик тадқиқотларнинг методикаси «Методика физиологических исследований в овощеводстве и бахчеводстве» (ВАСХНИЛ, 1970, 45-57 бетлар) китобида муфассал ёритилган.

Туганаклар ёки илдизмевалар массасининг ўсишини ҳисоблаш ва илдиз тизимини кузатиш, шунингдек, тупроқда қолган илдиз қолдиқларини ҳисоблаш ишлари ўрганилаётган (ўсимликларни жойлаштириш (экиш) тарзи, уларнинг қатор ораларига ишлов бериш усуллари ва ҳоказо) усуллар ўсимликларнинг тупроқ сиртидаги ва илдиз тизимидағи аъзоларининг ўсиш жараёнига кучли таъсир қиласидиган тажрибаларда амалга оширилади.

Технологик тажрибаларда бутун вегетация даври давомида касаллик ва заараркунандаларнинг пайдо бўлишини, тарқалишини қайд қилиб бориши ва майдончадаги заарарланган

ўсимликлар сонини ҳисоблаш зарур. Ўсимликнинг кўпчилиги қасаллик ёки зааркунандалар билан бутунлай нобуд бўлиш даражасигача заарланган бўлса, майдонча тажрибадан чиқариб ташланади. Барглар, поялар, мевалар, туганаклар ва бошқалар қисман заарланганда шу зарар алоҳида ҳисобга олинади. Тажрибада ўрганилаётган усуллар, ўсимликнинг қасаллик ва заракунандалар билан жароҳатланганлик даражасига таъсир қиласидан бўлса, бундай шароитда (масалан, ўтмишдошлар, тупроққа ишлов бериш усуллари ва бошқалар ўрганилаётганда) майдончани тажрибадан чиқариб ташлаш мумкин эмас.

Тупроққа ишлов бериш усуллари, ўтмишдошлар, гербцидлар, органик ўғитларнинг турлари ўрганилаётган тажрибаларда, шунингдек, баъзи бошқа тажрибаларда экинларни бегона ўтлар билан ифлосланганлигини ҳисобга олиш, албатта, зарур. Ўсув даврида ҳар бир навбатдаги культивация, ўтоқ қилишдан олдин, шунингдек, ҳосилни теришдан олдин ўтларнинг сони саналади. Ифлосланганликни ҳисоблаш 6-10 марта тақрорланиши керак. Ўтларнинг турлари бўйича таркибини ва уларнинг вазнини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Илдиз тизимини кузатиш ҳамда илдиз қолдиқларининг ҳисоби маҳсус методика бўйича ўтказилади. (В.Ф.Белик, Н.З. Станков, 1957й., В.Ф. Белик ва бошқалар 1970. 67-72 бетлар).

Маҳсус ажратилган ҳисоблаш майдончасида ёки андоза ўсимликларда барглар сатҳи аниқланади. 1 гектар ерда  $1\text{m}^2$ дан 10 та майдонча, ёки  $5\text{ m}^2$ дан 3-4 та майдонча бўлиши керак.

Андоза ўсимлигини танлаш учун унинг баландлиги, барглар сони, поясининг диаметри ёки 100 ўсимликда карам бoshининг диаметри ўлчанади. Улардаги барг сатҳини аниқлаш учун 10 та ўртacha ўсимлик ўлчови бўйича танланади. Бирламчи майдондаги ўсимликлар сонини аниқлаб, бир гектардаги барглар сатҳи ҳисоблаб чиқилади. Барглар сатҳини ҳисоблаш пайтида ўсимликнинг биомассасини аниқлаш мумкин.

Барглар сатҳи қуйидаги усуллар билан аниқланади:

- оддий ёки ёруғни сезадиган қофозда баргнинг изини олиш ўйли билан;
- Гаврилов системасида фотопланиметр ёрдамида;
- тортиши усулида.

Бунда бандсиз ҳамма баргларнинг оғирлиги аниқланади, кейин бирмунча майдоннинг ўйиб олинган вазнини ва бир гектар ердаги барглар майдонини ҳисоблайдилар.

Н.Ф. Коняев ишлаб чиқсан математик методлар билан (1970), барглар шакли тўғри геометрик шаклга яқин бўлса,

уларнинг майдонини шу сатҳ шаклини аниқлайдиган формулада аниқланади. Масалан, карамни думалоқ баргларининг сатҳини айланадиган формуласи бўйича ҳисоблаш мумкин

$$\left( \frac{\pi a^2}{4} \right)$$

Бу ҳолда: а –баргнинг эни. Лекин баргнинг шакли тўғри геометрик шаклларга аниқ мос бўлмагани учун тўғриловчи коэффициентлар (к) киритишга тўғри келади. Улар ёрдамида баргларнинг аниқ белгиланган ҳақиқий сатҳи ва формулалар ёрдамида ҳисоблаб чиқилган тўғри геометрик шакл сатҳи нисбати ҳисоблаб чиқилади. Кучли ёки ўрта қирқилган баргларнинг сатҳини аниқлаш учун, яъни тўғри геометрик шаклдан кескин фарқ қиласидиган бўлса, Н.Ф. Коняев (1970) ўзи ишлаб чиққан формуладан фойдланишни таклиф этади:

$$Y = (a + bx)\eta,$$

**Бу ҳолда:** У –барглар сатҳи; а ва б –регрессия (орқага қайтиш) методи билан ҳар бир нав учун аниқланадиган ўзгармас миқдор (константа)лардир; х –узунлигининг энига ёки барг узунлиги квадратининг кўпайтмаси; п – намунадаги барглар сони.

Асосий сабзавот экинлари ўсимликлари барглари майдонини аниқлаш учун Н.Ф. Коняев 18 та формула ишлаб чиқди. (3-жадвал)

3- жадвал

#### Сабзавот экинлари барглари сатҳини аниқлаш учун формулалар

Экин	Нав	$Y = (a + bx)\eta, \text{ см}^2$	$x^*, \text{ см}$
Оқ бош карам	Слава грибовская Белорусская-455 Амагер-611 Московская поздняя	$Y = (-31 + 0,82x)\eta$ $Y = (13,3 + 0,762x)\eta$ $Y = (29 + 0,74x)\eta$ $Y = (-78 + 0,85x)\eta$	Д.ш Д.ш Д.ш Д.ш
Сабзи Бодринг	Нантская Олтита нав	$Y = (-23 + 0,391x)\eta$ $Y = (-9,8 + 0,676x)\eta$	Дж <sup>2</sup> Д.ш
Бошли пиёз	Каба Каба Бессоновский Бессоновский	$Y = (8,2 + 0,051x)\eta$ $Y = (10,4 + 0,611x)\eta$ $Y = (10,4 + 0,051x)\eta$ $Y = (7,5 + 0,624x)\eta$	Дл <sup>2</sup> Д.ш Дл <sup>2</sup> Д.ш
Батун пиёзи Помидор Редис Пастернак	Грибовский Алпатьева 905-А Рубин Студент	$Y = (9 + 0,376x)\eta$ $Y = (-17,2 + 0,364x)\eta$ $Y = (0,5 + 0,672x)\eta$ $Y = (9,5 + 0,380x)\eta$	Дл <sup>2</sup> Дл <sup>2</sup> Дл <sup>2</sup> Дл <sup>2</sup>
Лавлаги Дуккак Шолғом Картошка	Бордо Белорусский Миланская Романо	$Y = (16 + 0,624x)\eta$ $Y = (-5 + 0,508x)\eta$ $Y = (3,5 + 0,5698x)\eta$ $Y = (16 + 0,624x)\eta$	Д.ш Дл <sup>2</sup> Д.ш Д.ш

\*д.ш –узунлиги, х-эни; дж-томирининг узунлиги;  
дл-баргнинг узунлиги; дл- япроғ узунлиги.

Барг сатҳини ва бошқа биометрик мълумотларни билгач, бир неча муҳим кўрсаткічларни; яъни баргнинг фотосинтетик имконияти, унинг юзаси индексини (барг сатҳининг экилган майдонга нисбати), нав ёки экиннинг хўжалик самараадорлиги коэффициенти (ўсимликлар массасининг маҳсулдор аъзолар-мевалар, карам боши, илдизмевалар массасига нисбати) ва бошқаларни енгил ҳисоблаб чиқиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган кузатишлардан ташқари, ҳар қандай тажрибаларда у бошланган биринчи кундан эътиборан вақти-вақти билан барча майдончаларни кузатишдан мақсад-вариантлар бўйича ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини солишиши, уларни ривожланишидаги ўзгаришларни (баргларнинг қуриши, гулларнинг сочилиши, туганакларнинг тўклиши, эркаклашининг пайдо бўлиши ва бошқаларни) қайд қилишдир. Бир майдончанинг ўзида ўсимликларнинг хотекис ривожланиши ҳам қайд қилинади, унинг сабаби аниқланади. Ушбу ходиса тасодифийми ёки ўрганилаётган тадбир туфайли бўлдими, у битта майдончада бўлдими ёки ушбу вариантнинг барча майдончасида (қайтариқда) кузатилдими, буни аниқлаш керак. Кузатишлар натижалари кундалик дафтарига ёзил борилади, кейин дала журналига қайд қилинади, ва ундан тажриба натижалари таҳлилида фойдаланилади.

Кўпчилик тажрибаларда жуда кўп ёрдамчи физиологик, биокимёвий ва агрокимёвий тадқиқотлар ўтказилади. Уларни ўтказиш методикаси қуйидаги манбаларда келтирилган: А.В. Петербургский. «Практикум по агрономической химии».-М: сельхозиздат, 1968; «Методика физиологических исследований в овощеводстве и бахчеводстве» (Под ред. В.Ф. Белика.-М.: ВАСХНИЛ, 1970); Е.В. Аринушкина. «Руководство по химическому анализу почв».-М.: Изд-во Мос. Университета, 1970; «Методы биохимического исследования растений» (Под ред. А.И. Ермакова.-М.; Колос, 1972).

### **Тажриба ўтказилаётган майдончалардаги экинлар ҳосилини ҳисоблашга тайёрлаш**

Ҳосилни теришдан олдин тажриба ўтказилаётган барча майдончалар синчилаб кузатилади ва ўсимликнинг туриш қалинлиги аниқланади. Ҳар бир майдонча қозикча ёки каноп иш билан айлантириб кўйилади. Қайси майдончада ўрганилаётган агротадбирнинг таъсири бўлмагани сабабли сийраклашиш кузатилса, ўша майдонча ҳисобдан чиқариб ташланади.

Агар ўрганилаётган тадбир ўсимликнинг туриш қалинлигига таъсир қиласидиган бўлса (масалан, экиш усули ва экиш миқдори, қатор ораларига ишлов бериш усули, гербициздларни кўллаш ва ҳоказо), бу ҳолда сийраклашгани учун майдонча ҳисобдан чиқариб ташланмайди (назорат вариантидан ташқариси).

Пиёз, сабзи ва кўпчилик кўкат сабзавот экинлари қаторида 30 см ва ундан кўп майдончасида, қизил лавлаги экини қаторида 50 см ва кўпроқ жойда ўсимлик бўлмаса, майдонча ҳисобдан чиқариб ташланishi керак. Карам, помидор, бодлинг, қалампир ва бақлажон экинларида ҳамда полиз экинларининг эгатлари қаторида иккита ва ундан ортиқ ўсимлик бўлмагандага ўша қаторнинг бўлаги ҳисобдан чиқариб ташланади. Ўсимликнинг туриш қалинлиги олдиндан мўлжалланган миқдорга нисбатан фоиз бўйича ҳисобланади.

Бутун майдончани ҳисобдан чиқариб ташлаш ёки «яроқсиз» деб фақат субъектив фикр ёки экспериментаторнинг таъсироти учун эмас, балки яққол қўзга ташланадиган ташки объектив сабаблар асос қилиб олиниши керак. Тажриба қўйилаётганда ва ўтказилаётгандаги хатолар сирасига; молга едириш ва ўғирлашлар, майдон рельефининг нотекислиги сабабли текис суфорилмаганлиги, табиий офатлар туфайли ўсимликларнинг заарланиши, олдинги йилда минерал ва бошқа ўғитлар ортиқча солинган жойда ўсимликларнинг кучли ривожланиши, уларнинг касаллик ва зааркундалар билан заарланиши киради. Зааркундаларнинг ўсимликларни заарлагани тасодифий бўлса, шунингдек юз берган бошқа камчиликлар ўрганилаётган агротадбир билан боғлиқ бўлмаса, шу майдон ҳам ҳисобдан чиқариб ташланади.

Чиқариб ташланадиган майдон аниқланганда уларга ёнидаги қўшни ўсимликлар ҳам қўшилади. Сабаби, уларнинг но меъёр шароитдаги ҳолатда ривожланганлигидир. Чиқариб ташланган жойга тўғри шакл берилади (квадрат, тўғрибурчак) ва қатордаги чиқариб ташланган қисмининг узунлигини эгат оралари энiga кўпайтириб, унинг майдони аниқланади.

Ҳар бир чиқариб ташланган майдон кундаликка ёки иш дафтарига ёзиб борилади ва кейин дала журналига ўтказилади. Тажрибанинг умумий майдони ва чиқариб ташланган майдон ўртасидаги фарқ бўйича, хақиқий ҳисобий майдонча аниқланади. Чиқариб ташланган майдон ҳисобий майдончанинг 50%дан ортигини ташкил қиласа, майдончанинг ҳаммаси ҳисобдан чиқариб ташланади.

Майдончани чиқарып ташлаш ва «яроқсиз» деб топиш күнгилсиз чора албатта. Чунки вариантларни таққослаш бир хил бўлмайди ва тажриба натижалари бузилади. Шунинг учун тажрибаларни ўтказишида ўсимлик сийрак бўлган майдончани чиқарып ташлашга ўрин қолдирмайдиган даражада иш тутишга ҳаракат қилиш керак.

### **Ҳосилни йигиштириш ва ҳисоблаш**

Ҳосилнинг микдори ва сифати, тажрибада олинган маълумотларнинг қиммати ва тўғрилиги фақат қўлланилган технологияга боғлиқ бўлмасдан, балки етиштирилган маҳсулотни ўз вақтида ва пухта синчиклаб йигиштиришга ҳам боғлиқ. Ҳосилни йигиштиришда йўл қўйилган хатолар тажрибанинг қимматини пасайтириши, ҳатто, уни яроқсиз қилишга олиб келиши мумкин. Шунинг учун теришга ва ҳосилни ҳисоблашга алоҳида эътибор берилади.

Тажрибанинг барча майдончаларида йигиштириш ва ҳосилни ҳисоблаш бир усулда ўтказилади. Бу иш қисқа муддатда, иложи борича бир кунда, ҳеч бўлмаса икки кунда (ундан ортиқ эмас) амалга оширилиши керак. Ҳоилни варианtlар бўйича эмас (Агар тажриба дастурида тажриба схемасининг варианtlарини турли муддатларда йигиштириш кўзда тутилмаган бўлса) қайтариқлар бўйича йигиштириш керак. Фақат бир қайтариқдаги ҳосилни тўлиқ йигиштириб бўлгандан сўнг, кейингисининг ҳосилини йигиштиришга киришилади.

Қоида бўйича ҳосилни ҳисоблаш майдончадаги барча маҳсулотни тортиш йўли билан товар ва нотоварга ажратиб бажарилади. Ҳосилнинг товар қисми алоҳида-алоҳида стандарт ва ностандарт қисмга ажратилиб ҳисобланади. Стандарт маҳсулот ГОСТ талабига биноан аниқланади. ГОСТ талабига жавоб бермайдиган, лекин сотишга ёки қайта ишлашга яроқли маҳсулотлар ҳосил товар қисмининг ностандарт (масалан, диаметри 13 см дан кам бўлган пишган тарвуз мевалири, нотўғри шаклдаги бодринг мевалири ва бошқалар) бўллагига киритилади. Ҳосилнинг нотовар қисмига эса сотишга ва қайта ишлашга яроқсиз маҳсулотлар киритилади. Помидорнинг кўк мевалири, шу жумладан, охирги теримда йигиштирилгани, агар улар тузлашга ёки сиркалашга яроқли бўлса, товар ностандарт маҳсулот ҳисобланади. Ностандарт маҳсулот ажратиб олиниб, касаллик ва зааркунандалар, ёки теришдаги механик таъсир туфайли заарланганлари, шакли ва вазни

бүйича стандартга түгри келмайдиганлари, пишиб етилмаган ва ўта пишиб кетганлари алоҳида-алоҳида ҳисобланниши зарур.

Дала тажрибаларида ҳосил ҳисобланганда, қоида бүйича ёппасига (майдонча бүйича), айрим пайтда қатор ва метр бүйича танлаш усули кўлланилади. Иккинчи ҳолатда қатордаги ўсимликларнинг бир текис ривожланганликлари жуда муҳим. Сабзавотчилик илмий-текшириш институтида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, қатор ораси чопиқ қилинадиган экинларда фиддирак изи тупроқни зичлаштириши туфайли у билан чегарадош бўлган қатордаги ўсимликлар ҳосили пасайиши мумкин. Шунинг учун танлаб йигиштириш усулида ҳосилни экадиган ёки ўтказадиган аппаратларнинг бир қамровда барча қаторларни эгаллайдиган кўндаланг майдончалар бўйича(қатор узунлиги бўйича 1-2м) ҳисоблаш керак. Шунда ўтказадиган ва экадиган аппаратлар иш сифатининг пастлиги туфайли ўсимликларнинг қандай ривожланганлигини ва маҳсулдорлигининг нотекис бўлиши сабаби аниқланади.

Ҳосилни ёппасига ҳисоблаш методида маҳсулот ҳамма ҳисобий майдончадан терилади ва дарҳол тортилади. Илдизмевалар ва бошқа маҳсулдор аъзолар кучли ифлосланганда 10-15кг дан намуна олинади, тупроқдан тозаланади. Намуна тозалашгача ва ундан кейин тортилади ва йигиштирилган маҳсулотдаги тупроқ фоизи ҳисобланади.

Ҳосилни ҳисоблаш пайтида одатда товар меванинг, карам боши ёки илдизмеванинг вазни (грамм ёки килограммда) пиёз ва саримсоқда уялар сони аниқланади. Саримсоқда бир тишли ва гулдор поя чиқарадиган ва чиқармайдиган шакли аниқланади. Карам боши ва полиз экинлари меваларининг ўртача вазнини ҳисоблаш учун товар ҳосил вазнини йигиштирилган товар карам боши ёки мевалар сонига бўлинади. Айрим илдизмеваларни ва пиёзнинг ўртача вазнини иккита кўшни бўлмаган такрорлаш майдончасидан олинган, вазни 5-10 кгли намунадан аниқланади. Кўп териладиган мевали экинларда (помидор, бодринг, қовун, тарвуз, қалампир, бақлажон) айрим меваларнинг ўртача вазни ҳар теримда аниқланади ва ўртаси ҳисобга олинади.

Ҳисобий майдончалардан ҳосилни йигиштиришда хатоликка йўл қўймаслик учун ҳимоя ва чиқариб ташланган жойдан уни тергандан кейин ўтказиш маъкул. Лекин экинларни ўғирлаш ва мол ейиш ҳоллари юз берадиган бўлса, унда тажриба майдончасидаги ҳосилни биринчи навбатда олдиндан

чегарасини белгилаб, териб олиш зарур. Ҳар қайси навбатдаги теришдан олдин ҳисобий майдончаларни кўздан кечириш керак ва зарурият бўлса янги чиқариб ташлайдиган жойларни ажратиш керак. Бу тўғрида дала журналига тегишлича белги қилиб кўйиш зарур. Шунинг учун ушбу майдончадаги ҳақиқий ҳисоблаш майдони, йиғишириш давомийлигининг ҳамма даврида ўзгариши мумкин. Бундай пайтда ҳар теримда ҳосил бўйича, гектар кейин барча теримлар бўйича умумий ҳосил ҳисоблаш чиқилади.

Маҳсулот мазасининг сифатига ва кимёвий таркибиغا таъсир қиласидиган методлар ўрганилганда биокимёвий баҳолаш амалга оширилади, қовун, тарвуз, помидор ва бодринг етиширилганда эса шунингдек, меваларни татиб кўриб (дегустация) баҳо берилади.

Барча майдонча ва ҳамма варианtlарда йиғишириш ишлари сифатини бир хилда бўлишини таъминлаш керак: карам бошини баргларидан бир хилда тозалаб, бандларини қирқиб ташлаш, пиёзни барги, илдизмевалиларни палагидан ҳоли қилиш, помидор, қалампир, бодринг, қовоқчаларнинг бир хил даражада етилган меваларни териш ва ҳоказо. Шунинг учун ҳамма тажриба даласидаги ҳосилни ёки бир такрорини тажрибали ишчиларнинг ўзлари йиғиширишлари керак.

Фақат ҳосилнинг миқдори ва сифатини эмас, балки унинг пишиб етилиш муддатини билиш ҳам муҳим. Ўрганилаётган тадбирларнинг кўп териладиган экинлар ҳосилининг пишишининг тезлашувига таъсирини аниқлаш учун (помидор, бодринг, қовун, тарвуз, қалампир, бақлажон, эртапишар карам) ҳосилни териш суръатини, (ҳамма теримдаги умумий ҳосилдан ташқари) ҳар теримдаги (қовун, тарвуз, бодринг, карамда) ёки дастлабки 4-5 теримдаги (помидорда, қалампирда, бақлажонда) ё бўлмаса бешкунлик ёки декадалар бўйича (масалан, 10май, 20 май, 1 июн ва ҳакозо) теримдаги ҳосилни ҳисоблаш зарур. Кўрсатилган экинлар билан тажрибаларда умумий ҳосилдан биринчи теримдаги ҳосил қанча фоизни ташкил қилишини, (биринчи 4-5 терим бўйича) ёки ҳосил берабошлагандан биринчи-иккинчи декадада ёки аниқ бир санадагиси аниқланади.

### **Дала тажрибаси натижаларини ишлаб (ўрганиб) чиқиш**

Дала тажрибаси маълумотларини ишлаб чиқиш муҳим босқич бўлиб, унда ҳисобий майдончалардан олинган ҳосилни

гектардаги ҳосилга айлантириш, варианктар бүйича ўртача ҳосилни ҳисоблаш, күшімчада ҳосилни аниқлаш, тажрибалар-нинг аниқлігінің ва күшімчада ҳосилнинг хақиқиетлігінің белгілаш зарур.

Хар бир вариант учун барча қайтариқтар бүйича ҳосилни ҳисоблаш, әр бир қайтариқ бүйича ҳосилнинг қанчалық үзгартылған аниқланади. Агар үзгариш күп болса, ушбу үзгаришнинг сабабини топишга ҳаракат қилиш лозим. Бунда қойылады: үсимликтарнинг сийраклигі, етишмаслығы; участка рельефининг нотекислигі; участка бүйича тупроқнинг нотекис намиқтирилиши; тупроқ қатламынинг әр түрлілігі ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин.

Тажриба ўтказиш методикасынинг бузилиши сабабли ҳам ҳосилнинг үзгариши рўй беради. Шунинг учун маълумотлар ишлаб чиқилаётганда әр хил майдончаларда турли сифатли кўчат ёки турли сифатга эга бўлган уруғ экилган бўлиши, уруғ экиш ва кўчатни ўтказиш муддатларининг чўзилиб кетиши, ҳосилни йиғиштиришда бўладиган нобудгарчилик ва бошқа сабаблар инобатга олиниши лозим.

Айрим қайтариқтар бүйича улар ҳосилининг маълумотлари кескин фарқланса, шубҳали ҳисобланади. Лекин ҳамма шубҳали маълумотларни яроқсиз чиқариб бўлмайди. Бундай маълумотларни яроқсиз қилиш учун маълум мезонга эга бўлиш керак. Бунинг учун қойылади формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\frac{X - X_1}{(X_{\max} - X_{\min})K} > 2,58$$

**Бунда:**  $X - X_1$  -шубҳали ҳосилдорлик билан варианктар бүйича ўртача ҳосилдорликнинг фарқи;  $X_{\max}$ - вариант бүйича энг юқори ҳосил;  $X_{\min}$ -вариант бүйича энг паст ҳосил;  $K$ - коэффициент, қайтариқтар сони билан аниқланади.

2-марта қайтариқда  $K=0,886$ , 3-мартада-0,591, 4-мартада-0,486, 5-мартада-0,430, 6-мартада-0,395.

Масалан, мувоғиқ равишда қайтариқтар бүйича ҳосилдорлик 41,46,48 ва 49га/т.ни ташкил қилди Ўртача ҳосилдорлик – 44,8т/га. Бунда 41ва49т/га ҳосилдорлик шубҳали ҳисобланади. Хўш, 41т.га тенг ҳосилдорликнинг яроқсиз қилиш керакми?

Мос маълумотларни формулага солиб,

$$\frac{44,8 - 41}{(49 - 41) \cdot 0,486} = \frac{3,80}{3,88} = 0,97 \text{ ни оламиз}$$

0,97 рақами 2,58дан анча кам бўлгани учун шубҳаланган майдончадаги ҳосилнинг маълумотларини яроқсиз қилиш керак эмас.

49т/га ҳосилдорлик учун мувофиқ равишда оламиз:

$$\frac{49 - 44,8}{3,88} = \frac{4,2}{3,88} = 1,3 \text{ Бу } 2,58 \text{ дан кам}$$

Демак, ҳосилни бу кўрсаткичини ҳам яроқсиз қилиш керак эмас.

Агар ҳосил маълумотларини 4 қайтариқдан 2 таси ёки 6 қайтариқдан 3 таси яроқсиз қилинса, унда барча варианtlарни яроқсиз қилиш керак бўлади. Бирорта қайтариқ бўйича бир неча варианtlарнинг ҳосилдорлиги яроқсиз қилинса, унда ушбу қайтариқни бутунлигicha яроқсизга чиқариш керак.

Махсус методика ёрдамида яроқсиз қилинган майдонча ҳосилининг энг эҳтимолга яқин миқдори аҳамиятини ҳисоблаб, яроқсиз қилинган майдончаларнинг ҳосилдорлигини тиклаш мумкин («Дала тажрибалари маълумотларини математик ишлаб чиқиш бўлимига қаранг»).

Барча варианtlар учун ўртача ҳосилдорлик бир хил сонли қайtариқлар бўйича ҳисобланади.

Қоида бўйича, олинган маълумотларни математик ишлаб чиқиш дисперсион таҳлил методи бўйича ўтказилади.

### Хужжатларни расмийлаштириш

Тажрибанинг иш режаси (ластур) асосида илмий тадқиқотларнинг ўтказилиши сабабли у асосий ҳужжат ҳисобланади. У бажарувчи томонидан тузилади ва илмий бўлим, кафедра, методик комиссия ёки илмий кенгаш йигилишида тасдиқланади. Иш режасида мавзунинг (бўлим) номи, ишнинг бажарилиш муддати ва жойи, раҳбар ва бажарувчининг лавозими, фамилия ва инициаллари, тажрибаларнинг асосланганилиги ва вазифаси, тажриба ўтказиши методлари (лабораторияда, вегетацион майдончада, лизиметрда, далада ёки уларни бирга қўшиб), тажриба схемалари ва методикаси, ёрдамчи изланишлар ва кузатишлар методикаси рўйхати, кутилаётган натижалар, тажрибалар ўтказиши учун зарур воситалар, материаллар ва ускуналар кўрсатилади.

Тажриба жараёнида бажарувчи барча технологик ишларни, ташқи муҳит шароитини ҳисоблаш ва ўсимликни кузатиш

ишларини рўйхатга олиб бориши лозим. Улар илмий ҳисобот ёзиш учун кейинчалик асос бўлиб ҳисобланади. Ҳисоблаш ва кузатишлар натижалари ҳар куни лаборатория ёки даланинг ўзида ишни бажариш вақтида ёки у тугагандан кейин дарҳол тегишли шаклда дала ишлари кундалигига қайд этилади. Ёзувлар оддий қалам ёки шарикли ручка билан бажарилиб, барча киритиладиган ўзгартишларга изоҳ бериш зарур. Ишчи дафтарлар ёки журналлар кундалик учун қўшимча бирламчи ҳужжат бўлиши мумкин. Кундаликда ялпи кузатиш, ҳисоблаш ва таҳлил маълумотлари ишлаб чиқилади.

Дала тажрибасининг журнали мужассамлантирувчи ҳужжат ҳисобланади. У бирламчи ҳужжатлар асосида, кузатиш ва ишларни бажарилиши бўйича ўз вақтида ва пухта қилиб сиёҳ билан тўлдирилади. У хонада сақланади. Бу журналда дала тажрибаси бўйича (жадвал, график ва текст) барча асосий маълумотлар тўпланган бўлиши лозим. Дала тажрибаси журналида қўйидаги ёзувлар бўлиши керак:

сарварағида: мавзунинг (тажрибанинг) номи, муддати ва ўтказиладиган жойи, раҳбар ва бажарувчининг мансаби, исми ва фамилияси;

журналнинг бетларида: тажрибанинг мақсади ва вазифаси;

тажрибани жойлаштириш режаси ва схемасининг чизма кўчирмаси; участканинг тавсифи ва тарихи (тупроғи, ўтмишдош экин, ўғитлаш ва бошқалар); участка тупроғининг агрокимёвий, агрофизик ва бошқа тавсифи; тадқиқотлар дастури ва методикаси; тажриба ўтказиш давридаги ишлар рўйхати (муддати, усули ва бажариш сифати кўрсатилиши керак); график ва жадвал кўринишида ишлаб чиқилган таҳлил ва кузатишлар натижалари; майдончалар бўйича ва гектарга ўтказилган ҳосил ҳисоби бўйича ишлаб чиқилган натижалар (бунда яна майдончалар юзаси ва ҳисобдан чиқарилган ўсимликлардан кейин қолган ўсимликлар сони келтирилади); статистик ишлаб чиқилган маълумотлар натижалари ёзилади.

Тажриба тугагандан кейин илмий ҳисобот ёзилади, олинган маълумотларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун илмий мақолалар ва тавсиялар расмийлаштирилади.

Илмий ҳисобот қўйидаги асосий бўлимларни: изланишларнинг мақсади ва вазифаси, масаланинг қисқача тарихи (илмий адабиётлар бўйича), тажрибанинг схемаси, методикаси ва шароити; изланишлар натижалари, хulosалар ва амалий таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалар ва маълумотномаларни ўз ичига олади.

## **2-боб. САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ВА КАРТОШКА ЭКИНЛАРИ БҮЙИЧА АЛМАШЛАБ ЭКИШНИ ЎРГАНИШ ВА АГРОНОМИК АСОСЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ**

### **Агрономик асосларини ўрганишнинг асосий усуслари**

Дала тажрибаси алмашлаб экишнинг агрономик асосларини ўрганишнинг энг муҳим усули ҳисобланади. Экинлар сони ва ёрдамчи кузатувлар йифиндиси бўйича алмашлаб экишни ўрганишдаги дала тажрибаларининг муддати узоқ ва мураккабдир. Алмашлаб экиш физиолог, фитопатолог, энтомолог, микробиолог, агрохимик ва технологлар ҳамкорлигига кенг кўламда ўрганилса энг самарали натижага эришилади.

Алмашлаб экишни ўрганишдаги дала тажрибаларининг натижалари унинг схемасини тўғри танлаш ва уларни таққослаб баҳолашнинг услубларига боғлиқ. Алмашлаб экишни кетма-кет босқичлар бўйича тадқиқ қилиш энг самарали усул ҳисобланади. Алмашлаб экишнинг турли босқичларини ўрганишни сабзавот, полиз, картошка ва оралиқ экинларининг ўтмишдошларини етишириш тажрибаларини ўрганишдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Шундан сўнг олинган маълумотлар асосида етакчи, асосий экинлар учун алмашлаб экиш схемаси тузилади ва кейинги тадқиқотларнинг учинчи босқичида улар ўрганилади. Бу босқичда тупроққа ишлов бериш, ўғитлаш ва бошقا технологик тадбирлар тизимини биргаликда қўллаб, кўп омилли тажрибаларда алмашлаб экишнинг илмий асосланган тадқиқотлари олиб борилади.

Тажрибалар жойда 4 қайтариқда ва вақти давомида 2 ва 3 қайтариқда ўтказилади. Қайтариқлар кетма-кет, бир қатор ёки қаватлаб жойлаштирилади. Иккинчиси қўлланилганда қаватлар орасида қишлоқ хўялиги машиналари уруф ва кўчат экайтганда, ўсимликларни парваришлаётганда айланиши учун экилмаган (бўш) майдон қолдирилади. Вариантларни жойлаштириш (ўтмишдош ва кейинги экин) тизимли ёки тасодифий бўлиши мумкин. Алмашлаб экиш усули ўрганилганда ҳар бир майдончанинг сатҳи  $100\text{m}^2$  дан кам бўлмаслиги керак.

Майдончанинг эни ва узунлиги сеялка, экин экгич ва

тупроқға ишлов берадиган машинанинг қамровига тенг бўлиши керак. Тажриба майдони катта бўлишига қарамасдан тупроқни тайёрлаш, экиш ва экинларни парваришлаш ишлари ўз вақтида механизация ёрдамида бажарилса тажрибанинг аниқлиги анчага ортади.

Стационар тажрибаларда майдонча сатхини олдиндан ўйлаб танланса, иккинчи йил схемаси биринчи йил схемасига, учинчи йилники иккинчи йилникига (ва ҳоказо) оғишимасдан тўғри келиши керак. Йиллар бўйича майдонча силжиши мумкин. Ҳисобий майдон ажратилаётганда буни зътиборга олиш зарур. Ўтмишдош ва кейинги экинларни парваришлаш тажрибаларида ўсимликларнинг биологик хусусиятларини ва шароитга талабларини инобатга олиб, ушбу минтаقا учун қабул қилинган технология бўйича етиширилади.

Сабзавотчиликда ўтмишдош экиннинг кейинги экинга таъсирини ўрганадиган тажрибалар бир омилли, агар ўрганиш учун кўшимча технологияни бошқа (2-3 та) элементлари кўшилса, кўп омилли бўлиши мумкин.

### **Ўтмишдош экинларни ўрганиш бўйича тажрибалар**

Тажрибанинг мақсади олдинги экиннинг кейинги 2-3 та экинга таъсири ва кейинги таъсири шароитида экинларнинг ўсиш ва хосил тўплаш жараёнини ўрганишдир.

Ҳар бир тажрибанинг давомийлиги 3 йилдан кам бўлмаслиги керак. Биринчи йил ўтмишдошларни жойлаштириш, иккинчи йил—биринчи экин ўтмишдошларнинг таъсири, учинчи йил иккинчи экиннинг кейинги экинга таъсири ўрганилади. Агар иккинчи экин ҳосилидаги кўшимча фарқ ишончли бўлса, асосий варианtlар ораларидаги ҳосил бўйича фарқ энг кам муҳим фарқдан кам бўлмагунча тажриба давом эттирилаверади. Ўтмишдошлар тажрибасида ушбу шароитда тан олинган ўтмишдош ёки навбатдош экинлар назорат хизматини ўтайдилар.

Ўтмишдошлар билан тажрибаларни турли технологик фонда ўtkазиш тавсия қилинади. Бунда парваришлаш шароитига ўтмишдошларни ва кейинги экинларнинг муносабати тўлиқ намоён бўлади. Фонлар сонига қараб ўтмишдошлар майдончаси тенг қилиб кўндалант йўналишда тақсимланади. Фонлар озиқланиши даражаси, навлар, тупроққа ишлов бериш, бегона ўтларга қарши курашиш ва бошқалар бўйича фарқланиши мумкин (4-жадвал).

## Ўтмишдош ва қайтариқ экинларни жойлаштиришнинг тахминий режаланиши

Биринчи асосий экинлар							
Карам	Картошка	Сабзи	Ош лавлаги	Редис	Пиёз	Күк нұхот	
Ұша йилдаги қайтариқ экинлар							
Картошка Бодринг Сабзи Лавлаги Пиёз	Карам Бодринг Сабзи Лавлаги Мош Ловия Нұхот Пиёз Турп Шолғом Құқатлар Гүлкәрам	Картошка Карам Бодринг Помидор Ош лавлаги Мош Нұхот Шириңжұхори Турп Шолғом Саримсоқ	Картошка Карам Турп Шолғом Шириң- жұхори Құқатлар	Қовун Тарвуз Қовоқ Помидор Картошка Бодринг Қовоқча Патиссон	Жавдар Күзги нұхот Берсім Перко	Полиз экинлари Помидор Картошка Бодринг Қовоқча Патиссон	

Ушбу асосий ва такрорий экинларни жойлаштириш республиканинг марказий минтақа шароитидаги вилоятларда фойдаланишга мүлжалланған. Бошқа вилоятларда экин турлары уларнинг вегетация даврининг давомийлигига қараб жойлаштирилади. Сабзавотчилик хұжаликларыда ғалла экини экилишини инобаттаға олиб, ғалладан бүшаган ерларға такрорий экинларнинг деярлик барчасини экса бўлади. Бунда фақат октябр ойининг ўртасигача далани бўшатадиган экинни экиш керак. Сабаби такрорий экинлардан бўшаган далаларга яна кузги ғалла экилиши мумкин.

### Оралиқ экинлар самарадорлигини ўрганиши

Сабзавотларни алмашлаб экишда оралиқ экинлардан фойдаланиш амалий жиҳатдан катта ақамиятга эга. «Оралиқ экинлар» деб, куз-қиши даврида күпинча бўш ётадиган ерларға экиладиган экинларга айтилади.

Оралиқ экинларни ўрганишдан мақсад - энг яхши оралиқ экинларни, уларнинг экиш муддатлари ва алмашлаб экишдаги энг юқори самара берувчи бўғинини аниқлаш, кейинги экинларнинг ўсиш ва ривожланиш шароитини ўзгартиришда оралиқ экинларнинг ўрни ва уларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдир.

Оралиқ экинларнинг ҳар бир гуруҳига алоҳида тажриба қўйиш тавсия қилинади. Ҳар тажрибанинг давомийлиги уч йилдан кам бўлмаслиги керак (биринчи йил-асосий экин+ оралиқ, иккинчи йил-биринчи экин-таъсири, учинчи йил-иккинчи экин-кейинги таъсири). Агар иккинчи экиндаги қў-

шимча ҳосил ҳақиқий фарқни берса, тажриба давом эттирилади. Назорат сифатида ўша асосий экинларнинг ўзи (фақат оралиқсиз) экилади. Тажрибаларни битта ёки бир неча технологик фонда олиб бориш мумкин. Бунда фонлар сонига қараб майдончалар кўндаланг йўналишда жойлаштирилади. Тажриба қўйилгунча маҳсус тадқиқотлар билан донли ўсимликлардан бўшаган ерга экиладиган кўкат экинларнинг экилиш муддатларини аниқлаш лозим. Бу алмашлаб экишдаги кўкат экинларининг ўрнини аниқлаш имкониятини беради.

Сабзавот—озуқа алмашлаб экиш бўғинида кўкат экинларнинг самарадорлигини ўрганиш тажрибасида майдончаларни йиллар бўйича жойлаштиришнинг тахминий схемаси.

#### (Марказий иқлим минтақасига мўлжалланган)

Биринчи йил  
(асосий экинларни  
эрта баҳорда экиш)

Эртаги карам	Эртаги картошка
--------------	-----------------

Шу йилнинг ўзида  
асосий экин ҳосили  
олингандан кейин

Картошка	Бодринг	Помидор	Карам	Бодринг	Помидор
----------	---------	---------	-------	---------	---------

Кузда ҳосил  
олингандан кейин

Жавдар	Перко	Рапс	Жавдар	Перко	Рапс
--------	-------	------	--------	-------	------

Иккинчи йил  
(кўкат ўғитларнинг  
таъсири)

Бодринг
Помидор
Полиз экинлари

Учинчи йил  
кўкатларнинг  
кейинги таъсири

Сабзи
Пиёз
Ош лавлаги

#### Алмашлаб экиш бўғинларини ўрганиш

Тажрибанинг мақсади - асосий экинларнинг учта-тўртгасини навбатлашнинг энг яхши варианatlари ва ушбу экинларни қайта экиш имкониятини билиш, экинларнинг ўсиш шароити, тупроқ унумдорлигининг динамикаси, турли навбатлашларнинг экиндаги бегона ўтларни камайтиришига таъсири, касаллик ва зараркунандалар билан ўсимликларнинг зарарланишни камайиши ва маҳсулотнинг сифатини оширишни тадқиқ қилиш, ҳосил миқдори ва унинг сифатини аниқлаш ва ўрганилаётган варианtlарга иқтисодий баҳо беришдан иборат.

Үтмишдош экинлар устида олиб борилган тажрибага нисбатан алмашлаб экиш бўғинларини ўрганишда экинларни турлича навбатлаб, учта-тўртга бўғинларнинг таъсири ва кейинги таъсири ўрганилади. Ҳар бир бўғиннинг маҳсулдорлиги тажриба ўтказилган йиллар бўйича назорат экинларнинг ҳосилига таққослаб аниқланади.

Ҳар бир тажрибанинг минимал давомийлиги  $I=n+2$  формуласи ёрдамида аниқланади. Бунда: I- тажрибани минимал давомийлиги (йиллар сони); n-бўғиннинг назорат экинсиз давомийлиги; 2 рақами назорат экинини парваришланнинг давомийлигини билдиради (барча вариантлар учун бир хил бўлади).

Сабзавот экинларни Европадаги қўпчилик давлатларда кенг қўлланиладиган “ҳаммаси ҳамма экинлар бўйича” методида экиб, алмашлаб экиш бўғинларини ўрганиш мумкин. Биринчи йил бир йўналишда ўтмишдошлар билан варианtlар қўйилади, иккинчи йил ўша экинларнинг ўзи кўндаланг йўналишда экилади. Учинчи ва тўртинчи йиллари сабзавот бўғиннинг кейинги таъсирини ҳисоблаш учун тажрибада битта экин (йиллар бўйича) қатнашади.

Алмашлаб экиш бўғинларини узоқ муддат ўрганиш қизиқарли иш, албатта. Бу тажрибаларда, экинларни турлича навбатлаш ва бўғинлар бўйича жойлаштириш тўғрисида маълумотлар олинади ва шунингдек, уч-тўрт йил ичida асосий экинларни қайта экишни баравар ўрганиш имконияти туғилади.

Тўртинчи йил учун экинларни жойлаштириш схемасини тузатганда миңтақада етакчи экинлар билан турлича бойитиши бўғинларини ўрганиш имкониятларини ҳамда навбатлаш ва қайта экишда сабзавот экинларини ўрганишни ҳисобга олиш зарур.

Бу схемада помидор ва бодринг полиз даласига, полиз, бодринг ва пиёз помидор даласига, помидор ва пиёз бодринг даласига, полиз, помидор ва бодринг пиёз даласига жойлаштириб ўрганилади.

Картошка сабзавот экинлари учун қулай ўтмишдош сифатида алмашлаб экишнинг охирида экилиб, сабзавот ем хашикли экинларни алмашлаб экишнинг охирида энг маъқул схемаларни тузиш имконини беради.

Алмашлаб экиш бүгінларини тахминий түрт йиллик схемаси күйидагида бўлиши мумкин:

Биринчи йил	Учинчи йил фойдаланилган беда				Кузги ғалла				Картошка			
Иккинчи йил	Полиз	Помидор	Бодринг	Пиёз	Полиз	Помидор	Бодринг	Пиёз	Полиз	Помидор	Бодринг	Пиёз
Учинчи йил	Полиз											
	Помидор											
	Бодринг											
	Пиёз											
Тўртингичи йил	Помидор											
	Помидор											
	Бодринг											
	Бодринг											

Бўғиндаги турли навбатлашларни ернинг тупроқ унумдорлиги, бегона ўтлар билан ифлосланганлиги ҳамда, агрофизик омилларнинг таъсирини баҳолаш учун бешинчи йил тажриба даласига ёппасига экиладиган назорат экини экилади.

### Алмашлаб экишни бошқа технологик тадбирлар билан боғлаб ўрганиш

Тажриба ўтказишдан мақсад-мазкур зона учун сабзавот, полиз ва картошка экинларини алмашлаб экишнинг энг маъқул схемаларини: маҳсулдорлиги бўйича тупроқ унумдорлигининг кўрсаткичлари бўйича ҳамда тупроққа ишлов бериш усуllibариннинг бир нечтасини биргаликда қулайлигини, ўйтларни қўллаш, ўсимликларнинг касаллик ва зарапкунандалардан ҳимоя қилиш воситаларини ва ҳар хил алмашлаб экиш учун қўлланиладиган бошқа агротадбирларни аниқлашдир. Улар энг яхши бўғинлардан тузилган, схемалар сони кўп бўлмаган, барча алмашлаб экиш далалари учун қўлланиладиган кўп омилли тажрибалардан иборат бўлади.

Минтақадаги хўжаликларга тавсия қилинган тупроққа ишлов бериш усули, ўйтларни солиш миқдори ва усуllibарни алмашлаб экишдан бирортасида қўлланиладиган бошқа технологик тадбирлар назорат сифатида хизмат қиласи.

Алмашлаб экиш тажрибаларида ротациянинг (экинлар билан банд бўлиб турадиган давр) давомийлиги бир хил ва

турлича бўлиши мумкин. Масалан, учта алмашлаб экишни, тупроққа ишлов беришнинг учта тизимини ва ўғитлашнинг иккита-учта фони ўрганилганда алмашлаб экиш вариантлари узуна йўналиш бўйича жойлаштирилади. Тупроққа ишлов бериш вариантлари ҳам, ҳар бир алмашлаб экишни ҳамма дала-ларида узуна йўналиш бўйича, ўғитлаш вариантлари эса кўндаланг йўналиш бўйича жойлаштирилади.

Кўрсатилган кўп омилли тажрибаларни майдонда алмашлаб экишсиз ҳам амалга ошириш мумкин. Лекин ҳар бир тажрибани 2-3 йил давом эттириш керак. Кенг қамровли алмашлаб экишни ўрганилаётган алмашлаб экиш тўла ўзлаштирилган пайтидан ротациянинг охиригача, кенг қамровсиз алмашлаб экиш тажрибаларини эса камида иккинчи ротациясининг охиригача давом эттирилади.

Қишлоқ хўжалигининг ривожланишида бош рол деҳқончилик самарадорлигини юксалтириш муаммосига боғлиқ. Алмашлаб экиш ва сабзавот етиштириш замонавий технологиясининг барча бўғинлари шунга бўйсндирилиши керак. Алмашлаб экиш масалалари ўрганиладиган мавзулар шакллантирилаётганда интенсив типдаги сабзавот ва полиз экинларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва уларнинг концентрация талабига жавоб берадиган бўлишига эътибор бериш керак.

Алмашлаб экишни интенсивлаш элементларига асосий экинларни иложи борича кўпроқ жойлаштириш, такрорий ва оралиқ сабзавот экинларини экиш, интенсив типдаги навлардан фойдаланиш, ўғитларнинг истиқболли фонлари, сугориш тартиботи, ерга ишлов бериш тизимлари, ўсимликнинг касаллик, заараркунанда ва бегона ўтларга қарши самарали курашибишиш воситаларини қўллашлар киради. Шу билан бирга интенсив типдаги алмашлаб экиш ҳосилнинг прогрессив ўсишини, тупроқ унумдорлигини ошириш ва далаларни фитосантар ҳолатини яхшилашни таъминлаши керак. Алмашлаб экиш жараёни ўрганилганда озуқа моддалар балансига, айниқса, гумус ва унинг сифатига катта аҳамият бериш керак. Тупроқдаги гумус баланси ижобий бўлгандагина қишлоқ хўжатик экинларининг юқори унумдорлиги таъминланади. Алмашлаб экиш схемаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда мана шу ҳолат ҳам доимо эътиборда туриши лозим.

## Ёрдамчи тадқиқотлар

Алмашлаб экиш ўрганиладиган барча турдаги тажриба-

ларда тупроқ унумдорлигининг динамикаси ва ўсимликнинг ўсиш шароитини аниқлаш учун қуидаги таҳлил ва кузатишлар бажарилади:

Кравкова методи бўйича Н.И. Болотина ва Е.А. Абрамова (1968) модификациясида тажрибанинг бошида ва охирида тупроқнинг нитрификация қобилияти;

экишдан олдин ва экилган майдонларда вегетация даврида экинлар билан банд бўлган тупроқнинг ҳайдалган қатламида нитратли ва аммиакли азот (А.В. Петербургский, 1968; Е.В. Аринушкина, 1970);

экишдан олдин ва вегетация даврида тупроқ турлариға қараб тури усуллар билан фосфор кислотасининг фойдаланиш мумкин бўлган шаклларини аниқлаш (А.В. Петербургский, 1968; Е.В. Аринушкина, 1970);

экишдан олдин ва вегетация даврида фойдаланиш мумкин бўлган калийнинг шаклларини: чимли-кулранг тупроқларда Маслова методи билан, қора тупроқларда – Е.А. Бровкина бўйича, карбонатлида - Д.Гусейнов ва П. Протасов усулида (А.В. Петербургский, 1968; Е.В. Аринушкина 1970) аниқланади. Калийни барча тадқиқотларда у тегишлича сўриб олинганидан кейин учқунли фотометр ёрдамида аниқланади. Учқунли фотометрда ишлаш техникаси «Агрохимические методы исследования почвы»(1975) ва «Пособие по проведению анализов почв и составлению агрохимических картограмм» (1969) тўпламларида баён қилинган.

Рн потенциометр усулида шўр сув билан сўриб олинниб, Каппен бўйича гидролит кислоталилиги аниқланади. Тупроқнинг кислоталилиги тажриба йилларидаги ўзгариши Радрижи бўйича қайд этилади;

сингдириш асосини (кальций ва магний) уксусли – нордон ёки хлорли аммоний алмашувчан асосини сиқиб чиқариб, карбонатли тупроқларда К.К. Гедройц усули ёки А.А. Шмук бўйича аниқланади;

сингдирилган асослар йигиндисини Каппен-Гильковиц бўйича;

тупроқнинг биологик активлигини аниқланади;

клетчатканинг бузилиш тезлиги, ўсимлик қолдиқларининг минераллашганлик даражасини, микробиологик таҳлил маълумоти бўйича (И.С. Востров, А. Н. Петрова, 1961) ва ўсимликнинг вегетациясида тупроқдан камида икки-уч марта-дан  $\text{CO}_2$  нинг ажралишига кўра (В.И. Штатнов, 1952) баҳоланади.

Тажрибанинг бошида ва охирида майдончага сув тўлдириш усули билан далада тупроқнинг чекланган дала нам сигими аниқланади;

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги дала нам сигими аниқланган муддатда далада А.Е. Дояренко ёки В.М. Клычников асбоблари ёрдамида аниқланади (А.А. Роде, 1969; С.А. Воробьев ва бошқ. 1971).

Тупроқнинг сув ва ҳаво тартиботи тавсифини билиш мақсадида ва гумус, азот, фосфор, калий ва бошқа моддаларнинг абсолют захирасини ҳисоблаш учун тупроқнинг ҳажм оғирлиги аниқланади. Тупроқ намуналарини экишдан олдин ва вегетация даврида 0-10, 10-20, 20-30 см тупроқ қатлами бўйича структурасини бузмасдан, аниқ ҳажмли бур билан олинади.

Тупроқнинг солиштирма оғирлигини тажриба бошида ва охирида 0-10, 10-20 ва 20-30 см қатламлар бўйича патронларни тўйинтириш усули ёки пикнометрик усулида аниқланади. (С.А. Воробьев ва бошқ. 1967);

тупроқ намлигининг тадримий (динамик) ўзгариши ҳайдалма қатламдан олинган бўлаклар бўйича термостат-тортиши усули билан аниқланади. Айни пайтда ҳажмий бурда олинган тупроқ намуналарининг ҳажмий салмоғи ҳам аниқланади;

тупроқ ҳарорати Саввиновнинг тупроқ термометри, термошуплар ёки электротермометрларда (5-10-15-20-25-30 см) илдизнинг асосий қисми жойлашган чуқурликдаги ўзгаришлари динамикаси билан аниқланади;

тупроқ макрокесакчаларининг таҳлили вегетациянинг боши ва охирида Тимирязов қишлоқ хўжалиги академияси дехқончилик кафедрасида Н.М. Бакшев, ишлаб чиқсан ва А.Н. Кисилев ва В.П. Некрасов такомиллаштирган приборда элакни тебратиш усулида ўтказилади, тупроқнинг микрокесаклиги таҳлили эса тажрибанинг бошида ва охирида С.В. Астаповнинг пипетка усули билан амалга оширилади (С.А. Воробьев ва бошқ., 1971);

илдиз ва ўсимликлар қолдиги ва уларнинг чириш жараёнини Н.З. Станков (1964) таклиф этган монолитни кесиш методи билан ўтказиш керак. Ўсимликнинг тўлиқ етилишигача илдизнинг чирий бошлишини инобатга олган ҳолда, вегетация даври қисқа бўлган экинларда 5-10 кун олдин, вегетация даври узун бўлганларида ҳосилни йиғиширишдан 15-20 кун илгари ўсимлик қолдигининг ҳисобини олиш зарур.

Ўрганилаётган экинларнинг ифлосланганлигини ҳар

үтоқдан олдин (вегетация даврида камида 2-3 марта) тажрибанинг ҳамма қайтариқларидан доимий биринчирилган майдончаларда ўт турларини инобатта олиб сон-огирлик методида аниқланади. («Вопросы методики полевого опыта в овощеводстве», Кишинев, 1967. Тұпламига қаранг).

Экинларнинг касаллик ва зааркунандалар билан заарланғанлик даражаси экиннинг турига, зааркунанда ва касалликларни құзғатувчиларнинг биологик хусусиятларига қараб турлы методлар билан аниқланади. Заарланиш интенсивлігі ва даражаси намунаий шкала ёрдамида ёки баллы баҳолаш асосида аниқланади;

Хосилнинг ҳисоби ва миқдори шакли бир хил ажратылған ҳисобий майдончаларда майдончалар бүйіча ялпи усулда ўтқазилади. Уруғ ва күчат механизация ёрдамида экилганда ҳисобий майдондаги қаторлар сони экадиган ёки ўтқазадиган агрегатнинг қамров әнігі түғри келиши керак. Хосилдаги маҳсулотнинг структураси ва сифати давлат стандартлари асосида аниқланади;

Алмашлаб әкиш бүғинининг иқтисодий самарадорлиги, унинг маҳсулдорлиги каби қуидаги күрсаткышлар (алмашлаб әкиш майдонининг ўртаса I га ҳисобида): сабзавот ва бошқа маҳсулотларнинг ялпи ҳосили (т): ҳосилни парваришаңда үйишиширашга кетген меңнат сарфи (coat/одам) ва маблағ (сұм), ялпи маҳсулотнинг нархи (сұм), I га майдонга сарфланған 1 сұмлық ҳаражатдан олинған фойда; меңнат унумдорлиги (сұм) билан аниқланади. Бүғинлар вариантылары ва алмашлаб әкишни иқтисодий баҳолаңдаға фақат бевосита ҳаражаттар ҳисобға олниши керак. Товар маҳсулотни пул билан баҳолаш учун шартли равишда ҳарид нархлары қабул қилинади. Озуқа әкинлари эса сұм нархи билан баҳоланувчи озуқа бирлигига ўтқазилади;

Сабзавотларнинг қишиги пайтда сақланиш ҳусусияти аниқланади;

Тажрибаларда фенологияк күзатышлар ва биометрик ўлчовлар амалға оширилади, үсімлікнинг туриш қалынлиғи аниқланади.

Күйилған вазифага биноан иш дастурига турли құшимча тадқиқтлар кириллади: улар тупроқнинг физик-кимёвий ва биологик хоссалари, ўрганилаёттан табилярарга үсімліктер реакциясининг физик-биокимёвий ҳусусиятларини текширишдан иборат.

Дастлабки ва охирги тупроқ намуналарыда, шунингдек,

алмашлаб экишнинг ҳар бир ротациясида олинган намуналарда, юқорида санаб ўтилган таҳлиллардан ташқари, тупроқ унумдорлигининг фақат узоқ вақт давомида билиб олиш мумкин бўлган кўрсаткичлари (умумий гумус, умумий азот, фосфор, калий ва бошқалар) аниқланади. (А. В. Петербургский, 1968; Е.В. Аринушкина, 1970).

Алмашлаб экиш бўйича барча дала тажрибалари агар зарурат туғилса лаборатория—дала ва вегетация тажрибалари, дала тажрибаси у ёки бу шароитининг нусхасини ва ўрганилаётган жараёнларнинг мазмунини чуқурроқ очиб беришга ёрдам берадиган тажриба якунлари билан бойитилиши мумкин.

## Тадқиқотларнинг вазифалари

Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда гербицидларни құллаш бүйиича яқын йиллардаги тадқиқотларнинг асосий вазифаси-юртимиз минтақаларыда бу әкинларни етиширишда гербицидларни құллаш технологиясини ишлаб чиқишидир.

Гербицидлардан оқилона фойдаланиш учун аввало уларни сепиш муддатлари, меңгерни, шунингдек мазкур ва кейинги әкинларга заарлы таъсирини камайтириш, бегона ўтларга таъсирини ошириш йұлларини ишлаб чиқиш бугунғы күннинг дозарб вазифасидир.

Пиёз пайкалида бир йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши «Гоал 2Е», бир йиллик бошоқлы бегона ўтларға «Зеллек Супер», «Набу», бир йиллик икки паллали ва бошоқлы бегона ўтларға қарши уруғын пиёзда «Трифлуралин», пиёзнинг барча турларыда «Пенитран», «Тотрил», «Фуроре», «Фюзилад Супер» препаратларини құллаб көнд миқёсда синовдан ўтказиш зарур. Шулар билан биргә турли иқлим- тупроқ шароитида препаратларни солиши үсулларини ишлаб чиқиш ва меңгерининг самарадорлигини аниқлаш керак.

Оқ бошли ва бошқа карам турлари экилған ва күчати ўтказилған барча ерларда энг истиқболли препаратларни көнд синовдан ўтказиш зарур. Бир йиллик бошоқлы бегона ўтларға қарши гектарига 1-2кг Фюзилад Супер, карамнинг ўртапишар ва кечпишар навларыда 0,8-1,2кг «Фурора Супер»ни бегона ўтлар 2-4 барғ чиқарғанда әкинзорларға пуркаб синалади. Гербицидларнинг ўтларға узоқ муддат ва самарали таъсири бир марта ва икки марта пуркаб ўрганилади.

Помидор күчат үсулида экилиб етиширилғанда энг самарали гербицидларни синашни давом эттириш зарур. Бир йиллик икки паллали ва бошоқлы бегона ўтларға қарши күчат ўтқазышдан олдин тупроққа гектарига 1кг «Зенкор», 3,3-6,0кг «Нитран», 4,0-6,0кг «Трифлуралин», 3,0кг «Трифлурекс», уруғы экиладиган помидорға 1,7-2,0кг Нитран, 2,0-2,4кг

Трифлуралин препаратларидан бири экишгача тупроққа пуркалиб, зудлик билан күмилади. Помидор ўсимлиги 1-2 чин барг чиқарганда ёки күчат ўтказилғандан 15-20 кун кейин бир йиллик бошоқлы бегона ўтларга қарши гектарига 1,0-2,0 кг «Тарга супер», бир йиллик бошоқлы бегона ўтлар 2-4 барг чиқарганда 1,0-1,5 кг «Фюзилад Супер» сепилади.

Картошка даласидаги бир йиллик бошоқлы бегона ўтларга қарши уларнинг 2-6 баргли ўсув даврида гектарига 1,0 кг «Зеллек Супер» пуркалади. Бир йиллик икки паллали ва бошоқлы бегона ўтларга қарши экинлар кўкармасдан олдин тупроққа 1,0-2,0 кг «Пенитрон» тасмасимон усулда, 3,0-4,0 кг «Гезагард-50» ёппасига пуркалади. Бир йиллик бошоқлы бегона ўтлар 2-4 барг чиқарганда ва кўп йиллик бошоқлы бегона ўтларнинг бўйи 10-15см бўлганда гектарига 2,0-4,0кг «Тарга Супер» пуркалади.

Бир йиллик икки паллали ва бошоқлы бегона ўтларга қарши бодрингни экишдан 15 кун илгари тупроққа 1,6-2,0кг «Нитран» ёки 1,8-2,4кг «Трифлуралин» пуркалади ва зудлик билан күмилади. Бир йиллик бошоқлы бегона ўтларга қарши бодринг ўсимлиги 1-2 чин барг чиқарганда 1,0-2,0кг «Тарга Супер», бегона ўтлар 2-4 барг чиқарганда 1,0-2,0 кг «Фюзилад Супер» пуркалади.

Сабзи даласидаги бир йиллик бошоқлы бегона ўтларнинг бўйи 10-15см бўлганда гектарига 1,0кг «Зеллек Супер» ёки 1,5кг «Набу» гербициidlари пуркалади. Бир йиллик икки паллали ва бошоқлы ўтларга қарши сабзини экишдан олдин ёки экиш билан бирга 3,3-6,0кг «Нитран» ёки 4,0-6,0кг «Трифлуралин» тупроққа пуркалади ва зудлик билан күмилади. Сабзини экишгача (ўсимлик униб чиққунгача) ёки 1-2 чин барг пайдо бўлганда 2,0-3,0кг «Гезагард-50» тупроққа пуркалади.

Бир йиллик икки паллали ва бошоқлы бегона ўтларга қарши бақлажон ва қалампирда 3,0-4,5 кг «Нитран», 3,6 кг «Трифлуралин», саримсоқда эса 3,3-5,0 кг «Нитран», 4,0-6,0 кг «Трифлуралин» ва 1,5-3,0 кг «Тотрил» гербициidlарини турли тупроқ шароитидаги тажрибаларда синааб кўриш тавсия қилинади.

Полиз экинлари, баргли кўкат сабзавотлар, редис ва бошқа экинларда гербициidlарни синаш ишларини кучайтириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Гербициidlар синалаётганда уларнинг бегона ўтларга, ҳосилга ва маҳсулотнинг сифатига таъсирини билиш билан бирга, маҳсулотда қолган гербициidlар миқдорини аниқлаш

ишларини тиббиёт муассасалари билан биргаликда олиб бориш керак.

Гербицидларни қўллаш технологияси ишлаб чиқилаётганда уларни ёппасига ёки камарсимон усулда пуркаш, уруғ ёки кўчат экиш билан бирга олиб бориш, самарали гербицидлар аралашмасини танлаш ва уларни қўллаш комбинациялирига, дала шароитида гербицидларнинг кейинги таъсирини тадқиқ қилишга алоҳида эътибор бериш зарур. Шунингдек, гербицидларнинг ўзаро ва минерал ўғитлар билан тасирини ўрганиш муҳимdir.

Сабзавот экинларининг уругчилик участкаларида гербицидларнинг кейинги, салбий таъсири олдини олиш мақсадида ўсимликларнинг турли вегетация даврлари учун гербицидларни қўллашнинг тизимини ишлаб чиқиш керак.

Сабзавот экинзорларидаги бир йиллик бегона ўтларга қарши кимёвий курашиш усуллари такомиллашган сари, кўп йиллик ўтларни айниқса икки паллалиларни йўқ қилиш йўлларини ишлаб чиқиш масаласи ҳам жуда муҳим ва долзарб бўлаверади.

Алмашлаб экишда гербицидларни узоқ мулдат қўллашни уларнинг кейинги салбий ёки ижобий таъсирини инобатга олиб тадқиқот қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Қўйилган масалага қараб бегона ўтларга қарши кимёвий курашишнинг турли (дала, вегетацион ва лаборатория) методлари қўлланилади. Дала тажрибаси ҳал қилувчи ва энг муҳим тадқиқот ҳисобланади. Дала тажрибасида вегетацион майдончада ва лаборатория шароитида қайта олиб бўлмайдиган турли табиий омиллар маълум бир вақтда таъсир қиласидаги шароитда гербицидларнинг самарадорлигини тавсифловчи маълумотларни олиш мумкин. Шу билан бирга айрим омилларни аниқлаш учун лаборатория тадқиқотлари ва вегетацион тажрибаларни ҳам ўтказиш керак. Ушбу тадқиқотлар дала шароитида ўтаётган жараёнлар бўйича тўғри фикрга эга бўлиш учун зарур. Дала тажрибалари ва лаборатория тадқиқотларида олинган натижалар ишлаб чиқариш шароитида гербицидлар қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги текшириб кўрилади.

### **Майдон танлаш ва тажрибаларни жойлаштириш**

Гербицидлар билан дала тажрибалари ўтказишдан асосий мақсад, маълум тупроқ-иклим шароитида бегона ўтлар ва маданий ўсимликлар учун уларнинг захарлилик хусусиятларини

үрганишдир. Тажриба учун дала танлашда бегона ўтлар сонининг тақсимланиши ва турлар таркибининг типиклигига алоҳида эътибор бериш зарур. Бошоқли бегона ўтлар йўқ жойда бошоқлиларга қарши препаратларни қўллаш, бир йиллик ўтларга мўлжалланган гербицидлар билан кўп йиллик ўтларга қарши курашиш тажрибаларини ўтказиш фойдасиздир.

Даланинг ҳар хиллиги бўйича тўғри тушунча ҳосил қилиш учун тажриба табиий мақбул ҳолда жойлаштирилиб, бегона ўтларнинг тур таркибини ўрганиш бараварига текисловчи экин экиш ва ҳосилни бўлаклаб ҳисоблаш орқали ўтказилади. Участканинг ифлосланганлиги тўғрисида карта тузиш учун уни 100 квадрат метрлик ( $10 \times 10$ м) майдончага бўлиш тавсия қилинади, у ерга тўрт бурчакли ўлчам қўйиб ўтларнинг тур таркиби ва сони ҳисобланади.

Гербицидлар билан тажрибаларни вақтингчалик (қисқа муддатли), шунингдек, кўп йиллик тажрибалар жойлаштириш мумкин бўлган маҳсус ўралган стационар участкаларда қўйиш мақсадга мувофиқдир. Далага текисловчи экинлар экиб, гербицидлар билан, қисқа муддатли тажрибалар ўтказилганда 1-2 йил ичидаги улар бажарилгандан кейин бегона ўтлар билан ифлосланганлиги тикланадиган бўлса участкани ҳар йили ўзгартириш зарурияти туғилади.

Кўп йиллик тажрибалар алмашлаб экиш даласида ёки унинг алоҳида бўғинида ўтказилади. Тажрибалар схемасида гербицидларни қўллаш тизимини ёки қайта қўйиладиган бўлса, турли комбинацияларни ўрганиш кўзда тутилади. Узоқ вақт таъсир қиласидаги гербицидлар қўлланилганда уларнинг кейин келтирадиган зарари масаласи пайдо бўлади. Ушбу тажрибаларда гербицидларнинг иккита-учта энг истиқболли меъёрлари қўлланилади. Кейинги йилда кўндаланг ишлов берилган майдончаларга алмашлаб экишда кўзда тутилган экинлар экиласди.

Алмашлаб экишда дала тажрибалари қаторида, гербицидларни узоқ муддат қўллаш тадқиқотлари лизиметрик ва вегетацион дала тажрибаларида ҳам ўтказилади.

Қўйилган мақсадга мувофиқ гербицидлар билан тажриба ўтказиладиган майдончаларнинг ўлчами турлича бўлиши мумкин. Кам маълум бўлган гербицидларнинг бирламчи синовида уларни зарар келтириш даражаси ва фаоллигини аниқлаш учун, ҳосилни йўқотиш хавфини ҳисобга олган ҳолда, 4-6 қайтарикда  $5-10\text{m}^2$  майдонча билан чегараланиш

мумкин. Майдонча 1-3м<sup>2</sup>ли майдончалардаги 5-8 қайтариқли кичик дала тажрибалари амалда құлланилмоқда. Уларда ишнинг ўзига хос хусусияти катта ўлчамдаги майдончаларда құллаш имконини чегаралайды. Тажрибаларнинг етарли аниқлигига уларни сифатли ўтказиш билан эришилади.

Сабзавот экинларининг ҳар хил турлари билан лаборатория-дала тажрибалари учун ҳисобий майдонча ўлчамини танланганда, биринчи бобда көлтирилған тавсиялардан құлланма сифатида фойдаланиш керак. Ишлаб чиқариш тажрибаларидә майдон ҳажми 3-4 қайтариқда 0,25-1,0 гектар бўлиши керак.

Үрганилаётган гербицидлар самарадорлиги гербицид құлланилмайдын назорат варианти билан таққосланади. Фақат ёппасига экилған экинларда назорат варианти ўтоқ қилинмайды. Чопиқ ўтказиладын экинларда, албатта, назоратни ҳам қўшиб қўлда ўтоқ қилинади. Бегона ўтлар туфайли ҳосилнинг камайишини ўрганиш мақсадида иккинчи ўтоқсиз назоратни ҳам құллаш мумкин.

Тажрибанинг энг оддий схемаси бир усул құлланилганда бир препаратуринг 3-4 хил дозасини синашдир. Тажрибаларнинг битта схемасига гербицидларни құллашнинг иккита ёки учта: экишдан олдин сепиб, устига тупроқ тортиш, ниҳоллар пайдо бўлгунга қадар тупроқ юзасига сепиш ва ниҳоллар пайдо бўлгандан сўнг сепиш усулларини құллаш мумкин.

Таъсир қилиш ва құллаш усули бўйича бир гуруҳга мансуб бўлган гербицидларни таққослаб синаш бир тажрибанинг ўзида ўтказилади. Янги препаратлар ўрганилганда тажриба схемасига, албатта, этalon қилиб маълум бўлган гербицидлар киритилиб, уларнинг самарадорлигини таққослаш кўзда тутилади. Гербицидлар құлланиладын 4-6-вариантга битта назоратни киритиш тавсия қилинади.

Ишлаб чиқариш тажрибаларининг схемалари оддий бўлиши керак. Унда гербицидларни мақбул миқдорини құллаш кўзда тутилади. Синалаётган препаратурнинг миқдори бир хил бўлиши шарт эмас. Чунки-турли тупроқ иқлим шароитида гербицидларнинг самарадорлиги турлича бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш тажрибасида мажбурий вариант сифатида дала ёки лаборатория- дала тажрибасида ушбу шароит учун аниқланган гербицидларнинг мақбул концентрацияси бўлиши керак.

Гербицидлар билан тажрибаларда майдончаларни жойлаштириш дала тажрибаларининг методикасида тавсия қилинган усулларга биноан амалга оширилади (1 бобга қаранг).

Гербицидлар билан тажрибаларда мазкур минтақа ва экин учун умумий құлланған дала тажрибалари методикасінинг барча талабларыга риоя қилингандың технологияға амал қилинади. Лекин айрим бүннинг хусусиятлары ҳам бор. Гербицидлар билан тажрибалардаги екиш техникасининг хусусияти шундан иборатки, күп ҳолларда, асосий әкінлардан ташқары, гербицидларнинг бирорта турига сезгір бўлган индикатор ўсимликларни екиш керак. Сунъий әкілган бегона ўтлар қоюда бўйича узоқ муддат ичиде нотекис униб чиққиши учун, айрим пайтларда баъзи бир ўтларга ботаник белгилари бўйича яқин бўлган сули, тарик, хантал ва бошқа әкінлардан фойдаланилади. Асосий әкінлар әкіладиган йўналиш бўйича биоиндикаторларни ҳам екиш тавсия қилинади. Биоиндикаторлар қўлланилган тажрибаларда тупроқнинг табиий ифлосланғанлиги оддий ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Индикатор ўсимликларнинг ер сиртидаги поя ва баргларининг умумий оғирлиги ҳисоблари ўрганилаётган препаратларнинг гербицид фаоллик баҳоси маълумотларини тўлдиради.

### **Гербицидларни солиш ва тажрибада қўлланиладиган технология**

Гербицидлар таъсир қилиш хусусиятига қараб тупроқ юзасига ёки ўсиб турган ўсимликка селилади. Гербицидларни тупроққа екишдан олдин, ишлов бериш вақтида аралаштириб ёки әкілгандан (кўчат ўтқазилгандан) кейин 2-3 кун (кечакундуз) ичиде, лекин маданий ва бегона ўт ўсимликлар ниҳоллари пайдо бўлгунга қадар солинади. Контакт таъсир қилувчи тупроқ гербицидларини унишдан олдин ва тизимлилигини эса ўтлар пайдо бўлиши билан кўллаш мумкин. Маданий ўсимликларни ниҳоллари пайдо бўлгунча қўлланиладиган гербицидлар одатда тупроқ юзасида қолади.

Ўсиб турган ўсимликларда контакт ва тизимли таъсир қиладиган гербицидларни кўллайдилар. Тизимли таъсир қила-диган айрим гербицидларни тупроққа кирғазиб фойдаланиши (илдизидан таъсир қилади) ёки ўсиб турган ўсимликларда (зенкор, линурон, семерон, прометрин ва бошқ.) кўллаш мумкин.

Барча майдонга ишлов бериладиган бўлса гербицид ёппасига сепилиши, қаторларга тор оралиқта ишлов берилса ёки фақат қатордаги ўсимлик остига ва маданий ўсимликлар баргларига гербицидларнинг тушишини олдини олишга йўналти-

рилган усулда сепилиши мумкин. Гербицидларни қўллаш экилган қаторларнинг тор оралиқга сепиш ёки уяга локал (қовоқдош экинларга) солиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бу усул гербициднинг оз миқдори қўлланганда юқори самара бериши мумкин. Лаборатория—дала тажрибаларида гербицидлар елкада кўтариладиган ва фалтак аравали пурка-гичларда сепилади. ОРП-А (автомакс тури) пуркагичи унга солинган препаратнинг ҳаммасини сарфлаш имконияти мавжудлиги учун жуда қулайдир. Донадор препаратлар қўлда сочилади. Синалаётган ва тавсия қилинадиган гербицидларнинг миқдори қоида бўйича таъсир қилувчи моддаси бўйича кўрсатилиши керак.

Лаборатория—дала тажрибаларида ишчи суюқликнинг сарфланадиган миқдори гектарига 400-600л.ни ташкил қилиши керак. Айниқса, кичик майдончаларда, тупроқ юзасига ишлов берилганда, сепиладиган гербициднинг бир текис тушиши учун ишчи эритмани сарфлаш миқдорини гектарига 800-1000л.гача ошириш мумкин. Ишлаб чиқариш тажрибала-рида тракторга осилган пуркагичлардан фойдаланилганда ай-рим вақтларда гектарига 300-500л. ишчи суюқлик сарфланса ҳам бўлади.

Пуркагични гербицид суюқлиги билан тўлдиришда она-лик эритманинг ҳажми ёки намланувчи препарат кукуни, ёки эмульсия концентрати майдончага хисобланган бўлиши, кейин, суви кўп бўлмаган челякка солиш, қабул қилинган миқдоргacha сув кўшиб ва яхшилаб аралаштиргандан кейин тайёр суюқлик пуркагичга қўйилиши керак. Намланувчи кукун билан ишланганда препаратниниг пуркагич тубига ўтириб қолмаслиги ва уни майдончага нотекис солинмаслиги учун уни вақти-вақти билан силкитиб тuriш тавсия қилинади. Сочгичнинг ифлосланиб қолмаслиги учун суюқлик пуркагичга тўрли ёки докали варонка орқали қўйилади. Препаратлар ўзгартириладиган бўлса сочгич орқали сув ўтказиб, уни ювиш керак. Пуркагичда ҳосил бўладиган бошланғач босим унинг эритма билан тўлдирилишига боғлиқ. 10-12 л. қўйиладиган бўлса 4-5 атмосфера, 4-5 л. қўйилганда 2,5-3 атмосфера босим ҳосил қилинади.

Қоида бўйича тажрибаларда гербицидлар қайтариқлар бўйича солинади, яъни олдин биринчи қайтариқдаги ҳамма майдончаларга, кейин иккинчи қайтариқнинг ҳамма майдончаларига ва хоказо ишлов берилади. Бундай қилишнинг сабаби гербицид солинаётган вақтдаги шароитнинг ўзгариши таж-

рибанинг асосий талаби ўрганилаётган омиллардан бошқа барча омилларнинг тенг бўлиши кераклиги бузулмаслиги керак. Гербицидларнинг бир текис солинишини таъминлаш ва уларнинг майдончадан майдончага ўтиб кетишига йўл қўймаслик учун пуркашни шамол бўлмаган вақтда ўтказиш керак. Зарурият туғилса шамол эсаётган томондан қўшни майдонча фанерли тўсиқлар билан тўсилади. У пуркагичнинг ҳаракати бўйича кўчириб турилади. Майдонча чегараси олдиндан чилвир тортиб белгиланади.

Пуркаш майдонча ўртасидан бир текис ҳаракат қилиш йўли билан ва пуркагичлар бир томондан бошқа томонга бир текис юриш мароми бўйича ўтказилади. Шунингдек, ер сатҳидан бир хил баландликда тутилади. Юриш тезлиги шундай бўлиши керакки, пуркагичга қўйилган суюқлик майдончадан икки марта ўтишга (олдига ва орқага қайтишга) этиши керак. Агар пуркагичда суюқликдан бир оз қоладиган бўлса, уни майдончанинг ҳамма юзаси бўйича бир текис тақсимлаб пуркалади. Қарама-қарши йўналишда майдонча бўйлаб икки марта ўтиш гербицидларнинг пуркагичдаги босимнинг пасайиши туфайли суюқликнинг 1 секундда чиқишининг камайишига сабаб бўлган нотекис солинганини тўғрилайди.

Майдончага гербицидларни бир текис солиш учун диаметри 8-10 мм, узунлиги 4-5 м бўлган штанга ёрдамида елкага осиб юриладиган пуркагичдан фойдаланиш тавсия қилинади.

Тажрибада ишлаб чиқариш шароитида тегишли экинларни парвариш учун қабул қилинган одатдаги усуслар майдоннинг барча қисмida ўз вақтида, пухта ва бир морамда амалга оширилади.

Ўтлар билан ифлосланганлик, ўрганиш обьекти бўлишига қаржамай қўл билан ўтоқ қилиш (меҳнат сарфини албатта ҳисоблаш, хронометраж қилиш) фақат назорат варианtlарида эмас, балки сабзавот экинлари гербицид солиниб кенг қаторли қилиб экилган тажриба варианtlарида ҳам амалга оширилиши керак. Ҳозирги вақтда сабзвотчиликда қўлланилаётган ва ўрганилаётган гербицидларнинг катта қисми сабзвот ўсимлигини бутун вегетация даврида ўтларнинг тўлиқ йўқотилишини таъминламаётганлигини, албатта, ҳисобга олиш керак. Омон қолган ва вегетация даврининг иккинчи ярмида ўсадиган бегона ўтлар олиб ташланмаса, унда гербицид таъсиридан вегетациянинг биринчи ярмида олинган катта самаранинг натижаси сақланиб қолган ўтларнинг зарарли таъсирида анча камайиб кетади, хатто бутунлай йўққа чиқиши мумкин.

Гербицидларни қўллаш фақат битта ёки иккита қўл ўтоги ўрнини босиши мумкин. Шунинг учун зарурият туғилиши билан тажриба варианларида бегона ўтлар қўл билан юлиб турилади.

Қўл билан ўтларни ўз вақтида ўтоқ қилиш муҳим аҳамиятга эга. Тажрибанинг аниқлигини пасайтирмаслик ва тажрибадаги бирдан-бир фарқлар принципини бузмаслик учун ўтоқ қайтариқлар бўйича ҳам ўтказилиши керак.

### **Тажрибада кузатиш ва ҳисоблаш ишларини олиб бориш**

Маданий экинлар ва бегона ўтларга гербицидларнинг таъсирини аниқлаш муҳим бўлганлиги сабабли уларнинг ҳолати бутун вегетация даври давомида кузатиб борилади. Маданий экинлар ва бегона ўтларнинг зааралганганик аломати, бу аломатларнинг пайдо бўлган муддати ва даражаси, ўсимликларнинг нобуд бўлган ёки ўз ҳолатига қайтган вақти аниқланади.

### **Маданий ўсимликларни кузатиш**

Экин ёппасига экилганда ҳар бир майдончада 5-3 қайтариқда  $0,5\text{-}1,0 \text{ m}^2$  ҳисобий юзада ўсимликтарнинг туриси қалинлиги ҳисоби ўтказилади. Пуштаси кенг қилиб экилган ҳар бир майдончадаги қаторларнинг узунаси 5-15 метрда ўсимликларнинг туриси қалинлиги, кўчати экилганда эса барча ўсимликлар ёппасига ҳисоблаб аниқланади. Экилган экинларда ҳисоблаш икки марта: ниҳоллар пайдо бўлабошлиганда ва ёппасига пайдо бўлганда ўтказилади, кўчатлар экилгандан кейин уларнинг тутганлиги 7-10 кундан кейин аниқланади.

Сабзавот ўсимликларининг ўсишини ўрганиш фенологик кузатишлар ва биометрик текширишлар ёрдамида умумий қабул қилинган услубга биноан ўтказилади. (В.Ф. Белик, 1970). Шунингдек, сабзавот маҳсулотини биокимёвий баҳолаш ҳам ўтказилади.

### **Бегона ўтларни кузатиш**

Гербицидлар самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан бири-экинларни бегона ўтлар билан ифлосланишини камайтиришидир. Шунинг учун бегона ўтларни ҳисоблашга алоҳида аҳамият берилиши керак. Тажрибанинг аниқлигини таъминлаш учун бегона ўтларни ҳисоблаш қайтариқлар бўйи-

ча: аввал биринчи қайтариқда, кейин иккинчисида ва х.к., варианatlар бүйича аниқ кетма-кетликни сақлаб ўтказилади.

Хисоблашда 1 м<sup>2</sup> даги бегона ўтлар турлари сони (одатда, уларни турларга ажратмасдан ер устки қисмининг вазни) аниқланади. Ишни енгиллаштириш учун ўтларни хўл вазнини аниқлаш мумкин. Намуна олингандан кейин улар сўлиб (куриб) қолмаслиги учун дарҳол даланинг ўзида тортиб қўйилади.

Ўсиб турган ўсимликка гербицидлар солингандан ишлов беришдан олдин дастлабки ифлосланганлиги ҳисобга олинади. Иккинчи ҳисобни гербицидлар солингандан кейин контактли таъсир қилувчи препаратлар учун 7-10 кундан сўнг, ўсимлик тўқималарида ҳаракатланиш қобилиятига эга тизимили таъсир қилувчи препаратлар учун 15-20 кундан сўнг ўтказиш тавсия қилинади. Бегона ўтларнинг кейинги ҳисоб-ларини бу гербицидлар билан ўтказиладиган тажрибаларда, шунингдек, экиш олдидан ёки ниҳоллар пайдо бўлгунча солинадиган тупроқ препаратлари билан ишланганда ҳар бир ўтоқдан олдин (улар солингач 20-30 ва 40-60 кундан кейин) ва ҳосилни теришдан олдин ўтқазиш тавсия қилинади.

Далада учрайдиган бегона ўтларнинг сонига қараб, 10 марталик қайтариқдаги ҳар бир тажриба ва назорат майдончасидан 0,1дан 0,5 м<sup>2</sup>гача миқдордаги ҳисобий майдонни олиш тавсия қилинади (тажриба варианtlари 4 марта қайтарилиганда ҳар бир вариантга 40 та дан ҳисобий майдонча тўғри келади). Бегона ўтлар ҳисобини бутун участка бўйича доимий қилиб жойлаштирилган, ҳисобдаги майдончаларда ўтказиш лозим. Ҳар сафар ҳисоблаганда янги майдонни ажратиб ҳисоблаш тавсия қилинмайди.

Гербицидларнинг узоқ вақт давомида бегона ўтларга таъсири хусусиятларини ўрганиш муҳим бўлган тажрибаларда бегона ўтларнинг пайдо бўлиш динамикасини ҳисобга олиш зарур бўлганда уч хисса белгиланган майдонларни ажратиб олиш тавсия қилинади. Бегона ўтларнинг сони ва вазнининг ҳар бир навбатдаги ҳисобида улар ҳисобий майдончанинг учдан биридан (яъни 0,1-0,5 м<sup>2</sup> майдондан) олинади. Бегона ўтлар кузатилаётган ҳисобий майдончаларда, вегетациянинг охиригача кўл билан ўтоқ қилинмайди.

Қаторлаб экилган сабзавот экинлари майдончаларидаги қаторлар пушталарнинг ўртасидан ўтадиган қилиб жойлаштирилади. Майдончаларнинг эни, қаторнинг иккала томони бўйлаб ҳимоя қисми масофасига тўғри келсин. Сабзавот

күчати билан уялаб әкилгандың уя атрофидаги бегона ўтларни ҳисоблаш учун майдончанинг квадратта ( $30\times 33\text{ см}$ ) яқин бўлган шакли, қўлланилади. Ишлашга қулагай бўлсин учун ва ўсимликнинг синишининг олдини олиш мақсадида бир томони бўлмаган ромдан фойдаланилади. Ром уяга жойлаштирилгандан кейин тўртинчи томони қўйилади ёки унинг ўрнига тупроқ юзасида чизик тортиб белгиланади.

### **Бегона ўтлар уругининг захирасини ҳисоблаш**

Гербицидлар қўллаб ўтказилган тажрибаларда, айниқса, тупроқдаги кўп йиллик бегона ўтлар уруғи захирасини ҳисоблаш муҳим аҳамиятга эга. Хайдалма қатламдаги уруғ захирасини ҳисоблаш техникаси тупроқ намунасини олиб, унлан уруғларни ажратиб олиш ва уларнинг яшовчанлигини аниқлашдан иборат.

Тупроқ намунасини олиш учун кўпинча диаметри 3-8 см бўлган бурдан фойдаланилади. Тажрибанинг мақсадига қараб, уруғ захираси горизонтлар, ёки барча ҳайдалма қатлам бўйича аниқланади. Одатда намуна икки муддатда: баҳорда гербицидлар солишдан олдин ва кузда олинади. Ифлосланиш динамикасини ўта аниқлик билан ўрганиш учун уни майдонча бўйлаб текис тақсимланган, махсус ажратилган ҳисобий нуқталарда ўтказиш яхши (барча такрорлар бўйича) натижа беради. Ҳар бир навбатдаги намунани олишда қудуқчалар иложи борича яқин (5-10 см оралиқда) жойлаштирилади. Ҳар бир майдончада 4-5 тадан ҳисоблаш нуқта-майдонча ажратилади. Олинган тупроқларнинг ўртача намунасини олиш учун улар горизонтлар бўйича аралаштирилади. Бу иш тажрибанинг ҳар варианти ва қолган қайтариқларида амалга оширилади. Намуна олинган нам тупроқда бегона ўтлар уруғи ўсишининг олдини олиш учун уни куруқ-ҳаво ҳолатигача қуритиш мақсадида ўша куннинг ўзида лаборатория шароитида юпқа қалинликда ёйиб қўйиш керак.

Уясининг диаметри 0,25 мм бўлган элакда уни сув билан ювиб, тупроқдан уруғни ажратиб олинади. Бегона ўтлар уруғи, қум, тошлар ва бошқа ифлосликлардан иборат қолган аралашмани қуригандан кейин ҳар хил элаклар ёрдамида сараланади. Бегона ўтларнинг уруғи эса қўлда ажратиб олинади. Концентратланган калий карбонат суюқлигини қўллаш йўли билан уларнинг солиштирма оғирлиги бўйича ҳам бегона ўтларнинг уруғини ажратиш мумкин.

Ёғоч шпател ёки қаламнинг учи билан олдиндан эзib ажратилган уруғларнинг ҳаётчанлиги аниқланади. Нормал уругни скарификация (уругнинг униб чиқишини тезлаштириш), стратификация (уругни қумда 0-5°C ҳароратда ушлаш) усули, ёки буғ билан ишлов берилган нина билан муртагига зарар етказмай тешиб, ўстириш ўриндигида, ёки Петри косачасида ўстирилади.

Тупроққа солинадиган гербицидларнинг таъсири ҳамда бегона ўтлар уруғининг униши тупроқ намлиги ва ҳароратига боғлиқdir. Бунга, ўз навбатида, тажрибалар майдончаларидағи бегона ўтларнинг ўзи ҳам таъсир қилишини инобатга олиб, тажрибаларда ҳайдалма қатламнинг горизонтлари бўйича тупроқ намлиги ва ҳароратини назоратда ва тажриба вариантиларида ҳисобга олиш керак.

Дала тажрибаси методикасига биноан ҳосил ҳисобини ёппасига териш усулида олиб бориш керак. Ишлаб чиқариш тажрибаларида ҳосилни ёппасига теришни ташкил қилиш ва ўтказишда қийинчиликлар бўлганлиги учун ҳосилни териш ва уни ҳисоблашни, зарурият бўлса, майдонда бир текис жойлашган, ҳажми  $10-15\text{m}^2$  бўлган алоҳида майдончаларда амалга ошириш мумкин. Экин турига қараб уларнинг майдондаги сони 10-20 дан кам бўлмаслиги керак.

Гербицидлар билан ўтказиладиган тажрибаларда ўтоқ қилиш ва гербицид солишда меҳнат сарфининг ҳисоби иш кунини қайд қилиш йўли билан амалга оширилади. Ҳосилни ҳисоблаш натижаларига дисперсия (ажратиш) усулида статистик ишлов бериш керак.

## **4-бөб. СУГОРИШ УСУЛЛАРИ ВА СУГОРИШ ТАРТИБОТИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

### **Тадқиқотларнинг вазифаси.**

Мамлакатимизнинг турли тупроқ-икълим шароити учун ўсимликларни оқилона сугориш сони, миқдори, муддати ва усулларини аниқлаш сугориш тартиботи бўйича тадқиқотларнинг асосий вазифасидир. Тажрибалар сувни эгатлардан оқизиб, вақти-вақти билан ёмғирлатиб, ер остидан, тупроқ ичидан юбориб сугориб ва қунига бир неча марта томчилатиб сугориб ўтказилади.

### **Тажрибалар схемаси**

Сугориш бўйича тажрибалар кўпинча стационар бўлиб, мазкур минтаقا учун тавсия қилинадиган битта, бирнечта ёки алмашлаб экиш тажриба даласининг ҳамма ерларида ўтказилади.

Сугориш тартиботи бўйича тажрибалар режалаштирилганда тупроқнинг сугоришдан олдинги намлиги кўзда тутилади. Бу тупроқнинг тўлиқ тўйинган нам сигимиға нисбатан энг кам даражада намлик бўлиши керак. Сугоришдан олдинги намлик 60%, 70%, ва 80% бўлиши, сувга кўп талабчан карам, бодринг, салат, редис ва бошқа экинларга эса айрим пайтларда тўлиқ тўйинган дала нам сигимиға нисбатан 90% бўлиши мумкин.

Сабзавот ўсимлигининг вегетацияси даврида тупроқ на-млигини унинг асосий босқичлари (фазалари) бўйича диффе-ренциациялаш зарур. Ниҳоллар ёппасига униб чиққандан (ёки кўчат ўтказилгандан) то маҳсулдор аъзо шакллана бошлангунча, иккинчи-маҳсулдор аъзолар шакллана бошлагандан то мевалар техник етилабошлагунча ва учинчи—техник етила-бошлагандан ҳосил охиригача йиғиштириб олингунга қадар бўлган даврлар асосий босқичлар ҳисобланади (5 жадвал).

**Сабзавот, полиз ва картошка экинларининг асосий ўсиш ва ривожланиш босқичлари (фазалари)**

Вегетация давр.	Ўсиш ва ривожланиш босқичлари	Айрим сабзавот экинларининг вегетация даври						
		Помидор, бақчажон, қалампир	Пиёз, саримсок	Сабзи, ошлавлаги	Бодринг	Карам	Картошка	Пиёз экинлари
I	Ёппасига ниҳолларнинг пайдо бўлиши, далага кўчат ўтказиш	Кўчат ўтказиш	Пиёзчани экиш. Ниҳолларнинг ёппасига униб чиқиши	Ниҳолларнинг ёппасига чиқиши	Ниҳолларнинг ёппасига чиқиши	Кўчат ўтказиш	Ёппасига ўсиб чиқиши	Ниҳолларнинг ёппасига чиқиши
II	Махсулдор аъзоларнинг пайдо бўла бошлаши	Меванинг пайдо бўла бошлаши	Пиёз бошининг шакллана бошлаши	Илдиз бўйининг йўғонлаша бошлаши	Меванинг пайдо бўла бошлаши	Карамбушининг ўрай бошлаши	Туганакларнинг пайдо бўла бошлаши	Пиёзбошнинг пайдо бўла бошлаши
	Техник етила бошлаши	Пиша бошлаши	Баргнинг ёта бошлаганлиги	Техник етила бошлаганлиги	Хосилнинг теришга етила бошлаганлиги	Техник етила бошлаши	Туганакларнинг ёппасига тугиши	Пиёзбошнинг техник етила бошлаши
III	Хосилни йигиштириш (охирги терим)	Меваларнинг охирги терими	Хосилни йигиштириш	Хосилни йигиштириш	Меваларнинг охирги терим	Хосилни йигиштириш(охирги терим)	Туганакларни йигиштириш	Хосилни йигиштириш (охирги терим)

Тажрибанинг барча вариантиларида тупроқнинг намиқтирилиш ҳисобий чуқурлиги вегетациянинг биринчи даврида 0,3-0,5 м, иккинчи ва учинчи даврларида 0,5-0,7м қилиб қабул қилинган. Тупроқнинг намиқтирилиш қатлами ўсимлик илдизининг 80-90% миқдори жойлашган ер қатламига тенг бўлиши керак.

Ўзбекистоннинг барча минтақаларида сабзавот экинлари фақат сугориладиган ерларда етиштирилади. Тажриба ўтказишга мўлжалланган районлар учун илгари сугориш тартиботи тавсия қилинмаган бўлса, унда назорат қилиб тўйинган дала нам сифимига нисбатан 60% олинади.

Тупроқда илдизнинг асосий қисми тарқалган қатлами намлигининг қуи чегараси сугориш миқдори ва муддатини белгилашнинг асоси бўлиб, барча экинлар бўйича тажриба схемасида кўрсатилган бўлиши керак (намликнинг юқори чегараси—чегаралангандан дала нам сифими (ЧДНС) бўйича 100%).

Вегетация даврида сугориш ва сувнинг сарфи туфайли тупроқ намлиги ўзининг юқори ва пастки чегараси оралиғида доимо ўзгариб туради. Шунинг учун бир минтақанинг ўзида экинларнинг турига, йилнинг метеорологик шароитига қараб сугориш муддатлари ва сони турлича бўлади. Сугориш техникикаси ва ҳисобий қатламнинг чуқурлиги, тупроқ типи, сугориш усусларига қараб сугориш меъёри ҳам ҳил бўлиши мумкин.

Турли тупроқ-икклим минтақаларида сугориш тартиботи ўрганилганда тупроқнинг намланиш чуқурлиги ва сабзавот экинларини асосий вегетация босқичлари бўйича сугориш меъёри алоҳида тадқиқ қилинади.

Ҳисобий қатлам кичик бўлиб, сугоришдан олдинги тупроқ намлиги юқори бўлганда минимал сугориш меъёри, тупроқнинг тўлиқ фаол қатламини намлантириш зарурияти туғилганда—максимал сугориш меъерини қўллаш кўзда тутилади. Шўр ювиш ва тупроқда сув захирасини ҳосил қилиш учун жуда катта сугориш меъёри қабул қилинган. Сугориш меъёри ва муддатларини белгилаш усусларини таққослаб баҳолаш ҳамда асбоблар қўллаш маҳсус тадқиқотлар предмети ҳисобланади.

Кўп омилли тажрибаларда ҳам сугориш масалаларини ўрганиш мумкин. Бундай тажрибаларни ўтказиш анча мураккаб. Шунинг учун икки омилли сугориш ва ўғитлашни биргаликда тадқиқ қилиш билан чегараланса бўлади. Бунда турлича намиқтириладиган майдон минерал ўғитлар фонлари бўйича

майдончаларга ажратилади. Масалан, кўп йиллик тажрибаларда юзаси  $18 \times 18 \text{ м}^2$  сугориладиган майдон 4 бўлакка ( $9 \times 9 = 81 \text{ м}^2$ ) бўлинган. Ушбу бўлакларда минерал ўғитларнинг турли фонлари—ўғитсиз (абсалют назорат), ҳисобий ёки тавсия қилинган миқдор (назорат), кўпайтирилган миқдор, захира учун фосфор ва калий, ҳар йили азот фонлари яратилади. Шунингдек, ўғит солишининг бошқа варианatlарини (масалан, минерал ўғитларни майдалаб солиш, органик ўғитларни қўллаш ва бошқаларни) ҳам синаб кўриш мумкин.

Суғориш тартиботини олдиндан белгилашда охирги йилларда ватанимизда ва чет элларда ҳисоблаш усули кенг қўлланилмоқда. Суғоришни белгилаш усулларини ўрганиш тажрибалари схемасига назорат учун тупроқ намлигига кўра суғориш муддатларини аниқлаш усули қабул қилинган.

### Майдон танлаш ва тайёрлаш

Тажриба даласида сабзавотчилик учун тупроқ ва сув тартиботи (тупроқнинг сув-физик ва агрокимёвий хоссалари, сизот сувлари сатҳи, уларнинг таркиби, жойнинг рельефига кўра) бир хил типик бўлиши керак.

Суғориш тартиботи ва суғориш усуллари бўйича тажриба қўйишдан олдин қўйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- рельеф, микрорельеф, тупроқнинг унумдорлиги ва ўтлар билан ифлосланганлиги бўйича майдонни ўрганиш;
- $1:1000$  масштабда тажриба даласида тупроқ съемкасини ўtkазиш;
- рельефнинг тик тасвирини  $1:1000$  масштабда ҳар  $10, 40$  см чукурлик олиш, зарур бўлса тупроқнинг юқори унумдор қатламини сақлаган ҳолда майдонни яхшилаб текислаш;
- тупроқнинг сув-физик хоссаларини  $160$  см чукурликкacha  $10$  см; оралиқда ( $10\text{-}20, 20\text{-}30, 30\text{-}40, 40\text{-}50, 50\text{-}60, 60\text{-}80, 80\text{-}100$  ва ҳоказо) қатламлар ва генетик горизонтлар бўйича зичлиги, солишишторма массаси, чегараланган дала нам сигими (ЧДНС) ва пипетка усулида механик таркибини аниқлаш керак. Вегетация бошида ва охирда Н.И.Савинов методи билан  $60$  см чукурликкacha тупроқнинг агрегат таркиби аниқланади. Тупроқнинг қўйидаги сув-физик хоссалари: тупроқнинг зичлиги (Васильевнинг БН-50 бурғиси ёки бошқа бурғи билан, тупроқ ҳажми  $50$  см дан кам бўлмаслиги керак); пикнометр усулида—солишишторма массаси  $I \times I \text{ м}^2$  майдончага сув тўлдириш усули билан) ЧДНС (3 қайтариқда, вегетация даврида

- 2 марта); С.И. Долгов бўйича-сўлиш коэффициенти; Иванов формуласи ёрдамида ҳисоблаш йўли билан буғланиши аниқланади;
- ёғингарчилик, ҳарорат ва ҳаво ницбий намлигининг 10 кунлик маълумотлари гурухланиб, ўртacha кўрсаткич чиқарилади. Юқорида келтирилган маълумотлар яқин жойлашган метеорологик станция маълумотларининг кўп ишлек кўрсаткичлари билан таққосланади. Метеорологик станция 10 км дан яқин жойлашган бўлса, унда тажриба даласида ёғингарчилик миқдори, ҳарорат ва тупроқ юзаси ҳавосининг нисбий намлигини ўлчаш кифоя қиласди;
  - сизот сувининг жойлашиш чуқурлигини аниқлаш ва сув сатҳи 2 м дан кам бўлса, сизот суби сатҳининг динамикасини кузатиш учун бир нечта кузатув қудуқлари ўрнатилади. Ушбу кузатувлар сугориши тартиботлари бир-биридан кескин фарқ қиласидиган вариантларда ўтказилади. Экинни экаётганда, сугоришидан олдин ва сугоргандан кейин ҳар куни турғун юза бўлгунча ўлчовлар ўтказилади. Қолган муддатлар 5-10 кунда тупроқ намлигини аниқлаш учун намуналар олинаётганда бараварига сизот сувининг сатҳи ҳам ўлчанади. Кузатув қудуқлари тажрибада камида икки марта тақрорланганда, бир майдончага иккитадан жойлаширилади.

Тажриба учун ажратиладиган дала майдонининг ерига олдинги йил бир хил ишлов берилган, бир ўтмишдош экин, барча майдон бир хил миқдорда сугорилган, охирги 3 йилда майдонга бир хил миқдорда ўғит солинган бўлиши зарур.

Тажриба даласини текислаш сугориши усуулларидан қатъий назар мажбурий тадбир ҳисобланади. 10 см.дан ортиқ чукурчалар кўмиладиган ёки шу ўлчовдаги дўнгликлар текисланадиган бўлса, олдинги унумдор юза қатлам бир жойга тўпланади ва ер текислангандан сўнг, бутун участка бўйича бир меъёрда ёйиб чиқилади. Ер текислангандан сўнг тенглаштирувчи экин экилади ва ҳосили бўлак-бўлак ҳисобланиб, кейинги йил тажриба қўйишга участканинг яроқлилиги аниқланади. Зарурият туғилганда тажриба майдони тупроғининг унумдорлигини тенглаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

Тажриба даласи ўзи оқар сув олиш иншоати ёки электрлаштирилган стационар насос станциясидан иборат сугориши тизими билан яхши таъминланган бўлиши керак. Ёмғирлатиб сугориши тартиботи ўрганиладиган майдонларга ер остидан қувурлар ўтказилиб, гидрантлар ўрнатилган бўлса сугориши ускунаси ва аппаратлари уланади. Сугориши билан ўтказила-

диган тажрибаларни ўтказишнинг муҳим шарти-сугоришдан кейин то ўсимликлар тўлиқ тутиб кетишига қадар тупроқни ўз вақтида юмшатиб туришдир.

Сугориш тартиботи ва сугориш усуслари бўйича тажрибаларда майдон юзаси, шакли ва майдончаларнинг жойлаштирилишини сугориш тармоғи, жойнинг рельефи, сугориш техникаси ва қўлланиладиган машина ва ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш қуроллари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш керак. Турли ёмғирлатиб сугориш машиналари ва усқуналари билан сугорилганда тажриба майдонининг тахминий миқдори қўйидагича тавсия қилинади (6-жадвал).

6-жадвал

**Турли машина ва усқуналар учун тажриба майдони**

Усқуна ва машина-ларнинг русуми	Майдонча эни, м.	Майдонча узунлиги, м	Майдонча юзаси, м <sup>2</sup>
КДУ-55м	8,4	20	168
УДС-25	21	20	420
ДДА-100м	40	20	800

ДДА-100МА ёмғирлатиш агрегати билан сугорилганда тажрибадан сугориш тармоғи бўйлаб 10м кенглиқдаги полоса ва ёмғирлатиш агрегати қаноти эгаллаган қамровининг охирдан чиқариб ташланади.

Тажрибадаги қайтариқлар сони 4 тадан кам бўлмаслиги керак. Ҳисоблаб чиқиладиган майдончанинг юзаси бошқа технологик тажрибаларники билан бир хилдир (1-бобда келтирилган). Режалаштирилган кузатувларнинг ҳаммасини амалга ошириш учун майдончанинг иккала томонидан доимий лаборатория майдончалари қолдирилади. Уларнинг ўлчами кузатувлар ҳажми билан белгиланади. Эгатлаб сугорилганда майдончанинг узунлиги 30 м.дан кам, лекин эгатнинг узунлигидан катта бўлмаслиги керак. Майдончанинг минимал кенглиги 3-5 қатордан, ҳимоя полосасининг кенглиги 2-3 қатордан кам бўлмаслиги керак. Майдонча охиридаги кўндаланг ҳимоя полосасининг эни 3-5 м қилиб қолдирилади.

Ёмғирлатиб сугориш машиналари ёки қурилмалари билан сугориш тартиботи бўйича тажриба ўтказиладиган бўлса, уларнинг янги яратилган русумларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

## **Биргаликда олиб бориладиган ёрдамчи кузатувлар**

Суфориш тартиботи ўрганилаётганда асосий вазифалардан бири-уларни тартибга солиш мақсадида тупроқдаги сув захирасининг динамикасини кузатишидир.

Кулай суфориш тартиботи ва суфориш усулларига тўғри баҳо бериш учун аввало тупроқ намлигининг динамикасини, фенологик кузатиш, ўсимликнинг туриш қалинлигини, ер устти қисми ва илдиз тизимининг ўсиш ва тарқалиш хусусиятини ўрганиш, ўсимликнинг сув тартиботини, ҳосилнинг чиқиши динамикаси ва кимёвий таркибини, сақланувчанлигини, маҳсулотнинг мазаси ва тузланишдаги сифатини аниқлаш зарур. Суфориш бўйича тажрибаларда биргаликдаги ёрдамчи кузатувларни ўтказишнинг қўйидаги хусусиятларини инобатга олиш керак.

Суфориладиган майдоннинг сув балансини ўрганиш учун ҳар ойнинг боши ва охирида тупроқ намлиги сизот сувнинг сатҳигача (сизот суви яқин жойлашган бўлса) ёки 1,6 м чуқурликгача: 0-10 см, 10-20 см, 20-30 см, 30-40 см, 40-50 см, 50-60 см, 60-80 см, 80-100 см, 100-120 см, 120-140 см ва 140-160 см қатламлар бўйича аниқлаш керак.

Суфориш миқдори, муддати ва ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш шароитининг тавсифини аниқлаш учун ҳар ўн кунликнинг боши ёки охирида тупроқ намлиги 100 см чуқурликгача: 0-10 см, 10-20 см, 20-30 см, 30-40 см, 40-50 см, 50-60 см, 60-80 см ва 80-100 см қатламлар бўйича аниқланади. Тупроқ намлиги, шунингдек, суфоришгача ва суфорилгандан бир кундан кейин ва кучли ёмғирдан кейин (10 мм дан ортиқ) аниқланади. Тупроқ намуналарини олиш лаборатория майдончасида ҳар бир вариантнинг икки қайтариғида 2 карра такрорлашда ёки ҳар бир вариантнинг бир қайтариғида 3 карра такрорлашда ўтказилади.

Дастлабки ҳужжатларда тупроқ намлиги мутлоқ қуруқ тупроқ вазнига нисбатан фоизда ифодаланса, кейинги ишланмаларда эса уни чегараланган дала нам сифимига (ЧДНС) нисбатан фоизда ифодалаш керак.

Эгатлар бўйича суфорилганда суфориш суви «Чипполетти» трапециясимон сув ўлчагич ёрдамида ҳар бир майдончада алоҳида ҳисобга олинади. Сув ўлчагич сув келадиган ариққа ёки бевосита тажриба даласининг чегарасидаги ўқариқقا ўрнатилиади. Суфориш канали ва ўқариқдаги сувнинг ҳаракатида унинг исроф бўлишини камайтириш учун водослив-сув ўлча-

гич сугориладиган майдончадан 100 м дан узоқ бўлмаган ма-софага ўрнатилади. Эгатлар эгилувчан сув қувурлари, йиғма қувурлар ёки сифонли қувурчалар билан сугорилганда сув ҳисоби эгатлар бошига ўрнатиладиган учбурчакли водослив ёки сув чиқаргичдан найда орқали чиққан сувнинг ҳажмини ўлчаш йўли билан амалга оширилади. Қувурлардан сув берилганда сувни ҳисоблаш учун водопроводлардаги сув ўлчагичларни ҳам қўлласа бўлади.

Икки консолли ДДА-100МА агрегати ёрдамида сугориш каналидан сув олиб, ёмғирлатиб сугорилганда унинг ҳисоби ҳам сугориш ариғининг бошига ўрнатиладиган трапециясимон водослив ёрдамида амалга оширилади. КДУ –55м типдаги ускуналар орқали сугорилганда сув ўлчагични ёрдамчи трубо провод бошига ўрнатилади. Ёмғирлатиб сугорилганда бевосига майдончага кираётган сувни ҳисоблаш учун сув ўлчагич бағкалари қўлланилади (банканинг юқори қисмининг диаметри камиди 100 мм). Ҳар бир майдончага 9 тадан ёмғир ўлчагич (майдонча бошида, ўртасида ва охирида-3 донадан) ўрнатилади. Ушбу ҳолатдаги ёмғир ёғдиргич орқали сугорилган сув сарфини вақт бўйича ҳисоблаш мумкин эмас. Сабаби, тармоқда босимнинг ўзгариши, ёмғирлаткичнинг сув чиқадиган тешигининг ейилиши, шамол ва бошқа омиллар таъсири сабабли ҳақиқий сув миқдори ҳисобий сув миқдоридан анча фарқланиши мумкин.

Сув ўлчагичдан фойдаланиб вақт бирлигидаги сув сарфи аниқланади. Остонаси сув билан кўмилмаган сув ўлчагич ёрдамида сув сарфини қуйида келтирилаётган формула ёки жадвал бўйича, водосливнинг бўсағаси устидаги сув босими билан (қатлам қалинлиги) боғлиқлиги аниқланади. Трапеция кўринишидаги сув ўлчагич жадвали остонасининг эни 1 м бўлган сув ўлчагични ҳисоблаш учун тузилган. Жадвалда кўрсатилган сув сарфини остонасини эни бошқача бўлса, ушбу миқдорга кўпайтириш керак. Эгатларга кўйиладиган ва чиқариладиган кичик сув сарфини чўқмайдиган учбурчакли кесими 90° ли сув ўлчагич билан ўлчаш керак. Кейин формула бўйича ёки илова қилинган жадвал бўйича аниқлаш керак.

Сув ўлчагичдан ўтаётган сув миқдори қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$V=0.06Qt,$$

бунда:  $Q$ -сугориш меъёри,  $\text{га}/\text{м}^3$ ;  $t$ -вақт, мин.

Ёмғирүлчагич билан ўлчаганда ҳақиқий сугориш меъёри күйидаги формула бўйича аниқланади:

$$m = 400 \frac{V}{nd^2} = 127.5 \frac{V}{d^2}$$

**бунда:**  $m$  – сугориш меъёри, га/м<sup>3</sup>;

$V$  – ёмғирүлчагичдаги сув ҳажми, мл (см<sup>3</sup>);

$d$  – ёмғирүлчагичнинг юқори қирраси бўйича диаметри, см.

Сугориш ўтказилганда сугориш сувини тўғри ҳисоблаш ва таққослашни таъминлаш учун очиқ сугориш тармоғидаги сувбўлгичда доимий горизонтни, насос станцияси ва турбопроводларда эса доимий босимни ушлаб туриш керак. Кўйидаги формула бўйича сугориш меъёри аниқланади:

$$m = 100 \cdot \varphi \cdot h \cdot (A - B)$$

**бунда:**  $m$  – сугориш меъёри га/м<sup>3</sup>;

$\varphi$  – тупроқнинг зичлиги, т/м<sup>3</sup> ёки г/см<sup>3</sup>,

$h$  – намиқтириладиган ҳисобий қатлам чуқурлиги, м;

$A$  – чегараланган дала нам сифими мутлоқ қуруқ тупроқ массасига нисбатан фоизда;

$B$  – сугоришдан олдинги намлик мутлоқ қуруқ тупроқ массасига нисбатан фоизда;

Остонасининг эни  $b=1\text{м}$  ( $Q=1.86 \text{ в.н. } \sqrt{h} \text{ л/сек}$ ) бўлган чўкмайдиган трапециясимон сувўлчагичда сув сарфининг ўлчови.

Босим Н, см	Сарф Q, л/сек	Босим Н, см	Сарф Q, л/сек	Босим Н, см	Сарф Q, л/сек
1	1,7	11	68,0	21	179,5
2	5,3	12	77,5	22	192,4
3	9,7	13	87,4	23	205,7
4	14,9	14	97,4	24	219,3
5	20,8	15	108,3	25	233,1
6	27,4	16	119,4	26	247,2
7	34,5	17	130,7	27	261,7
8	42,2	18	142,4	28	276,3
9	50,3	19	154,5	29	291,2
10	58,9	20	166,8	30	306,4

$$Q=0.014 \cdot H^2 \cdot \sqrt{H} \text{ сек/л.}$$

Босим Н,см	Сарф Q, л/сек	Босим Н,см	Сарф Q, л/сек	Босим Н,см	Сарф Q, л/сек
0,5	-	5,5	0,99	10,5	5,00
1,0	0,01	6,0	1,24	11,0	5,61
1,5	0,04	6,5	1,51	11,5	6,25
2,0	0,08	7,0	1,81	12,0	6,95
2,5	0,14	7,5	2,15	12,5	7,71
3,0	0,22	8,0	2,53	13,0	8,50
3,5	0,32	8,5	2,95	13,5	9,30
4,0	0,45	9,0	3,40	14,0	10,22
4,5	0,60	9,5	3,89	14,5	11,20
5,0	0,78	10,0	4,42	15,0	12,20

Суфориш меъёрини ҳисоблаш намунаси. Намиқтириладиган чукурлик қалинлиги 50 см, тупроқнинг ҳажм оғирлиги – 1,4, дала нам сифими-24% ва дала нам сифимига нисбатан ҳисобий қатламдаги тупроқнинг сувсизланиши биринчи ҳолда 70%, иккинчи ҳолда 80% гача. Помидор экини учун суфориш меъёрини аниқлаш керак.

Дала нам сифимига нисбатан 70% ва 80% га тўғри келадиган тупроқ намлигини ҳисоблаймиз. Биринчи ҳолда;  $\frac{24 \cdot 70}{100} = 16,8\%$  ва иккинчисида  $\frac{24 \cdot 80}{100} = 19,2\%$  га тенг бўлди.

Суфориш меъёрини аниқлаш формуласида кўрсатилган ҳамма қийматларни қўйиб, қуйидаги суфориш меъёрларини оламиз: тўлиқ нам сифимига нисбатан 70%гача сувсизланганда:

$$M=100 \times 0,5 \times 1,4 \times (24-16,8)=504 \text{ м}^3/\text{га}$$

80%гача сувсизланганда:

$$M=100 \times 0,5 \times 1,4 \times (24-19,2)=336 \text{ м}^3/\text{га}$$

Ҳар куни кулагай ва юқори суфориш тартиблари вариантларида икки қайтариқда ҳамма суфориш усусларида 10, 20 ва 40 см чукурликдаги тупроқ ҳарорати (60 ва 100 см чукурликда вегетациянинг бошида, ўртасида ва охирида) ҳамда 10, 50 ва 100 см баландликдаги ҳавонинг ҳарорати ва нисбий намлиги аниқланади. Тупроқ ҳарорати тупроқ термометрлари билан ўлчанади. Ҳавонинг ҳарорати ва нисбий намлиги кечакундузли ёки ҳафтали термограф ва гигрограф, вақти-вақти билан оддий термометр ва психрометр билан текширилиб ту-

рилади. Ҳар куни соат 12да бир марталик ўлчаш (айниқса, сүфоришдан 2-3 кун олдин ва сүфоришдан кейин 5-6 кун ичида ўлчаш жуда мұхим) амалға оширилади.

Тупроқда илдиз тизимининг ривожланиши ва тақсимланиши вегетациянинг ўртасида ва охирида тажрибанинг иккى қайтарифи ҳар бир сүфориш усулида мақбул ва юқори сүфориш тартибидаги варианtlарда ўрганилади. Аниқлаш муддатлари ни ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш фазаларига боғлаб олиб бориш керак. Тупроқнинг турли қатламларыда жойлашган илдизнинг мутлоқ куруқ вазни (қатламлар бўйича ҳар 10 см дан 60 см чуқурликкача ва кейинчалик 20 см дан 100 см чуқурликкача) аниқланади.

Технологик тажрибалар учун қўлланиладиган методика бўйича фенологик кузатишлар ва биометрик тадқиқотлар олиб борилади (1-бобга қаранг).

Тажрибанинг ҳамма вариант ва қайтариқларда сүфориш усуllари амалға оширилган пайтида касаллик ва зааркунандалар тарқалишининг ҳисоби олиб борилади.

Агрокимёвий тадқиқотлар методикасига биноан 0-20 см, 20-40 ва 40-60 см ли қатламлар бўйича вегетациянинг бошида, ўртасида ва охирида тупроқнинг агрокимёвий тавсифи ўtkазилади. (5-бобга қаранг).

Тупроқдаги сувда эрийдиган тузлар миқдорини 100 см чуқурликкача иложи борича тажрибанинг ҳамма вариантларида вегетациянинг бошида ва охирида аниқлаш керак. Сизот сувининг сатҳи яқин бўлса вегетациянинг бошида ва охирида сизот сувининг кимёвий таркиби таҳлил қилинади.

Сизот сувлари яқин турган жойларда (2 м дан кам) ўсимлик транспирациясига сарф бўладиган сизот сувлари миқдорини аниқлаш учун лизиметр ёрдамида қўшимча тажрибалар ўтказиш керак. Шу билан бир вақтда сизот суви сатҳининг динамикасини ҳам кузатиш керак.

Тажрибанинг барча вариантлари бўйича сув истеъмол қилиш коэффициенти ва бир гектарга сувнинг умумий сарфи ҳамда ўртача суткали сув сарфи ва шунингдек,  $10^{\circ}\text{C}$  га, 1миллибар намлийка сув сарфи аниқланади.

С.В.Астапов (1958), С.М. Альпатьев (1967), А.А. Роде (1969), М.Ф. Куликова (1969), В.Ф. Белик ходимлари билан биргаликда, (1970) ва бошқаларнинг қўлланмаларида юқорида қайд қилинган кўрсаткичларни аниқлашнинг тўлиқ методикаси келтирилган.

Фенологик ва биокимёвий тадқиқотларни, иқтисодий

жиҳатдан баҳолаш ва маълумотларга математик ишлов бериш расмий қабул қилингандай методикаларга кўра амалга оширилади (ушбу ишнинг тегишли бобига қаранг).

Ҳосилнинг ҳисоби ва уни баҳолаш шу маҳсулотга тегишли бўлган давлат стандартларига мувофиқ амалга оширилади. Агар маҳсулот сақлашга мўлжалланган бўлса, бу ҳолда тажрибанинг асосий варианatlари бўйича барча сугориш усуслари-даги маҳсулотни сақлашга кўйиб, кейин уни баҳолайдилар. Иш сабзавотларни сақлаш бўйича мутахассислар—технolog, мелиоратор, агрокимёгарлар, физиологлар билан биргаликда ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу умумий тажрибалардан энг кўп илмий ахборот олиш имкониятини беради.

### **Тупроқнинг сув-физик хоссаларини аниқлаш**

Тупроқдаги сув захираси академик А.Н. Костяков таклиф этган формула ёрдамида ҳисобланади:

$$M=100xHxAxB$$

**Бунда;** M-1 гектарда кубометр ҳисобидаги сув захираси,

H-сув захираси аниқланадиган тупроқ қатламишининг чуқурлиги (м),

A-тупроқнинг ҳажм оғирлиги, т/м<sup>3</sup> ёки г/см<sup>3</sup>

B-мутлоқ қуруқ тупроқка нисбатан тупроқ намлиги,%.

Мисол. бир гектар ернинг 0,7м қатламидаги сув захирасини кубометрда ҳисоблаш керак. Бу қатламдаги тупроқнинг ҳажм оғирлиги-1,4, тупроқнинг намлиги-19%. Аниқ рақамларни юкорида келтирилган формулага қўйиб, куйидаги на-тижани оламиз:  $M=100x0,7x1,4x19=1862 \text{ м}^3 \text{ сув/гек.}$

Тупроқнинг бирорта қатламидаги намлик захирасини ҳисоблаш учун: тупроқнинг ҳажм оғирлиги, тупроқнинг намлиги; сугориш меъерини ҳисоблаш учун бундан ташқаридан нам сифимининг миқдори, сугориладиган майдон тупроғининг умумий тавсифи учун-тупроқнинг ғоваклиги ва тупроқнинг солиштирма оғирлиги тўғрисидаги маълумотлар талаб этилади.

Куйида тупроқ ҳусусиятларининг ҳар бирини аниқлаш методикаси тўғрисида тўхталиб ўғамиз.

### **Дала шароитида тупроқнинг ҳажм оғирлигини аниқлаш**

Тузилиши бузилмаган мутлоқ қуруқ тупроқ ҳажмининг бирламчи вазни тупроқнинг ҳажм оғирлиги деб аталади. Ҳажм

оғирлигини аниқлаш учун унинг тузилиши бузилмаган намунасини олишда маҳсус бурғилардан фойдаланилади. Бу мақсад учун энг мақбул бурғи-жамжи  $78,5 \text{ см}^3$ га тенг бурғидир. Тузилиши табиий бирламчи жамдати тупроқ оғирлиги  $\text{t/m}^3$  ёки  $\text{g/cm}^3$  да ўлчанади.

Тупроқнинг жамъ оғирлигини аниқлаш учун тажриба участкасида субориш ишлари бошланишидан олдин керакли чуқурликда шурф қазилади (масалан, бир метр чуқурликкача). Ишлаш қулай бўлиши учун унинг узунлиги 1м ва эни 40-50см бўлиши керак. Намуна олинадиган кўндаланг томоннинг қаршиси зина шаклида ўйилади. Шурф девори яхшилаб тозаланади, намуналар олинадиган генетик-қатламлар белгиланади, уларнинг чуқурлиги ўлчанади ва журналга ёзилади. Белгиланган горизонтларнинг горизонтал майдончалари тозаланади ва уларга бурғи тикласига киритилади. Бурғи тўлиқ киритилиб, тупроқнинг ҳамма томонлари пичоқ билан кесиб чиқилади. Шундан кейин унинг тагида бир мунча захира қолдирилади ва аста-секин бурғи чиқариб олинади. Сўнгра бурғи тагидаги ортиқча тупроқ пичоқ билан авайлаб кесилади, бурғи деворларига ёпишиб қолган тупроқ заррачалари эҳтиётлик билан тозаланади ва исроф қилмай цилиндрдаги тупроқни алюминий стаканларга жойлаштирилади. Одатда намуна 2-3 стаканчага жойлаштирилади. Дала журналига намуна олинган генетик горизонт, аниқ намуна олинган жой, стаканчаларнинг номерлари ёзиб қўйилади.

Назорат учун ҳар бир горизонтал майдончадан иккитадан кам бўлмаган намуна олиш керак. Генетик горизонтлари чуқур бўлганда горизонт чегарасининг чуқурлиги бўйича 2-3 жойдан намуналар олиш тавсия қилинади.

Лабораторияда тортилган нам тупроғи билан стаканлар доимий вазнгача қутилилади. Қутилигандан кейин қуруқ тупроқнинг оғирлиги аниқланади. Тупроқнинг жамъ оғирлигини топиш учун қуруқ тупроқнинг вазнини бурғи жамига бўлиш керак.

Гумуслилик даражаси ва тупроқнинг зичлигига қараб, тупроқнинг жамъ оғирлиги турлича бўлиши мумкин. Ҳайдалма қатламнинг жамъ оғирлиги бир ва ундан камдан то  $1,15-1,2$  гача, ўртачаси  $1,05-1,10$  ни ташкил қиласи. Қурилган горизонтлар учун жамъ оғирлиги 1дан то  $1,6$  гача, ўртачаси  $1,4$  гача, зич замин (грунтлар) учун  $-1,6-1,8 \text{ t/m}^3$  ёки  $\text{g/cm}^3$  га тенг.

Тупроқнинг жамъ оғирлигини аниқлаш учун қуйидаги жиҳозлар: маҳсус бурғи, алюминий стаканлар, тарози,

қуристилдиган шкаф, ўткур пичноқ, картон қофоз, ўлчаш учун рулетка, текширилган намуна түғрисидаги маълумотларни ёзиш учун журнал (7-жадвал) бўлиши зарур.

7 жадвал

**Тупроқнинг ҳажм оғирлигини аниқлаш жадвали қўйидаги шакл бўйича тўлдирилади**

Тажрибанинг номи, дала ёки майдонча №	Генетик катламнинг чукурлиги, см	Намуна олинган чукурлик, см,	Бурғи ҳажми, см <sup>3</sup>	Стаканлар № №	Стакан ичишининг вазни, г	Идиш билан куруқ тупроқнинг оғирлиги		Идишисиз куруқ тупроқнинг оғирлигиг (8-6)	Тупроқнинг ҳажм оғирлиги, (9-4)
						1-тортиша	2-тортиша		
I	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Помидор билинг тажриба	0-50	22-27	78,5	5	26,04	59,15	59,14	33,10	1,27
5-дала				10	26,03	58,28	58,28	32,25	
25- майдонча				15	26,10	60,25	60,25	34,15	
								$\Sigma 99,5$	

Бир нуқтадан олинган тупроқ намунаси Зта стаканга солиниб қуристилганлиги сабабли тупроқнинг ҳажм оғирлигини аниқлаш учун учала стакан тупроғининг йифиндиси бурғи ҳажмига бўлиниб топилади.

**Тупроқнинг солиштирма оғирлигини аниқлаш**

Тупроқнинг қаттиқ заррача ҳажмидаги сув вазнига мутлоқ қуруқ ҳолатдаги вазни нисбати **тупроқнинг солиштирма оғирлиги** дейилади.

Тупроқнинг ҳажм оғирлиги таркибидағи минералларга ва органик моддалар (гумус) миқдорига боғлиқ. Тупроқда гумус ва умуман органик моддалар қанча кўп бўлса, унинг солиштирма оғирлиги шунча кам ва, аксинча, тупроқда минерал моддалар қанча кўп бўлса ва солиштирма оғирлиги қанча юқори бўлса, тупроқнинг солиштирма оғирлиги шунча кўп бўлади. Торфли тупроқларнинг солиштирма оғирлиги 1,8 га

яқын бўлса, чириндига (10%гача) бой қора тупроқларда-2,35га; кумоқ тупроқларда-2,54 га тенг.

Миллиметрли элакдан ўтказилган, ҳавода қутилган тупроқнинг солишишторма оғирлигини аниқлаш учун уни қозоз устига юпқа қалинликда сепилиб, ундан 2-3 қайтариқда оғирлиги 10-15 г дан бўлган ўртача намуна олинади. Айни пайтда тупроқнинг намлигини аниқлаш учун ҳам намуна олинади. Пикнометр ёки ўлчов колбасида дистирланган сувнинг муайян ҳароратлилиги маълум ҳажмгача ўта аниқ қилиб тўлдирилади ва суви бор кристаллизаторга чўктирилади ва кристаллизатор ва пикнометрдаги (15-20 минут) сувнинг ҳарорати тенг бўлгунга қадар шу ерда қолдирилади.

Пикнометр кристаллизатордан чиқариб олинниб, фильгр қофози билан қутиллади ва тортилади. Кейин пикнометр тўлдирилган сувни ҳарорати ва пикнометрнинг суви билан оғирлиги ёзилади. Ундан сувнинг деярлик ярми тўкилади ва куруқ воронка орқали стаканчага олинган тупроқ намунасини воронка деворларига секин-аста сепиб, пикнометрга қирилади. Воронкадаги тупроқнинг қолган қисми оз миқдордаги сув билан пикнометрга ювиб туширилади.

Солишишторма оғирликни аниқлаш учун тупроқ намунаси солинган кичкина стакан яна тортилади ва тупроқнинг солишишторма оғирлигини аниқлаш учун олинган стакан оғирлиги ва қолган тупроқ қолдиги билан стакан оғирлиги орасидаги фарқ умумий намунадан чиқариб ташланади. Мутлоқ куруқ тупроққа қирилган тузатиш билан олинган тупроқ оғирлиги солишишторма оғирликни аниқлашдаги ҳисобий намуна ҳисобланади.

Куйидаги пропорция ёрдамида мутлоқ куруқ тупроқ қайта ҳисобланади:

$$A_2 : A_3 = A : A_1, \text{ бундан } A = \frac{A_2 \cdot A_1}{A_3}$$

**бунда:** A-пикнометрдаги мутлоқ куруқ тупроқнинг оғирлиги,

A<sub>1</sub>-пикнометрдаги ҳавода -қутилган тупроқнинг оғирлиги

A<sub>2</sub>-кутилгандан кейин стаканчадаги мутлоқ куруқ тупроқнинг оғирлиги

A<sub>3</sub>-кутилгунга қадар стаканчадаги ҳавода қутилган тупроқнинг оғирлиги.

Тупроқдан ҳавони чиқариб ташлаш учун ярим соат давомида пикнометр тупроқ ва сув биргаликда қайнатилади. Тупроқдан ҳавони чиқариб ташлаш учун қайнатиш ўрнига пикнометрни суви билан вакуумга қўйиш ҳам мумкин.

Қайнатилғандан кейин пикнометр совитилади, олдинги аниқ ұажыгача яна сув қүйилади ва 15-30 минут кристаллизаторга олиб қўйилади. Бундан мақсад-сув ва тупроқ ҳамда пикнометрдаги ҳарорат қайнатилмасдан олдинги сув билан пикнометрдаги дастлабки ҳарорат билан бир хил бўлиши керак. Ҳарорат бир хил бўлғандан кейин, сувни пикнометрга қуйиб тўлдириш керак ва сўнгра у сувдан чиқарилиб, яхшилаб фильтр қоғози билан ишқаланади ва тортилади. Олинган маълумотлардан қўйидаги формула бўйича тупроқнинг солиштирма оғирлиги аниқланади:

$$D = \frac{A}{B + A - C}$$

**бунда:** D-тупроқнинг солиштирма оғирлиги,  
 А-мутлоқ қуруқ тупроқнинг навескаси,  
 В-сув билан пикнометрнинг оғирлиги,  
 С-тупроқ ва сув билан пикнометрнинг оғирлиги.

**Керакли аппаратлар:** пикнометрлар ёки 50-100 см<sup>3</sup> ли ўлчов колбалари, кристаллизаторлар, аналитик тарозлар (тошлари билан), дистилланган сув, термометр, ювғич, тупроқни куритиш ва навеска олиш учун стаканчалар, қуритиш шкафи, эксикатор, шпател, диаметри 5см ли воронка, фильтр қоғози. Тупроқнинг солиштирма оғирлигини аниқлашда қайдларга қўйидагилар ёзилади:

Кун, дала, тажриба ва майдончанинг номи; тупроқ намунаси олинган қатлам;

1. 1-, 2-, 3-такрорларда қуритилгунга қадар тупроқ билан стаканчанинг оғирлиги, г.
2. Стаканчанинг тартиб рақами (№) ва оғирлиги, г.
3. Стаканчадаги тупроқнинг қуритилгунгача бўлган оғирлиги ( $A_3$ ), г.
4. Тупроқ билан стаканчанинг қуритилгандан кейинги оғирлиги, г.
5. Стаканчадаги мутлоқ қуруқ тупроқнинг оғирлиги ( $A_2$ ), г.
6. Пикнометр ичидағи тупроқнинг ҳавода қуритиб олинган навескаси ( $A_1$ ), г.
7. Пикнометр ичидағи мутлоқ-қуруқ тупроқнинг навескаси ( $A$ ), г
8. Тупроқ ва сув билан пикнометр оғирлиги (C), г.
9. Суви билан пикнометрнинг оғирлиги (B), г.
10. Тупроқнинг солиштирма оғирлиги (D), г.

## Тупроқнинг намлигини аниқлаш

Технологик тажрибаларда тупроқнинг намлигини тадқиқ қилишдан мақсад-маданий ўсимлик ўсаётган маълум тупроқ таркибидаги сувнинг аниқ миқдорини аниқлашдир. Суфориш тартиботи ўрганилганда умумий мақсаддан ташқари, керакли йўналишда сув захираларини бошқариш, суфориш муддатини аниқлаш ва тўғри суфориш миқдорини ҳисоблаш учун тупроқ намлигининг динамикаси бўйича кузатувлар ўтказилади.

Намлик бўйича тўғри, хақиқий маълумотлар олиш учун тупроқ намунаси олинадиган маҳсус чуқурликни моҳирона белгилаш катта аҳамиятга эга. Тупроқ намлигининг динамикаси бўйича кузатув ўтказиладиган тажрибаларнинг ҳар бир варианти учун жами 4 жойдан- тажрибанинг икки қайтаригидан масофаси бир-биридан 1-1,5 м, бўлган майдончадан 2 тадан кам бўлмаган миқдорда намуналар олинади.

Намуна олинадиган маҳсус жой ҳимоя полосасидаги 1-, 2-қатор ичida ва ҳисобий майдончанинг чегараси бўйича белгиланади. Суфориш тартиботи ўрганилганда намунани ҳимоя полосасидан олишга йўл кўймаслик керак. Сабаби - ҳисобий майдонча учун хос бўлган намлик у ерда бўлмаслиги мумкин. Намуна (кудук) олинадиган жойни ҳам ҳисобий майдонча доирасида жойлаштириб бўлмайди. Сабаби, кўп марта бурғилганда тупроқ зичланади, хатто экинлар пайҳонланади. Намуна олинадиган чуқурликлар бевосита қаторга яқин жойга ёки ўсимлик экилган чизиққа жойлаштирилади. Бироқ эгат ораларига жойлаштирилмайди.

Намуна олинадиган чуқурликни жойлаштириш режаси тадқиқотларнинг бошида улар ўтказиладиган бутун давр бўйича белгиланади. Бунда ҳисобни шундай олиш керакки, олдинги намуна олинган чуқурликнинг кейинги чуқурликка кўшни бўлиши тадқиқотлар натижаларига таъсир этмаслиги керак. Масофа олдинги чуқурликдан тупроқ шароитига қараб камида 1-1,5 м, енгил тупроқларда яқинроқ, огиrlарида узоқроқ бўлиши керак.

Тупроқ намунаси олинган қудуқлар қазилгандан сўнг иложи борича ўша олинган қатlam тупроғи билан қўмилади ва ўрни шиббалаб қўйилади. Тупроқ солинган қудуқ устига қазилган муддати кўрсатилиб ёғочдан тахтacha қоқиб қўйилади.

Тадқиқотлар вазифасига қараб намуна олинадиган чуқурлик ва унинг горизонти аниқланади. Суфориш тартиботи ўрганилганда тупроқ намлигини доимо кузатиш ўсимлик илдизи-

нинг асосий миқдори тарқалган қисми жойлашган қатлам бўйича олиб борилади. Тупроқ фаол қатлами намлигининг динамикаси камида 60см.лик чуқурликда кузатилади. Бундан ташқари тажриба қўйилаётганда айрим ривожланиш босқичлари (фазалари) бошланганда ҳамда вегетация охирида 1 м чуқурликнинг намлиги аниқланиши керак.

Намуналар қатламлар бўйича ҳар 10см дан, 0-10, 10-20,20-30 ва ҳоказо олинади. Қатламлар бўйича ўтадиган горизонтларда ҳар 20см дан олинса ҳам бўлади. Масалан: 60-80, 80-100см ёки 70-90, 90-110см.

Генетик қатламлар бўйича намликни кузатишнинг мураккаблиги шундаки, улардаги қатлам нотекис жойлашган бўлади. Лекин тупроқ намлигининг маълумотларига ишлов берилаётганда айрим генетик қатламларнинг сув-физик хусусиятлари (ҳажмий ва солиштирма оғирлиги, ғоваклиги, умумий морфологияси) ҳисобга олинади.

Тупроқ намлиги динамикаси ўрганилганда тупроқ намунасини бурғининг охиридан олган маъқул. Олинган маълумотлар ишлаб чиқилганда интерполяция йўли билан 0-10, 10-20 ва ҳоказо қатламларнинг намлиги аниқланади. Қатламлар бўйича намуна олинганга нисбатан бу усул аниқ маълумотларни беради. Сабаби, қатламлар бўйича намуна олиш учун бурғи очилаётганда, сўзсиз, намлик йўқолади, юқори горизонтлар тупроғи тўклилади, бурғи буралиб ерга киргизилаётганда юқори қатламнинг тупроғига нисбатан бурғининг учидагиси камроқ деформацияланади. Далада намуна олинаётган вақтда эҳтиёткорликка риоя қилинmasa, намлик миқдори йўқотилади. Шунинг учун «ўртача» намуна олиш мақсадида тупроқ аралаштирилади, деган фикрга йўл қўйилмаслиги керак.

Намликни аниқлашдаги тупроқ намунасини олиш такрори тадқиқотлар вазифаси ва ўрганилаётган омилларнинг вақт оралигига ўзгарувчанлигига боғлиқ. Суфориш тартиботи ўрганилаётганда намлик динамикасини синчковлик билан кузатиш, суфориш муддатини тўғри белгилаш ва тупроқни белгиланган қуриш чегарасида тутиб тuriш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун намуналар ҳар беш кунликда бевосита суфоришдан олдин ва суфорилган куннинг эртасига олиниши керак. Бу охирги аниқлаш суфориш муддатини аниқ, намлик динамикаси ҳарактерини тўғри белгилаш, кеча-кундузлик буғланиш миқдорини аниқлаш имкониятини пайдо қиласди.

Намликни аниқлашда намуна олиш учун Мальков, Ка-

чинский Чекрасов ва бошқаларнинг турли бурғиларидан фойдаланилади. А.А. Кудрявцеванинг замонавийлаштирилган бурғиси ишда қулай ҳисобланиб, тишли пичоғи яхши, зич тупроқларга енгил киради, ёпиқ стаканы эса намунани тасодифий ифлосланишдан сақлади. Намуна бурғидан пичоқ билан кесиб олинниб, олдиндан оғирлиги тортиб қўйилган алюминий стаканчанинг 2/3 қисмидан кўп бўлмаган ҳажми тўлдирилади. Бунда стаканнинг четлари ва деворларига тупроқнинг ёпишишига йўл қўймаслик керак. Ёпишган тупроқни тезда артиш, стаканчанинг қопқоғини ёпиш, дала журналига ёзиш ва ячейкали маҳсус қутига стаканчани қўйиш керак.

Намуналар олиб бўлингандан кейин стаканчалар лабораторияга етказилади ва аниқлиги 0,01г гача бўлган тўғри ўрнатилган техник тарозида тезда тортилади. Намликнинг йўқолиши олдини олиш мақсадида нам тупроқли намунани тортини бир неча соатга кечиктириб, айниқса, эртасигача қолдириб бўлмайди. Тортиб бўлингандан кейин стаканчанинг қопқоғи олинади, стаканча тагига кийгизилади ва шундай кўринишда куритиладиган шкафга ўрнатилади. Иситадиган асбоблар уланади ва ҳарорат кўтарилади. Бунда куритишнинг биринчи соатларида, нам кўп буғланаётганда, ортиқча намликни чиқариб ташлаш учун шкафнинг тортиб оладиган тешиги очиқ қўйилади. Шкафдаги ҳарорат  $100-105^{\circ}\text{га}$  етгач, тупроқнинг механик таркиби ва намлик даражасига қараб, шу ҳолатда тупроқ 5-6 соат давомида куритилади.

Шароит бор жойда тупроқни  $130-140^{\circ}\text{гача}$  юқори ҳароратда куритиш мумкин. Бунда куритиш вақти анча (3-4 соатгача) қисқаради. Суфориш бўйича тажрибаларда намлик миқдори катта ҳажмда аниқланиши муҳим аҳамиятга эга. Карасев ва бошқаларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, органик моддаларнинг куйиши ҳисобига натижалар нотўғри бўлишидан хавфсирашга асос йўқ. Органик моддаларга жуда бой бўлган тупроқлар намунаси куритилганда бундай хавф туғилиши мумкин эмас.

$100-105^{\circ}$  ҳароратда олти соат ёки  $130-140^{\circ}$  ҳароратда уч соат қуритилгандан сўнг шкафнинг турли жойларидағи токчалардан 3-4 тадан стаканчалар олинниб, назорат тортиш ўтказилади. Улар эксикаторда совутилиб, тортилади, вазни ёзилади ва қуритишни давом эттириш учун яна жойига қўйилади. Бир ёки бир ярим соатдан кейин яна тортилади. Оғирлителида фарқ бўлмаса ёки 0,01% дан кам бўлса қуритиш

тұхтатилиб охиригі вазн якуний деб ҳисобланади. Агар оғирлигидаги фарқ 0,01% дан юқори бўлса қуриши давом эттирилади.

Куриши тугалланғандан кейин стаканчалар эксикаторда ёки столда совитилади ва тортилади. Бундан кейин олинган маълумотлар (рақамлар) ишлаб чиқилади. Ҳисоблаш ва ёзиш шакли куйидагича бажарилади.

### Намликни аниқлаш ушбу шакл бўйича тўлдирилади

Кун, дала № ва майдонча, экиннинг номи	Намуна олинган тупроқ катлами, см	Стаканчалар №№	Стаканча оғирлиги, г	Стаканча+нам тупроқ, г	Стаканча+куруқ тупроқ, г	Навескадаги сув оғирлиги, (5-6)	Куруқ тупроқнинг вазни, (6-4)	Куруқ тупроқ оғирлигига нисбатан намлик%
1	2	3	4	5	6	7	8	9
Кун, дала № майдонча № помидор билан тажриба	0-10	30	20,45	57,55	50,15	7,40	29,7	24,9

Навескадаги сув оғирлигини 100 га қўпайтириб қуруқ тупроқнинг вазнига бўлсак қуруқ тупроқ оғирлигига нисбатан намлик % да топилади.

Зарур анжомлар: далада намуна олиш учун бурғи, алюминий стаканчалар, стаканчалар учун яшик, техник тарозлар (тошлари билан), қуритиладиган шкаф, термометр, эксикатор, қошиқ, иситадиган асбоблар.

### Тупроқнинг ғоваклигини аниқлаш

Тупроқ ҳажми ичидаги бўшлиқ ҳажмининг йифиндиси ғоваклик дейилади. У тупроқнинг тўлиқ нам сифимини ва тўлиқ ҳаво сифимининг миқдорини аниқлайди.

Тупроқнинг ғоваклилиги унинг механик ва агрегат таркиби, тупроқ заррачаларининг шакли ва уларнинг тузилиш зичлигига боғлиқ. Тупроқнинг солиштирма оғирлиги ва ҳажм оғирлигини билгач, тупроқнинг ғоваклилигини куйидаги формула ёрдамида ҳисобласа бўлади:

$$P = \frac{(1 - A) \cdot 100}{D}$$

**бунда:** Р-тупроқнинг ғоваклилиги,  
А-тупроқнинг ҳажм оғирлиги,  
Д-тупроқнинг солишиштира оғирлиги.

### **Тупроқнинг дала нам сифимини аниқлаш**

Тупроқнинг дала нам сифими-ўзига маълум миқдорда сув шимиш ва уни бирор муддатда ҳаракатсиз ҳолатда сақлаб туриш хусусиятидир. Дала нам сифимини аниқ аниқлаш учун майдончага сув тўлдириш методикаси қўлланилади. Бу усулнинг бир нечта кўриниши мавжуд. Шулардан қўйидагисини қўллаш тавсия этилади: ўрганилётган далага типик бўлган дала участкасидан дала тупроғининг бир хиллик даражасига қараб, 2-3 жойдан, яъни тупроқнинг морфологик кўрсаткичлари ва ҳажм оғирлиги маълум, шурфдан узоқ бўлмаган жойдан майдончалар танланади. Бу майдончаларга ҳар бирининг майдони  $1\text{m}^2$  бўлган учтадан чек ўрнатилади. Сув қуядиган майдончани кенгайтириша меҳнат сарфи ошиб кетиши сабабли уни йирик қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Чек ичидаги сувни оқиб кетишини ҳимоялаш учун атрофидаги марза деворлари яхшилаб шиббаланади ёки баландлиги 20-25 см бўлган тахта тутқич ўрнатилади. Ёндан сувни сизиб ўтишига йўл қўймаслик учун чекларни бир-биридан 3-5 м масофада жойлаштириш керак.

Бу майдончага ўрнатилган ёғочнинг бир қисми ерга киргизилади, ташқари томонидан тупроқ босилади ва яхшилаб зичланади. Кейин чекка (майдонча) олдиндан белгиланган миқдорда ва турли меъёрдаги сув билан тўлдирилади. Чекни тўлдириш миқдорини шундай ҳисоблаш керакки, тупроқнинг ғоваклари сув билан тўлиши керак. Тупроқни кафолатланган миқдорда тўлиқ намиқтириш учун сув захирасига тўғри келадиган бир, бир ярим ва икки миқдор меъёрида сув қуилади.

Масалан, баҳорда 1 м қатламдаги намлик захираси аниқланганда гектарига  $2000\text{ m}^3$ га (дала нам сифимига яқин) тенг эди. Унда  $1\text{m}^2$ ли биринчи майдончага  $0,2\text{ m}^3$  ёки 200 л, иккинчисига  $-0,3\text{ m}^3$  ёки 300 л, учинчисига  $0,4\text{ m}^3$  ёки 400 л сув қуилади.

Майдончага сувни сув қуигич (лейка) ёрдамида бир текис қалинликда қуилади. Тупроқнинг юза қатламини ҳўллаб олиш учун майдончага сув олдинига оз миқдорда сепилса

кейинги сувнинг миқдори юза бўйлаб бир текис қўйилади. Майдонча юзасидаги тупроқнинг ювилиб кетмаслигининг олдини олиш зарур. Майдонча сувга тўлдирилаётганда дастлабки қўйилган сувнинг тупроққа шимилиши кутиб турилади, сўнг барча миқдори қўйилмагунча яна сув қўйилаверилади.

Қўйилган сув тупроққа тўлиқ шимилгандан кейин унинг буғланиб кетишининг олдини олиш мақсадида майдонча юзаси мато, ўт ёки сомон билан яхшилаб ёпиб қўйилади. Бир кечакундуздан кейин тупроқнинг намлик ҳолати кузатилади.

Бунинг учун генетик қатламлари бўйича ёки ҳар 10см қатламдан бир метргача майдончанинг 2 скважинасидаги намлики аниқлаш учун намуналар олинади. Намуналар ҳар куни олинади ва ортиқча сувнинг пастга қараб қатламдан қатламга ўтиб бориши ҳар куни узлуксиз кузатилиб, аниқланади. Қўйилган сугориш меъеридан қатъий назар, барча майдонча учун бир хил, айрим қатламлар, юқоридан бошлаб, статик намлики қандай қабул қилиши баравар кузатилади. У ёки бу қатлам учун хос бўлиб ўрнатилган доимий намлик ўртача учта майдонча бўйича, қатламнинг дала нам сифими сифатида қабул қилинади.

Бизни қизиқтираётган тупроқ қатламидаги статик тупроқнинг намлиги қумли тупроқларда бир кечакундуздан кейин, қумлоқларда –3-4 кечакундузда, лойларда эса 5-7 кечакундузда содир бўлади. Бу кўрсатилган муддатда бир марта кузатиш билан чегараланса бўлади деган гап эмас. Ҳар бир алоҳида ҳолатда статик (турғун) тупроқни аниқлаш учун тупроқ намлигини узлуксиз кузатиб туриш зарур.

### Сугориш меъёрини ҳисоблаш

Ҳар бир алоҳида сугоришга сарфланадиган сув миқдори **сугориш меъёри** дейилади. У дала нам сифимига тўғри келадиган сув захираси билан тупроқнинг сугоришдан олдинги қатламидаги сув захирасининг фарқи билан ҳисобланishi мумкин. Сугориш меъёрини аниқлаш учун қўйидаги формула қўлланилади:

$$M = 100 \times H \times A \times (B - B_1),$$

**бунда:** M-сугориш меъёри (гектарига м<sup>3</sup>);

H-сугориш меъёри ҳисобланадиган чуғурлик (м);

A-тупроқнинг ҳажм оғирлиги (г/см<sup>3</sup> ёки т/м<sup>3</sup>);

B-дала нам сифими (мутлоқ қуруқ тупроққа нисбатан, %да);

B<sub>1</sub>-сугоришдан олдинги мутлоқ қуруқ тупроққа нисбатан тупроқнинг намлиги (%да).

Масалан, дала нам сифимиға нисбатан тупроқнинг намлиги биринчи ҳолатда 70%гача, иккинчисида 80% гача, дала нам сифими 24%, тупроқнинг ҳажм оғирлиги-1,4. Суғориладиган ҳисобий қатламнинг қалинлиги 70см бўлганда помидор экини учун суғориш меъёрини ҳисоблаш талаб қилинса, бунда: дала нам сифимиға нисбатан тўғри келадиган 70% ва 80% тупроқ намлигини ҳисоблаймиз. Биринчи ҳолатда у

$$\frac{24 \cdot 70}{100} = 16,8\%$$

иккинчи ҳолда

$$\frac{24 \cdot 80}{100} = 19,2\% \text{ га teng keladi.}$$

Бу рақамларнинг ҳаммасини юқорида келтирилган формулага солсак, куйидаги суғориш меъёрини оламиз: тупроқ намлиги дала нам сифимиға нисбатан 70% гача тушганда-

$$M=100x0,7x1,4x(24-16,8)=705,6 \text{ m}^3/\text{га ва}$$

тупроқ намлиги 80% гача тушганда-

$$M=100x0,7x1,4x(24-19,2)=470,4 \text{ m}^3/\text{га.}$$

Ҳисобланган суғориш меъёрига буғланиб ва суғориш даврида фильтрацияга чиқиб кетган сув ўрнини қоплаш учун шу меъёрнинг 10-15 фоизи қўшилади.

«Тупроқ намлигини аниқлаш» бўлимида айтилганидек, тупроқ намлигини сурункасига кузатиб туриш суғориш учун керак бўлган намликни аниқ илғаб олиш имкониятини туғдидари.

Тупроқ намлигини доимо кузатиш оқибатида ҳаво турғун бўлганда ўсимликнинг ўсиш босқичига қараб кечакундуз давомида сарф бўладиган намликни фоизда аниқлаш мумкин. Масалан, 5/V куни бизга намлигининг 20 фоизга тенглиги маълум эди. Шунинг учун кечакундузлик сув сарфини 0,5%, суғоришни талаб қиласидиган тупроқ намлигини 17% га тенг деб аниқлаганмиз. Энди керакли бўлган суғориш муддатини чамалаб ҳисоблаш мумкин. У 11/V га тўғри келади. Суғориш муддатини аниқ белгилаш учун тупроқ намлигини кузатиш иложи борича тез-тез (ҳар 3-4 кунда бир марта) ўтказилиши керак.

### Сув истеъмолини ҳисоблаш ва унинг маҳсулдорлиги

Суғориш тартиботи ўрганилганда ўсимликнинг сув ис-

төмөл қилиши даражаси ва унинг қандай самара беришини таҳлил қилиш учун ривожланиш босқичлари бўйича кечакундузлик сув истеъмолининг боришини ҳамда вегетация даври бўйича сув истеъмолининг ҳаммасини ва унинг маҳсулдорлигини таҳлил қилиш зарур.

Ўсимликнинг сув истеъмолини ҳисоблаш учун вегетация бошида ёки фазанинг бошланишида (камида 70 см) асосий иллизлар тизими жойлашадиган чуқурликдаги (гектарга кубометрда) сув захирасининг бошлангич маълумотларини билиш зарур. Бунинг учун ўсимликнинг сув истеъмоли ҳисоблаб чиқлади. Бундан ташқари ёғган ёғингарчилик миқдори (гектарга кубометрда) ( $1 \text{мм} \text{ ёғин гектарига } 10 \text{ м}^3 \text{ сувга тенг}$ ) ва ҳисобий давр учун суфоришлар маълумотлари бўлиши керак. Буларнинг ҳаммаси сув балансининг кирим қисмини ташкил қиласи. Баланснинг чиқим қисмида ҳисобий даврнинг охирида тупроқдаги сув захираси маълумотлари бўлиши керак. Кўрсатилган маълумотларга асосан таҳминий шаклда куйидаги сув истеъмоли ҳисоблаб чиқлади (8- жадвал).

#### 8-жадвал

**Помидор экини бўйича намлик баланси ва унинг сув истеъмоли коэффициенти ( $\text{м}^3$ )**

Кирим				Чиқим			Помидорнинг ҳосили, га/т	Сув истеъмолининг коэффициенти, $\text{м}^3/\text{т}$ (6-7)
Вегетация болида тупроқдаги намлик захираси	Вегетация даврида ёғингарчилик	Суфоришлар	Жами	Ҳосил йиғишиштарилаётган пайтга тупроқда колтани	Ўсимликнинг истеъмол қилиши (4-5)			
1	2	3	4	5	6	7	8	
1500	100	7500	9100	1900	7200	60	120	

Демак, ўсимликнинг жами сув сарфи гектарига  $7200 \text{ м}^3$  ни ташкил қиласи. Худди шундай ҳисоб билан ўсимлик ҳаётининг ҳар бир даври учун сув сарфини аниқ ҳисоблаш мумкин. Кечакундузлик сув сарфини охирги ҳолатдаги умумий сув сарфи кўрсаткичи давр орасидаги кунлар рақамига бўлинади.

Сув истеъмол коэффициентини 1 тонна маҳсулотга сарфланган сув миқдори, кубометрда белгиланади. Сув истеъмолининг маҳсулдорлигини ҳисоблаш учун (сув сарфи коэффициенти) вегетация даврида 1 гектардаги ўсимликга сарфланган керакли сув миқдорини ( $\text{м}^3$ ) 1 гектардан олинган

ҳосилнинг маҳсулдор (тоннада) қисмiga бўлсақ, сув истеъмол коэффициентини оламиз.

Технологик мажмуа такомиллашган бўлса, суғориш тартиботи қанчалик тўғри қўлланган ва ҳисобланган бўлса, сув истеъмол коэффициенти шунча кам бўлади, ўсимлик сувдан унумли фойдаланган бўлади.

**Ўфитлар билан тажриба ўтказишдан мақсад**

Илмий-тадқиқот институтлари ва минтақавий агрокимё лабораториялари томонидан ўфитлар билан дала тажрибалари ўтказишдан мақсад-мазкур минтақа агрокимё кўрсаткичларига биноан айрим ўфит турлари ва уларнинг ишлатилиш миқдорининг самарадорлигини аниқлашдир. Бу тажрибалар ҳар хил тупроқ-икълим шароитида ўфитларнинг энг яхши шакллари ва солиш усуллари бўйича турли экинларда ўтказилади.

Ўфитлар билан тажрибалар истиқболли ва районлаштирилган экинларнинг интенсив типдаги энг юқори самарали навларида ўтказилиши керак. Тажрибалар минтақа учун қабул қилинган, типик бўлган алмашлаб экиш шароитида такрорий ва оралиқ экинларрида ҳамда сабзавот экинларини парваришлашда қўлланиладиган илфор технологик усуллардан фойдаланиб ўтказилади.

Фақат юқори фонли технологияда ўфитлардан энг юқори самара олишга, ўсимликнинг маҳсулдорлигини янада оширишга, маҳсулотнинг товар ва пархезлик сифатини яхшилашга эришиш мумкин.

Ўфитлар билан тажрибаларда тупроқнинг унумдорлигини юқори даражада ушлаб туриш зарур бўлганлиги учун айрим экинлар бўйича ва бутун алмашлаб экиш ротацияси бўйича ҳам озуқа моддалар ва гумуснинг балансини ҳисоблаш керак. Баланс ҳисоби асосида тавсия қилинадиган ўфитлар тизими, унинг тупроқ унумдорлигини оширишдаги самарадорлиги аниқланади.

Ўфитлар билан тажрибалар ўтказиш кўп йиллик ва қисқа муддатли бўлиши мумкин. Кўп йиллик стационар тажрибалар алмашлаб экишни битта ёки бир нечта ротациясида давом эттирилади ва унинг натижаси алмашлаб экиш бўйича ўфитлар тизимини ишлаб чиқишга хизмат қиласди. Бундай тажрибаларда тупроқда айрим элементларнинг камайиш ёки бойиш жараёни ҳаракатини, ўфитларнинг кейинги ўсимликларга таъсирини, тупроқ унумдорлигининг қандай ўзгаришини аниқ билиш мумкин. Кўп йиллик стационар тажрибалар-

нинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бунда бир неча йил давомида бир хил турдаги ўғитларни кетма-кет қўллаб, ўғитнинг жорий ва кейинги таъсиrlарининг умумий самара-сини аниқлаш мумкин.

Кўп йиллик тадқиқотларда алмашлаб экиш ерининг ҳар бир даласида тажриба ўтказилади. Бу, айниқса, алмашлаб экишда ўғитлар тизимининг турли варианtlарини ўрганиш бўйича тажрибалар қўйилганда муҳимдир. Бундай алмашлаб экишни ҳар йили алмашлаб экишга янги майдонни киритиб, (йил бошида бирорта экинни қўшиб) аста-секин кенгайтириш зарур. Майдонни иқтисод қилиш зарурияти бўлса ёки илмий ходимлар етишмаса қисқа ротацияли алмашлаб экишда, ёки алмашлаб экишнинг бўғинларида ўз ичига ушбу минтақадаги асосий сабзавот экинларини оладиган тажрибаларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Қисқа муддатли тажрибалар алмашлаб экишда ёки уларсиз, лекин албатта яхши ўтмишдошлар билан ўтказилиши керак. Бундай тажрибаларни бошлашдан бир-икки йил олдин тажриба учун ажратилган далага ўғитларнинг бир текис солинишини назорат қилиш шарт.

Сабзавот экинларида стационар дала тажрибалари иккичи йил, қиска муддатлари эса камида уч йил ўтказилиши керак. Тажрибадаги ҳар бир вариант камида 4 такрорда, катта майдонларда ўтказиладиган ишлаб чиқариш тажрибалари эса камида 2-3 такрорда қўйилиши керак. Тажрибаларда юқорида айтилган такрорларга риоя қилинмаса тадқиқотлар натижалари ишончсиз бўлади.

### **Ўғитлар билан тажрибалар ўтказиш схемаси ва вазифаси**

Дала тажрибасининг схемаси тузилганда ягона фарқ принцилига қатъян риоя қилиш, яъни ўзаро таққосланадиган варианtlар фақат бир шароит ёки омил билан фарқланиши мумкин. Уларни аниқлаш таққослашнинг вазифаси ҳисобланади. Ўсимлик ҳаётининг қолган шароити (фон) бир хил бўлиши керак. Агар у ёки бу ўғитни қўллаш бошқа шароитнинг ўзариши билан боғлиқ бўлса, унда тажриба схемасига қўшимча варианtlарни киритиш зарур.

Тажриба схемасига албатта назорат вариантини киритиш керак. У ўсимликнинг ўрганилаётган омилга сезгирилик дара-жасини аниқлашга, ўрганилаётган ўғитнинг самарадорлигини ёки уни қўллаш усулларини аниқлашга ёрдам беради.

Ўғит миқдори ва турлари бўйича дала тажрибаларида на-

зорат вариант ҳисобида ўғитсиз вариант ҳам бўлиши шарт. Чунки бирорта тупроқ-иқлим шароитида ўғитнинг самарадорлигини, ўсимликнинг тупроқдан ўғитни қандай олишини аниқлашда, ўсимликларнинг тупроқ ва ўғитдаги озуқа элементларидан фойдаланиш коэффициентини ҳисоблашда ўғитсиз вариантсиз ўғит миқдорининг муҳим кўрсаткичларини тўғри ҳисоблаш мумкин эмас.

Иккинчи назорат вариантси сифатида ушбу минтаقا учун тавсия қилинган ёки хўжаликда қўлланилаётган минерал ўғитнинг тўлиқ миқдори (дозаси) олинади. Минерал ўғитлар шаклларини ўрганиш тажрибалари учун назорат сифатида ўғитнинг ўрганилмаётган тури фон бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, азотнинг шаклларини ўрганиш учун -РК, калий ўғитининг шаклларини ўрганиш учун -NP, фосфор ўғитининг шаклларини ўрганиш учун -NK ва ҳоказо. Назорат вариантини тўғри танлаш илмий тажрибанинг асосий талаби ҳисобланади. Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда ўғитни қўллашнинг асосий масалалари ҳал қилинадиган тажрибаларнинг турли схемаларини кўриб чиқамиз.

### **Минерал ўғитлар асосий турларининг таъсирини ўрганиш**

Азотли, фосфорли ва калийли ўғитларнинг турли сабзавот эквиналарида таъсири 8 та вариантдан иборат қўйидаги: O, N, P, K, NP, NK, PK, NPK схемасида ўрганилади. Бу тўлиқ (ортогонал) тўғри бурчакли схема бўлиб, унда минерал ўғитларнинг асосий уч туридан иборат бўлган барча имкониятли комбинациялар бор. Кўпинча тўлиқ бўлмаган бештали: O, NP, NK, PK, NPK схема қўлланилади. Ушбу схемада ҳар бир элемент бошқа элемент фонида ўрганилади. Схеманинг бундай тузилиши аниқ тупроқ-иқлим шароити учун минерал ўғитларнинг асосий турлари самарадорлигини етарли аниқ билиш имкониятини яратади.

Гўнг ва минерал ўғитларнинг самарадорлигини таққослаш мақсадида кўп ҳолларда гўнгнинг оддий миқдори (30-50 т/га) таъсирини тўлиқ минерал ўғитлар таъсири билан, солинган миқдорни элементлардан бири билан тенгглаштирилиб қарашма-қарши қўйилади. Бунда гўнгнинг таркибида турли озуқа элементлар борлиги, улар ҳам ерга солиниши инобатга олинади. Шунинг учун тажрибаларда қўшимча вариант бўлиши, унда тўлиқ минерал ўғитлар-азот, фосфор ва калийнинг миқдори гўнгдаги ушбу элементлар миқдорига эквивалент

бўлиши керак. Шунинг учун тажриба қўйидаги: О, NPK, гўнг, NPK(гўнгга эквивалент), NPK+гўнг схемасида ўтказилади.

Минерал ўғитлар ва гўнгнинг биргаликдаги самарадорлик таъсирини аниқлаш мақсадида схемадаги охирги варианти қўллаш керак. Схема шу тарзда танланадиган бўлса бошқа органик ўғитларнинг ҳам самарадорлигини ўрганиш мумкин.

### **Минерал ўғитларнинг мақбул миқдори ва нисбатини аниқлаш**

Маълум тупроқ-иқлим ва технологик шароитда экинлардан энг юқори ҳосил олиш мақсадида экинга зарур бўлган озуқа моддаларнинг керакли миқдорини аниқлаш учун дала шароитида минерал ўғитларнинг мақбул миқдори ва нисбатини аниқлаш бўйича тажрибалар ўтказилади.

Илмий ва амалий мақсадлар учун минерал ўғитларнинг тўлиқ миқдорининг турлича даражаси, ҳамда таъсири ва таркибида кирувчи айрим элементларнинг биргаликдаги таъсири самарадорлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бундай тажрибалар схемаси ҳар бир озуқа элементларини ошиб бораётган миқдори самарасини билиш; биргаликда қўлланилганда уларнинг таъсири ва ўзаро таъсири самарадорлигини аниқлаш, ўғитдаги озуқа элементлар миқдорининг оқилона нисбатини аниқлаш, тўлиқ минерал ўғитлар даражасининг турлича таъсири самарасини билиб олишга ёрдам бериши керак.

Ўзбекистоннинг турли тупроқ ва иқлим минтақаларида минерал ўғит билан тажрибаларнинг тўлиқ қўриниши, азот, фосфор ва калий ўғитларининг бирдан тўрт миқдоригача оширилган схемаси қўйидаги жадвалда мужассамланган.

9-жадвал

#### **Дала тажрибасининг схемаси**

Вариант	Ўғитлар тури ва миқдори	Вариант	Ўғитлар тури ва миқдори
1.	Назорат. Ўғит солинмайди	11.	Назорат. Ўғит солинмайди
2.	P <sub>2</sub> K <sub>2</sub>	12.	N <sub>2</sub> P <sub>2</sub>
3.	P <sub>2</sub> K <sub>2</sub> + N <sub>1</sub>	13.	N <sub>2</sub> P <sub>2</sub> +K <sub>1</sub>
4.	P <sub>2</sub> K <sub>2</sub> + N <sub>2</sub>	14.	N <sub>2</sub> P <sub>2</sub> +K <sub>3</sub>
5.	P <sub>2</sub> K <sub>2</sub> + N <sub>3</sub>	15.	N <sub>3</sub> P <sub>2</sub> +K <sub>2</sub>
6.	P <sub>2</sub> K <sub>2</sub> + N <sub>4</sub>	16.	N <sub>3</sub> P <sub>2</sub> +K <sub>2</sub>
7.	N <sub>2</sub> K <sub>2</sub>	17.	N <sub>3</sub> P <sub>3</sub> +K <sub>3</sub>
8.	N <sub>2</sub> K <sub>2</sub> + P <sub>1</sub>	18.	N <sub>3</sub> P <sub>3</sub> +K <sub>4</sub>
9.	N <sub>2</sub> K <sub>2</sub> + P <sub>3</sub>	19.	N <sub>1</sub> P <sub>3</sub> +K <sub>4</sub>
10.	N <sub>2</sub> K <sub>2</sub> + P <sub>4</sub>	20.	N <sub>4</sub> P <sub>4</sub> +K <sub>4</sub>

**Дала тажрибаларида сабзавот, полиз ва картошка экинларидаги  
ўрганиш учун тавсия қилинаётган озуқа моддаларининг миқдори,  
(тасир қиладиган модда ҳисобида)**

Экин	Озуқа моддаларининг миқдори кг/га											
	N <sub>1</sub>	N <sub>2</sub>	N <sub>3</sub>	N <sub>4</sub>	P <sub>1</sub>	P <sub>2</sub>	P <sub>3</sub>	P <sub>4</sub>	K <sub>1</sub>	K <sub>2</sub>	K <sub>3</sub>	K <sub>4</sub>
Сур тупроқлар												
помидор	150	180	210	240	130	155	180	205	75	90	105	120
бодринг	150	180	210	240	105	125	145	165	60	70	85	100
пиёз	180	210	240	270	125	145	170	190	65	75	85	95
сабзи	90	120	150	180	60	80	100	120	30	40	50	60
лавлаги	120	150	180	210	90	115	135	155	60	75	90	105
карам	180	210	240	270	125	145	170	190	70	85	100	115
полиз	100	125	150	175	100	125	150	175	50	65	80	95
картошка	150	180	210	240	110	135	160	185	75	90	105	120
Ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар												
помидор	120	150	180	210	120	150	180	210	80	100	120	140
бодринг	100	125	150	175	100	125	150	175	50	62,5	75	87,5
пиёз	140	170	200	210	140	170	200	210	70	85	100	105
сабзи	60	90	120	150	72	108	144	180	36	54	72	90
лавлаги	100	130	150	180	120	156	180	216	90	117	135	162
карам	150	180	210	240	150	180	210	240	100	120	140	160
полиз	80	100	120	140	100	120	140	160	50	62	74	86
картошка	120	150	180	210	150	180	210	240	80	100	120	140

**Эслатма:** тупроқ тури, унумдорлиги, шўрланиш даражасига кўра озиқа элементларининг меъёри ўзгариши мумкин.

Ўрганилаётган элементларнинг юқори миқдори самара-дорлигини аниқлашга имконият яратиш учун тажриба схемаси тузилаётганда ўғит фони қоида бўйича тавсия қилинган миқдор даражасида бўлиши керак. Айрим пайтларда ўғитни камайтирилган миқдорини ҳам синаб кўриш лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида минерал ўғитларнинг нархи юқори бўлишини инобатга олиб, ҳосилга зарар келтирилмаган ҳолда уларни, айниқса, азот ўғитини камайтириб солиши жуда муҳимдир. Бунда бериладиган азотни 100% миқдори сақланган ҳолда унинг 25, 50 ва 75%га камайтирилган вариантлари дала тажрибасининг схемасига киритилади.

Камайтирилган азот ўрнига мутаносиб равишда озуқа бирлигини инобатга олиб, органик ўғитлар киритилади. Уларнинг ўзи солиниши ёки 2-3 бўлаклаб сув билан «шарбат» қилиб оқизилиши мумкин.

**Бир гектар ерга тукда ўғит миқдори ҳисобланғанда құйидаги жағдайлардан фойдаланса бўлади.**

Ўғитлар-даги озуқа модданинг миқдори, %	Тоза озуқа модданинг солинадиган миқдори, кг													
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	20	30	40	50
Тукда талаб қилинадиган ўғит миқдори, кг														
11	9	18	27	36	45	55	64	73	82	91	182	273	364	455
12	8	17	25	33	42	50	58	67	75	83	167	250	333	417
13	8	15	23	31	38	46	54	61	69	77	154	231	308	385
14	7	14	21	28	36	43	50	57	64	71	143	214	286	357
15	7	13	20	27	33	40	47	53	60	67	133	200	267	333
16	6	12	19	25	31	37	44	50	56	62	125	187	250	312
17	6	12	18	23	29	36	41	47	53	59	118	176	235	294
18	6	11	17	22	28	33	39	44	50	56	111	157	222	278
19	5	10	16	21	26	31	36	42	47	53	105	157	210	263
20	5	10	15	20	25	30	35	40	45	50	100	50	200	250
33	3	6	9	12	15	18	21	24	27	30	61	91	121	151
34	3	6	9	12	15	18	21	24	27	30	60	90	120	150
35	3	6	8	11	14	17	20	23	26	29	57	86	114	143
40	2,5	5	7	10	12	15	17	20	22	25	50	75	100	125
60	1,7	3,3	5	7	8	10	12	13	15	17	33	50	66	83
63	1,6	3,2	5	6,3	8	9,5	11	12,7	14,3	16	31,7	47,6	63,5	79,4
65	1,5	3,1	4,6	6,1	7,7	9,2	10,8	12,3	13,8	15,4	30,8	46,1	61,5	77
70	1,4	2,9	4,3	5,7	7,1	8,6	10	11,4	12,9	14,3	28,6	43	57,1	71,4

Тажриба даласининг унумдорлик даражаси ва экиннинг биологик хусусиятларига қараб тажриба схемасидан айрим варианtlарни чиқариб ташласа ҳам бўлади. Масалан, тупроқда калий ёки фосфор ўғити ҳаддан ташқари кўп бўлса, кўп миқдордаги ўғитли вариант кўлланилмайди. Лекин ушбу элементларни вариантдаги оз ёки ўрта миқдори солиниши шарт. Тажрибада варианtlар сони 10 тадан ортиқ бўлса, унда иккинчи назоратни ҳам кўллаш керак. Шунда 1 ва 11 вариантлар ўғитсиз, 2 ва 12 вариантлар ўғитли назорат бўлиб хизмат қилади.

### Микроўғитларни ўрганиш

Сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг айрим ўсимликларида у ёки бу микроэлементнинг етишмаслик аломати сезилса ёки тажриба қўйилган ер тупроғида ўзлаштириладиган (фойдаланиладиган) микроэлементлар жуда оз бўлганда улар

бўйича тажриба ўтказилади. Шуни қайд қилиш жоизки, юқори меъёрда минерал ўғитлар қўлланилганда микроэлементларнинг самарадорлиги ортиб боради. Алмашлаб экиш даласига сурункасига гўнг солинган бўлса, микроэлементларнинг самарадорлиги пасаяди. Сабаби, гўнгда бор, молибден, мис, марганец, рух ва бошқа микроэлементларнинг миқдори кўп бўлади.

Микроэлементлар билан тажрибалар ўтказилганда оддий макроўғитлар дала тажрибаларига микроэлементли бир нечта вариант кўшилади. Тажриба схемасига ўғитсиз-назорат, тавсия қилинган NPK дозаси киритилиб, ушбу фонда микроэлементларнинг ҳар хил турлари ва меъёрлари синалади. Ўсимликлар микроэлементлар билан қўйидаги усууллар ёрдамида: уругни ҳўллашда, эгатлар қаторига суперфосфат билан бирга асосий ўғитлар солинганда ҳамда тупбарглари орқали озиқлантиришда таъминланади.

Микроэлементлар билан дала тажрибаларида уларнинг тупроқдаги тури ва миқдорига қараб вариантлар схемаси тузилади. Гулкаром ва оқ бош карам, қизил лавлаги, сельдерей, экинларининг уруғликлари бор элементи, гулкарам, помидор, дуккакли сабзавот экинлари ва сабзавот экинларининг уруғликлари молибден; бодринг, пиёз, сабзи, қизил лавлаги, бошқа сабзавот экинлари мис микроэлементлари билан таъминланса ҳосилдорлик ошади ва маҳсулотнинг сифати яхшиланади.

### **Минерал ўғитлар шаклларини баҳолаш**

Ўғитларнинг турли шаклларига баҳо бериш тадқиқотлари қисқа муддатли тажрибалarda ўтказилади. Лекин анча ишончли натижалар узоқ муддатли стационар тажрибаларда, ўғитнинг бир хил шакллари устма-уст кўп йиллар давомида синалганда олинади. Бунда азотли, фосфорли, калийли ва мурракаб ўғитларнинг мавжуд барча шакллари синалса мақсадга мувофиқ бўлади.

Турли минерал ўғитларни ўрганиш бўйича тажриба схемаси шундай қўйилиши керакки, унда ўғитсиз-назорат, ўғитли фон (ўрганилаётган шаклсиз) ва фон ўрганилаётган ўғитларни шакллари бўлиши керак. Масалан, ўтлоқи ерларда сабзавот экинларида азот ўғити шаклларини ўрганиш тажрибаси қўйидаги: 1-ўғитсиз, 2-PK(фон), 3-фон+аммиакли селитра, 4-фон-мочевина, 5- фон-аммоний сульфати, 6-фон-натрий се-

литраси, 7-фон+аммоний хлорид кўринишида ўтказилиши мумкин.

Фон бўлиб ушбу минтақада кўп кўлланиладиган ўғит, ма-салан аммофос ва калий хлорид хизмат қилиши керак. Шакли ўрганилаётган ўғитнинг миқдори юқори-таъсир қилувчи мод-да ҳисобида гектарига 150-200кг бўлиши лозим.

### Кўп омилли тажрибалар

Сабзавотчилик бўйича тадқиқотларда кейинги йилларда кўп омилли (мужассам) тажрибалар ўтказиш кенгайиб бор-моқда. Ушбу тажрибаларда ўғитлар таъсири бошқа технологик шароитнинг ўзгарганини инобатга олган ҳолда ўрганилмоқда (ўсимлик туришининг зичлиги, суфориш муддатлари ва меъё-ри, тупроққа ишлов бериш усувлари, гербициздларни қўллаш, истиқболли навларни синаш). Барча технологик фонларда ўғитсиз вариант назорат бўлиб, барча ўғитли вариантлар учун тавсия қилинган ўғитнинг меъёри иккинчи назорат бўлиб хизмат қиласи. Айрим кўп омилли тажрибаларнинг тахминий схемаси қўйида келтирилмоқда.

Навлар ва ўғитларни ўрганиш бўйича кўп омилли тажрибалар

«А» нави	«Б» нави	«В» нави
1. ўғитсиз	ўғитсиз	ўғитсиз
2. NP	NP	NP
3. NK	NK	NK
4. PK	PK	PK
5. NPK	NPK	NPK
6. 1,5NPK	1,5NPK	1,5NPK
7. 2 NPK	2 NPK	2 NPK

Ушбу схема турли навларнинг минерал озуқалар элемент-ларига, шунингдек, минерал ўғитларнинг оширилган ва юқори меъёрларига бўлган муносабатларини аниқлаш имко-нини яратади. Бу тажрибаларда бир нав (А) асосий районлашган бўлиб, қолган навлар районлаштирилмаган, лекин шу минтақага истиқболли бўлиши мумкин. Схема янги навларнинг минерал ўғитларни истеъмол қилиш даражасини, тупроқ ва ўғитлардаги озуқа моддалардан фойдаланиш коэф-фициентини аниқлаш имкониятини яратади. Бу, ўз навбати-да, режалаштирилган ҳосилни олиш учун ўғит меъёрини тўғри ҳисоблаш имконини беради.

Тупроққа баҳорги ишлов беришни ўғит солиш билан ўтказиш бўйича кўп омилли тажрибалар.

Одатдаги ҳайдаш (назорат)	Ағдармасдан ҳайдаш	Дискалаш	Фрезалаш	Бороналаш
NPK	NPK	NPK	NPK	NPK
1,5NPK	1,5NPK	1,5NPK	1,5NPK	1,5NPK
2 NPK	2 NPK	2 NPK	2 NPK	2 NPK

Бу схема тупроққа ишлов берадиган турли қуроллар билан ўғит солинган чуқурликни аниқлаш имкониятини яратади. Уни аниқлаш учун вариантылар бүйича ҳар 5 см дан тупроқ намунасини олиш ва ҳаракатчан азот, фосфор ва калий миқдорини таҳлил қилиш керак. Ўғит сифатида нитроаммофоскадан фойдаланиш ва ўғит тупроқда эриб кетмасдан даррор тажриба ўтказиш билан тупроқ намуналари ёрдамида унинг солинган чуқурлигини аниқлаш мүмкин.

Турли ўғит меъёри фонида сугориш миқдори ва усулларини ўрганиш бүйича кўп омилли тажрибалар.

Тупроқни намлик даражаси энг кам нам сигими, 70%	Оддий ёмғирлатиб сугориш ўғитсиз NPK 1,5NPK 2 NPK 80%	Импульси ёмғирлатиб сугориш ўғитсиз NPK 1,5NPK 2 NPK ўғитсиз NPK 1,5NPK 2 NPK	Эгатлар орқали сугориш назорат
			ўғитсиз NPK 1,5NPK 2 NPK
			ўғитсиз NPK 1,5NPK 2 NPK
			ўғитсиз NPK 1,5NPK 2 NPK

Бундай схема турли сабзавот экинлари учун ўғит ва сугориш тартиботини мақбул биримасини ҳамда ўсимликнинг биологик хусусиятига кўпроқ жавоб берадиган сугориш усулларини аниқлаш имкониятини яратади. Барча қўрсатилган омилларнинг ўзаро мақбул ҳаракати одатда ўғит ва сувнинг камроқ сарфланишини, ҳосилнинг анчага ошишини ва маҳсулот сифатининг яхшиланишини таъминлайди. Шунга ўшаш тажрибалар ўтказилаётганда тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хусусиятларини ўрганишга, озуқа элементларнинг тупроқнинг кўндаланг кесими бүйича силжишига, маҳсулот бирлигини яратиш учун сув сарфи даражасига алоҳида эътибор бермоқ зарур.

Ўғитларнинг турли меъёрида озиқланиш майдонининг ўзгаришидан навларнинг таъсирланишини ўрганиш бүйича кўп омилли тажрибалар.

1-бўғин ("А" нави)	2-бўғин ("Б" нави)
Кичик озиқланиш майдони	
1. -ўғитсиз	1. -ўғитсиз
2. -NPK	2. -NPK
3. -1,5NPK	3. -1,5NPK
4. -2 NPK	4. -2 NPK
Катта озиқланиш майдони	
5. -ўғитсиз	5. -ўғитсиз
6. -NPK	6. -NPK
7. -1,5NPK	7. -1,5NPK
8. -2 NPK	8. -2 NPK

Шунга ўхшашиб тажрибалар ўтказилганда уруғларнинг униб чиқишини, озиқланиш тартиботини, барглар майдонининг шаклланишини, фотосинтезнинг маҳсулдорлиги ва ФАР дан фойдаланиш коэффициентини ўрганишга алоҳида эътибор бериш керак.

### Алмашлаб экишда ўғитлар тизимини ўрганиш

Бундай тажрибалар ҳосилни оширишга, маҳсулот сифатини яхшилашга ва тупроқ унумдорлигини оширишига йўналтирилган бўлиб, мужассам технологик тадбирларнинг муҳим қисми ва агрокимёвий тадқиқотларнинг энг зарур бўлими хисобланади.

Ўғитлаш тизими ўрганилганда қуйидаги: экин хусусиятини инобатга олган ҳолда органик ва минерал ўғитларнинг тўғри нисбатини; кимёвий мелиорация орқали тупроқ муҳитини бошқариш, алмашлаб экишдаги экинлар учун алоҳида ўғитларнинг мақбул тури, миқдори ва шаклларини белгилаш, ўғит солишнинг энг самарали усуllibарини аниқлаш, алмашлаб экишда ўғитнинг таъсири қилиш ва кейинги таъсири интенсивлигини аниқлаш масалалари ҳал қилинади.

Сабзавот экинларини алмашлаб экишда ўғитлар тизимининг асосий элементларини ўрганиш бўйича кўп омилли тажрибалар схемаси қуйидагича бўлиши мумкин.

Алмашлаб экишда экинларнинг алмашиниши: 1-бир йиллик ўтлар; 2-оқ бошли карам, 3- помидор; 4- бодринг; 5- картошка; 6-сабзи; 7- пиёз; 8- қизил лавлаги.

Ўғитлар тизимининг варианatlари: 1-ўғитсиз (назорат); 2- NP, 3-NK, 4-PK, 5-NPK, 6-1,5 NPK, 7-2NPK, 8-гўнг (ҳар йили), 9-0,75 NPK+ гўнг, 10- 0,5 NPK+гўнг, 11- 0,25 NPK+гўнг. Гўнгли варианatlарга ҳар йили гектарига 10 тоннадан чириган гўнг солинади.

Ушбу схема, минерал озиқланишнинг айрим элементлари

ва ўғитнинг оширилган миқдорини аниқлаш имконини яратади, махаллий ва минерал ўғитларнинг кулай нисбатини аниқлаш, алмашлаб экишда махаллий ўғитлар таъсирининг давом этишини белгилаб беради. Бутун ротация бўйича экинлар ҳосилининг йигиндиси, маҳсулотни товар ва биокимёвий сифатини кўрсаткичлари бўйича ҳамда ротация бошида ва охиридаги агрокимёвий кўрсаткичлари билан тупроқнинг унумдорлиги бўйича алмашлаб экишнинг илмий асосланган ўғитлаш тизимини ишлаб чиқса бўлади.

Қайд қилиш лозимки, ўғит турлари, минерал ўғитлар билан органик ўғитларнинг мақбул бирикмаси ҳамда тупроқ муҳитини бошқариш усуллари ва алмашлаб экишда ўғитларнинг кейинги таъсири одатда давомийлиги битта ёки бир нечта ротациядаги стационар тажрибаларда ўрганилади.

Илмий асосланган ўғитлаш тизимини ишлаб чиқишининг мажбурий шарти- тажрибанинг ҳар бир варианти учун алмашлаб экиш ротацияси бўйича озуқа моддалар ва гумус балансини ҳисоблашдир.

Ўғитлар билан тажрибаларда Ўзбекистоннинг турли тупроқ-иқлим шароити, сизот сувининг жойлашиш чуқурлиги, шўрланганлик даражаси, таркибидаги озуқа моддаларнинг ва гумуснинг миқдори, минерал ва органик ўғитларни ҳамда илдиз ва ўтларнинг парчаланиш муддатининг давомийлиги ва сугориладиган ерларнинг эскидан ёки янгидан ўзлаштирилганлигини инобатга олган ҳолда тадқиқотларни ўтказиш зарур. Сур, ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ ерларда сабзавот экинлари бўйича тажрибалар ўтказилганда азот, фосфор ва калий ўғитларининг нисбати ҳамда энг кам ва кўп меъёrlарини ўрганиб, мақбул, сифатли, юқори ҳосил берадиган миқдорларини аниқлаш керак. Ўғит солинмаган вариантда сабзавот экинларининг ўсиш ва ривожланиш босқичлари давомида тупроқдан ўғитларни олиш миқдорини ўрганиб, ўсимлик учун илмий асосланган озиқлантириш тизимини ишлаб чиқиш зарур.

### **Полиз экинлари билан тажриба ўтказишнинг хусусиятлари**

Полиз экинлари тупроқ унумдорлигига жуда талабчан. Улар бақувват ўсади ва кўп тупроқ ҳажмини қопловчи чуқур илдиз тизимиға эга ва тупроқдан кўп миқдорда минерал озиқларни ўзлаштиради. Уларга бериладиган ўғит миқдори ва шакли тупроқнинг турига, унинг шўрланганлик даражасига,

нам билан таъминланганлигига, экин ва навларнинг биологик хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Лалмикор (сугорилмайдиган) ерларда полиз экинлари ҳосилни кам беради ва тупроқдан оз миқдорда озуқа моддалари олади. Шунинг учун лалми ерларда ўтказиладиган дала тажрибаларида минерал ўғитларнинг миқдори гектарига 60-120 кг дан ошмаслиги керак. Намлик етишмайдиган шароитда юқори меъёрларни қўллаш тупроқ эритмасининг концентрациясини ошириб, ҳосилдорликни пасайтириши мумкин.

Сугориладиган ерларда тарвуз меъёрида экилса ҳосилдорлиги гектаридан 50т ва ундан юқори бўлиши мумкин. Бундай шароитда у бир гектар ердаги тупроқдан 92-176кг азот, 32-76 кг фосфор ва 146-295 кг калий ўғитини олади ва тупроқ унумдорлигига юқори талаб кўяди. Шунинг учун сугориладиган ерларда лалми ерларга (120-180 кг/га NPK) нисбатан ўғитларни бир мунча юқори миқдорда синаш керак.

Полиз экинларининг озиқ моддаларга бўлган талаби бутун ўсув даврида бир хил эмас лекин ҳосил тўплаётганда озиқ моддаларга талаби юқори бўлади. Азот етишмаса, палакнинг ўсиши сусаяди, ён шохлари ва барг сони камаяди. Азот барг поясининг шаклланишини кучайтиради, меванинг йирик бўлишига ва ҳосилнинг ошишига ёрдам беради. Бироқ азот мевани йириклаштирса-да, унда қанд моддасини камайтиради.

Полиз экинлари азотга нисбатан фосфорга кам талабчан бўлса-да, фосфорга ҳам сезгирдир. Фосфор гул тўклишини камайтириб, меванинг етилишини тезлаштиради, ҳосилни ошириб, қанд моддасини кўпайтиради. Фосфор бошқа ўғитларни яхши ўзлаштиришга ёрдам беради. Полиз экинлари азот ва фосфор ўғитига кўпроқ, калийли ўғитларга эса нисбатан камроқ талабчандир.

Калийли ўғитлар экиннинг касалликка чидамлилигини оширади, ўсимликни соғломлаштиради, ҳосил сифати ва миқдорини оширади.

Тарвуз ва қовун экинларига гектарига 20-30т чиринди со-лиш самаралидир. Шунинг учун ўғитларнинг тажриба схемасига органик ўғитларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Полиз экинларига ўғитларнинг шаклларини қўллаш тупроқнинг шўрланиш тури ва шўрланганлик дарајасига боғлиқ бўлади.

Полиз экинларидан режадаги юқори сифатли ҳосилни олиш учун кўп омилли тажрибалар ўтказиш, бир нечта ис-тиқболли навларни синаб кўриш, ўғитни 4-5 меъёрини, ал-

батта, гүнг билан бирга ўсимликнинг турли озиқланиш майдони ва сугориш тартиботини тадқиқ қилиш зарур. Азот қовуннинг қанд моддаси миқдорига кучли таъсир қилишини инобатга олиб, унинг миқдорларини ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш босқичларида синаш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Дала тажрибаси учун майдон танлаш ва тайёрлаш**

Тажриба учун ажратиладиган ер майдони унумдорлиги бўйича бутун дала бўйлаб иложи борича бир хил бўлиши, рельефи текис ёки бир томонга озгина қия яъни 100 метр узунликда 2,5-3 м дан ортиқ бўлмаган нишабни ташкил қилиши керак. Тажриба майдончалари, албатта, қияликка кўндаланг қилиб жойлаштирилади. Тажриба майдонлари сув ҳавзалари ёки дараҳтзорларга яқин ерларга жойлаштирилмайди.

Тажриба учун ажратиладиган ернинг яроқлилик хусусиятини ҳал қилиш учун участканинг олдинги йиллардаги хўжалик тарихини яхшилаб ўрганиш зарур. Тарихи номаълум ерларга тажриба қўйишга йўл кўйилмайди.

Кейинги уч йил ичидаги бутун майдон бўйлаб бир хил технология қўлланилганни, бир хил экин экилганни, тупроқса ишлов бериш ва ўғитлаш тартиби бир хил сифатда бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш зарур.

Ер майдонининг айрим қисми олдинги йилларда хўжалик жиҳатдан турлича фойдаланилган бўлса, тупроқ унумдорлигига кескин фарқ қилса, бундай ерлар тажриба учун ярамайди. Масалан, илгари катта миқдорда ўғит солинган, ёки йўл ўтган, қурилиш ишлари олиб борилган, минерал ўғитлар ёки гўнг сақланган ерлар, шунингдек, томорқа ерлари шулар жумласидандир.

Тажриба учун ажратилган дала тупроғи унумдорлигининг бир хиллигини аниқлаш учун тупроқ тадқиқотлари синчковлик билан ўтказилади.

### **Майдонча ўлчами ва вариантларнинг такрорланиши**

Илмий-текшириш институтлари ва тажриба станциялари шароитида ўғитлар бўйича ўтказиладиган тажрибаларда вариантлар сони 8-10 тадан, хўжаликлар шароитида ўтказиладиган ишлаб-чиқариш тажрибаларида эса 2-3 тадан ортиқ бўлмаслиги керак.

Айрим кичик майдончали тажрибалар ҳамда кўп омилли

мужассамланган тажрибаларда вариантын сони 20-30 тагача оширилиши мүмкін. Лекин тажриба даласининг ҳажми шундай бўлиши керакки, участканинг барча майдонида ўтказиладиган ҳамма ишлар бир пайтда бажарилиши лозим.

Кўп варианти тажрибаларда назорат майдончалар сони ошиши керак. Ҳар 8 та майдончадан кейин назорат майдончаси қўйилиши зарур.

Тўрт қайтариқли схемада ўтказиладиган 5-8 та вариант киритилган оддий дала тажрибаларида майдонча сатхи  $28\text{ m}^2$  дан то  $56\text{ m}^2$  гача бўлиши мүмкін. Бунда 4 қаторли эгатлар энiga нисбатан 10 баравар ва ундан ортиқ узун бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш тажрибаларида майдон ҳажми 0,1дан бир неча гектаргача бўлиши, лекин майдоннинг умумий юзаси 5-10 гектардан ошмаслиги керак. Айрим ҳолларда ишлаб чиқариш тажрибаларида ўғит солинмаган-мутлоқ назорат бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Кичик майдончали, айниқса, комплекс тажрибаларда майдонча юзаси 14дан то  $28\text{ m}^2$  гача бўлишига йўл қўйилади, лекин барча ишлар механизмлар ёрдамида бажарилиши керак. Кичик майдончали ва комплекс тажрибаларда қайтариқлар сони бта ва ундан ортиқ, иирик майдонли ишлаб чиқариш тажрибаларида қайтариқлар сони 2 тагача камайтирилиши мүмкін.

Ўғитлар бўйича тажрибалар схемасида ўғит солинмайдиган майдон мутлоқ назоратда бўлиши кўзда тутилиши, шунингдек, ўрганилаётган омил учун ҳам назорат бўлиши шарт.

Бир майдонда ўғитнинг бошқа майдондаги ўсимликка таъсирининг олдини олиш мақсадида ўғитлар бўйича барча тажрибаларда ҳосил йиғиштирилаётган вақтда ҳар бир майдонча чеккаларидаги биттадан қатор чиқариб ташланади. Тўрт қаторли майдончада ҳисобий майдонча 2 қатор, 8 қаторлигида-6 қатор бўлиши лозим. Бундан ташқари майдон бошида ва охирида ҳимоя полосаси назарда тутилади. Улар кичик майдончаларда 1,5-2 м, катталарида ҳайдов тракторининг айланишига мос бўлиши керак. Одатда майдончанинг иккала томонидан қолдириладиган полосаларининг эни 5 м бўлади. Тажрибалар икки ярусга жойлаштирилган бўлса яруслар орасидаги полосалар эни 10 м қилиб қолдирилади.

### Ҳамкор ҳисоблашлар ва кузатувлар

Ўғитлар бўйича тажрибалар бошлишдан олдин (кузда ёки

баҳорда) тажриба даласининг агрокимёвий кўрсаткичларига баҳо бериш мақсадида тупроқ намуналари олинади. Кўп йиллик стационар тажрибаларда ҳар бир тажриба майдончасининг ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламидан аралаштирилган намуна олиш зарур. Текис майдонларда (қисқа муддатли тажрибаларда) тажрибанинг ҳар бир қайтариғининг ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламидан аралашган намуна олиш билан киояланса бўлади.

Минерал ўғитлар меъерини ҳисоблаганда ундаги асосий озуқа моддаларнинг ( $N$ ,  $P_2O_5$ ,  $K_2O$ ) миқдори ҳисобга олиниди. Керакли бўлган ҳар бир тур ўғитнинг миқдори қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади

$$X = \frac{ac}{100b}$$

*Бунда; x-майдончага солинадиган ўғит миқдори кг; a-озуқа модданинг миқдори, га/кг; c- майдонча юзаси, м<sup>2</sup>; b-ўғитдаги таъсир қиласидаги модданинг миқдори, %.*

Тажриба қўйишдан 1-3 кун олдин ўғит тортилиб намуналар тайёрланади. Ҳамма ўғитлар майдаланган ва элакдан ўтказилган бўлиши керак. Тегишли этикетка ёпиштириб (ёзиб) қўйилган полиэтиленли қопга ёки пакетга тортилган ўғит солинади. Тажриба схемасига биноан пакет ёки қоп дала майдончалар бўйича қўйиб чиқилади.

Ўғит ҳар бир майдончага қоида бўйича қўлда алоҳида челакда ёки пакетда олдиндан яхшилаб аралаштириб солинади. Майдончага ўғитни бир текис солиш — асосий шарт ҳисобланади. Ҳатота йўл қўймаслик учун улар миқдорининг ярмини кўндалангига, қолган ярмини узунасига сочиш тавсия қилинади. Кучли шамол бўлганда ўғитни сочишга йўл қўйилмайди. Майдонча чегарасини чилвир ёки чизиқ билан бедигилаб қўйиш мақсадга мувофиқидир. Катта майдончаларни бир нечта бир хил бўлакларга бўлиш ва ҳар бир бўлагига алоҳида тегишли ўғит миқдорини солиш зарур.

Гўнг ва бошқа органик ўғитлар одатда оғирлиги бўйича солинади. Улар ҳам минерал ўғитлардан фойдалангандек ҳисобланади. Гўнгни солишдан олдин ундан ўртача намуна олиниб, қуруқ модда фоизи, умумий азот, фосфор ва калий миқдори аниқланади.

Керакли миқдордаги органик ўғитлар дастлаб тажриба ерининг чегарасидаги йўлга бир ёки бир нечта тўплам қилиб қўйилади. Кейин ўлчанган миқдорларини қопга солиб майдончанинг бутун юзаси бўйича кичик тўпламчалар қилиб

қўйилади ва паншаха билан бир текис қилиб майдонча бетига ёйилади ва шу куни майдон, албатта, хайдалиб ўғит тупроққа аралаштирилади.

Тажриба ўтказиш шароитига қараб кўкат ўғитлардан турли усулларда фойдаланилади. Бутун тажриба даласи бўйлаб кўкат ўғитлар экинини экиб, уларни ерга солиш режалаштирилмаган бўлса, майдончалардан кўкпояларини четга чиқариб кўядилар ёки режада бўлса, майдончалар бўйича хайдаб тупроққа аралаштирилади.

Ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш босқичлари бўйича ўтказиладиган тажрибаларда тупроқ ва ўсимлик намуналарини олиш ишлари ҳамда фенологик кузатувлар ва биометрик тадқиқотлар олиб борилади.

Ўғитлар бўйича тажрибаларда ёрдамчи агрокимёвий тадқиқотлар тизимиға тупроқдаги нитрат ва аммиакли азот миқдорини, фосфор ва калийни ўзлаштирадиган шаклларини, тупроқнинг биологик фаоллиги ( $\text{CO}_2$  ажратиши, нитрификациян ва целлюлозани парчалайдиган қобилияти), унинг шамлиги, вегетация даврлари бўйича ўсимликнинг турли аъзоларида N,  $\text{P}_2\text{O}_5$ ,  $\text{K}_2\text{O}$ , қуруқ модда, қанд, витаминлар миқдорини, йиғиштиришдан олдин сабзавотлардаги эркин нитратларни аниқлаш тадбирлари киритилади.

Товар маҳсулот етилган даврда ўсимликнинг турли қисмларидан N,  $\text{P}_2\text{O}_5$ ,  $\text{K}_2\text{O}$  миқдори тўғрисидаги аналитик маълумотлар олингандан кейин унинг тупроқ ва ўғитдаги озиқ элементлардан қандай фойдаланганлик коэффициентини ҳисоблаш керак. Бу маълумотлар аниқ тупроқ-иқлим шароитида ҳосилнинг режалаштирилган даражасига эришиш учун илмий асосланган ўғитлар меъёрини ҳисоблаб белгилаш учун зарур, бўлади.

### Агрокимёвий тадқиқотлар

Сабзавотчилик бўйича тажрибалар ўтказилганда тупроқни агрокимёвий таҳлил қилиш зарур. Тупроқнинг дастлабки агрокимёвий тавсифи ва таснифини билиш учун намуналар олиб, унинг қуйидаги кўрсаткичлари аниқланади:

Тупроқ кесимининг қатламлари бўйича тупроқ донадорлигининг таркиби (Качинскийнинг пипетка усулида);

- сув ва ҳаво тартиботи тавсифи учун ва унда сув, гумус, азот, фосфор, калий ва бошқа моддаларнинг мутлоқ захирасини ҳисоблаш учун тупроқнинг ҳажм оғирлиги; (ту-

- проқ намунасини олишда унинг донадорлигини бузмаслик учун Васильевнинг БН-500 бурғисидан фойдаланилади);
- ўсимлик фойдалана олмайдиган намликни тупроқнинг сув буғини энг кўп ютувчанлигидан ҳисоблаш учун; Митчерлих усулида ҳавонинг нисбий намлиги 96% бўлганда таҳлил қилинади;
  - тупроқнинг энг кам нам сифимини майдончани тўлдириш усули билан, кейинчалик тупроқ қатламлари бўйича намлигини аниқлаш;
  - тупроқнинг ҳамма қатламлари кесимида ЦИНАО модификациясида Тюрин усули бўйича гумус миқдорини; тупроқдаги гумусни аниқлашни тезлаштириш учун Цыплеков усулини кўллаш керак (Петербургский А.В., 1968);
  - умумий азот миқдори қоида бўйича, Къельдал микроусули бўйича аниқланади. Лекин Тюриннинг микрохромли усули, Кудеярованинг фенолли усули ва ЦИНАОНинг фотометрик усулидан фойдаланса ҳам бўлади (Аринушкина Е.В., 1984).
  - шўрҳок тупроқлардан олинган сув намунаси; бунда pH, умумий ишқорлилиги ва карбонатларнинг эрувчанлиги, қуруқ қолдиқ, сульфатлар, кальций, магний, натрий аниқланади (ГОСТ 26423-85; ГОСТ 26488-85);
  - сур тупроқларда ҳаракатчан фосфор Мачигин усули бўйича, алмашинувчи калий сўрувидан Мачигин бўйича  $P_2O_5$  учун олинганда аниқланади, карбонат тупроқларда алмашинувчан калийнинг миқдори Протасов усулида аниқланади;
  - бир қатор кўрсаткичларни биргаликдаги аҳамияти бўйича тупроқнинг биологик фаоллиги (Штатнов усули бўйича  $CO_2$  ажралиши, Кравков бўйича нитрификацион қобилияти ва Востров-Петров бўйича зигир тўқимасини тупроқда чириши йўли билан целялюозани емириш қобилияти). Ушбу таҳлилларни алмашлаб экишда ўғиглар бўйича тажрибаларда, кўп йиллик стационар тажрибаларда органик, кўкат ва минерал ўғитларнинг юқори миқдорлари таъсири ўрганилганда ўтказиш зарур. Ҳамма таҳлиллар камида икки қайтариқда ўтказилади. Параллел аниқлашдаги йўл қўйиладиган фарқ 5-10% дан ошмаслиги керак. Аналитик маълумотлар вариацион статистика усули билан математик ишлов ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Қисқа муддатли ва стационар агрокимёвий тажрибаларда

тупроқнинг озуқа тартиботи динамикаси ва тажрибадаги ўсимликлар чукур ўрганилиши зарур. Бунинг учун ўсимликни вегетация даврида тупроқдаги азот, фосфор ва калийнинг ҳаракатчан шакллари миқдори аниқланади.

Муайян даврда тупроқ ва ўсимликнинг тавсифи тўғрисида маълумот олиш учун, унинг ўсиш ва ривожланишидаги асосий босқичларида озиқланиш тартибини тавсифлаш учун тупроқ намуналари олинади (тажриба қўйишдан олдин, ниҳоллар пайдо бўлаётганда, барг пояси ўсаётган вақтда, маҳсулот пишишининг бошланишида ва техник етилганда).

Озуқа элементларининг ҳаракатчан шакллари динамикаси аниқланганда тупроқ намуналарини суғоришдан кейин дарҳол олиб бўлмайди. Бундай шароитда намуналар суғорилгандан 5-6 кун кейин олинади. Тупроқнинг кесими бўйича озуқа моддаларининг силжишини ўрганиш учун ўғит солинса суғоришдан олдин ва ундан кейин дарҳол намуналар олиш керак. Намуналар ўсимлик орасидаги марздан олинади.

Агрокимёвий тадқиқотлар натижалари кўп жиҳатдан тажриба майдончаларидан тупроқ намуналарини тўғри олинишига боғлиқ. Тупроқ намунаси майдончанинг бир нечта жойидан бурғи билан олинади. Сўнг бу намуналар аралаштирилади. Тупроқ ва ўсимлик намунасини доимо олиб туриш учун катта бўлмаган ( $5\text{-}10\text{m}^2$ ) намуна майдончаси тажриба майдонидан ажратиб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Майдончадан 10-15 тадан кам бўлмаган намуна олинади ва улар аралаштирилади. Тупроқ намуналари иккита ёнма-ён бўлмаган ва тажриба такрорига типик бўлган майдондан олинади.

Кудуқлар майдонча юзаси бўйлаб бир меъёрда жойлаштирилади. Уларнинг оралиги 0,7-1м дан кам бўлмаслиги керак. Шунда улардан намуналар олинаётганда бир-бирига ҳалақит қилмайди. Кудуқ қазилганда қатламлардан олинган тупроқ иложи борича ўша қатламларнинг ўзига солиб тўлдирилиши керак.

Таҳлил учун тупроқ намуналарини олиш чуқурлиги ва уларнинг горизонтлар бўйича тақсимланиши тадқиқотлар вазифаси бўйича аниқланади. Намуналарни 10 ёки 20-сантиметрли қатламлар бўйича олиш керак. Уларни олиш чуқурлиги генетик қатламларга мувофиқ келиши керак. Битта намунага турли қатламлардан олинган тупроқ қўшилиб кетиши мумкин эмас.

### **Тадқиқотларнинг мақсади**

Мамлакатимиз минтақаларининг (вилоятларининг) иқлим-иктисодий хусусиятларини инобатга олган ҳолда сабзавотлар турларини кенгайтириш ва уларни етиштириш муддатлари бўйича тадқиқотлар режалаштирилиши керак. Шаҳар атрофи сабзавотчилиги бўйича тадқиқотлар йўналиши эртаги сабзавотларнинг технологиясини ишлаб чиқиш ва кенг ассортиментда янги сабзавотларни узлуксиз етиштириш бўйича тажриба ишлари олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Бунда кузги-қишки, баҳорги ва эрта ёзги муддатларда янги сабзавотлар-оқ бошли карам, редис, пиёз, помидор, бодринг, бақлажон, ширин қалампир ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга қаратилиши лозим.

Республикамизнинг асосий иқлим минтақалари учун сабзавотчилик билан шуғулланадиган илмий ташкилотлар куйидаги ишлар билан шуғулланишлари лозим:

- сабзавотчилик билан шуғулланувчи ҳар бир илмий даргоҳда сабзавот экинлари ассортиментини ўрганиш мақсадида коллекция питомнигини ташкил қилиш, ундан энг истиқболлиларини танлаш, уларни кўпайтириш усуллари ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш йўлларини топиш;
- эртаги ва юқори ҳосилни кафолатловчи уруғни экишга тайёрлаш усуллари, дала унувчанлигини оширишни такомиллаштириш;
- эртаги сабзавотларни вақтинчалик шаффоф пленкалар остида етиштиришнинг механизациялашган технологиясини яратиш, истиқболли экинлар ва навларни дала шароитида вақтинчалик пленка остида етиштириш учун уларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш;
- турли муддатларда ва парваришлаш усулларида қийғос ҳосил берадиган пиёз, илдизмевали сабзавотлар ва қўкат экинларнинг эртаги ҳосилини олиш агрокомплексни ишлаб чиқиш;

- маҳсулотларни етиштиришда уларнинг бозорга конвөер усулида келишини таъминловчи тизимни ишлаб чиқиш;
- ерқалампир (хрен), ровоч, шовул, спаржа, кўп йиллик тиёзлар ва бошқа кўп йиллик сабзавот экинларини парваришиш технологиясини такомиллаштириш;
- кам тарқалган ноёб сабзавот экинларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш.

Уруғ тайёрлаш ва кўчат етиштиришнинг самарали усулларини қўллаб, уларни мақбул унумдор майдонга экиб, ўстираётгандан минерал озиқлантириш ва сугориш тартиботига риоя қилиб, ёруғлик ўтказадиган пленкалар ёрдамида баҳорги совуқлардан ҳимоя қилиб, эртаги сабзавот маҳсулоти етиштиришни анча тезлатиш мумкин. Шунда ҳосил мўл товарли ва сифатли бўлади.

Дала тажрибалари сабзавотни алмашлаб экиш далаларида етиштириш жараёнларини юксак даражада механизациялаштириш имконини беради.

Эртаги сабзавотларни етиштириш учун алмашлаб экиш участкаси жанубий қияликларда жойлашган, табиий ҳимояга эга, ўсимликни совуқ шамол таъсиридан сақлайдиган бўлиши керак. Ушбу участка тупроғининг механик таркиби енгил, баҳорда тез исидиган бўлса ишларни эрта муддатларда бажариш имконияти туғилади.

Алмашлаб экиш даласида эгатлар шундай олиниши керакки, мавжуд қишлоқ хўжалиги машиналари ва қуроллари унда ишлай олсин. Тажриба майдончасининг эни экадиган агрегатни 1-3 карра тақрор ўзишига мўлжаллаб олинади. Бу кўп омилли тажрибалар майдонини икки, уч ва ундан кўп бўлакларга бўлиш имкониятини яратади. Майдонча тизими, 3-4 қайтариқда жойлаштирилади. Экин турига қараб ҳисоблаш ўтказиладиган майдон юзаси турлича бўлади (1 бобга қаранг).

Дала тупроғи унумдорлигининг ҳар хил бўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида тажриба даласи ташкил қилинётганда ҳамма алмашлаб экиш даласини учга бўлиш ва ҳар йили тажриба учун фақат учдан бир қисмини эгаллаш зарур. Даланинг қолган қисмига бир хил экин экилади (иложи бўлса бир хил нав) ва бир хил парваришиш технологияси қўллашлади (тengлаштирувчи экин).

Эртаги сабзавот экинларининг турлари ва уларни алмаштириш ишлари тажриба ўтказилайётган минтақанинг табиий-экологик шароитига боғлиқ бўлади.

Масалан, марказий иқлим минтақасида шаҳар атрофи сабзавотчилигига алмашлаб экиши учун эртаги сабзавот экинларининг қўйидаги тартиби тавсия қилинади:

- |                                |                          |
|--------------------------------|--------------------------|
| 1. Бир йиллик ўтлар            | 1. Бир йиллик ўтлар      |
| 2. Эртаги картошка             | 2. Эртаги оқ бошли карам |
| 3. Эртаги оқ бошли карам       | 3. Эртаги картошка       |
| 4. Помидор, қалампир, бақлажон | 4. Сабзи, лавлаги        |
| 5. Кўкат сабзавотлар           | 5. Помидор, бодринг      |
| 6. Сабзи, лавлаги              | 6. Кўкат сабзавотлар     |

Жанубий районларда алмашлаб экишда кўпроқ иссиқсевар экинлар: помидор, қалампир, бодринг, қовун, тарвуз ва бошқа экинлар экиласди.

Кўп йиллик сабзавот экинлари учун ҳам алоҳида участка ажратиб, улар алмашлаб экилса мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Сабзавотлар турларини кенгайтириш учун истиқболли навлар ва экинларни танлаш**

Тажрибаларнинг мақсади-минтақанинг иқлим шароитидан тўлиқ фойдаланадиган навлар ва экинларни танлаш, бутун йил давомида сабзавотларни узлуксиз етиштирадиган технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Марказий ва шимолий районларга ҳамда мустақил ҳамдўстлик давлатларига олиб боришга мўлжалланган сабзавотларнинг товар маҳсулотини жанубий минтақаларда кузда, қишида ва эрта баҳорда етиштириш учун нав ва экинларни танлаш тадқиқотлари ўтказилиши керак. Марказий минтақаларда эса помидор, бодринг, бақлажон, картошка, қовун, тарвуз ва бошқа экинлар ҳосилини эрта етиштириш бўйича изланишлар олиб борилади.

Бундан ташқари сабзавот экинларининг совуққа чидамли турларини кенгайтириш ишларига ҳам эътибор бериш (гул карам, қизилбошли карам, колъраби, бошли салат, кресс-салат, шпинат, редис, эртапишар илдизмевали сабзавотлар, зиравор ва дуккакли экинлар ва ҳоказо). Синтетик пленка ишлаб чиқариш кўпайгани ва улар таннархининг пасайиши туфайли эрта муддатларда иссиқсевар помидор, бодринг, қалампир, бақлажон, тарвуз ва қовун экинларини пленка остида етиштирадиган майдонларни кенгайтириш имконияти яратилди.

Юртимизнинг барча минтақаларида кўп йиллик (ровоч, шовул, спаржа, пиёзлар, зиравор сабзавотлар, ерқалампир ва

қатрон) сабзавот экинлари устида тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу экинларни экиш маҳсулот етишириш ҳажмини оширади ва муддатини узайтиради.

Турларини кенгайтириш масаласини ҳал қилиш унумдорлиги бир хил бўлган маҳсус ажратилган далада коллекция майдонини ташкил қилишдан бошланади. Экинлар ботаник оиласига мансублиги инобатга олиниб жойлаштирилади (карамсимонлар, сельдерейсимонлар, қовоқдошлар, томатдошлар, шўрадошлар, пиёзгулдошлар, астрасимонлар ва бошқалар) ҳамда маҳсулдор аъзоларининг озиқ-овқатга ишлатилиши (мевалар, илдизмевалар, барглар ва ҳоказо) ва экиннинг биологик хусусиятлари-ҳаётининг давом этиши (бир йиллик, иккни йиллик ва кўп йилликлар) бўйича тадқиқотлар ўтказилади. Бу эса кейинчалик экинларни алмаштиришни тўғри кўллаш имкониятини яратади. Дастлабки ўрганилаётган нав ва экинлар технологияси уларнинг биологик хусусиятларига тўғри келиши ва ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштиришга асосланиши керак.

Кўйилган талафуга тўлиқ жавоб берган навлар ва экинлар кейинги тадқиқотлар режасига киритилади.

### **Уруғни экишга тайёрлаш усулларини ишлаб чиқиш**

Экишдан олдин уруғни тайёрлашда уларнинг униш қуввати ва унувчанлигини ошириш кўзда тутилади. Бу эса ўсимликни ўсиш ва ривожланишини кучайтиришга, айниқса, эртаги ҳосилни оширишга олиб келади.

Уруғни экишга тайёрлашнинг турли хил усуллари мавзум. Уларнинг кўпчилиги амалиётда муваффақиятли қўлланилмоқда. Уруғнинг ҳажми ва оғирлиги бўйича саралаш уни экишдан олдин ўсув стимуляторлари ва турли тузлар эритмаларида ивитиш, ғўлалаш, уруғга манфий ёки ўзгарувчан паст ҳароратни (яровизация, чиниқтириш) таъсир қилдириш, уруғга ионлаштирувчи нур, лазер нури, электрли ёки импульсли концентрацияли қуёш нури билан ишлов бериш шулар жумласидандир.

Лекин уруғга экишдан олдин ишлов беришда уруғни мақбул равишда тўйинтирилган эритмада ивитилиб, совитилаётганда ҳарорат тартибига, нурлантиришда эса унинг меъёрига риоя қилинсанагина яхши самараға эришиш мумкин Шунинг учун гарчи уруғни экишга тайёрлаш усулларининг кўпчилиги амалиётда қўлланилаётган бўлса ҳам уларнинг ҳар

бирига жойнинг иқлим ва тупрок шароитига, етиштирилаётган экин ва навларга мослаштириб, чукурроқ ишлов бериш керак.

Уруғларга экишдан олдин берилган турли ишловларнинг қандай таъсир этганини баҳолаш ишларини лаборатория, вегетацион ва кичик майдончалардаги дала тажрибаларида ўтказиш мумкин. Бунинг учун, аввало, лаборатория шароитида дастлабки тажрибаларни ўтказиш зарур. Уруғга ишлов берилгандан сўнг ҳар бир вариант тўрт қайтариқда Петри чашкасига терилади. Ҳар бир чашкага 100 донадан майда сабзи, помидор, пиёз, салат, редис ва бошқа экинлар уруғи, 50 донадан йирик бодринг, қовоқча, тарвуз, қовоқ уруғлари жойлаштирилади.

Вариантлар бўйича униш қувватидаги фарқни илғаб олиш учун уруғни 20-22<sup>0</sup>С дан юқори бўлмаган ҳароратда ундириш керак. Унувчанлик фоизи, илдизчалик узунлиги, илдизчанинг хўл ва қуруқ оғирлигини ҳам инобатга олиш зарур.

Унабошлагандан 4-5 кечакундузда ҳар бир Петри чашкасидан 10 тадан уруғ (вариантдан ҳаммаси бўлиб 40 дона) олинида ва илдизчанинг узунлиги ўлчанади. Кейин ушбу уруғларни 10 тадан бюксга солиб, илдизчаларнинг аввал ҳўлликдаги, қуритилгандан сўнг қуруқ оғирлиги аниқланади.

Уна бошлиш тезлиги, унишнинг сийрак ёки қалинлиги, илдизчаларнинг узунлиги ва оғирлигига қараб, уруғга ишлов беришнинг энг самарали вариантиларини ажратиш мумкин. Улар билан вегетацион ва дала тажрибаси шароитида ишлашни давом эттириш керак.

Вегетацион тажриба оддий методика бўйича 6-8 марта қайтариқда, дала тажрибаси эса 4 марта қайтариқда ўтказилади.

Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши билан боғлиқ қуидагиларни:

- фенологик кузатувлар ва биометрик тадқиқотларни;
- ўсимликда модда алмашиниши жараёни бўйича физиологик-биокимёвий тадқиқотларни (И.И. Гунар, 1972);
- пигмент аппаратини ўрганиш йўли билан (“а” ва “в” хлорофиллари ва ацетонли эритмада каротинсимонларнинг миқдори) кейинчалик СФ-4 ёки ФЭКда суюқлик зичлигини ўлчашни;
- вегетатив массадаги қуруқ модда миқдорини аниқлашни;
- экин турига қараб, меваларнинг сифатини аниқлашни амалга ошириш керак.

Энди тадқиқотлар вазифаси ва урурга ишлов бериш турли хил усулларининг хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Уруғ 12-24 соат давомида хона ҳароратида ( $20^{\circ}\text{C}$ ) турли эритмаларда ивитилади. Уруғларнинг бир қисмини докадан ясалган халтачаларда ҳам ивитса бўлади.

Уруғ кўпинча таркибида микроэлемент бўлган эритмада ҳўлланилади. Помидорга-1%, пиёзга-0,1% нордон марганцовкали калий, помидор, қизил лавлаги, сабзи, карамга-0,002% ва пиёзга -0,02% мис купароси, қизил лавлагига -0,005%, сабзига-0,1%, пиёзга -0,02%, карамга -0,004-0,005% бор кислотаси, карамга-0,01% нордон молибден аммоний, бодринг ва қовоқчага -0,002% алюмокалийли аччиқтош микроэлементларидан фойдаланилади.

Шуларни эътиборга олиш жоизки, уруғларни микроэлементлар билан бойитишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан шу элементларнинг тупроқдаги миқдорига ва ўсимликнинг турига боғлиқ. Масалан, таркибида бор элементи кам бўлган тупроқларга бор солинса унинг самарадорлиги юқори бўлади. Ишқорий тупроқларда ўсимликлар марганецдан оз фойдаланади.

Уруғларга микроэлементлар билан ишлов беришга турли сабзавот экинларининг муносабати ҳар хил бўлади. Илдизмевалилардан қизил лавлаги, редис, сабзи, шолғом, помидор, оқбош карам, айниқса, гулкарам бор ўғитидан, карам, помидор, сабзи, салат, қовоқча молибдендан, сабзи, пиёз, ош лавлаги мисли ўғитдан яхши таъсиранади.

Уруғ кўпинча таркибида ўстирувчи моддалар бўлган эритмада ивитилади. Тажрибалар қўйишда шуни эсда тутиш керакки, эритмада уруғни ивитишдан фойдали самарани ўсимликнинг ўсиши учун қулай шароитда, яъни мақбул ҳарорат шароитида ва минерал озиқланиш даражаси юқори бўлганда олиш мумкин. Ўстирувчи стимулятор модда алмашинувида фаол қатнашади ва ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини тезлатади. Бодринг ва помидорга -0,03%, сабзига -0,04-0,06%, қизил лавлаги ва салатга-0,003% гетероауксин, салатга, редис ва помидорга -0,01% никотин кислотаси, сабзига -0,0012% қаҳрабо кислотаси эритмаларини қўллаб тадқиқотлар ўтказса бўлади.

Уруғни ивитиш тажрибаларида экин, нав ва иш ўтказиладиган жойга қараб қўйидагиларни: уруғни ивитиш учун энг самарали препаратни, суюқликнинг мақбул концентрациясини ва ивитишнинг давомийлигини аниқлаш зарур.

Уругни экишдан олдин тайёрлашнинг энг самарали усуларидан бири унга паст ҳарорат билан ишлов бериш (чи-ниқтириш, яровизациялаш ва бошқалар) ҳисобланади.

Карам, сабзи, петрушка, қизил лавлаги ва пиёзнинг нишурган уруғларида яровизация ўтмайди. Шунинг учун экишдан олдин ушбу экинларнинг уруғларини узоқ муддат совутиш бевақт “эркаклашига” (гул поя чиқаришига) йўл қўймайди. Ҳосилнинг шаклланиш жараёнига яхши таъсир қиласди ва унинг етилишини тезлатади.

Экишдан олдин карам, сабзи, пиёз, қизил лавлаги ва петрушка уруғларини яровизациялаш (кўпчитиш, ниш олишга яқинлаштириш) самарали тадбир ҳисобланади. Ушбу тадбирни қўллаш учун аввал уругни 18-20<sup>0</sup>C ҳароратли сувда 5% уруғ ниш уришга қадар ивтилади. Карам уруғи учун ивтиш муддати-1-2 кун, сабзиники -4-5 кун, пиёз ва петрушканики -5-6 кун, қизил лавлагиники -2-3 кун давом этиши керак.

Кейин уруғ совуқ жойга жойлаштирилиб текширилади, карам уруғи 0<sup>0</sup>Сдан +3<sup>0</sup>C ҳароратгача, петрушка, пиёз, лавлаги ва сабзини -1°дан то +1°C ҳароратгача совутилади. Лавлаги уругини совутишнинг муддати -7-10кун, карам, сабзи, петрушка ва пиёзники 10-15 кун давом этиши керак (А.С. Кружилин, З.М. Шведская, 1966).

### **Сабзвотлардан юқори ва эртаги ҳосил олишини таъминлайдиган технологик тадбирларни ишлаб чиқиш.**

Сабзвот экинларидан эртаги юқори ҳосил олиш учун уругни ерга эрта экиш, кўчат қилиб экиш усулларини қўллаш, вақтингчалик шаффофф пленкалардан фойдаланиш ва турли хилдаги мульчалар билан эгат устини қоплаш катта аҳамиятга эга.

Эрта баҳорда картошка, карам, редис, бодринг, помидор экинларида вақтингчалик шаффофф пленкани қўллаш юқори самара беради. Мамлакатимизнинг турли минтақаларида чучук қалампир, гулкарам, бақлажон, салат, кўкат сабзвотлар ва бошқа экинлар билан ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказиш зарур. Пленка остида содир бўладиган ва ер юзасида ўсимлик атрофидаги микроклимининг хусусиятларини ўрганиш зарур. Ҳаводаги, тупроқ юзаси ва 10-20см чуқурликдаги ўртacha кечакундузлик энг юқори ва энг паст ҳароратни, ҳавонинг намлиги, шунингдек 0-10, 10-20, 20-30, 30-40 см қатламлардаги тупроқ намлиги динамикасини,

күёшли ва булутли кунларда ёруғликни, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш хусусиятларини ва ҳосилнинг етилиш динамикасини аниқлаш зарур.

Минтақалар бўйича гулкамам, колъраби, редис, кўкат экинларидан маҳсулотнинг конвейер чиқишини таъминлаш мақсадида ва халқни улар билан узоқ муддат таъмин қилишнинг мақбул ва имкониятли муддатларини тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Помидор ва бодрингни етиштириш муддатлари учтатўртта навлардан (районлаштирилган ва истиқболли) фойдаланиб ўрганилади. Кўчат экишнинг қўйидаги муддатларини ўрганиш тавсия қилинади: мартнинг иккинчи ва учинчи декадаси, апрелнинг биринчи, иккинчи ва учинчи декадаси, июннинг биринчи, иккинчи ва учинчи декадаси, июлнинг биринчи, иккинчи декадаси. Бундан ташқари тажрибага далага уруфи билан экишнинг 5-бта муддатларини киритиш мақсадга мувофикдир. Бунда очиқ ердан 110-120 кун давомида тайёр маҳсулотнинг узлуксиз чиқишини таъминлаш мумкин. Тажрибаларда тегишли минтақалар учун илфор етиштириш технологиясидан фойдаланиш зарур. Жанубий районларда экиш муддатлари 10-15 кун олдинга ёки кейинга сурилиши мумкин.

Помидор ва бодрингни навларига қараб кам меҳнат сарфлаб барқарор юқори ҳосил олишни таъминловчи, экиш схемаси ва ўсимликнинг озиқланиш майдонини такомиллаштириш мумкин. Шунга ўхшаш тадқиқотлар оқбошли ва гулкамам, ҳамда кўкат экинлар маҳсулотини узлуксиз чиқишини ўрганишда бажарилади. Экиш кеч кузда ва эрта баҳорда ҳар 10-15 кунда ўтказилади.

Кўк ва бошли пиёз олиш учун уруг экишнинг мақбул муддатларини аниқлаш ҳам қизиқиш туғдиради. Тажрибаларда эрта баҳордан ёз бошларигача, куз ва қиш ойларида кўк пиёз етиштиришни ўрганиш режалаштирилади. Куз ва қиша экилганда мульча сифатида фойдаланиш учун турили материалилар ўрганилади. Анча эрта ҳосил етиштириш мақсадида эрта баҳорда вақтингчалик пленка ёпилади. Районлаштирилган ва истиқболли навлар ўрганиш обьекти бўлиб хизмат қиласи.

Шунга ўхшаш тажрибаларни “эркакламайдиган” - гулпоя чиқармайдиган сабзи, қизил лавлаги навлари ва саримсоқ билан ҳам ўтказилса бўлади.

Эртаги сабзавотларни етиштиришда агрокомплекслар ишини ўрганиш ва баҳолаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш

муҳим аҳамиятга эга. Агрокомплекслар бирорта экинни ўстиришнинг механизациялашган технологиясининг асосини ташкил қилувчи самарали агроусулларни танлаб олади.

Турли сабзавот экинлари билан ўтказиладиган тахминий тажриба схемалари кўйидагича бўлиши мумкин.

### **Илдизмевали ва кўкат сабзавот экинлар:**

*Назорат (шу минтақа учун очиқ ерда қўлланиладиган технология);*

Гидрофоб плёнка билан белаб олинган уругни кеч кузда экиши;

юқори фонли минерал озуқани қўллаш;

кузда экинга гербицид билан ишлов бериш;

эрта баҳорги муддатларда устини пленка билан ёпишини қўллаш;

маҳсус мульчаматериаллар ёки синтетик пленка билан мульчалаши.

### **Иссикликка талабчан мевали сабзавот ва полиз экинлари:**

*Назорат очиқ ерда минтақада қўлланиладиган парваришлаш технологияси;*

Вақтинчалик каркас қилиб пленка билан ёпилган жойда етишиши;

Совуққа чидамлилиги оширилган ва кислород билан бойитилган ёки фўланган уругни экиши;

Гербицидлар ёрдамида пленка остидаги бегона ўтларга қарши курашиши;

Каркассиз ёпилган пленка остида етишиши;

Ўсимликни кўчат усулида пленка остида етишиши;

Охирги баҳорги совуқ бошлангунча тоннел типида ёпилган каркасли пленка остига кўчат ўтқазиши;

Ҳар бир минтақага тавсия қилинган миқдорда, гулшодага мева шакллантирувчи моддаларни сепиши; ўсимликни буташ, бачкилардан тозалаш;

Эгат ораларидаги тупроқни мульчалаш (тупроқни чиринди, гўнг, қипиқ, ёки қоғоз билан ёпиши).

Ушбу тажрибаларда асосан ҳар бир агрокомплекснинг агроиқтисодий самарадорлиги ўрганилади. Метеорологик, фенологик кузатишлар, биометрик тадқиқотлар ўтказилади, озиқланиш тартиботи, ҳар бир экинни парваришлашда тупроқ намлиги динамикада ўрганилади, ҳосилнинг кетма-кет йиғилиши аниқланади, маҳсулот сифати баҳоланади. Барча агротехник тадбирлар максимал равишда механизациялаширилади.

## **Кўкат ва зиравор сабзавот экинлари технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тажрибалар**

Ишлаб чиқаришга (декончилликка) кўкат ва зиравор сабзавот экинларини кенг жорий қилиш учун унинг озуқавий аҳамиятини, фойдаланиш усулларини, шифобахш ҳусусиятини кенг ташвиқот қилиш, шу билан бирга улардан юқори ҳосил олишни таъминлайдиган парваришилаш технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Петрушка, зелдер, пастернак ва бошқа кўкат ҳамда илдизмевали сабзавот экинлари билан ўтказиладиган тажрибаларда эртаги кўкат олишнинг турли усулларини, кўкатли илдизмеваларни шунингдек, илдизмеваларнинг ўзини ўрганиш керак, уругни экиш ва кўчатни ўтказишни бир шаклга келтириш, ўсимликнинг озиқланиш майдони шакли ва ҳажмини аниқлаш, уларни қаторда бир хил жойлаштириш усулларини топиш, минерал ўғитларнинг мақбул миқдори, солиш усуллари ва муддатини аниқлаш, сугориш усуллари ва тартиботини, маҳсулотнинг сифатига турли агротадбирларнинг таъсирини аниқлаш зарур.

Луқпар пиёзни кўчат усулида етишириб юқори ҳосил олиш агромажмуини ўрганиш керак. Бунда кўчачтнинг ёши, экиш тизими ва ўсимликнинг озиқланиш майдони, сугориш тартиботи, маҳсулотни узлуксиз етишириш учун мақбул экиш муддатларини ишлаб чиқиш зарур.

Эрта баҳорда ва ёзнинг охирида редисни экиш муддатларини районлаштирилган ва истиқболли навлар мисолида боғлаб ўрганиш, маҳсулотнинг узлуксиз чиқишини таъминлаш бўйича тажрибалар олиб бориш керак.

Турп ва шолғомнинг сифатли ва юқори ҳосилини таъминлайдиган механизациялашган технологияни ишлаб чиқиш, уларнинг ассортиментини кенгайтириш ҳамда кеч баҳоргacha уни сақлаш усулларини тадқиқ қилиш сабзавотчилик фанининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Кўкат экинлар маҳсулотининг узлуксиз (конвейер) етилишини таъминловчи йўлларини ўрганиш, ҳар бир экиннинг айрим навлари экиш муддатлари навбатини белгилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини максимал механизациялашда юқори ҳосилдорликни таъминловчи экин гурӯхларини экиш схемасини бир хиллаштириш бўйича тажрибалар ўтказиш зарур.

Ёз ойларида бодринг билан бир вақтда қовоқча ва патисон экинларининг юқори ҳосил беришини таъминловчи экиш

муддатлари чегарасини аниқлаш, мақбул экиш схемаси ва озиқланиш майдонини белгилаш, навлар учун парваришилаш технологиясини ишлаб чиқиш сабзавотлар ассортиментини кенгайтиришдаги зарур тадқиқотлардан бири ҳисобланади.

## **Кўп йиллик сабзавот экинлари билан тажрибалар ўтказишни ўзига хос ҳусусиятлари**

Кўп йиллик сабзавот экинлари билан тадқиқотлар умум қабул қилинган дала тажрибаси методикаси бўйича ўтказида. Лекин, ушбу экинларни бир жойда бир неча йил давомида етиширилишини инобатга олиб, дала синчковлик билан танланади ва дала тажрибаси талабига барча тадбирлар (ер тэкислаш, текисловчи экин экиш, ўғит солиш, тупроқни текшириш ва бошқалар) тўла мос ҳолда амалга оширилиши керак. Кўп йиллик экинлар билан тажриба ўтқазилганда тажриба ўтказиш майдончаларининг чегараси бутун тажриба давомида сақланиши лозим.

Майдонни тажриба учун бўлишга алоҳида эътибор бериш зарур. Ҳар бир тажрибанинг схематик режасини тузиш лозим. Унда қайтариқларнинг жойлашиши, тадбирнинг номи ва вариантнинг номери, майдончаларнинг жойлашиши қўрсатида. Барча дала ва майдончалар доимий нумерацияга эга бўлишлари керак.

Кўп йиллик сабзавот экинларини етишириш технологияси бўйича айрим тажрибаларнинг схемаси қуйида келтирилмоқда.

**Ровоч (чукра).** Ровочни кўпайтириш усуллари – ишлаб чиқариш технологиясидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бундай тажрибанинг тахминий схемаси қуйидагича:

*Тупни иккита – учта куртак қолдириб, тупни икки бўлакка бўлиш;*

*Тупни битта - иккита куртак қолдириб, уч бўлакка бўлиш;*

*Тупни битта - иккита куртак қолдириб, тўрт бўлакка бўлиш;*

*Кўчамт ҳолида экиш;*

*Куртакли илдизларни кўчириб экиш.*

Тажриба қўйишдан олдин равочнинг маҳсулдорлиги бўйича тенг бўлган бир хил туплари танлаб олинади. Тажрибада умумий қўлланиладиган кузатишлар ва тадқиқотлардан ташқари, механизацияни қўллашга имкон яратадиган кўпайишнинг турли усулларига иқтисодий баҳо берилади. Далага экил-

гандан кейин иккинчи йили бандини йиғиштиришни турли усуллари самарадорлигини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотлар ўтказиш керак. Ҳосилни механизация ёрдамида йиғиштириш қулагай бўлиши учун ҳамма бандини бараварига кесиш йўли ва ўсимликда майдасини қолдириш ва стандартларини синдириш йўли бўйича тадқиқотлар ўтказилади. Ҳар йили ҳосилни ҳисоблаш ва маҳсулот сифатини аниқлаш зарур.

**Шовул.** (отқулоқ). Бу экин бир жойда 3 йил етиштирилиб, барги ҳар йили кўп марта кесиб олинади. У билан тажрибаларда экиш муддатларининг (баҳорги, ёзги, кузги ва қишки) уларнинг ҳосилдорлигига, маҳсулот сифатига таъсири эртаги маҳсулот чиқаришни тезлатишда вақтингчалик пленка ёпишнинг аҳамияти ўрганилади.

Шунингдек, ёзда баргларни кесиш сонининг (5-6 марта) кейинги йилда ўсимликнинг маҳсулдорлигига таъсири (барги экишнинг биринчи ва икинчи йилида кесилади); ҳосилни механизация билан йиғиштириш усуллари; минерал ўғитларни миқдори ва нисбатининг ҳосилдорлик ва маҳсулотнинг сифатига таъсири ўрганилади.

**Сарсабил** (спаржа). Бу экинда экишнинг турли усуллари ни ўрганиш, органик (1га ерга 60,80,100,120т гүнг) ва минерал ўғитларнинг энг самарали ва иқтисодий меъёларини аниқлаш, новдасини оқартириш усулларини такомиллаштириш (новда атрофига турли баландликда тупроқ уйиш, синтетик пленка қўллаш ва б.); турли мульчаларни қўллаш йўли билан тупроқни иситиш ва ёш новдаларнинг ўсишини тезлатиш усулларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича тажрибалар ўтказиш керак.

**Шеролгин** (эстрагон). Ўсимликнинг кўпайтириш усулларини (тупни бўлиш навдаларни ажратиб қаламча ҳолида, илдиздан чиқсан кўчатларни кўчириб, кўчат қилиб ва уругини экиб) ўрганиш; турли навлар учун кўпайтиришнинг ҳар бир усулларининг самарадорлигини аниқлаш; тажриба кўйилаётганда солинадиган органик ва минерал ўғитларни мақбул меъёрини аниқлаш; етиштириш шароитини (тупроқ унумдорлигининг даражаси, ўсимликнинг нам билан таъминланганлиги ва б.) ўрганиш; ҳосилни турли муддатларда йиғиштиришнинг маҳсулотнинг сифатига таъсирини тадқиқ қилиш-тажрибаларнинг мақсадидир. Барча экинлар учун умумий кузатишлар ва тадқиқотлардан ташқари шеролгин билан ўтказиладиган тажрибаларда баргларидаги эфир мойларининг миқдорини аниқлаш зарур.

**Пиёзни кўп йиллик турлари.** Ҳар бир иқлим минтақасида пиёзнинг кўп йиллик турларининг биологик хусусиятларини, парваришлаш шароити комплексига уларнинг реакциясини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун экиш муддати ва схемасини, ўсимликнинг қулай туриш қалинлигини инобатта олиб озиқланиш майдонини, юқори ҳосил олишини таъминловчи агрокомплексни (сугориш тартиботини, минерал ўғит билан озиқланиши, бегона ўтларга қарши агротехник курашиш усулларини қўллашни ва ўсимликни парваришлашнинг бошқа тадбирларини аниқлаш) ишлаб чиқиш зарур. Эрта етиладиган маҳсулот миқдорини ошириш учун минтақалар бўйича ўсимликни синтетик пленкалар билан ёпиш муддати ва усулларини ишлаб чиқиш керак.

**Ерқалампир (хреи).** Ўзбекистонда ерқалампирни фақат кўп йиллик шакли ўсишига қарамай унинг бир йиллик, икки йиллик ва кўп йиллик маданий турлари етиштирилади. Тажрибаларда қуйидаги масалаларни: ерқалампирниг маҳаллий шаклларини ҳамда чет эллик нав намуналарини йиғиш ва ўрганиш, улардан энг яхшиларини танлаш; турли экиш ва йиғишириш муддатларининг биринчи ва иккинчи йил экинидан товар маҳсулот чиқишига таъсирини тадқиқ қилиш (эрта баҳорги, баҳорги, ёзги, кузги, кеч кузги); бир йиллик ва икки йиллик ерқалампирнинг юқори товар маҳсулот берадиган қаламчасини тайёрлашнинг турли усулларини ўрганиш; экиладиган илдизга ва товар ҳосилга органик ва минерал ўғитларнинг таъсирини аниқлаш; биринчи ва иккинчи йил экинида товар ҳосил чиқишига қаламчанинг узунлигининг ва қалинлигининг таъсирини аниқлаш; ўстиришнинг айрим ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш (қаламчани кесиш, уларни экишга тайёрлаш, кўчат экадиган машина билан экиш, ўсимликни парваришлаш, ҳосилни йиғишириш); бегона ўтлар билан курашишнинг технологик ва кимёвий усулларини ҳамда ерқалампир плантациясининг тутатишда қолган илдизларни йўқ қилиш усулларини ишлаб чиқиш, илдизларни сақлаш тартиботи ва ўсуllibарини ишлаб чиқиш тажрибаларнинг мақсадидир.

Сабзавот экинларининг ассортименти, етиштириш ва ҳосилни йиғишириш технологияси ишлаб чиқилганда ҳамда эргаги маҳсулот олиш йўллари ўрганилганда қуйидаги: тупроқдаги кесакчалар таркиби, тўлиқ нам сифими, ҳажм оғирлиги, тупроқнинг зичлиги, ундаги гумус, умумий азот миқдори (тажриба қўйишдан олдин), фосфор ва калийнинг

ҳаракатчан шакллари, гидролит кислоталилик ва тупроқнинг РН мұхити, алмашынучан асосларининг йиғиндиси ва асослар билан тупроқнинг түйінгәнлик даражаси аниқланади ва улар бүйіча кузатув ва ҳисоблар ўтказилади.

Метеорологик шароитни ёргулик ўтказиладиган пленка-лар тажрибасыда унинг остида шаклланадиган микроиклим қайд қилинади. Кеч күзде экилган экинлар билан ўтказила-дан тажрибаларда уруғ экилган чукурликдаги ҳарорат ва тупроқ намлигини ўлчаб, уларнинг қишлош шароити аниқла-нади.

Уруғларни лаборатория, дала унувчанлиги, униб чиқиши күввати, күчтәрларнинг тутганлик, ифлосланганлик даражаси, ўсимликнинг туриш қалинлиги, аниқланади. Фенологияк куза-тишлар ва биометрик тадқиқотлар ўтказилади.

Ўсимликнинг ўсиш динамикаси, ҳосил бериш муддати ва ахиллиги инобатта олинади. Витаминлар, нитратлар ва нит-ритларнинг миқдорига алоқида ахамият берилиб, маҳсулот-нинг сифатига баҳо берилади.

Тадқиқотлар вариантылары бүйіча меңнат ва восита-лар сарфининг таҳлили барча тажрибаларда ўтказилади.

### **Ҳамкор кузатувлар ва ҳисоблашлар**

Кўпчилик технологик тадқиқотларда, селекция-уругчи-лик ишларида ва ўсимликлар билан ўтказиладиган бошқа тажрибаларда ўрганилаётган усууллар, навлар ҳамда дурагайлар хусусиятлари самарадорлигини билишнинг мұхим кўрсаткич-ларига ўсимликнинг ривожланиш суръати ва ўсув жараёни-нинг интенсивлиги хизмат қиласи.

Ўсимликларнинг ривожланиш суръати уларнинг эртапи-шарлиги, ўсиш ва ривожланиш даврининг бошланиш вақти ва кўпайиш аъзоларининг шаклланиш даврига ўтиши билан боғлиқлиги, органогенез босқичлари (ғунчалаш, гуллаш ва мевага кириш даврлари) билан баҳоланади. Ушбу маълумот-лар ўсимликни фенологияк кузатиш йўли билан ва унинг ри-вожланиши бүйіча биологик назорат ўтказиб олинади. Фено-логик кузатиш у ёки бу даврни тугалланишини кузатиб белги-лашга имкон яратса, биологик назорат уларда кўринадиган белгиларнинг пайдо бўлишидан анча олдин бошланадиган жараёнларни аниқлаш имкониятини беради.

Ўсимлик ўлчамининг катталашиши ёки уларнинг айрим аъзолари, пайдо бўлган барглар сони ва улар юзасининг кат-

та-кичилиги, ўсимлик куруқ ёки ҳўл вазнининг ўзгариши, илдиз тизимининг миқдори ва тарқалганлиги, карам боши, мевалар, илдизмеваларнинг катталашиш тезлиги ва бошқа белгилари билан ўсиш жараёнлари баҳоланади. Ушбу маълумотлар фенологик жараёнда, асосийси- биометрик тадқиқотларда олинади.

Ҳар куни, одатда эрталаб, тажрибанинг барча майдончалирида ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишига таъсир қилалигидан омиллар ёки агроприёмларни баҳолаш учун зарур фенологик кузатувлар ўтказилади. Ҳар бир босқичнинг бошланниши 10% да ва ёппасига -75% ўсимликда кузатилганда белгиланади. У ёки бу даврга кирган ўсимлик фоизини ҳисоблаб ёки кўз билан чамалаб, ўсиш ва ривожланиш даври ёппасига бошланганлиги ва муддатлари бўйича вариантлар орасидаги фарқланиш даражаси белгиланади. Бир хил майдончанинг турли қайтариқларида ушбу кўрсаткичларнинг фарқи катта бўлса, унинг сабаби аниқланади, маълумотлар аввал дала кундалигига, кейин дала дафтарига ёзилади.

“Биологический контроль в сельском хозяйстве” (Ф.М. Куперман. 1962, 44-48 бетлар), “Методика физиологических исследований в овощеводстве и бахчеводстве” (В.Ф. Белик таҳрири остида, 1970, 57-62 б.) китобларидаги методик қўлланмалардан фойдаланиб, сабзавот экинларида қўйидаги ўсиш ва ривожланиш даврлари белгиланади:

**барча экинларда**- уруғ экиш ёки кўчат ўтказиш, вегетация даврининг давомийлиги уруғ экилган кундан эмас, балки ниҳоллар пайдо бўлгандан бошланади;

**помидор, бақлажон ва қалампирда**- ниҳолларнинг пайдо бўлиши, ниҳолларни кўчириб ўтказиш (пикировка), биринчи ёки иккинчи чин баргни пайдо бўлиши, кўчатни ерга экиш, фунчалаш, гуллаш (помидорда гуллаш вақти ва биринчи шингил гулнинг жойлашган жойи белгиланади), меванинг пайдо бўла бошлаши; помидор мевасининг пишиши, қалампир ва бақлажон меваларининг техник етилиши, биринчи ва охирги терим;

**бодрингда**- ниҳолларнинг пайдо бўлиши, учинчи баргнинг пайдо бўлиши, ён палагининг пайдо бўла бошлаши, оналик гулнинг фунчалаши, оталик гулнинг гуллаши, уруғчи гулларнинг гуллаши, туганакларнинг пайдо бўлиши, меваларнинг биринчи ва охирги терими;

**полиз экинларida**- бодрингдаги даврлар бошланишининг ўзи, фақат учинчи барги даври ўрнига- шатрик даври;

*оқ бошли, қизилбошли, гул ва савой карамларида*-майсаларнинг пайдо бўлиши, ниҳолларни (пикировка) кўчириб ўтказиш, ерга кўчатни ўтказиш, тупбаргнинг пайдо бўлиши, карам бошининг пайдо бўла бошлаши, техник етилиши;

*гулкарарам ва эртаги оқ бошли карамда*- ҳосилнинг биринчи ва охирги терими;

*кечки оқ бошли карамда*- ҳосилни йигиштириш муддати;

*пиёз ва саримсоқда*- ниҳолларни пайдо бўлиши, пиёзбоншининг пайдо бўлиши, баргларининг ётиши, баргларининг куриши, ўсимликнинг гулдор поя чиқариши, ҳосилни йигиштириш;

*илдизмевали сабзавот экинларида*- ниҳолларнинг пайдо бўлиши, илдизмеваларнинг пайдо бўла бошлаши, техник етила бошлаши, ҳосилни йигиштириш;

*кўкат ва зираор сабзавот экинларида*- майсаларнинг пайдо бўлиши, техник етила бошлаши (одатда 8-10 барг пайдо бўлганда), ҳосилни йигиштириш, зарурият туғилганда –гулдор поя ва тўпгулнинг пайдо бўлиши, гуллаши, уруғнинг пишиши;

*кўпийллик сабзавот экинларида*- (ровоч, шовул, сарсабил, пиёзнинг кўп йиллик турлари, шеролғин, ерқалампир, қатрон) –майсаларнинг пайдо бўлиши ёки қишлоvdан кейин ўсиш даврининг бошланиши, техник етилиши, ҳосилни йигиштириш, ҳосил кесиб олингандан кейин баргпоя массасининг ўса бошлаши, ерқалампир ва қатронда-баргларининг куриши.

Кўпчилик тажрибаларда муҳим кўрсаткич-ўсимликларнинг туриш қалинлигидир. Уни барча майдончаларда икки марта: кўчат ўтқазилгандан кейин ёки экилган экинда майсалар тўлиқ кўринганда ва ҳосилни йигиштиришдан олдин (пиёзда, илдизмевалиларда ва кўкат экинларда–ҳосил йигиштирилаётганда) аниқланади. Баъзан, тажриба мақсадида назарда тутилган бўлса, майсаларнинг пайдо бўлиши динамикада ҳисобга олинади. Барча ҳисобий майдончадаги ҳамма ўсимликнинг пайдо бўла бошлаши ҳисобланади, илдизмевали ва пиёз экинларида ҳисобий қаторнинг ярмисида ҳисоблаш ўтказишга йўл қўйилади.

Кўпчилик технологик тажрибаларда, айниқса, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишига таъсир қиладиган усулларни ўрганганда (озиқланиш майдони, кўчатни ўтқазиш усуллари, ўғитларни кўллаш, суфориш ва б.) ҳар 10-20 кунда ва вегетация охирида биометрик тадқиқотлар ўтқазилади. Бунинг учун

тажрибанинг ҳар бир вариантини уч-тўрт қайтариқда 3-5 жойидан 10 тадан ўсимлик қаторасига ажратилади. заарку-нандалар билан заарланганлари ёки касалликлар туфайли заарлангани чиқариб ташланади. Намунадаги 10 ўсимлик-нинг ҳаммаси ўрганилаётган варианtlар учун белгиланган бир хил озиқаниш майдонига эга бўлиши керак. Уларнинг ёнида нобуд бўлган ўсимлик ёки бўшлиқлар бўлишига йўл кўйилмайди.

Турли экинлар ўсимликлари ўсишининг ҳисоблаш муддатлари қўйидагича:

**помидор**:- далага экишдан олдин –кўчати, биринчи тўпгулининг ёппасига гуллаш даврида, биринчи ва охирги ҳосил теримида;

**бодринг**:- ерга уруғи билан экилганда учта барг пайдо бўлган даврда, уруғчи гулнинг гуллаши олдидан, ҳосилга кириш олдидан, мева энг кўп терилган вақтида, охирги ҳосил терилаётганда (бу муддатда ўсимлик ердан сугирилиб олинади ва ўлчанади), кўчат усулида бўлганда: -ерга кўчатни ўтқазишдан олдин, кейинчалик ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш даврлари уруғи билан экилганникiga ўхшаш;

**полиз экинлари**:- (қовун, тарвуз, қовоқ): шатрик даврида, палак пайдо бўлаётган даврда, уруғчи гул гуллаётган вақтда, мевалар пишаётган даврда;

**илдизмевали экинлар**:- учинчи чин барг пайдо бўлаётганда, боғламли, кейинчалик барги кесиладиган маҳсулот йиғиширилаётганда, техник етилган илдизмеваларни йиғишириаётганда;

**карам**:- кўчати ерга экилишидан олдин, ёппасига карам боиси ўрайбошлагандан 5 кун кейин, ҳосилнинг биринчи ва охирги теримида;

**пиёз**:- учинчи барг пайдо бўлаётганда, пиёзбош пайдо бўлабошлаганда, ҳосил теримида.

Помидор ўсимлигига бош поя ва ён шохлар сони, барглар сони ва майдони ҳисобга олинади, шодалар сони, уларнинг жойлашиш тартиби (нечапчи баргдан сўнг жойлашганлиги кўрсатилади) ва уларда тугилган мевалар сони аниқланади. Бодринг, қовун, тарвуз ва қовоқ ўсимликларида бош ва ён шохлар узунлиги, барглар сони, айрим пайтда майдони, ён шохлар сони, чангчи ва уруғчи гуллар, туганаклар, уларнинг жойлашган жойи (қайси шохларда ва нечта баргдан кейин), узунлиги ва меванинг энг катта кўндаланг диаметри аниқланади.

Илдизмевали ўсимликларнинг ўсув даврида барглар сони ва энг катта баргнинг узунлиги ҳисобга олинади. Ҳосил йифиштирилаётган вақтда барглар сони, айрим пайтда майдони белгиланади, энг катта баргнинг узунлиги, илдизмевалар палаги билан ва палаксиз тортилади, илдизмеваларнинг энг катта диаметри икки йўналишда ва уларнинг узунлиги ўлчанади.

Карам ўсимлигига биринчи ва иккинчи ҳисоблашларда барглар сони ҳисобланади. Уларнинг узунлиги ва эни, бандлининг узунлиги, икки йўналишда тупбарг баргларининг диаметри, карамбоши шаклланаётган даврда уларнинг диаметри ўлчанади.

Пиёз ўсимлигига барглар сони, энг катта баргнинг узунлиги пиёзбоши уясининг диаметри ҳисобга олинади.

Айрим тадқиқотларда ўсимликда куруқ модданинг ўсишини, барг юзаси майдонининг ўзгариши ва баргнинг қалинлиги аниқланиши зарур.

Бош ва ён шохларининг узунлигини, ўсимликнинг баландлигини, баргнинг узунлиги, эни ва майдонини, бандларининг узунлигини ўлчашни, баргларни ва ён шохларини, шингиллар сонини ва тугган меваларини ҳисоблашни ўсимликдан биокимёвий таҳлил учун фойдаланилганда ва ҳосилни йифиштириш тугаллангандан кейин амалга ошириш мумкин. Ўсимлик уялаб жойлаштириладиган тажрибаларда уларнинг бир-бирига таъсирини аниқлаш учун уядаги ҳар бир ўсимлик ўлчанади.

Илдиз тизими ва ер устки аъзоларининг ўсиш жараёнларига кучли таъсир қиласидиган ўсимликни жойлаштириш усуллари, қатор ораларидаги тупроққа ишлов бериш ва бошқа тажрибалар тадқиқотларда ер устки қисми массасининг ўсиши, туганаклар ёки илдизлар ва илдиз тизимини кузатиш ҳисоби ҳамда тупроқда қолган илдиз қолдиқларининг ҳисоби амалга оширилади.

Илдиз тизимини кузатиш ҳамда илдиз қолдиқларининг ҳисоби маҳсус методика бўйича амалга оширилади (Станков Н.З. , 1957; Белик В.Ф. ва б., 1970, 67-72 б.)

Технологик тажрибаларда вегетация даври давомида қасаллик ва зааркунандаларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишини белгилаш ва майдончадаги заарланган ўсимликлар сонини ҳисоблаш керак. Ўсимликни тўлиқ ҳалокатга олиб келадиган қасаллик ва зааркунандалар билан катта миқдордаги ўсимлик заарланганда майдонча тажрибадан чиқариб ташла-

нади. Барглар, поялар, мевалар, илдизмевалар ва б. қисман заараланганда, улар ҳисобга олинади. Тажрибадаги ўрганила-ётган усуллар ўсимлик касали ва заараркунандалар билан за-рарланиш даражасига таъсир қўрсатган ҳолда майдончани чиқариб ташлашга йўл қўйилмайди (масалан, ўтмишдошлар, тупроққа ишлов бериш ва б. усуллар).

Тупроққа ишлов бериш усулларини, ўтмишдошлар, гер-бицидлар, махаллий ўғитларнинг турлари ва бошқаларни ўрганиш тажрибаларида, албатта, даланинг бегона ўтлар билан ифлосланганлитини ҳисоблаш зарур. Ҳар бир ўтоқ куль-тивацияядан олдин, ҳосилни теришдан олдин доимий, яъни бутун вегетация даври учун белгиланган майдончадаги ўтлар сони ҳисобланади. 6-10 қайтариқда ифлосланганлик даражаси ҳисобга олинади.

Бегона ўтлар вазнини ва уларнинг турлари таркибини аниқлаш керак.

Кўпчилик тажрибаларда ўтказиладиган физиологик, био-кимёвий ва агрокимёвий тадқиқотларни ўтказишда қуидаги манбаалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

А.В. Петербургский, Практикум по агрономической хи-мии.-М., Сельхозиздат, 1968; Е.В. Аринушкина. Руководства по химическому анализу почв. -М., Изд-во московского уни-верситета, 1970; Методы биохимического исследования рас-тений (Под редакцией А.И. Ермакова -М:, Колос, 1972).

### **Асосий қоидалар**

Очиқ далада сабзавот етиштиришнинг интенсив технологиясини ишлаб чиқарувчилар олдида турган асосий вазифа кўл кучи ва маблағни кам сарфлаб кўп маҳсулот олишига қаратилиши керак. Мазкур вазифани бажариш учун:

- турли сабзавот экинларини парваришлаш жараёнини тадқиқ қилиш, мукаммаллашган агрономик тадбир тизими ва бир нечта ишларни баравар бажариш усулини ишлаб чиқиши ҳамда уларни мамлакатнинг турли минтақаларида синовдан ўтказиши;
- агротехника қоидалар тизимини ишлаб чиқиши, бир нечта ишларни бир вақтда бажарадиган агрегатларнинг тажриба намуналарини яратиш ва уларни қўллаб, парваришлаш технологиясини текшириб кўриши;
- ҳозиргиларни тадқиқ қилиш ва ҳосилни йиғиштириш ва йиғиштириб олинган сабзавотларни қайта ишлашнинг исhtiқболли жараёнларини ишлаб чиқиши;
- агротехника қоидалари тизимини ишлаб чиқиши ва кўпқаторли ҳосил йиғадиган машиналар ва пиёз, помидор, карам, овқатга солинадиган илдизмевали сабзавотлар қайта ишлайдиган самарали линияларни тажриба намуналарини яратиш ва улар асосида ҳосилни йиғиштириш технологиясини ишлаб чиқиши;
- турли минтақаларда катта майдонларда асосий сабзавот маҳсулотлари етиштиришини амалга ошириш, машина тизими ва саноат технологияси самарафорлигини аниқлаш ва уларни жорий қилиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиши;

Асосий эътиборни мукаммаллашган технологик жараёнларни дастурлаштиришни имконини аниқлашга, сабзавот экинларини парвариш қилишда бажариладиган тадбирларни бараварига бажарадиган кенг қамровли агрегатларни яратишга, ҳосил терадиган кўп қаторли машиналар оиласини яратишга, юқори унумдор қайта ишлаш линияларини, бир-бири билан боғлиқ йиғим-терим, кўп юк кўтарадиган транспорт воситаси, маҳсулотни сақлаш ва реализация қилиш мажмуини ташкил этувчи тизимга қаратиш керак.

Методик тавсияномаларда асосий сабзавот экинларининг интенсив навларини ишлаб чиқариш технологияси кўриб чиқилган. Ушбу тавсияноманинг асосий қоидаларидан интенсив навли сабзавотларни парваришилаш технологияларини турли минтақаларда ишлаб чиқиш ва жорий қилишда фойдаланиш мумкин.

## **Бир қанча иш жараёнини баравар бажариш ва такомиллашган агрономик тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар**

Сабзавот экинлари турларининг кўплиги, уларни парваришилашнинг технологик хусусиятлари ва минтақалар шароитининг турли-туманлиги янги машиналар яратишни ва улардан самарали фойдаланишни қийинлаштиради.

Сабзавотларни парваришилашда қатор оралари 20 дан то 90 см гача бўлган 40 дан ортиқ экиш схемаси (бир, икки, уч қаторли лентасимон, кенг қаторли ва бошқалар) қўлланилмоқда. Уларнинг кўп турларини учта-тўртта типик қатор ораглигига келтириш зарур. Бунда, гектарига мақбул ўсимлик сони жойлашган парвариш ишлари механизация билан таъминланган бўлиши керак. Шундагина юқори ҳосил олишга эришиш мумкин.

Сабзавотлар парваришиланганда кўпчилик иш жараёнлари айрим машиналар ёрдамида маълум вақт оралигига бажарилади. Лекин бундай иш технологик жихатдан кўпинча ўзини оқдамайди. Бир нечта ишни бараварига бажариш, яъни тупроқни экишдан олдин тайёрлаш, экиш, ўғит ва гербицидларни солиш анча самарали ҳисобланади.

### **Ишнинг дастури**

Сабзавотлар етиштиришнинг интенсив технологиясини ишлаб чиқишида қуйидаги базали параметрларни: сатҳнинг тик кесилган юзаси, экиш схемаси ва эгат ораларининг минимал кенглиги, бир пайтда бажариладиган ишлар рўйхати ва уларни бажарилиши сифатига талаблар, қувват воситалари, кўндаланг ўқдаги фиддираклар оралигининг қамров кенглиги ва машиналар қаторлигини асослаш;

Помидор, пиёз, сабзи, карам турлари, бодрииғ, қизил лавлаги ва бошқа экинлар билан тадқиқотлар ўтказиш;

Технологик тажрибалар ўтказганда қуйидаги бошланғич параметрлар тавсия қилинади:

ернинг юзаси-эгатли ва текис;

трактор колеяси- 1,4 м (назорат), 1,6 м ва 1,8 м (дастлаб-  
ки ўрганиш учун 2 м ва ундан кўп);

экиш схемаси (уруг ёки кўчат)-2-3 та қаторли машиналар  
билин йигиштириладиган ҳар бир экин учун 2-3 та, минимал  
эгат ораси 40 см, бошқа экинлар учун 25 см.

Тадқиқотлар учун серияли чиқарилган, ёки тажриба на-  
муналари текширилаётган машиналардан ҳамда айрим маши-  
налар макети ва чет элдан келтирилаётган техникадан фойда-  
ланиш тавсия қилинади.

Кувват воситаси ҳисобида Т-150к, МТЗ-80/82 тракторла-  
ри ва ЛТЗ-150 ёки МТЗ-142 типдаги 2 тс классли универсал-  
ҳайдов тракторларидан фойдаланилади. Қўйидаги параметр-  
ларда уларнинг сабзавотчиликда фойдаланишга яроқлилиги  
аниқланади:

махсус ва кўплаб ишлаб чиқариладиган узатма фидирек  
шинасининг кенглиги 400мм дан кўп бўлмаслиги;

тиркаш баландлиги- кўп ишлаб чиқариладиганлариники  
450мм ва махсуслариники 750мм;

махсус ва кўплаб ишлаб чиқарилган машиналарнинг тез-  
лик оралиги.

Алоҳида ва биргаликда бажарилган ишда фойдаланилган  
машиналарнинг самарадорлиги ва иш сифати қўйидаги жара-  
ёнларни амалга оширишда:

-куз ва баҳорда олдиндан эгатларни олиб қўйишни;

-бараварига эгат олиш, пассив ёки актив ишчи органлар билан  
экишдан олдин тупроққа ишлов бериш, экишини;

-гербицидларни экишдан олдин тупроққа ишлов бериш билан  
бирга ёки алоҳида солишини;

-минерал ўғитларни бирваракай ёки бўлиб бир қисмини сугориш  
билин ёки эгат ораларига ишлов бериш билан бирга солишини  
баҳолаш зарур.

Турли сабзавот экинларини ўрганиш учун қўйидаги экиш  
(ёки кўчат ўтқазиш) схемаси тавсия қилинади (12-жадвал).

Иқлим минтақаси, турли экинлар учун база параметрлари  
бир хил бўлиши керак. Асосий сабзавот экинларини парва-  
ришлаётганда ушбу минтақада қўлланилаётган технология би-  
лан истиқболли технологик жараённи таққослаб ўрганиш за-  
рур.

## Асосий сабзавот экинларини экиш схемаси

Экин	Филдирак изи базаси, см	
	160 см	180 см
Томидор	1) бир қаторли 160 2) икки қаторли 120+40; 100+60 3) уч қаторли 70+45+45	1) икки қаторли 120+60 2) уч қаторли 120+30+30
Бодринг	1) икки қаторли 120+40; 100+60 2) уч қаторли 70+45+45	1) икки қаторли 120+60 2) уч қаторли 70+55+55
Пиёз, Саримсоқ	1) уч қаторли 70+45+45 2) түрт қаторли 70+30+30+30	1) түрт қаторли 60+40+40+40 2) беш қаторли 60+30+30+30+30 3) олти қаторли 8+47+8+47+8+62
Карам	1) бир қаторли 80 2) уч қаторли 70+45+45	1) бир қаторли 60 2) уч қаторли 70+55+55
Илдизме- валилар	1) уч қаторли 70+45+45	1) бир қаторли 60 2) уч қаторли 70+55+55 түрт қаторли 60+40+40+40
Қалампир, ловия	1) уч қаторли 70+45+45 2) түрт қаторли 70+30+30+30	1) түрт қаторли 60+40+40+40

## Умумий методик қоидалар

1) Тажриба 3-4 қайтариқли майдон юзаси 300-500м<sup>2</sup>, барча операциялар механизация ёрдамида бажарилади, тажриба участкалари методик талабларга жавоб берадиган ҳолда тапланади;

2) тажриба участкаси тупроғининг тавсифи қуйидаги күрсаткичлар билан: қаттқ ғазанынг солиширма массаси, гумус миқдори, умумий азот, алмашинувчи калий, фосфорни ҳаракатчан шакли, кислоталилик (рН), 0-20см қалинликдаги тупроқнинг намлиги, ҳажм оғирлиги, умумий ғоваклиги, ҳаво алмашинуви (аэрация), ҳарорат;

3) ниҳоллар пайдо бўлгандан то ҳосил йиғиштирилгунга қадар ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш хусусияти ҳамда барча жараёнларнинг бажарилиш сифатини баҳолаш;

4) тажриба вариантлари бўйича ҳосилни, ўсимликни ҳолатига қараб баҳо бериб аниқлаш, уларнинг сони ва майдонда жойлашганлигининг хусусиятини, маҳсулдор аъзолар (мева, илдизмева, карамбоши) ўлчами, оғирлиги, шакли ва пишганлик даражасини аниқлаш;

5) ўлчовлар натижалари, кузатувлар, ҳисоблашларни қиёслаш ва мукаммалашган агроусуллар ва биргаликда қилинган жараёнларни шакллантириш бўйича тавсиянома ишлаб чиқиши.

**Карам экини билан тажриба қўйишни тахминий схемаси қўйнадагича:**

Филдирак излари-нинг оралиги, м	Экиш схемаси	Участканинг тик кесилган юзаси
1,4	Бир қаторли эгат ораси 70см	Эгатнинг сирти текис
1,6	Бир қаторли эгат ораси 80см	Эгатнинг сирти текис
1,8	Бир қаторли эгат ораси 90см	Эгатнинг сирти текис
1,8	Бир қаторли эгат ораси 60см	Эгатнинг сирти текис
1,8	Уч қаторли 70+55+55см	Эгатнинг сирти текис

Вариантларни кетма-кет тизимли ёки бир ярусли, тасодифий жойлаштириш тавсия қилинади. Ҳар бир вариант қурилманинг уч марта ўтишини ўз ичига олади. Тажриба майдончаси юзаси  $-400\text{-}500\text{m}^2$ , ҳисобий қаторлар 4-бта, ундан 2-3 таси марказдан ажратилади, қолганлари эса ёнидан ўтади. Ўрганилаётган нав учун мақбул озиқланиш майдони ва экилаётган ўсимликлар сони қўлланилади.

Туп оралиги тажрибанинг барча вариантларида ўсимликнинг бир хил қалинликда туришини таъминлаши керак.

Тажрибада ўсимликнинг ривожланиш ва маҳсулдорлигига озиқланиш майдони шакли ва юза кесимининг экиш тизими-нинг таъсири баҳоланади. Бунинг учун тўпбарг ва бош (карам) ўрайбошлаган даврда 30 та ўсимликдаги (ҳар бир қайтариқقا 10 тадан ўсимлик) барвлар сони ҳисобланади ва барг сатҳининг юзаси аниқланади. Карам боши шаклланадиган фазада ва ҳосилни йигишдан олдин уларнинг диаметри 30 та ўсимликда икки марта ўлчанади. Ҳар бир вариантдан 5 тадан ўсимлик олиб, уларда қуриқ ва ҳўл модданинг ўсиши ҳар ойда ҳисобга олинади. Ҳосил терилаётган вақтда ҳар вариантда майдончалар бўйича ҳисобга олинади.

Ўсимлик ҳосилининг механизация ёрдамида теришга яроқлилиги аниқланади. Бунинг учун тажрибанинг барча вариантыларидан 3 қатордан (узунлиги 30 м дан) ажратилади ва уларда: ўсимлик сони ва улар оралигидаги масофа, қаторларнинг тўғри чизиқлиги, қўшни қатордаги карам боши оралиги, ёнбошлаб қолган карам боши, карам бошнинг баланд туриши (тупроқ юзидан карам бошнинг юқори қисмигача), тортишга сарфланган куч, ўсимлик ва карам бош оғирлиги (массаси),

карам бошнинг диаметри ва баландлиги, ўзагининг диаметри, узунлиги (барг билан қопланган ва ташқари қисми) аниқланади.

Этат оралари энини, тик кесилган юзасини ва фидирек изиннинг, агрегатнинг турғун юришига ва уни ҳайдашнинг қулагилигига таъсири ўрганилади, экиш сифати, агрегат юришининг түфри чизик йўналишида этат ораларига ишлов берриш, ҳимоя зонасининг катталигига нисбатан ишлов берилган майдон фоизи аниқланади.

Экиш схемаси, тик кесилган юзанинг ва изнинг маҳсулот сифатига, йиғиштирадиган машинанинг ишлаш кўрсаткичларига таъсири: унинг пухталиги, маҳсулотни нобуд қилиши, карам бошни кесиш хусусияти, ўзагининг узунлиги, зарарланган бошлар сони, карам бошининг барг билан қопланиши ва ифлосланганлиги баҳоланади.

Карам бошнинг ўртача ўнта намунаси олиниб, таркибидаги шакар, аскорбин кислотаси ва қуруқ модда миқдори иккимарта (ҳосил йиғиштирилгандан кейин ва уни сақлашдан сўнг) маҳсулотнинг сифати аниқланади.

Иш тугагандан кейин кўндаланг ўқдаги фидиреклар, тик кесилган юзанинг сатҳини, экиш тизимини танлаш бўйича тавсиянома берилади; ишлаш учун шароит туғдирилади ва маҳсус машина яратиш учун талабнома тайёрланади.

Илдизмевали сабзавотлар билан тажрибалар кўп омилли қилиб режалаштирилади. Унда фақат ҳар бир омилнинг алоҳида таъсирини эмас, балки уларнинг ўзаро таъсирини баҳолаш имконияти яратилади. Тадқиқотлар натижалари ҳосилнинг ҳажм ва сифат кўрсаткичларига қараб баҳоланади.

Илдизмевалилар билан ўтказиладиган тажрибаларда навлар, қатор оралари 40, 45, 60 см бўлган бир ва иккӣ ўйлли экиш схемаси ва уларнинг ҳосилга таъсири, механизация билан парваришлаш ва ҳосилни йиғиштиришга яроқлилиги ўрганилади.

Юзанинг шакли (текис, эгатли) ва база из ўлчами (1,4 м, 1,6 м ва 1,8 м) тупроқнинг агрофизик ва агрокимёвий хусусиятига, жараёнларнинг энергия сарфи кўплигига таъсири, экини ҳосилдорлиги, парваришлаш ва ҳосилни йиғиштиришдаги технологик жараёнларни бажаришнинг қулагилиги баҳоланади.

Бир нечта жараёнларни бараварига ўтказишнинг самародорлиги (этат олиш, тупроқни фрезер билан ишлаш, гербицид солиш, экиш ва бошқалар) кўплаб чиқариладиган машиналар билан уларнинг алоҳида бажарилиши таққослаб баҳоланади.

**Илдизмевали сабзавотлар билан тажрибалар қўйишнинг  
тахминий схемаси қўйидагича:**

Филдирак излари орасининг кенглиги, м	Экиш схемаси, см	Майдоннинг тик кесилган юзаси
1,4	уч қаторли тасма 40+40+60	Эгатнинг сирти текис
1,6	үч қаторли тасма 45+45+70	Эгатнинг сирти текис
1,8	тўрт қаторли тасма 40+40+40+60 гербиишдни олдиндан сепиш билан	Эгатнинг сирти текис
1,8	бир қаторли экиш эгат оралари-60: 52+8см схемада икки қаторли сошник билан экиш; 52+8см схемада ёки 70+55+55см схема бўйича филоф тагига экиш билан	Эгатнинг сирти текис Эгатнинг сирти текис Эгатнинг сирти текис
		Эгатнинг сирти текис

Кўриб чиқилаётган тажрибаларда фенологик кузатишлар, биометрик тадқиқотлар, экиладиган материалнинг сифатини баҳолаш, ҳосилни ҳисоблаш ва тавсифларидан ташқари, сошниклар ишининг сифати ўрганилади. Улар уруғнинг кўмилиш чукурлигига қараб баҳоланади. Уруғни максимал, ўртача ва минимал кўмиш чукурлиги ва агроталабга биноан унинг ўртача оғиш кўрсаткичи аниқланади. Ўхшаш материал ёки бўялган уруғ билан экилган, қаторларни кавлаш йўли бўйича контраст варианtlарда ҳамда маданий ўсимликлар кавлаб олинган ниҳолларнинг яшил қисми бўйича уруғнинг кўмилган чукурлиги ўлчанади. Ҳар бир сошник бўйича уруғ қазиб олингандан камида 10 та ўлчов амалга оширилади, ва 20-30см оралиқда жойлашган 20 та ниҳол ўлчанади.

Даладаги унувчанлик тўрт қайтариқда доимий белгиланган метрда ниҳоллар пайдо бўлгандан то тўлиқ ниҳоллар пайдо бўлгунча ҳар икки кунда ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Уруғнинг қийғос униб чиқиши ўсиш кунлари сонининг ўртача квадрат оғиши сифатида қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$\delta = \sqrt{\frac{\varepsilon(K_1 - M)^2 n_1}{\varepsilon n_1 - I}} = \text{кунлар}$$

*бу ерда: K<sub>1</sub>-уруг экилган вақтдан бошлаб саналган ниҳоллар ҳисоби куни; I-кўрсатилган ҳисоб оралиғидаги ниҳоллар сони; ε-п-кузатиш вақтидаги ялпи ниҳоллар сони; M-униб чиқиш қуввати (унишнинг ўртача давомийлиги).*

М қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$M = \frac{K_1 \cdot n_1}{\sigma n}$$

Қаторда ўсимликни текис жойлашганлиги 3 мартадан қайтариқда 10 тадан ҳисоб бўйича 5-10 сантиметрли бўлакларда аниқланади.

Тажриба варианtlари бўйича экинни бегона ўтлар билан ифлосланганлиги миқдорий-офирик методи билан аниқланади.  $0,25 \text{ m}^2$  ( $1 \times 0,25$ ) ли доимий бириктирилган майдончаларда бегона ўтлар ўн қайтариқда ҳисобга олинади ва тур таркиби ҳамда ялпи оғирлиги аниқланади. Тадбирларни ўтқазгандан сўнг ва ҳосил териш вақтида кимёвий ва механик усуллар билан бегона ўсимликлар тўлиқ йўқ қилинганлиги аниқланади.

Ҳосил терилаётганда ҳозирги кунда фойдаланилаётган ГОСТга биноан илдизмевалилар стандарт ва стандартсизларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳдаги илдизмевалар сони саналади, тортилади ва шунга қараб илдизмеваларнинг ўртача вазни аниқланади. Стандарт бўлмаган илдизмеваларни касал, ёрилган, қийшайган, майда, йирик қисмларга ажратилади. Уларнинг сони ва оғирлигини ҳар бир фракция бўйича алоҳида ва умумий ҳосилдан ҳар бир фракциянинг фоизи ҳисоблаб чиқарилади. Юзаси  $10-20 \text{ m}^2$  бўлган ҳисобий майдонча ҳосили аниқланади. Шунингдек, қуйидаги кўрсаткичлар бўйича маҳсулотнинг биокимёвий таҳлили: қуруқ модданинг миқдори, шакарлар, С витамини ва энг контраст варианtlарда каротин аниқланади.

Тадқиқотлар натижалари бўйича қулай экиш схемаларини таълаш, базали изнинг ўлчови ва дала юзасининг шакли, интенсив технология талабига жавоб берадиган навлар бўйича тавсияномалар берилади, маҳсус машиналарни яратиш ва уларнинг ишлаши учун талаб ва шароит шакли баён қилинади.

Помидор экини бўйича тажриба ўтказишнинг таҳминий схемаси қуйидагича:

Филдирак излари орасининг кенглиги, м	Экиш схемаси, см	Майдоннинг тик кесилган юзаси
1,4	Икки қаторли тасма 90+50	Эгатнинг сирти текис
1,6	Икки қаторли тасма 120+40, 100+60	Эгатнинг сирти текис
1,8	Икки қаторли тасма 120+60	Эгатнинг сирти текис
1,8	Уч қаторли тасма 120+30+30	Эгатнинг сирти текис

Үрганиш учун ҳосили машинада йиғиштириб олишга мүлжалланган дурагай ва истиқболли навларни олиш тавсия қилинади. Бир гектар ерга 55-60 минг ўсимлик—үя жойлаштириш тавсия қилинади. Уялаб экилганда уяда 3-4 ўсимлик бўлса, у маҳсулдорлиги бўйича битта ўсимликка тенглаштирилади. Шунинг учун үрганилаётган доира (майдон) гектарида 60 мингдан то 240 мингтагача ўсимлик бўлиши керак.

Текис ва сал қиялаб текисланган ерда тупроқни тайёрлаш, экиш, гербицидларни солиш алоҳида-алоҳида бир жараёнли машиналар ва комбинацияланган агрегат билан бир вақтда амалга оширилади. Бунда бажарилган жараёнларнинг сифатини: юзанинг текислиги ва тупроқнинг кесакдорлиги, уруғнинг жойлашиш текислиги ва чуқурлиги, гербицидларнинг кўмилганлик сифати ва текис тақсимланганлиги баҳоланади.

Фенологик кузатувлар, биометрик тадқиқотлар ўтказилади, меваларнинг эртапишарлик ва қийғос пишиш хусусиятлари баҳоланади.

Ўсимликнинг маҳсулдорлиги, товар мева сифатининг сақланиши, ҳосилнинг жадал пишиши 15-20 ўсимликда пишган меваларни ҳисоблаш йўли билан баҳоланади. Меваларни териш ва ҳисобга олиш 5 кунлик оралиқда мева пиша бошлигандан бошлаб умумий ва товар ҳосилни кейинги ҳисоблаш билан ўтказилади. Пишган меваларни төварлик сифатининг сақланиш муддатини ҳисобга олиш учун 10-15 та типик ўсимлик ажратилади ва 80-85% мевалар пишганда биринчи терим ўтказилади. Юзаси 7-9м<sup>2</sup> бўлган ҳисобга олиш майдончасида ўсимлик сони, тупнинг ялпи оғирлиги, тупдаги меваларнинг сони ва оғирлиги, меваларнинг вазни ва ўлчами (диаметри, баландлиги), тупдан мевани узилиш кучи, банди билан ва бандсиз олинган мевалар табиий ва комбайнда йиғиштирилаётганда меваларнинг тўкилиши аниқланади.

Бир из доирасида юзанинг кўндаланг кесими тасма эни бўйича меваларнинг жойлашганлиги ва тупроқ юзасига нисбатан баландлиги аниқланади.

Изнинг таъсири, экиш схемаси, юза кесими помидорни йиғиштирадиган комбайн ишига теримнинг тўлиқлиги, тўкилиши, меванинг ажралиши ва заарланиши, мева билан кирадиган тупроқ миқдори каби сифат кўрсаткичлари билан баҳо берилади.

Ҳосилдорлик миқдори, ўсимликнинг ҳолати, меваларнинг хусусияти ва сифати, шунингдек, помидор терадиган

комбайн ишининг шароити ва сифатига кўра, фидирек изи, экиш (кўчат ўтказиш) схемаси, майдон юзаси текислигини танлаш бўйича тавсиянома берилади, маҳсус машиналар яратиш ва ишлаши учун шартлар ва талабнома тайёрланади.

Пиёс экини учун тажриба қўйишнинг тахминий схемаси қўйидагича:

Ининг кенглиги, м	Экиш схемаси, см	Майдоннинг кўриниши
1,4	Минтақа хўжаликларидағи мавжуд экиш схемаси	Мавжуд майдоннинг кўриниши
1,4	Уч қаторли тасма 40+40+60	Эгатлар
1,6	Уч қаторли тасма 45+45+70	Эгатлар
1,8	Тўрт қаторли тасма 40+40+40+60	Эгатлар
1,8	Олти қаторли тасма (10+10+70)+(10+10+70)	Юзаси текис эгат
1,8	Олти қаторли 8+47+8+47+8+62	Эгат

Ўзбекистоннинг турли иқлим-тупроқ шароитидаги минтақаларга районлаштирилган, давлат реестрига киритилган пиёз навларининг уруғи ОСТ 46-38-75 талабига биноан экилиши керак.

Тажрибанинг барча варианларида ўсимликлар сони мақбул бир хил, миқдорда бўлиши керак. Уруғ икки ёки уч қаторли тасмасимон усолда экиладиган бўлса СОН-2,8 сабзабот сеялкасидан фойдаланилади. Сочма усол қўлланиладиган бўлса, қўлда бир меъёрда сепилади.

Тажрибада қўйидагилар аниқланади:

- уруғнинг унувчанлик қобилияти маълум ҳисобий миқдорда экилган уруғнинг униб чиққанини ҳисоблаб, аниқланади. Бунда ҳам тўрт қайтариқда 100 тадан уруғ экиб ҳисобланади;
- тупроқнинг намлиги ва ҳажм оғирлиги 0-10см, 10-20см қатламда экишдан олдин, дастлабки сугоришдан олдин ва сугорилгандан 2-3 кун кейин ҳамда ҳосил терилаётган пайтда аниқланади;
- тупроқнинг 0-10см қатламидағи ҳарорати минимал ва максимал қийматига кўра ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши босқичларида аниқланади;
- экишдан олдин, экиб бўлингандан кейин, вегетация ўртасида ва ҳосил йигиштирилаётган вақтда рейка ёрдамида юзанинг (вертикал) тик кесими аниқланади.

Фенологик кузатувлар ўтказилади. Нихоллар ялпи пайдо бўлгандан кейин ва пиёзбош пайдо бўлаётганда ҳисобий майдончаларда энг катта барг бўйича ўсимликнинг баландлиги,

бўйнининг диаметри ўлчанади, ўсимлик сони, бир ўсимликдаги барглар сони ва ўсимлик вазни аниқланади.

Ҳосил терилаётганда ўсимлик сони ва уларнинг уяга жойлашиши, пиёс бошининг оғирлиги ва диаметри аниқланади. Ўлчашлар ва ҳисоблашлар ҳар бир майдончадан олинган 30 тадаи ўсимлика ўтказилади. Ҳар бир майдонча бўйича ҳосил ҳисобланади. Пиёзбоши ўлчам фракцияларига ГОСТ 1723-67 бўйича ажратилиб, ҳар бири алоҳида тортилади.

Ҳосил миқдори ва унинг сифатига қараб ғилдирак изи, экиш схемаси ва майдон юваси кесмаси бўйича кенг қамровли комбинацияланган машина яратиш учун тавсиянома тузилади. Тажрибада, шунингдек, агрегат қилинадиган қурилмалар, технологик жараёнларни бажариш сифати ва айрим қурилмалар тузилишининг яроқлилиги баҳоланади.

Эгаточқир, фрезер секциялари, таянч узатмали ғилдирак ва сошниклар жойини ўзгартириб, пиёзни тавсия қилинган 1,4м, 1,6 ва 1,8м ли изи схемасида парваришлаш имконияти текшириб кўрилади. Экиннинг эгат ораларига ишлов бериш учун фрезер культиваторидаги ускуналарни қайта жиҳозлаш имконияти текширилади.

Агрегатни тузиш сифати, агрегатнинг кўндаланг ҳолда мустаҳкам туриши, тўғри чизиқ бўйлаб юриши ва бошқарышга қулайлиги билан баҳоланади.

Агрегатнинг кўндаланг мустаҳкам туриш захирасининг Хп-коэффициенти қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$X_p = \frac{Gy \cdot b}{Gt \cdot a};$$

*Бунда:* Gy ва Gt-трактор ва унинг ускуналари вазни; b ва агрегатнинг орқа ўқидан ўтадиган трактор ускунаси оғирлигининг марказидан то вертикал текисликкача бўлган масофа.

Агрегатнинг вертикал кесилган юза ташкил қилуичи қисми ишининг сифати агрегатнинг соатига 2,8; 5,6 ва 6,8 км юриб олган пушта ёки марза параметрларини, тупроққа ишлов бериш чуқурлиги ва кесаклик ҳолати ўлчаниб баҳоланаади.

Агрегатнинг эқадиган қисми ишининг сифати сошниклар ўтгандан кейин эгатнинг вертикал кесилган юзасининг ўзгариши билан аниқланади. Агрегатни 2,8; 5,6 ва 6,8 км/соат юриш тезлигига уруф тушган чуқурликнинг бир текислиги ва қаторларнинг тўғри чизиқдалиги билан аниқланади.

Эгат ораларига ишлов бериш сифати ишлов берилган майдон миқдори, ҳимоя қисмининг миқдори, бегона ўтлар-

нинг йўқ қилинганлик даражаси, маданий экинларнинг зараланганлик сони билан баҳоланади.

Тадқиқотлар натижалари бўйича иш жараёнларини биргаликда ўтказиш, ишчи аъзоларни танлаш ва қўллаш ҳамда комбинацияланган фрезер-экиш агрегатининг конструктив схемаси бўйича тавсияномалар берилади.

### **Сабзавот экинларини парваришилашда иш жараёнларини биргаликда бажаришда комбинацияланган машина ва агрегатларни синаш**

**Ишнинг дастури.** Иш унумдорлигини ошириш ва парваришилаш жараёнини такомиллаштиришнинг асосий йўналиши ишлаш тезлигини янада ошириш, қамров кенглиги ва иш жараёнларини биргаликда бажарадиган комбинацияланган машиналарни қўллашдан иборат.

Комбинацияланган машиналар ишланганда қўйидаги иш жараёнларини: юзани ёнлаб текислаш, тупроқни юмшатиш, ўғит ва гербицидларни солиш, уруғни экиш, кўчат ўтқазиш ва эгат ораларини юмшатишни баҳолаш заруряти туғилади. Ушбу иш жараёнларининг мақбулларини танлаб ва уларни баравар бажариш имкониятини аниқлаб, қўллаш учун тавсия қилинади.

Бир рамада турли ишчи аъзолари йигилган комбинацияланган машинанинг ва тракторнинг олдига ва орқасига осилган, битта иш жараёнини ўтказадиган машинадан тузилган, комбинацияланган агрегатнинг тажриба нусхасини баҳолаш зарур. Агрегат тузиш сифати, агротехник ва техник – фойдаланиш кўрсаткичлари билан уларни баҳолаш керак.

Агрегат тузиш сифатига кўра агрегатнинг узунасига ва кўндалангига мустаҳкамлиги, тракторга осилган машиналар оғирлигининг мослиги, транспорт тирқишини энг камлиги, бурилиш тасмасининг эни, ҳозирги ва истиқболли экиш схемаси мос келиши, юришининг турғунлиги ва тўғри чизиклиги, бошқарилувчанглилиги, ҳайдашнинг қулайлиги аниқланади.

Синаш жараёнида олдиндан эгатларни кузда (эрта баҳорда) олиш ёки экишдан олдин тупроққа ишлов бериш пайтида бирга олишнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини аниқлаш зарур. Бу ишни тўғри бажариш учун қўйидаги: тупроққа экишдан олдин оддий ёки фрезер билан ишлов бериш, гербицидларни экишдан олдин ёки экилгандан кейин солиш,

уруг ёки кўчат экадиган тузилмадан фойдаланиш маъқулми деган саволларга жавоб ахтариш керак. Ҳар бир минтақада асосий учта-тўртта экинларни парваришилаш, турли тупроқ – иқлим минтақасида комбинацияланган агрегатлардан фойдаланилганда эксплуатацион кўрсаткичларни аниқлаш тавсия қилинади. Иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш ва кўрсаткичларни баҳолаш ўша жараёнлар бажарилаётган ишлаб чиқаришда қўлланилган бир жараёнли машиналар иши билан таққослаб амалга оширилади.

### Асосий методик қоидалар

Комбинацияланган машиналарни таққослаб синаш ва тадқиқотлар ўтказиш жараёнида қўйидаги баҳолаш ишлари назарда тутилади: конструкцияни таҳлил қилиш, агротехника жиҳатидан баҳолаш, қувват кўрсаткичлари, меҳнат шароитини баҳолаш, ишончлилик, эксплуатацион–техник ва иқтисодий кўрсаткичларини баҳолаш;

Машиналар конструкциясининг таҳлили “Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Техник экспертиза” 70, 2, I-73 ОСТи бўйича ўтказилиши ва қўйидаги ишлар: узатма схемаси ва конструктив нусхасининг техник баёни; ишчи аъзоларининг асосий параметрлари кўрсатилган техник тавсифномаси; суратга олиш; технологик жараён баёни; машина (агрегат) конструкциясини, унинг унификация (бир хиллик), созланганилик ва электр жихозлари даражасини баҳолаш амалга оширилиши керак. Машиналарнинг техник тавсифномаси конструкция ёки қўлланма ва синаш натижаси асосида тузилиши керак. Айрим бўғинлар ва ишчи аъзолар (тур, асосий параметрлари, созлаш чегаралари ва бошқалар)нинг кўрсаткичларини аниқлаш керак.

Агротехник баҳолаш: синаш шароитининг тавсифномасини, иш тартибини, унинг сифати кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Эталон ва комбинацияланган машинанинг (экспериментал) тажриба намунасини агротехник жиҳатдан баҳолашда қўйидаги кўрсаткичлари аниқланади:

- агрегат ишга тушмасдан олдин: далалинг тавсифи (тупроқ тури, рельефи, микрорельеф, тупроққа илгари қандай ишлов берилганилиги); уруғ ёки кўчат тавсифи (экин, нав, тозалиги, унувчанлиги, кўчатнинг ўлчами ва бошқалар); 0-5 см, 5-10 ва 10-20 см ли тупроқ қатламининг намлиги ва қаттиқлиги;

- агрегат ўтгандан (иши бажаргандан) кейин: эгат ўлчами (баландлиги, тасма эни, фидирек изининг чуқурлиги ва эни, эгатнинг қиялик бурчаги); 0-5 см, 5-10 ва 10-20 см ли тупроқ қатламининг қаттиқлиги; эгат очар юришининг турғулиги, фрезерлашнинг чуқурлиги, агрегат ҳаракатининг тұғры қизиқлиги; эгат юзасининг кесаклиги, ҳосил ва маҳсулотнинг стандартлуги аниқланади.

- оғрагат ўтгандан кейин парваришлианаётган экинга баҳо беріши учун: уруғнинг даладаги унувчанлиги, уларни жойлашиш чуқурлиги, үсимликнинг бир текис тақсимланғанлығы, асосий ва тұташ әгатлар ораларининг эни аниқланади.

“Қишлоқ хұжалиғи техникасини синаш. Қувватни баҳолаш усуллари” ОСТ 70.2.2-73 бүйіча қувват баҳоси ўтказлади.

Машина (агрегатлар) қуввати баҳоланғанда қуйидаги күрсаткычлар: машина-трактор агрегатининг юриш тезлиги (м/с); машинаниң тортишга қаршилиги (кгс); тортиш қуввати (о.к) тракторнинг қувват олиш валидан ишчи аъзоларини юритишга сарфлаган қуввати (о.к.), трактор фидирагининг сирғанишга сарфлаган қуввати (о.к.) тракторнинг ўз юришига сарфлаган қуввати (о.к.); тракторнинг қувват олиш валининг узатмаси ва трансмиссиянинг механик йүқотиши енгишга сарфланған қувват (о.к.); моторнинг са-марадор қуввати (о.к.); қуввати бүйіча моторга тушадиган оғирлик коэффициенті (%); мотор валининг айланиш тезлигі (частотаси) айл/мин; қувват олиш валининг айланиш тезлиги, айл/мин; етакчи фидиракнинг сирғаниши (%) см; тұпроққа ишлов бериш чуқурлиги (жұяқ чуқурлиги, фрезерлаш чуқурлиги), (см) м; қамровнинг ишчи кенглиги (м); 1 метр қамров эніга солиширмалық қаршилиги (кгс/м); квадрат сантиметрге солиширмалық қаршилиқ (кгс/см<sup>2</sup>) аниқланади.

“Қишлоқ хұжалик техникасини синаш. Механизаторларнинг меҳнат шароитини баҳолаш методлари” 70.2.3-63 ОСТИ бүйіча дастлабки техник экспергизада, технологик-эксплуатация синовларида ва якуний экспертизада техника хавфсизлиги талабларининг бажарилиши ва синалаётган машина (агрегат)нинг ишлеш жараёнидаги тозалик ҳолати аниқланади. Бунда агрегатнинг хавфсизлиги, уни йигиш ва бұлакларга ажратышнинг құлайлиғи, таъмирлаш ва техник хизмат күрсатиш пайтида механизм ва қисмларға құлайлиғи, машина (агрегат)ни тракторга тиркаш ва ундан ажратиш, ишчи аъзоларининг юриш чуқурлигини ростлаш, ишчи аъзола-

рига тиқилиб қолиши ва ёпишишини бартараф қилиш бўйича баҳо берилади.

Дастлабки экспертиза натижаларига биноан олдиндан баҳолаш натижасида машинани синашга қўйиш мумкинлиги тўғрисида далолатнома тузилади.

Экувчи-(селялкачи) тиркалган машинада-(агрегат) қўйидаги кўрсаткичлар: микроқлим шароити, шовқин, механизатор ўтирган жой хавосининг чанглиги, турткисимон тебраниш, машина бошқарилаётгандаги куч сарфи аниқланади.

Машинани ишлатиш жараёнида қисм ва механизмларга яқинлашишнинг қулагилгини, ўрнатиш, таъмирлаш ва қайта созлашда хавфсизлиги текширилади.

“Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг ишончлилигини баҳолашнинг ягона системаси” (ОСТ 70/23.2,5-75; 70/23.2,6-74; 70/23.2,7-73; 70/23.2,8-73; 70/23.2,9-74; 70/23.2,14-73) ва “Қишлоқ хўжалик машиналарини синаш. Техник экспертиза” (ОСТ 70.2,1-73) бўйича тармоқ стандартларига биноан машиналарнинг ишончлилигини баҳолаш ишлари амалга оширилади.

Машиналарнинг ишончлилигини баҳолаш комплектлилигини текшириш, тайёрлаш сифатининг экспертизаси, машина учун тузилган қўлланмани кўриб чиқиш, тез ейиладиган дегалларнинг ейилишини аниқлаш; бажарилган ишларнинг ҳажми ва миқдори бўйича маълумот йигиб синов ўтказиш; жорий таъмирлашлар бўйича ишлар (ишламай қолган ва бузуқ жойларини топиб, бартараф қилиш); режали техник хизмат кўрсатиш каби жараёнларни ўз ичига олади. Бундан ташқари хўжалик шароитида синов ўтказилаётгандан технологик жараёнинг ишончлилик коэффициентини аниқлаш учун технологиянинг тўхтаб қолишини, синалгандан кейин машинанинг техник ҳолатини баҳолаш ҳам назарда тутилади.

“Қишлоқ хўжалик техникасини синаш. Технологик-эксплуатацион баҳолаш методлари” 70.2,76-73 ОСТ бўйича машинани (агрегат) технологик эксплуатацион баҳолашни ташкил қиласидилар ва ўтказишни амалга оширадилар.

Эксплуатацион-технологик баҳолаш: типик фонларни танлаш ва уларнинг тавсифларини тузиш (агро баҳолаш маълумотлари бўйича); танланган фонда бутун агромуддатда хронометражли кузатувлар ўтказиш ёки соф ишнинг умумий давоми 14 соатдан кам бўлмаган учта назорат схемани бажариш вақтида ўтказиш; иш схемасидаги маълумотларни ишлаб чиқиш; иш сифатини аниқлаш; машинанинг универсаллигига

ни баҳолаш; эксплуатацион-технологик кўрсаткичлари таҳлилини ўз ичига олади.

Эксплуатацион-технологик баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар: соф иш вақти (соат); технологик вақт (соат); иш давомати (смена) вақти (соат); эксплуатацион вақт (соат), бажарилган иш ҳажми (га); соф, технологик иш давомати ва эксплуатация вақтининг бир соатдаги унумдорлиги (га); ёқилғининг солиштирма сарфи (кг/га ва кг/с); иш йўлининг коэффициенти; технологик жараённинг коэффициенти; иш давомати вақтидан фойдаланиш коэффициенти; технологик жараённинг бузилиши туфайли тўхтаб қолиш вақти (соат) аниқланади.

Иқтисодий баҳолаш “Қишлоқ хўжалиги техникасини синаш. Иқтисодий баҳолаш усуллари” ОСТ 70.2,18-73 –ОСТ 70.2,20-73 бўйича ўтказилади. Бунда қуйидаги кўрсаткичлар: иш бирлиги ва йиллик ҳажмини бажариш учун меҳнат сарфи; меҳнатнинг йиллик иқтисодиёти; иш бирлиги ва унинг йиллик ҳажмини бажаришга кетган пул воситаларини тўғри ишлатиш ҳаражатлари; бажарилган ишнинг мавсумий ҳажми бирлиги учун ажратилган капитал маблағнинг солиштирма қиймати; иш бирлиги ва йиллик қиёсий иш ҳажмига кетган ҳаражатлар; янги машинани жорий қилишдан олинган йиллик иқтисодий самара аниқланади.

Комбинацияланган машина ва агрегатларни иқтисодий баҳолаш ишончлиликни синаш натижаларидан, фойдаланган ҳолда эксплуатацион технологик баҳолаш натижалари, шунингдек, зарур меъёрий маълумотнома материаллари асосида амалга оширилиши керак.

### **Сабзавотлар ҳосилини механизация ёрдамида йиғишириш ва йиғиширилгандан кейин маҳсулотга ишлов бериш технологиясини яратишдаги тадқиқотлар**

Ўзбекистонда ва чет элларда помидор, пиёз, сабзи ва қарам экинларини машиналар билан йиғишириш жараёни тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, даладан ҳосил машиналар ёрдамида йиғишириб олинса, маҳсус транспорт воситаларида ташилса ва стационар линияларда товарлик ишлови берилса энг юқори самарага эришилади.

Шунинг учун илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг муҳим вазифаси машинада сабзавотларни териш, кейин уларга ишлов бериш жараёнларини ишлаб чи-

қишдан, йиғиштирадиган машиналарнинг янги оиласини яратишидан махсус транспорт воситалари ва товарга ишлов бериш линияларини қайта ишлаш, сақлаш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат бўлиши керак.

**Ишнинг дастури.** Сабзавотларни машиналарда йиғиштириш жараёнларини ишлаб чиқиш ва юқори самарали техника воситаларини яратиш учун қуйидаги ишларни бажариш зарур:

- агрофонга бўлган талабни асослаш ва уни йиғиштирадиган машиналар ишининг самарадорлигига таъсирини аниқлаш;
- макет намуналарини яратиш ва янги техник воситаларни асослаш, йиғиштирадиган жараёнларни тақомиллаштириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш;
- айрим экинлар маҳсулотини йиғиштириши учун технологик мажмумани шакллантириш, ишлаб чиқариш тажрибаси шароитида синовлар ўтказиш ва уларни саноатда жорий этиш учун тавсияномалар ишлаб чиқши.

Технологик тадқиқотларни биринчи навбатда қуйидаги сабзавот экинлари: помидор, пиёз, илдиз мевалилар ва карам билан ўтказиш зарур.

**ПОМИДОР.** Товар помидор етишириладиган минтақаларда гектаридан 70-80 тонна ҳосил берадиган ва машинада йиғиштиришга мўлжалланган навларни танлаш ва баҳолаш, 90-95% меваси ёппасига тўлиқ пишадиган, кам (5-8%) тўкиладиган, мевалари бир текис, мевабандсиз узиладиган ва транспортда жўнатилганда механик таъсирга чидамлилиги текшириладиган тадқиқотларни давом эттириш зарур.

Ҳосилни комбайнда йиғиштириш жараёнини қуйидаги технологик схема бўйича тадқиқ қилиш зарур: маҳсулотни комбайнда териб, пишганлик даражасига қараб саралаш ва товар маҳсулотни қайта ишлаш линиясига транспортда жўнатиш; маҳсулотни комбайнда йиғиштириб, қисман ишлов бериш, транспортда жўнатиш, сўнгра кейинги товар ишловини бериш ва линияда қайта ишлаш. Иккала вариантда ҳам маҳсулотнинг сифатини, нобуд бўлишини, жарённинг қийинлигини, хизмат қиладиган одамларга талаб ва маблағ ҳаражатларини аниқлаш зарур.

Соатига 20 тоннагача помидор йиғиштирадиган комбайннинг макети намунасини, 8-12 т юк кўтарадиган махсус транспорт воситасини ва помидорнинг бирламчи қайта ишловчи тугалланган технологик циклли линиясини яратиш зарур. Уларнинг ишлаш жараёнини тадқиқ қилиш, ишнинг сифатига қўйиладиган талабни асослаш, техник-эксплуатация

кўрсаткичларини аниқлаш ва мавжуд комплекс машиналар билан солишириб, иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш керак. Тадқиқотлар натижаларига биноан саноат намуналари ни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришни ташкил қилишга доир таклифлар ишлаб чиқиш керак.

**ПИЁЗ.** Бу экин бўйича турли минтақаларда навларга баҳо бериш, ҳосилни машинада теришга ёрдам қиласидан парваришиш шароитини аниқлаш, пиёзнинг заарарланганлигини аниқлаш, унинг нобуд бўлишини ва механизация ёрдамида йиғиштирилганда тупроқ билан ифлосланишини ҳамда ўсимлик қолдиқлари миқдорини, пиёзни бир фазада ва икки фазада йиғиштиришни тадқиқ қилиш, маҳсулотга ишлов бериш сифатини, унинг сақланишини, жараённинг қийинлигини, техника воситаларига ва материалларга бўлган талабни баҳолаш зарур. Тадқиқотлар натижалари бўйича машинада йиғиштириш жараёнини такомиллаштириш ва самарали техник воситасини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш керак.

**ИЛДИЗМЕВАЛИЛАР.** Республикализнинг турли минтақаларida ҳосилни ЕМ-11 машинасида йиғиштириш ва терилгандан кейин унга ПСК-6 саралаш пунктида ишлов бериш жараёнини тадқиқ қилиш, парваришиш ва минтақа хусусиятларининг машина ишининг сифат кўрсаткичларига таъсирини техника-эксплуатацион кўрсаткичлари ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш, жараённи такомиллаштириш ва иш унуми юқори бўлган техника воситасини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш керак.

Қуйидаги технологик схема бўйича илдизмевалилар ҳосилини машинада йиғиш, транспортда жўнатиш, саралаш линиясида товарлик ишлови бериш; машинада йиғиштириш, транспортда жўнатиш ва сақлашга қўйиш, сотиш вақтига қараб товарлик ишлови бериш жараёнларини ўрганиш зарур. Шунингдек, иккала технологик схемада ҳам маҳсулотнинг сифатини, бузулмай сақланишлик ҳолатини, йиғиштиришнинг қийинлигини, сарфланадиган ҳаражатлар ва талаб қилинадиган хизматчилар сонини ўрганиш зарур. Ушбу тадқиқотлар йиғиштириш жараённинг мақбул технологик схемасининг асослашга, келажакла яратиладиган машиналар учун агротехник талаблар ишлаб чиқиш, маҳсулот сифатига ва машиналар ишини техник ишлатиш кўрсаткичлари талабларини аниқлашга имконият яратади.

Сабзи йиғиштирадиган кўп қаторли тажриба машинасининг ишлаш жарёнини, сабзи, лавлаги илдиз меваларига то-

варлик ишлови берувчи тажриба линиясига, сифати ва улар ишларини техник-эксплуатацион кўрсаткичларига, баҳо беришни ҳам тадқиқот қилиш зарур.

Шунингдек, сабзи йиғиштирадиган кўп қаторли тажриба машинасининг, сабзи, лавлаги илдиз меваларига товар ишлови бериладиган тажриба линиясининг ишлаш жараёнларини тадқиқот қилиш, уларнинг техник-эксплуатация кўрсаткичлари ва сифатига баҳо бериш керак. Сабзи йиғиштирадиган кўп қаторли машиналар ва машинада йиғиштирилгандан кейин илдиз меваларга ишлов берувчи ва сақловчи линияларни яна-да такомиллаштириш ҳамда уларнинг саноат намуналарини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш лозим.

**КАРАМ.** Ҳар бир минтақада районлаштирилган навлар ичидан ҳосили машинада теришга мос, диаметри, баландлиги, вазни, зичлиги ҳамда карам ўзаги баландлиги бўйича карам бошининг бир текис бўлганларини танлаш зарур. Қатор ўқига нисбатан карам бошини ва йиғиштирадиган машинанинг ишига қаторда бир-бирига нисбатан текис жойлашганлигининг таъсирини аниқлаш керак.

Карамни йиғиштириш жараёнини МСК-1 комбайни ҳамда мавжуд бошқа комбайнлар ёрдамида қўйидаги технологик схемада: сотиш, қайта ишлаш ёки узоқ муддат сақлаш мақсадида товар карам боши ҳосилини йиғиштириш; комбайнда карам бошини кўк барги билан йиғиштириш, транспортда жўнатиш ва саралайдиган пунктда кейинги ишлов бериш; сақлашга яроқли карам боши олиш учун комбайнда йиғиштириш, транспортда жўнатиш ва уларни сақлашга қўйиш, кейинчалик сотилиш муддатига қараб товарлик ишлови бериш ишларини тадқиқ қилиш зарур. Ҳамма вариантларда маҳсулотга ишлов беришнинг сифати ва унинг нобуд бўлиши, йиғиштиришнинг қийинчилиги, керакли хизматчилар сони ва маблағлар сарфини аниқлаш зарур.

Бу тадқиқотлар йигим-теримнинг мақбул рационал схемасини асослаш, машина ишининг сифатига қўйилган талабларни аниқлаш келажакда соҳа машиналарига бўладиган агротехника талабларини ишлаб чиқиш, уларнинг техник-эксплуатацион ва иқтисодий кўрсаткичларини асослаш имконини беради.

Шунингдек, кўп қаторли йигим-терим тажриба машиналари ва саралайдиган линияларнинг иш жараёнини тадқиқ қилиш зарур; оддий ва маҳсус тайёрланган шароитда улар ишининг сифатига баҳо бериш керак, техник-эксплуатацион

кўрсаткичиларни аниқлаш ва МСК-1 комбайни билан тақ-кослаб, иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун ҳисоб-китоблар ўтказиш керак. Бу тадқиқотлар кейинчалик мукам-маллаштириш учун машина конструкциясини танлаш ва са-ноат намуналарини яратиш имкониятини беради.

**Асосий методик қоидалар.** ЙОқорида тилга олинган экин-лар ҳосилини йиғиштиришнинг технологик жараёнларини методик баҳолашнинг хусусиятлари қўйидагилардан иборат.

Турли сабзавот экинлари навларини танлаш, машинада йигим-теримга яроқлилигини баҳолаш, мевалар параметрла-ри, уларнинг ўсимликларда жойлашиши, ўсимликларнинг қиёфаси, уларнинг ҳолати ва далада жойлашганлиги бўйича кагта ҳажмдаги тажрибавий маълумотлар тўплаш йўли билан олиб борилади. Тажриба натижасида олинган маълумотларга биноан ўсимликнинг статистик моделини қуриш зарур. Унинг ўргача аҳамияти идеаллашган моделини тавсифлайди. Аниқ ўсимлик навининг идеаллашган моделга мослик даражасига қараб ҳосилнинг машинада йигим-теримга яроқлилиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

Агрофоннинг терим машинаси иши сифатига таъсири уларни синаш жараённида аниқланади. Қайд қилинган агро-фон шароитида машина ишининг сифат ва техник-эксплуа-тацион кўрсаткичлари аниқланади. Бунда: ОСТ 70.8.7.-74 “Сабзавот экинларини йиғиштириш учун машиналар. Синаш дастури ва методлари”, ОСТ 70.10.6-74 “Сабзавот экинларига терилгандан кейин ишлов бериш машиналари. Синаш дасту-ри ва методлари” ҳужжатларидан фойдаланиш керак.

Ҳосилни йиғиш жараённининг технологик схемасини баҳолаш бўйича тажриба натижаларини олишнинг асосий ме-тоди модел-нусха жараёнларини яратиш ҳисобланади. Бундай жараёнларнинг тузилиши уларнинг технологиясининг ва тех-ника воситаларини комплекс баҳолаш учун энг кўп ахборот олиш мумкинлигини кўрсатади.

Бундай жараёнларнинг қўйидаги: рўйхат ва технологик жараённинг кетма-кетлиги кўринишдаги технологик схемани асослаш; машинанинг конструктив схемаларини асослаш ва ишчи аъзоларини тадқиқ қилиш; машина макетини ишлаб чиқиш, технологияни ишлатиш ва унинг асосида варианта-рини текширадиган комплексни шакллантириш техника во-ситаларини такомиллаштириш ва ҳосилнинг йигим-теримини ташкиллаштириш схемасини ишлаб чиқиш тавсия қилинади.

Технологик схема ва техник воситалар самарадорлигини баҳолашда 2000-йилдан кейинги даврга мүлжалланган истиқболли технология ва ўсимликчиликни комплекс механизациялашдаги машина тизимидан фойдаланилади.

Ҳал қилинадиган масалага биноан тажриба машиналарининг ишлаш жараёнларини тадқиқ қилиш маҳсус тайёрланган дастур ва методика бўйича ўтказилади.

### **Помидорни парваришлаш ва йигиштиришда механизация технологиясини баҳолаш методикасининг ҳусусиятлари**

Помидор етиштириш ва йигиштиришнинг механизацияланган технологиясида парваришлаш ва йигиштиришни баҳолаш методикасининг асосий қоидаларини келтирамиз. Улардан бошқа экинлар иш дастурини ишлаб чиқиша ҳам фойдаланиш мумкин.

Кўйидаги асосий кўрсаткичлар бўйича экиш (кўчат ўтказиш) технологияси, механизация ёрдамида экиш (ўтказиш) нинг самарадорлиги ва сифати, ниҳолларнинг бир текисда пайдо бўлиши (кўчатнинг тутиши) баҳоланади. Кўчат сифати асосий агротехник талабларга жавоб бериши-4-6 та барг, ўсимликнинг бўйи илдиз бўйнидан-15-20 см баланд бўлиши керак. Ҳисоблаш учун майдонча узунаси 10 м ва эни агрегатнинг ўтишига teng ҳолда 3 карра қайтариқда ажратиласди. Кўчат экадиган машина ўтгандан кейин майдончанинг ҳар бир қаторидаги ўсимликлар сони, ўтказиб юборилганлар инобатга олинмасдан, ҳисобланади.

Кейинги кунларда ҳар куни (бир вақтда) тутиб кетган кўчатлар сони ҳисобланади. Помидор уруғи очиқ далага экилганда ниҳоллар пайдо бўла бошлагач уялардаги тўлиқ кўчат чиққунга қадар ҳисоблашлар давом этаверади. Уялар сони (ниҳоллар сони эмас) ўсимликлар билан бирга ҳисобланади.

Олинган маълумотлар бўйича:

кўчатларни тутиши-

$$\Pi_{\text{тут}} = \frac{\text{К.т.к}}{\text{К.э.к}} \cdot 100\%$$

Экиш (ўтказиш) самарадорлиги  $\Pi_{\text{тут}} = \frac{\text{Кк.т}}{\text{Кх.у.}} \cdot 100\%$  аниқланади.

**Бунда:** К.э.к-экилган кўчатлар сони, дона; К.т.к-тутган кўчатларнинг ҳақиқий сони (унган уялар), дона; Кх.у.- майдончадаги экиш (ўтказиш) схемасига биноан ҳисобий ўсимлик сони (ниҳоллар бор уялар);

Кўчатнинг тутиши (ниҳоллар пайдо бўлиши)нинг бир тескилиги

$$K.t. = \pm \sqrt{\frac{\sum (D_i - D_{ypt})^2 n_i}{\sum n_i - 1}} \text{ кунлар}$$

**Бунда:**  $D_i$ -экилгандан (кўчат ўтқазилгандан) то i-гача кўчатни тутишининг ҳисоби (ниҳоллар пайдо бўлиши), кун;  $n_i$ -оралиқдаги ҳисобда тутган кўчат (ниҳолли уялар) сони;  $D_{ypt}$ , кўрсаткичи қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$D_{ypt} = \frac{\sum d_i \cdot n_i}{\sum n_i}$       кўчат      тутишининг      (ниҳоллар      пайдо  
бўлишининг) ўртача давомийлиги.

Энг кўп миқдорли Ктут, Ксал, ва энг кам миқдорли Кт экиш қулагай ҳисобланади. Ўсимликни механизация ёрдамида парваришлишда навларнинг яроқлилигини баҳолаш икки кўрсаткич: механизация ёрдамида ўтоқ ва қультивация қилишнинг бошланиши ва давомийлиги билан амалга оширилади.

Механизация ёрдамида парваришлишнинг бошланиши экилгандан то 85-90% гача кўчат илдиз олишгacha бўлган давр (суткалар сони)нинг давомийлиги билан аниқланади. Экиш сифати аниқданган майдончада ҳисоблашларни ўтказадилар. Помидор кўчатсиз етиштирилганда уруғ экилгандан то 85-90% уяда ниҳоллар пайдо бўлган ораликнинг давомийлиги аниқланади.

Механизация ёрдамида ўтоқ ва қультивация қилишнинг давомийлиги асосан ўсимликнинг қиёфасига боғлиқ. Ўтоқ қиладиган агрегат agar ўсимликнинг баргпоялари кенглик бўйича оёқ (панжга)нинг бурилиш устунидан ва баландлиги бўйича секциянинг кўндаланг пичоғидан ташқарига чиқмаса, ўсимликларга унчалик зарари тегмасдан ишлаши мумкин. Шунинг учун ўсимлик габарити (ташқи ўлчами)нинг секин ёки тез ўзгаришига қараб, ўтоқ қиладиган агрегатни қўллашнинг давомийлиги ҳам турлича бўлади.

Ўсимликлар эгат ораларини ёпгданда қультивация ишлари тўхтатилади. Культивациянинг давомийлиги ўсимликка механизация билан ишлов бошлангандан то эгат ораларини 10% ўсимлик ёпгунга қадар бўлган давр ҳисобланади. Тор ва кенг эгат ораларида бу кўрсаткич турлича бўлади.

Тупда меваларнинг жадал ва бир текисда пишишини

баҳолаш учун участка диагонали (конверт усулда) бўйлаб ҳар бир нав бўйича юзаси  $10 \text{ Bm}^2$  бўлган бешта майдонча ажратилиди (В-тасманинг эни, м) ва тадқиқотлар ҳисобий майдончанинг камиди  $1/5$  қисмида жойлашган ўсимликларда олиб борилади. Пишабошлагандан кейин (биринчи қизил мева пайдо бўлганда) ҳар 4-5 кечакундуздан сўнг мевалар сони уларнинг етилганлик даражасига (қизил- пишган, қизғиши; пишмаган-қўнғир, думбул, кўк) қараб ҳисобланади. Кўк мевалар ҳисобланганда қўйидагиларни инобатга олиш керак: майда мевали навларда навга хос катталиктага етган мевалар, ўртамевалиларда-мевасининг диаметри 3 см дан то 4 см гача бўлганлари, йирикмеваларда-диаметри 4 см дан катта бўлганлари ҳисобга олинади. Пишганлик даражаси (Дп.) етилган мевалар сонининг (Сет) ҳисобга олинган товар меваларнинг умумий миқдорининг (Су), 100%га кўпайтирилган нисбатидан аниқланади.

$$Дп = \frac{С_{ет}}{С_{етилган} + С_{етимаган}} \cdot 100 = \frac{С_{ет}}{С_у} \cdot 100$$

*Бунда:* С етилмаган товар мевалар сони, дона.

Жадал пишишнинг ҳисоби мевалар 30-40% пишган даврдан то уларнинг 60-70% етилгунга қадар қўйидаги формулада аниқланади:

$$i_{иш} = \frac{Дп.о. - Дп.б.}{К}, \% \text{ суткада}$$

*Бунда:* Дп.о., Дп.б.-кузатувлар бошида ва охирида меваларнинг етилганлик даражаси; К-кузатув кунлари.

Меваларнинг умумий ҳосили ҳисобланганда (иум. га/т), товар мевалар ҳосили (и тов.), пишган товар мевалар ҳосили (и.п.тов) ва етилмаган товар мевалар ҳосилига (иет.тов.) ажратилади.

Одатда умумий ва товар ҳосил ҳамда мевалар массасининг баргпоялар массасига нисбати майдонда мевалар 70% пишганда аниқланади.

Умумий (иум), товар (итов.), пишган товар (и.п.тов), етилмаган товар (иет.тов.) мевалар ҳосилини аниқлаш учун ҳамда мевалар массасининг баргпоялар массасига (Книс) нисбатини аниқлаш қўйидагича бажарилади: ҳар бир ҳисобий майдончасининг  $1/5$  қисмидаги ўсимликлардан барча мевалар

узилади ва тортилади. Пишган товар ва етилмаган мевалар фракциялар бўйича ажратилиб, алоҳида тортилади. Кейин мевасиз ўсимликларнинг ҳаммаси илдиз бўйнидан кесилиб, уларнинг сони аниқланади ва тортилади. Барча меваларнинг ўртача вазни, бир тупдаги пишган товар ва етилмаган мевалар вазни аниқланади. Бу ҳисоблаш йўли билан мевалар ҳосилини аниқлаш имконияти яратилади:

$и_{ум} = 0,01$  Об.т.пкга/га/т;

$и$  п.тov. = 0,01 Оп.т.пкга/га/т;

$и$  ет.тov. = 0,01 Оет.т.пкга/га/т;

$и$  тов. =  $и$ .п.тov +  $и$  тов.ет. га/т;

Книс. = Обарча,

О туп

**Бунда:**  $и_{ум}$ ,  $и$  тов.,  $и$  п.тov.,  $и$  ет.тov. - меваларнинг умумий ҳосили; товар, пишган товар ва етилмаган мевалар ҳосили, га/т;  $Об$ , От.-ҳисобий майдончадаги барча мевалар ва ўсимлик туплари оғирлиги, кг;  $Об.т$ , Оп.т., Оет.т- барча бир тупдаги, пишган товар ва етилмаган мевалар оғирлиги, кг; Пк-га-гектардаги ўсимликлар сони, дона; Книс- мева вазнининг баргпоя вазнига нисбатининг коэффициенти;

Ушбу маълумотлардан фойдаланиб, мева ҳосилининг пишган товар ва етилмаган мевалар ҳосилдорлигининг эгри чизиқ динамикаси тузилади. Ҳар бир навга олинган графиклар бўйича кўп йиллик маълумотлар асосида ҳосилнинг етилган ва етилмаган қисмининг талаб қилинадиган нисбати ва миқдорига боғлиқ машинада йиғим-терим муддатини аниқлаш мумкин.

Навнинг машинада йиғиширишга яроқлилигини асосий қўрсаткичларидан бири-меваларни қийғос пишишидир. Қийғос пишиши ( $К_П$ ) машинада теришдан олдин ҳисобга олинади. У пишиш даржасининг вариабеллиги билан тарифланиб, қўйидаги формулада аниқланади:

$$K_P = 100 - V, \%$$

**Бунда:**  $K_P$ - меваларни қийғос пишиши, %;  $V$ -пишиш даражаси вариациясининг (жуэзий ўзгаришининг) коэффициенти, %.

Пишиш даражаси нав бўйича ўртача 70-80%га тенг бўлганда, вариация коэффициенти аниқланади. Катта миқдордаги навларни баҳолашда қийғос пишган меваларни соддалаштирилган ҳисоблаш методидан фойдаланиб баҳо берилади.

$$K_{\text{п.}} = 100 - \frac{K(\text{Дп.} \cdot \text{max} - \text{Дп.} \cdot \text{min})}{\text{Дп.} \cdot \text{урр}} \cdot 100\%$$

**Бунда:** Дп.шах, Дп.мін, Дп.ур-меваларнинг пишганлик даражасининг максимал, минимал ва ўртача қиймати, %;

K-хисобий ўсимлик сони  $6 \div 10 - 0,33; 11 \div 25 - 0,25; 26 \div 100 - 0,20$  га тенг бўлгандаги тузатма қиймат коэффициент.

Танлаб олинган ўсимлик 25-30 тадан кам бўлмаслиги керак. Масалан, “Полет” нави бўйича ҳисобдаги йигирма бешта ўсимлик учун пишганлик даражасининг қиймати қуидагича олинади: (Дп.): 70; 68; 72; 74; 66; 72; 75; 68; 67; 76; 69; 67; 73; 72; 78; 74; 72; 67; 74; 73; 70; 69; 64; 66; 68.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики,  
Дп. max = 78%; Дп. min = 64%;

$$\text{Бу ҳолда: } K_{\text{п.}} = 100 - \frac{0,25(78 - 64)}{70,5} \cdot 100 = 95,1\%$$

Турли помидор навларининг қийғос пишганлигини таққослаш учун ҳисоблашларни бир муддатда ўтказиш керак. Бундан ташқари мазкур белгиси бўйича навларга ҳолисона баҳо бериш учун уларнинг пишиш муддатлари бўйича олдиндан гуруҳлаш зарур.

Кўп миқдордаги навлар қийғос пишиши бўйича баҳола-надиган бўлса ҳисобий майдонча юзасини  $1/10$  гача камайти-риш мумкин. Меваларни қийғос пишиши 90% дан кўп бўлса юқори даражада, 85-90% бўлса ўртача даражада, 85% дан ози-кам даражада пишган ҳисобланади.

Кузатишлиар ва ҳисоблашлар ҳисобий майдончалардаги меваларнинг интенсив ўта пишиши бошланмагунча давом этаверади. Меваларнинг 90% дан ортиғи пишган давридан бошлаб интенсив пишишининг ҳисоби олиб борилади. Бу-нинг учун меваларнинг ўта пишиш даражаси аниқланади:

$$D_{\text{шт.п.}} = \frac{C_{\text{шт.п.}}}{C_{\text{п.}}} \cdot 100\%$$

**Бунда:** С.шт.п.-майдончада ўта пишган нотовар меваларнинг сони; С.п.-майдончадаги пишган мевалар сони.

Меваларнинг ўта пишишининг интенсивлигини аниқлаш учун қуидаги формуладан фойдаланилади:

$$I_{\text{ут.п.}} = \frac{\text{Д.ут.п.охр.} - \text{Дут.п.бош}}{\text{Д}} \% \text{ суткада}$$

**Бунда:** Дүт.п., охр., Дүт.п.бош.-кузатишнинг охири ва бошида меваларнинг ўта пишиш даражаси, %; Д- кузатувлар кунининг сони.

Мевалар интенсив ўта пиша бошлаган вақтдан пишган меваларнинг сони кескин камаяди. Мевалар 70% пишган кунлар сонидан то ўта пишган маҳсулот миқдорининг интенсив кўпайишигача бўлган кунлар сони тупдаги пишган меваларнинг сақланувчанигини тавсифлайди (К ўт.п). Бу кўрсаткич ушбу навдаги помидорнинг машина йигим-теримининг хўжалик имкониятига кўра даврини ва Ксақ. коэффициентининг қийматини аниқлайди. Йигим-теримнинг режалаштириладиган давомийлиги (Кийиф), ёки тупдаги, Кўт.п. пишган меваларнинг сақланиш муддатидан кам ёки унга тенг бўлиши, яъни мевалар 70% гача пишган бўлиши керак (Кўт.п.≥Кийиф.). Кўт.п. қиймати навни мавсум давомида ўрганиш натижалари бўйича қабул қилинади. Кейинги йилларда ушбу кўрсаткичга аниқлик киритирилади.

Хосил йиғиширишни йўл қўйиладиган давомийлиги бўйича берилган майдон учун помидор йиғиширадиган комбайнга бўлган талабни ёки берилган комбайн сонига қараб йиғиширишга йўл қўйиладиган майдон куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Й_{\text{к.м.}} = \frac{S_{\text{п.н.}}}{W_{\text{в.Дс.Рк.Кт}}}$$

**Бунда:** S п.н.-помидорнинг ушбу нави эгаллаган майдон, га; Wв.- комбайннинг сменали иш вақтидаги 1 соатлик ўртacha иш унуми, га/с; Дс.- комбайннинг кун давомидаги ўртacha ишлаш давомийлиги, соат; Рк.- майдонда ишлаш узун режалаштирилган комбайнлар сони, дона; Кт.- икдим шароити ҳисобга олинган аниқ кунлар (календар) вақтидан фойдаланиш коэффициенти.

Кт. Коэффициент йигим-терим агрегатлари ишини ўртacha сонининг йигим-терим жараёнининг узлуксиз аниқ кунларига нисбатини билдиради. У хўжаликнинг бир неча йиллик ҳисобот маълумотларидан олинади.

Куйида ҳисоблаш мисолини келтирамиз. Хўжалик помидорнинг “Вентура” навини 40 га майдонга эккан. Уни йиғишириб олиш учун иккита СКТ-2 комбайнидан фойдаланиш режалаштирилган, улар иш вақтининг давомийлиги 8 соат.

Синаш натижаларига кўра қуйидаги кўрсаткичлар аниқланган:

W<sub>b</sub>=0,14га/соат; іпиш=2,5% суткада; Йқ.м.=11сутка;  
S п.н.=11 · 0,14 · 8 · 2 · 1,0 = 24,64 га.

Мавжуд шароитда комбайнлар билан 24,64 га майдон ҳосили мақбул муддатда йиғиштириб олинган бўлиши мумкин. Ялпи майдон ҳосилини йиғиштириш учун комбайнлар сонини уттагача кўпайтириш ёки комбайн ишининг давомийлигини суткасига 12 соатгача ошириш зарур.

Мавжуд шароитга қараб, ҳосилни машинада теришни бошлаш муддатига тузатиш киритиш мумкин. Йиғиштиришни бошлаш вақтида меваларнинг пишганлик даражасини қуидаги формулада аниқлаш тавсия қилинади:

$$Дп=70+(К\ddot{у}т.п.-К\ddot{ий}иф) \cdot i\ddot{и}пиш, \%$$

К\ddot{ий}иф>К\ddot{у}т.п. бўлса йиғиштириш меваларнинг пишиш фоизи камроқ бўлганда бошланади. Йиғиштириш муддатини кўпайтириш ҳисобига маҳсулотга қўшимча ишлов беришига кетган қўшимча харажатлар қопланиши керак. К\ddot{ий}иф < К\ddot{у}т.п бўлганда йиғим-терим ўта пишган мевалар фоизи анча юқори бўлганда бошланади. Маҳсулотга қўшимча ишлов бериш харажатлари қисқаради.

Навга хар томонлама баҳо беришнинг асосий ўн иккита кўрсаткичи бўйича олиб бориш таклиф қилинади (13-жадвал). Кўрсаткичлар йиғиндиси қуидаги формулада ҳисбланади:

$$\begin{aligned} \bar{Y}_k = & I_{\text{тov.п.}} \cdot K_{k.m.} \cdot K_{caK} \cdot K_{pl.jar} \cdot K_{pl.yuk} \cdot K_{mc} + \\ & + K_{mb.a} + K_{fc.c.} + K_{tovarsiz.m.} + K_{tyuk} + K_{b.} + K_{n..}, \end{aligned}$$

*Бунда:* Итov.п- пишган товар мевалар ҳосили т/га.

Жадвалда меъёrlар кўрсаткичлар нормативлари ва қабул қилинган коэффициентларнинг мумкин бўлган қийматлари келтирилган. Кўрсаткичлар миқдори қуидаги аниқланади. Пишганлик даражаси 65-70% га teng бўлганда пишган товар (итов.п) ва етилмаган (итов.ет.) мевалар ҳосилдорлиги (1-кўрсаткич) мевалар вазнининг баргпоялар вазнига нисбати (12-кўрсаткич) аниқланади. К\ddot{у}т.п. миқдори (меваларнинг 70% пишишидан то ўта пишган, чириган мевалар миқдорининг жадал кўпайшишгача бўлган кунлар сони) (3-кўрсаткич) бўйича аниқланади. (13-жадвал)

**Помидор навини машинада теришга яроқлилигини баҳолашнинг асосий  
кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Норматив	Коэффициентлар	
		Қиймат	Белгилаш
1. Ҳосилдаги товар мевалар т/га	Мутлоқ миқдор	Мутлоқ миқдор	Утоб
2. Мевадаги қуруқ модда миқдори, % *	5	0,05	К.к.м.
	6	0,06	
	7	0,07	
	8	0,08	
3. Тупдаги меваларнинг 70% шишгандан кейин сақланиш даражаси, кунлар	10 кунгача	0,5	К. сақ
	11-15	0,7	
	16-20	0,9	
	20 дан юқори	1,1	
4. Пишган товар меваларнинг комбайнда йигиштирилгандаги зарарланиши, %	2 гача	0,98	К. зар
	2,1-5	0,95	
	5,1-10	0,90	
	10 дан юқори	0,85	
5. Комбайнда йигиштирганда нобуд бўлган товар мевалар, %	1 гача	0,98	К ноб.
	2,1-5	0,95	
	5,1-10	0,90	
	10 дан юқори	0,85	
6. Мевабандли товар мевалар миқдори, %	2 гача	3	К м.б.а.
	5,1-10	2	
	10,1-15	1	
	15 дан юқори	0	
7. Умумий ҳосилдаги нотовар мевалар миқдори, %	3 гача	4	К то-вар-сиз м.
	5,1-10	3	
	10,1-15	2	
	15 дан юқори	0	
8. Ҳосилдаги товар мевалардан комбайннинг саралаш транспортерига келиб тушишда тўкилган товар мевалар миқдори, %	4 гача	4	К тўк.
	5,1-10	3	
	10,1-15	2	
	15 дан юқори	0	
9. Меваларни гидросаралаш-нинг самарадорлиги, %	80 гача	0	К.г.с.
	81-85	1	
	86-90	2	
	90 дан юқори	3	
10. Рн миқдори бўйича баҳоланувчи хом ашё сифати	4,4 гача	1,0	Кх.а.с.
	4,41-4,6	0,95	
	4,61-4,8	0,90	
	4,8 дан юқори	0,85	
11. Қайта ишланган маҳсулотни таъмини баҳолаш, балл	5 гача	Мутлоқ миқдор	К.б.
12. Мевалар вазнининг бар-гюялар вазнига нисбати	5 гача	0,2	Кн.
	3,1-4	0,3	
	4,1-5	0,4	
	5 дан юқори	0,2	

\*Мевадаги куруқ модданинг миқдори 0,1% ўзгарса коэффициентларнинг қиймати мувофик равишда 0,001 га ўзгаради. Масалан, куруқ модданинг миқдори 5,1% га тенг бўлса, унда коэффициентнинг қиймати 0,051га тенг бўлади; 5,5%да-0,055; 6,2%-0,062 ва ҳоказо.

Тўртта майдонча юзасининг ҳар бирида  $10 \cdot Bm^2$  ҳосилнинг йигиштирилганлик сифати баҳоланади. Комбайннинг ишлаш жараёнида контейнерга, саралаш транспортерига тушган масса (ворох) йигилади, йўқотилган мевалар ҳисобга олинади. Контейнерга тушган масса сараланади ва қуидаги фракциялар бўйича тортилади:

- пишган товар (китта) мевалар, т тов.п.к.
- етилмаган товар (китта) мевалар, т тов.е.к.
- пишиб зарарланган мевалар, т п.з
- етилмасдан зарарланган мевалар, т е.з.
- нотовар мевалар (майдо, чириган, касал, зарарланган), т н.м.
- мевабанди товар мевалар, т т.м.

Саралаш транспортерига тушган массадан пишган товар меваларни т п.т. ва етилмаган мевалар т ет.п. ажратилади ва тортилади.

Нобуд бўлган мевалар, шунингдек, пишган товар мевалар тп.т. ва етилмаган йирик мевалар тй.е. таҳлил қилинганда алоҳида-алоҳида ҳисобга олинади. Олинган маълумот бўйича майдончадаги ( $m_1, \text{кг да}$ ) ва 1 гектардаги экин учун ( $U_{\text{т.да}}$ ) ўртача қиймат аниқланади. Масалан:

$$m_{\text{т.т.}} = \frac{\Sigma 4 \cdot I_{\text{т.т.}} (\text{кг})}{4}$$

$$U_{\text{т.т.}} = \frac{10 m_{\text{т.т.}} (\text{кг})}{B} (\text{га / т})$$

Олинган маълумотлардан фойдаланиб, навни машинада теришга яроқлилигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади. (кўрсаткичлар номерлари 13-жадвалдан олинди).

$$1. U_{\text{т.т.}} = U_{\text{т.т.к.}} + U_{\text{п.ж.}} + U_{\text{п.т.}} + U_{\text{й.п.}}$$

$$U_{\text{т.т.}} = U_{\text{т.т.к.}} + U_{\text{ж.е.}} + U_{\text{т.е.}} + U_{\text{й.е.}}$$

4. Машинада йигиштирилганда меваларнинг заарланиши:

$$\dot{\chi}_{\text{п.з.}} = \frac{U_{\text{п.з.}}}{U_{\text{п.т.}} + U_{\text{е.т.}}} \cdot 100\%$$

$$\dot{\chi}_{\text{е.з.}} = \frac{U_{\text{е.з.}}}{U_{\text{п.т.}} + U_{\text{е.т.}}} \cdot 100\%$$

5. Комбайнда терилаётганда нобуд бўлган мевалар:

$$\bar{Y}_{\text{п.н.}} = \frac{U_{\text{п.н.}}}{U_{\text{п.т.}} + U_{\text{е.т.}}} \cdot 100\%;$$

$$\bar{Y}_{\text{е.н.}} = \frac{U_{\text{е.н.}}}{U_{\text{п.т.}} + U_{\text{е.т.}}} \cdot 100\%;$$

6. Мевабанди билан ажралган мевалар сони:

$$M_{\text{м.б.а.}} = \frac{M_{\text{м.б.а.}}}{U_{\text{п.т.}} + U_{\text{е.т.}}} \cdot 100\%;$$

7. Товарсиз мевалар сони:

$$M_{\text{т.м.}} = \frac{U_{\text{т.м.}}}{U_{\text{п.т.}} + U_{\text{е.т.}} + U_{\text{т.м.}}} \cdot 100\%;$$

8. Тўқилган товар мевалар сони:

$$M_{\text{т.т.к.}} = \frac{U_{\text{п.т.т.к.}} + U_{\text{е.т.}}}{U_{\text{п.т.ов.}} + U_{\text{е.т.ов.}}} \cdot 100\%;$$

Кўрсаткичларнинг қиймати бўйича жадвалдан уларга мос келадиган коэффициентлар миқдорлари:

Кз; Кн.б; Км.б.а.; Ктоварсиз м.; К тўқ. топилади.

Куйидаги кўрсаткичлар бўйича комбайн ишининг сифати баҳоланади:

Пишган меваларни йиғиштириш самарадорлиги:

$$C_{\text{п.й.}} = \frac{I_{\text{п.т.}} - I_{\text{п.з.}} - I_{\text{п.й.}}}{I_{\text{п.т.}}} \cdot 100\%$$

Етилмаган меваларни йиғиштиришнинг самарадорлиги:

$$C_{\text{е.й.}} = \frac{I_{\text{е.т.}} - I_{\text{е.з.}} - I_{\text{е.й.}}}{I_{\text{е.т.}}} \cdot 100\%$$

Ушбу нав помидорини йиғиштиришнинг самарадорлиги (умумий кўринишида):

$$C_{\text{й.}} = \frac{H_{\text{п.}} \cdot C_{\text{п.й.}} + H_{\text{е.}} \cdot C_{\text{е.й.}}}{100} \%$$

Бироқ, ҳисоб пишган мевалар миқдорига кўра олиб борилаётганилиги учун (масалан, Нп=70%) охириги формула кўйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\text{С.й.} = \frac{70 \cdot \text{Сп.й} + 30 \cdot \text{Се.й.}}{100} \%$$

Комбайнда йигиштирилган мевалар намунаси биокимёвий баҳолаш ва қайта ишланган маҳсулотлар тажриба нусхасини (шарбат, помидор пастаси, пюре ва бошқалар) тайёрлаш учун лабораторияга юборилади. Олинган маълумотлардан Кқ.м.; Кк.с; Кд. коэффициентларни аниқлаш учун фойдаланилади.

Навларнинг гидросаралашга қобилиятини аниқлаш учун контейнердаги мевалар массасидан танламасдан 70та пишган ва 30та етилмаган (қўнғир, думбул пишган, кўк) мевалар олиниди. Кейин мевалар сувли идишга жойлаштирилади ва сув юзасига сузуб чиққанлари ва идиш тагига чўкканлари ҳисобланади. Бу тадбир тўрт марта такрорланади. Пишган меваларнинг ҳаммаси чўкиб, етилмаганлари сувнинг бетига сузуб чиқса мақбул вариант ҳисобланади. Гидросаралашнинг самарадорлиги меваларнинг аниқ саралangan йиғиндисига тенг.

$$\text{П.г.с.} = \text{Сп.м.} + \text{Се.м.}, \%$$

**Бунда:** Сп.м.-пишган-чўккан мевалар сони, дона; Се.м.- этилмаган- сув бетига сузуб чиққан мевалар сони, дона.

Гидросаралашнинг самарадорлигини миқдор кўрсаткичлари бўйича П.г.с. коэффициентининг қиймати топилади (9-кўрсаткич)

Комбайнда йигиштирилган меваларнинг кўпчилик қисми концентратланган помидор маҳсулотлари тайёрлашга кетади. Шунинг учун у ёки бу навга оид меваларнинг қайта ишлаш учун яроқлилигини тавсифловчи асосий кўрсаткич сифатида сувда эрувчи ва эrimайдиган қуруқ моддаларнинг нисбатини кўрсатиш мумкин. У пишган мевада умумий қабул қилинган методикага кўра аниқланади.

Қоида бўйича, пишган меваларни комбайнда йигиштиргандан кейин 24-48 соат ичидаги қайта ишлаш зарур. Қўнғир, думбул пишган мевалар эса, агар улар гидросараланмаган бўлса, уларни 5-7 кун давомида пишиб етилтирилади.

Комбайнда йигиштирилгандан кейин етилган мевалар-

нинг сақланиши бўйича нав фарқларини аниқлаш учун пишган меваларни (кўзга кўринмайдиган заарларсиз) 2-3 кун, қўнғир ва унча етилмаган меваларни 5-7 кун давомида сақлаш мумкин. Бунинг учун мевалар 10-12 кг маҳсулот сигадиган стандарт ящикларга жойлаштирилади ва шийлон тагида табиий шароитда сақланади. Турли даражада пишган мевалар устидаги тажриба алоҳида-алоҳида 4 қайтариқда (4 та ящикда) олиб борилади. Сақлаш охирида мевалар 1725-68 ГОСТ бўйича баҳоланади.

Келтирилган умумий кўрсаткичлардан йиғиштирадиган машиналарнинг ишлаш сифатини аниқлаш, экинларнинг парваришланиш шароитларини, меваларнинг комбайнда йиғиштиришга яроқлилигини, помидор навларига қўйиладиган талабларни асослаш учун фойдаланса бўлади.

### **Сабзавотларни индустрислаб чиқаришнинг истиқболли интенсив технологиясини асослаш**

Сабзавот етиштиришнинг истиқболли интенсив технологиясини асослаш учун агротехник тажрибалар билан параллел равишда комплекс машиналарнинг қиёсий баҳосини бериш зарур. Бунинг учун қуйидаги ишларни бажариш: мавжуд ва истиқболли машиналар комплексини шакллантириш, экинлар таркибини аниқлаш, синаладиган жараёнлар рўйхати, иш ҳажмини аниқлаш ва сабзавот етиштиришни амалга ошириш тавсия қилинади.

Машиналарнинг технологик комплексини баҳолашнинг асоси айrim машиналарни баҳолаш методикаси ва натижаларини тақослаш имконияти ҳисобланади. Комплексда қатнашаётган ҳар бир машинани унинг мавсумда бажарадиган ишига жавоб берадиган иш ҳажми билан таъминлаш зарур. Синаш жараёнида қуйидаги кўрсаткичларни: сменали ёки соатли унумдорлиги, ҳақиқий хизмат кўрсатувчи ходимлар сони, иш сифатининг кўрсаткичлари, 1 гектар майдонга ва 1 тонна маҳсулотга меҳнат сарфи (киши-соатда), 1 гектар майдонга ва 1 тонна маҳсулотга ёнилғи-мойлаш материалларининг сарфи (килограммда), 1 гектар майдонга ва 1 тонна маҳсулот учун сарфланадиган от кучи ёки энергияни (киловат/соатда) аниқлаш керак. Ушбу машинани баҳолаш кўрсаткичларининг таҳлили натижасида 2001-2005 ва 2006-2010 йиллар машиналари тизимига уни киритиш учун таклиф ва агротехник талаблар ишлаб чиқилади.

Истиқболли технологик машиналар комплексининг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги кўрсаткичлар бўйича базавий кўрсаткичлар билан таққослаб: меҳнат иқтисоди, йил давомида меҳнатдан бир меъёра фойдаланиш, майдон бирлигига ва маҳсулот бирлигига сарфланган энергиянинг киловатт-соатдаги умумий ҳажми, майдон бирлиги ва бирламчи маҳсулот бирлигига тўғри келадиган машиналар комплексининг умумий металл сифими, трактор ва машиналардан фойдаланиш даражаси аниқланади. Турли вариантлар натижалари кўргазмали бўлиши учун график тарзда келтирилиши мумкин. Айрим технологик комплексларнинг иқтисодий таҳлили улардан энг самаралисини жорий қилиш учун тавсия қилишга имкон яратади.

Сабзавотлар етиштируvida қўлланувчи машиналарнинг технологик комплексига умумий мақсадга хизмат қиласдиган ва маҳсус машиналар киради. Умумий мақсадга хизмат қиласдиган машиналар (плуглар, органик ва минерал ўғитлар соладиган машиналар, ўсимликларни ҳимоя қилишда, суфориша ва бошқаларда ишлатиладиган машиналар) технологик комплекс кўплаб чиқариладиган, сабзавотчилик талабларига максимал жавоб берадиган ва шу ҳудудда қўлланиладиган машиналардан иборат бўлади.

Технологияга умумий баҳо берганда, меҳнат ва воситалар ҳаражати бўйича уларнинг ишлари кўрсаткичлари ҳисобга олинади.

Ўрганиш ва текшириш учун қуйидаги комплекслар тавсия қилинади:

а) Ўзбекистон ва Россиянинг саноати чиқарадиган машиналар базавий комплексига: сабзавотларни етиштириш учун машиналар: РВК-3 комбинациялашган юмшатгич-текислагич, УГН-4К универсал эгат олгич, СКОН-4,2 (СО-4,2) сабзавот (сейлкалари) уруғ эккичлари, СКН-б ва СКН-БА кўчат экадиган машиналар, КОР-4,2 ва ФПУ-4,2 қатор ораларига ишлов берадиган культиваторлар, КГФ-4,2) пушта (марза) олгич культиваторлар, СЛН-8А (СЛН-4,2) нўшииёз экиши учун сейлка киради.

б) сабзавотларни етиштириш учун йўналтирилган из қиласдиган, чет эллардан сотиб олинган машиналар комплекси.

в) ватанимизда чиқариладиган экспериментал машиналарнинг истиқболли комплекси.

Техникалар номи	Илдизмева-лилар учун	Карам учун	Помидор учун	Пиёзбоши учун
Йигим –терим Машинлари	ММТ-1 (ЕМ-11)	МСК-1	СКТ-2	ЛКГ-1,4
Транспорт –юклов воситалари	2-ПТС-4	2-ПТС-4	ПТ-3,5 АВН-0,5 КОН-0,5	2-ПТС-4
Саралаш линиялари	ПСК-6	-	СПТ-15	ПМЛ-6

Комплексларни синаш натижалари бўйича тупроқ юзасининг вертикал профили қўйидаги кўрсаткичлар билан:

- **вертикал кесилган юзага энергия ҳаражати** (энергия сарфини га/соат квтда ўлаш йўли билан аниқланади);
- **турли экиш ва ўтқазиш схемасида турли экинларни етишириш учун профилнинг (универсаллиги) яроқлилиги** (ҳар бир профил бўйича экин ва схема сони аниқланади);
- **ўсимлик талабини ҳисобга олиб ва техник қурилмаларни қўллаб профилни қайта қуриш ва сақлаш имкониятларини** (вертикал кесилган юзани пайдо қиласидан қурилма ва жараёнда энергия сифими (га/соат квт) универсаллиги бўйича) баҳоланади.

Ўсимликнинг ривожланиши ва маҳсулдорлиги хусусиятини баҳолаш мақсадида тупроқнинг агрофизик хоссалари ўрганилади, фенологик кузатишлар ва биометрик тадқиқотлар олиб борилади, ҳосилнинг ҳисобини, вертикал кесилган юза (текис эгатсимон) қайд қилинади ва экилгандан (ўтқазилгандан) кейин агрегат эни (қамрови) оралигига кўндаланг профиллаш йўли билан унинг тавсифи берилади, тажриба майдонининг тупроғининг агрокимёвий тавсифи тузилади.

Ҳосилнинг қийғос пишишини, йигим-терим машиналарининг муваффақиятли ишлаши ва текисланган материалнинг шаклланишини таъминловчи шароитни аниқлаш учун ҳосилни териш вақтида ўсимликларнинг ҳолатини, уларнинг жойлашиши ва ҳажми, вазни, ҳосилнинг ҳолати қайд қилинади.

Маҳсулот аъзолари (мевалар, карам боши, илдизмевалар) катта-кичиклиги, шакли, пишганлик даражаси билан баҳоланади ва стандарт талаблари билан таққосланади. Тупроқнинг ҳолати ва хусусиятларини, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини, ҳосилнинг микдори ва сифатини тавсифловчи кўрсаткичлар ўсимликнинг мева туғиши ва ўсишининг қулаги шароитини топишга имкон яратади.

Уруф экиш ва кўчат ўтқазиш схемаси қуидаги кўрсаткичлар билан баҳоланади:

- ўсимлик оптимал сонининг бир меъёрда жойлашганлиги (экишининг турли хил схемаларида, майдон бирлигига тўғри келадиган ўсимликларнинг сони бир хил бўлганда ва қатор ичидағи масофалар бир хил бўлганда ўсимликларнинг тақсимланишини таққослаш билан);
- ҳозир мавжуд бўлган ва янги ишланаётган машиналардан фойдаланилганда ҳосилни етишириш ва териш жараёнини механизация билан бажарилишининг имконияти (асосий машиналар ишининг сифати ва унумдорлиги бўйича);
- сув ва озуқа моддалардан фойдаланиш самарадорлиги (озуқа элементлари ва намликнинг миқдори динамикада кузатиласди);
- бегона ўтларга, касаллик ва зааркунандаларга қарши кимёвий ва механик усулда курашиб воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятлари (зааркунанда ва касалликларга қарши курашишининг турли усулларининг самарафорлигини аниқлаш; турли схемалардаги ўсимликларнинг касаллик ва зааркунандалар билан зарарланиши ва бегона ўтлар миқдорини ҳисоблаш);
- ўсимликнинг ривожланиш хусусиятлари ва маҳсулдорлигини баҳолаш.

Қаторлар ораларининг минимал кенглиги (эни) қуидаги кўрсаткичларни инобатга олиб белгиланади: машиналарнинг конструктив бажариш имкониятлари-ўсимлик қаторлари билан машиналар узелларини тавсифловчи конструктив ўлчамни таққослаш; ҳар бир экиндан юқори ҳосил олиш учун шароит яратиш—минимал қатордаги ўсимликлар ривожланиш шароитининг нисбатан кенг оралиқли қаторлардаги ўсимликларнинг ривожланиш шароити билан таққослаш; трактор агрегатларидан юқори унумли фойдаланиш шароитларини яратиш - турли эгат ораларида ишлаганда иш жараёнини белгиланган сифатда бажаришининг энг қаттиқ ишлаш тезлигини аниқлаш; ўсимликнинг ривожланиш шароитини баҳолаш.

Бир нечта жараённи биргаликда бараварига бажариш муҳим аҳамиятга эга. Булар эгатларни олдиндан олиш, кейин уларни тузатиш, экишдан олдин тупроққа актив (пассив) экин эгадиган ишчи аъзолар билан ишлов бериш ва ҳоказолар. Бу жараёнларнинг оқилона бирикмаси агрегат иши сифатини баҳолаш йўли билан қуидаги кўрсаткичлар: юришининг тўғри чизиқлиги, қўшиладиган қатор оралари энини

ўзгариши, кесаклиги, агрегат ўтишидан олдин ва ўтгандан кейин ҳайдалган ер юзасининг кесаклиги ҳамда тупроқни тайёрлаш усулининг ургнинг дала унувчанлигига таъсири, ниҳолларнинг қийғос униб чиқиши ва уларнинг бир текислиги орқали аниқланади. Кўчатнинг экилиш сифати баҳолангандага қаторларнинг тўғрилиги, кўчатнинг текис тақсимланиши, унинг тутиши инобатга олинади ва шу кўрсаткичлар йиғиндиси бўйича экадиган комбинацияланган агрегатга қўйиладиган талаб асосланади; Экишдан олдин ёки ниҳоллар пайдо бўлгандан кейин гербицилар солиш муддатларини дифференциялаш; эгат оралатиб ва ёмғирлатиб суғоришида сув ва озуқа моддаларни ўзлаштириши; минерал ўғитлар тўлиқ меъёрини асосий солишида ва бир қисмини озиқлантириш кўринишда суғориш билан баравар ёки қатор ораларига ишлов беришда солишнинг аҳамияти катта.

Куч-куvvat воситалари ва уларнинг параметрлари кўйидаги кўрсаткичлар бўйича:

- *филдирак изи эни куч-куvvat воситалари филдираклари изининг техник имкониятлари ва сабзвотчилик амалиётида қўлланилаётганлари билан таққосланиб;*
- *ҳаракатланадиган филдирак шинасининг эни-ишлар бажарилаётганда ўсимликларни зарарланиши ва мойилининг шаклини сақланишига турли энликдаги шиналарнинг таъсирини аниқлаб;*
- *ёруғликнинг баландлигига-оммавий чиқарилаётган тракторлардаги ёруғликни маҳсус тракторлардаги талаб қилинадиган ёруғлик билан таққослаб синов ўтиказиш;*
- *тезликлар диапазони-сабзвотларни етиштириши ва йигиштиришида технологик жараёнларни бажариш учун талаб этиладиган тезликларнинг техник имкониятларини таққослаб;*
- *ишлаб чиқарилаётган тракторларнинг, мавжуд ва янгидан яратилаётган машиналарнинг қабул қилинган парваришлаш шароити учун агрегатлаштиришига яроқлилиги (юзанинг профили, из, экиш схемаси). Агрегатланган трактор параметрлари парваришлаш шароитига мос келмайдиган бўлса, уларни мутаносибликка олиб келиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиласи.*

Филдирак изининг негизи кўйидаги кўрсаткичлар билан: *тракторлар, ўзиюрар машиналар ва транспорт воситалари*ни унификацияланганлик даражаси-сабзвотчиликда фойдаланилаётган машиналарни ўсимликчиликнинг бошқа тармоқ-

- ларидан құлланилаётган шундай машиналари ғилдирак изи билан тақсонаштырылған орқали;
- әзаттар бүйічада өмгірлатыб сугоришнинг самаралы имкониятлары-ғилдирак изининг бутун шамойили бүйічада илдиз жойлашған 0-50 см ли қаттамнинг тупроқ намысигини үлчаб;
  - ўсимликтернің құлай жойлаштириш шароити ва ердан фойдаланыш даражасы-участкадаги умумий майдонға нисбатан фойдаланылаётган майдон фоизини ҳисоблаштырылған орқали;
  - агрегаттарнинг унумдорлиги-агрегаттар ишинде учта назорат схемасини бажарып жараённин күзатыштырылған орқали;
  - ўсимликтернің ривожланиши шароитини бақолаштырылған орқали аниқланады.

Машиналарнинг қамров эни ва қаторлилігі қуйидегі күрсаткыштар билан:

- конструктив имкониятлары бүйічада;
- ишининг бажарылыш сифаты бүйічада бақоланады.

Сабзавот экинларини парварыш қилиш ва ҳосилни йиғишириб олишда айрим агрегаттар ишининг сифатини бақолаш ва тракторнинг энергетик имкониятларини аниқладаб, иш жараёнларини биргаликда бажарып бүйічада тажрибалар ва технологик тажрибалар асосида машинаның қаторлилігі ва қамров эни бүйічада якуний таклиф шакллантирилади.

Базавий параметрлернің танлашда ҳосилдорлық ҳал қылувчи асосий күрсаткыш ҳисобланады. У сабзавот экинларини етишириш ва ҳосилни йиғишириш технологик комплекслернің лойиҳалаштириш учун асоси бўлиб хизмат қилади.

Турли хил экинлар ҳосилдорлигининг тахминий минимал ва мақбул даражасы қуйидагича (14-жадвал)дир.

14-жадвал

Экин	Ҳосилдорлық, га/т	
	Минимал*	Қулай**
Помидор	25	80-90
Бодринг	10-15	40-45
Пиёз боши	25-30	80-90
Оқбош карам	45-50	90-100
Гулкарам ва әртаги оқбош карам	20-25	45-50
Сабзи	25-30	60-65
Қизил лавлаги	25-30	65-70
Ширин қалампир	20-25	45-50
Ловия	5-8	15-20
Саримсок	4-6	10-12

\* Бунда машиналарнинг технологик комплексиниң күллаш иқтисодий самаралы ҳисобланады.

\*\* Бунда ўсимликтернің биологик имкониятларидан фойдаланылади.

Олинган маълумотлар асосида қўйидаги ҳужжатларни: ҳар бир экин бўйича истиқболли технологик карта ва сабзавот етиштиришдаги миңтақавий интенсив технологиянинг келишилган базавий параметрларини; сабзавотчилик учун истиқболли машиналарга агротехник талабни ва талаб картасини; айрим экинлар бўйича технологик комплекслар ва сабзавотчилик учун 2005-2010 йилларга мўлжалланган миллий ва халқаро машиналар тизими лойиҳаси тузилади.

## **8-боб. САБЗАВОТ ЭКИНЛАРИ НАВ ВА ДУРАГАЙЛАРИ ҲОСИЛИНИНГ МЕХАНИЗАЦИЯДА ЙИФИШТИРИШГА ЯРОҚЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ.**

Ҳосилни механизация ёрдамида йиғиштириш муаммоси фақат машиналар яратиш ва уларни ишлаб чиқариш йўли билан ҳал қилинмасдан, балки ҳосили механизация ёрдамида теришга яроқли навлар танлаш, нав ва дурагайлар селекцияси билан ҳам ҳал қилинади. Бунинг учун маҳсус белгиларга эга бўлган навлар ва дурагайлар бўлиши керак.

Ўзбекистонда 70 йиллар бошларигача бу муаммо билан кишлоқ ҳўжалиги фани шуғулланмаган. Шунинг учун сабзвот ва полиз экинларининг навлари мамлакатимизда кўп бўлишига қарамай, уларнинг оз қисмигина ҳосилини механизация ёрдамида теришнинг асосий талабларига жавоб беради, холос. Кейинги йилларда бу масала билан шуғулланиш бироз жонланди. Лекин у ҳали замон талабига тўлиқ жавоб бермайди. Шунинг учун нав танлаш, мавжудларини яхшилаш ва механизация талабларига жавоб берадиган янги нав ва дурагайларни яратиш, сабзвотчи-селекционерларнинг биринчи даражали вазифасидир.

Юқорида қайд этилган йўналишдаги ишларни енгиллатадиган ва тезлатадиган маҳсус асбоблар Россиянинг сабзвотчилик ҳўжалиги илмий-тадқиқот институтида яратилган ва синовдан ўтган. Помидорнинг эзилмаслик даражасини аниқловчи (ОПТ-10) 20 кг гача бўлган статистик юкга (кучга) меваларнинг чидамлилиги, меванинг мевабанд ва ўсимликка бирикиш ҳолларининг мустаҳкамлиги, полиз пўстлоғининг санчиб тешишга ва синишга чидамлилиги баҳоланади. Динометр игнаси билан (ИДП-500) илдизмевалар, пиёзбоши, қарамбоши, мевалар пўсти ва этини санчиб тешишга сарфланган куч  $1\text{mm}^2$ га граммда (ньютонда) ўлчанади, чеклагичдан фойдаланганда помидор мевасининг юмашаш даражасини, маҳсус қўйма ёрдамида ёрилишга пўстининг қайишқоқлиги ва мустаҳкамлиги баҳоланади.

Йирик габаритли йўғон игна билан полиз экинлари мевасининг пўстини санчиб тешишга кетадиган куч аниқланади. ППА-1 асбоби ёрдамида тарвуз, қовун ва қовоқ меваларининг

250 кг гача бўлган динамометрик оғирликка ҳамда пўстини санчиб тешишга нисбатан мустаҳкамлиги баҳоланади. Тарвузнинг мустаҳкамлигини ўлчагич билан қовоқсимон экинлар меваларининг мустаҳкамлиги ҳамда бошли карамнинг зарба таъсирига чидамлилиги аниқланади.

Россия сабзавот хўжалиги институтининг махсус вибростенди ва “Барабан” вибростенди сабзавот экинлари турли нав намуналарининг зарба таъсирига чидамлилиги минутига 80дан 240 тагача бошқараладиган сонда тебранма ҳаракатни баҳолаш имкониятини беради. Бундан ташқари, вибростенд ўсимликка меваларнинг мустаҳкам бириккани бўйича нав намуналарини таққослаш имкониятини беради. ППУ-500 асбоби билан турли сабзавот, полиз ва мевали экинлар меваларни физик-механик хусусиятлари аниқланади.

Маскур асбоблар лаборатория-дала шароитида нав ва дургай экинлари мевалари: карам боши, илдизмевалар, пиёз боши ва бошқаларнинг ҳосилини механизация ёрдамида йиғиширишда ва транспортда жўнатишда пайдо бўладиган зарба ва статистик таъсирга чидамлилигини баҳолаш имконини беради. Нав намуналари юқорида баён қилинган мухим белгилари кўрсаткичлари билан (меванинг мевабандга, ўсимликка, илдизмеванинг тупбаргга бирикканинг мустаҳкамлиги ва бошқалар) ҳосилнинг механизация ёрдамида йиғиширишга яроқлилиги аниқланади. (Квасников Б.В., Зайцев А.И., Беков Р.Х., Соколова В.К. 1969, 1970).

Навлар ҳосилининг механизацияда йиғиширишга яроқлилигини баҳолашда Россия сабзавотчилик илмий-тадқиқот институтининг асбобларидан ташқари майдончанинг ўзида ихчам КОД-1,5 комбайнидан фойдаланиб текшириш мумкин.

Турли экинларнинг нав ва дурагайларининг кўриладиган белгилари бўйича баҳолаш усулининг хусусиятлари қўйида келтирилмоқда.

**ПОМИДОР.** Ҳосили механизацияда йиғиширишга яроқли помидор навлари ва уларнинг дурагайлари ўсимлигининг ихчам, паст бўйли, танали ёки детерминант пояли, шодаси зич жойлашган бўлиши, ҳосили қийғос шаклланиши ва пишиши, серҳосил, меваси- ёрилишга ва механик таъсирга чидамли, ўсимликда товарлик хусусиятини йўқотмай узоқ муддат сақланиши, ва ундан мевабандсиз енгил ажralиши (мевабандда ажратиб турадиган қатлам бўлиши керак эмас), лекин ҳосил йиғиширилгунча ҳамда механизация ёрдамида йиғиширилаётганда тўкилиб кетмаслиги керак Бун-

дан ташқари, меваларидаги қуруқ мoddанинг миқдори юқори, шакар-кислотанинг нисбати мақбул, таъм сифати яхши, қайта ишлашга яроқли бўлиши керак.

Помидорнинг турли навлари меваларининг териси ва этини пишиқлиги, ёрилишга, эзилишга, зарба таъсирига ҳамда мевабанд ва шодага бирикканинг мустаҳкамлигини кўп йиллар давомида ўрганиш шуни кўрсатадики, меваларнинг механик таъсирига чидамлилигини ва ҳосил машинада йигиштирилганда ўсимликдан ажралишини асосан айнан ушбу белгилар кўрсатар экан. Шунинг учун ҳосили механизация ёрдамида теришга яроқли помидор навларини танлаш ва баҳолашда мевалар ва ўсимликнинг хусусиятини ўрганишда асосий эътиборни шу белгиларига қаратиш зарур.

Помидор мевалари комбайнда йигиштирилганда интенсив зарба таъсирига ва статистик оғирликка дуч келади, натижада улар заарланади (эзилади). Меваларнинг зарба таъсирига чидамлилиги пўстларининг эзилувчанлиги ва пишиқлиги ҳамда этининг пишиқлигига (зичлиги) боғлиқ. Меваларнинг ёрилишга чидамлилиги эса кўп ҳолларда уларнинг ўсимликда қанча муддат сақланишига боғлиқ бўлади. Айрим навларда меваларнинг ёрилишга чидамлилиги мева этлари ораларидаги уруғ хона бўшлиқни уруғ суюқлиги билан тўла бўлмаганлиги сабабдир. Бундай мевалар анча қайишқоқлиги билан ажралиб туради. Уларнинг бу хусусиятлари ҳосили механизацияда йигиштиришга яроқли помидор навлари яратилаётганда ҳисобга олиниши керак.

Селекционерлар иш тажрибасидан маълумки, ҳосили механизацияда йигиштиришга яроқли помидор мевалари физик-механик хусусиятларининг қулай кўрсаткичлари, меванинг миқдори ва ўлчамига қараб эзишга сарфланган куч камидা 3-3,5кг (30-35н); эзишга сарфланган солиштирма қаршилик 60-80г (0,6-0,8н/г), мева терисининг санчиб тешишига қаршилиги-130г/мм<sup>2</sup> (1,3нмм<sup>2</sup>), этиники-110г/мм<sup>2</sup> (1,1н/мм<sup>2</sup>) бўлиши мумкин.

Пишган меваларнинг заарланганлик даражаси фақат уларнинг мустаҳкамлигига эмас, балки шакли ва вазнига ҳам боғлиқдир. Механизацияда йигиштирилганда унинг заарланиш даражаси ва мева вазни орасида ижобий боғланиш мавжуд. Шунинг учун 50-60г.гача бўлган мева вазни бутунлигicha консервалашга, 100г. гачаси эса шарбат ва бошқа помидор махсулотлари ишлаб чиқаришга қулай ҳисобланади. "Новинка Приднестровья", "Нистру", "Кросс 525", "Ракета", "Ермак"

навларининг мевалари комбайнда йиғиштирилганда нисбатан кам зарарланади.

Мевабанди тирсаксиз бўлган помидор навлари ва дурагайларининг авзалиги, мевабанди оддий ва иккинчи типли тирсаксиз билан солиштирган тадқиқотларда аниқланди. Бундай ўсимликлар қатор ижобий белгиларга эга: мевалари тўкилмайди, мевабандсиз ажралади, улар ўсимликда зич жойлашган, мева шодаси мураккаб ёки оралиқда бўлади.

Мевани ўсимликдан мевабанди билан узилиши навнинг қийматини пасайтиради. Уларнинг ҳосили механизацияда йиғиштиришга кам яроқлидир. Меванинг мевабанддан ва шингилдан узилишга талаб қилинадиган куч навлар бўйича 0,5 дан 5,4кг гача (4-40н), мақбул куч 1,2-2,2кг (12-20н) чегарасида бўлади. Меванинг мевабанддан узилишига сарфланадиган куч 1кг дан (10н) кам бўлса мевалар кўп тўкилади, комбайннинг иш унуми пасайиб кетади. “Новинка Приднестровья”, “Ракета”, “Нистру”, типидаги олхўрисимон, қалампирсимон ва майда мевали навларнинг мевалари ўсимликдан енгил узилади. Майда ва ўрта оғирлиқдаги меваларга нисбатан йириклари ўсимликдан қийинроқ узилади. Бир навнинг ўзида ва бир хил пишган гурух ичидаги меванинг катта-кичиклиги ва унинг ўсимлик билан боғланганигининг мустаҳкамлиги орасида ижобий боғлиқлик бор. Бунинг сабаби, мева катталашган сари уни мевабандга бириккан жойининг майдони катталашади.

Ҳосилни йиғиштира бошлашда камида 75-85% мевалар пишган бўлса, шундагина ҳосилни бир марта йиғиштириш иқтисодий жихатдан ўзини оқладайди. “Меваларни қийғос пишиш” белгиси эртапишар типдаги паст бўйли, карлик шаклдаги ўсимликларда яққол кўзга ташланади. Лекин шуни инобатга олиш керакки, эртапишар навлар меваларининг ялпи пишиши уларнинг анча тез пишиб ўтиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун бундай навлар ҳосилини жуда қисқа муудатда йиғиштириб олиш керак. Ўртапишар, ўртаги кечки ва кечпишар помидор ўсимликларида керакли даражагача етилган меваларининг йиғилиши, биринчи пишган меваларнинг пишиб ўтиши ва юмшашига (15-20 ва ундан ортиқ кунлар) ўта чидамлилигини ошириш нав танлаш ёки яратишга боғлиқ.

Меваларнинг ялпи пишиши ниҳолларнинг ялпи униб чиқиши, гуллаши, мева тувишига ҳам боғлиқ. Ниҳолларнинг ялпи қўкаришини уруғи паст ( $10-11^{\circ}\text{C}$ ) ҳароратда ўсадиган

навларни ва дурагайларни танлаш йўли билан амалга ошириш мумкин.

Помидор ўсимлигининг ҳосили шингиллар сони, бир шингилдаги мевалар сони, ҳар бир меванинг вазни билан аниқланади. Паст бўйли ва ўрта бўйли, детерминант типдагига нисбатан баланд бўйли, индетерминант типдаги навларнинг тутидаги ҳосил одатда юқори бўлади. Лекин бундай ўсимликлар ҳосили механизацияда теришга яроқли бўлмайди. Ҳосили механизацияда йиғиштириладиган паст бўйли навларнинг, ҳосилдорлиги ҳам паст бўлади, шунинг учун бундай ўсимликлар сони бир гектар ерда 140-160 мингтадан кам бўлмаслиги лозим.

Помидор мевалари комбайнда териилгандан кейин асосан қайта ишлашга жўнатилади. Шунинг учун ҳосили механизацияда теришга яроқли навлар ва дурагайлар танланадиганда, меваларнинг технологик сифати ва емишлик қийматини оширишга алоҳида аҳамият бериш зарур.

Маълумки, помидор мевасининг сифати ундаги шакар, кислота, витаминалар, пектин моддалари ва бошқалар миқдорига қараб аниқланади. Консерва саноати учун мевадаги қуруқ модда ва кислота миқдори бош кўрсаткич ҳисобланади. Ўсимликда пишган меваларнинг ўз вақтида йиғиштиромай ортиқча туриб қолиши, улардаги қуруқ модда ва кислота миқдорини пасайшига, айрим пайтларда мевалардаги уруғнинг унишига, демак, маҳсулот қайта ишланганда чиқиндининг ошишига олиб келади. Шунинг учун навга баҳо берилганда мевалардаги фақат қуруқ модда миқдорига эмас, балки кислота, витаминалар, бошқа қимматли бирикмалар меъёри синчковлик билан текширилиши керак. Ҳосили механизацияда теришга яроқли помидор навлари яна асосий қасаллик ва заараркунандаларга ҳам чидамли бўлиши керак.

Помидор йиғиштирадиган СКТ-2 комбайни ёрдамида турили нав намуналари баҳолангандага ПТ-3,5 тиркалма арава контейнеридан 3 марта такрорлашда ўртача 30-40кгдан намуна олиб, йиғиштиришда заарарланган мевалар сони (фоизда), мевабандли ёки шодали шунингдек, пишмаган миқдори аниқланади. Бундан ташқари 3 марта такрорлашда камидаги  $14-20\text{m}^2$  маълум ҳисобий майдончалардан тўқилган меваларнинг, (ўсимликдан ажралмаган мевалар сонини киритиб) умумий йўқотилган миқдори ҳам инобатга олинади. Бункердан олинган маҳсулот қуйидаги фракцияларга ажратилади: пишган товар мевалар, етилмаган товар (қизғиши, кўқ) мевалар, товарсиз

мевалар (кўк ва қизгиш майда, касалланган), шунингдек, маҳсулотдаги хас-чўплар аралашмалари ҳисобланади.

**Ширин қалампир.** Ҳосили механизацияда йигиштиришга мўлжалланган ширин қалампир навларига кўйиладиган асосий талаблар помидор экинига кўйиладиган талабларга анча яқин: юқори ҳосилли, меваларнинг пайдо бўлиши ва етилишининг аҳиллиги, ўсимликдан енгил узилиши (узилишга сарфланадиган куч 8-11Ньютонгача), сифатининг яхши бўлиши керак. Россия Сабзавотчилик илмий-тадқиқот институтининг асбобларидан ҳамда СКТ-2 комбайнидан фойдаланиб, нав намуналарининг мевалари ва ўсимлигининг физик-механик хусусиятларини баҳолаш методи помидор экини билан ишлаш методига ўхшаш. Бирючекут сабзавотчилик селекцион тажриба станциясида профессор В.А. Лудилов ишлаб чиқсан маҳсус шкаладан фойдаланиш ширин қалампир намуналарини танлаш ва баҳолашни енгиллаштиради (15-жадвал).

Икки марта тақрорлашда узунаси 20-30м. навсинаш майдончасида комбайн ёрдамида ўсимлик ва меваларни физика-механик хусусиятлари бўйича навларнинг ишлаб чиқариш даражасини баҳолаш тадбири ўтказилади. Ҳар бир қайтариқ маҳсулотидан 100 тагача типик мевалар намунаси олинади ва улар таҳлил қилинади.

Куйидаги тартибда тебранадиган стенда лаборатория шароитида навларни баҳолаш: минутига тебраниш частотаси 220-240, тебраниш амплитудаси 50мм, экспозицияси 15с.да ўтқазилади.

Нав намуналарнинг 25-50 ўсимлигидан ўртacha намуна олиб, намуналар ичидағи айрим навларни бирлаштириб, уларни кетма-кет стенд орқали ўтқазилади. Стенд платформасига камидан бешта ўсимлик баравар жойланади.

Йигиштирилган ҳосилдан меваларнинг морфологик белгиларини аниқлаш учун улардан 50-100 тадан ўртача намуна олинади. Меванинг мустаҳкам бирикканини баҳолаш учун ОПТ-10 асбоби ёки тебранадиган стенддан фойдаланиш мумкин. Мевабанд қанча узун бўлса, меванинг тупдан ажратишузиб олиш шунчалик енгил бўлиши кузатилган.

ОПТ-10 асбобида ўсимлик поясининг синишга мустаҳкамлиги баҳоланади. Иккинчи тартиб шоҳларининг мустаҳкамлиги камроқ бўлади. Шунинг учун улардан мевалар кўпинча мевабанд қисми билан ажралади. Ушбу белги бўйича стандарт сифатида 65-75% меваси мевабандсиз ажраладиган

**Ширин қалампирнинг навлари ва дурагайлари ҳосилини механизацияда  
Йиғиштиришга яроқлийлигини баҳолаш шкаласи**

Кўрсаткич	БАЛЛАР				
	1	2	3	4	5
Товар мевалар ҳосили, га/т ( $\Sigma$ -балл x 3)	15	20	25	30	35
Йиғиштираётгандаги техник етилган мевалар сони, %	75	80	90	-	-
Шохсиз ажралган мевалар сони, %	75	80	85	90	95
Тебранувчан стендада техник етилган меваларнинг ажралиши, %	75	80	85	90	95
Тебранувчан стендада қизил меваларнинг ажралиши, %	50	60	70	80	90
Меванинг бирикканлиги мустахкамлиги, Н: техник пишганда биологик пишганда	15 20	12 18	10 15	7 12	5 10
Мевабандсиз ажралган мевалар сони, %	20	40	60	80	100
Ен поянни сингдиришга сарфланган күч, Н	10	15	20	25	30
Мева этининг қалинлиги, мм	4	5	6	7	8
Санчиб тешишга терининг мустаҳкамлиги, Н/мм <sup>2</sup> Меванинг индекси	3 1	4 2	5 1,5-1,7	-	-
Мева шакли	Кубли	Узунчоқ	Қисқартирилган-конуссимон	-	-
Мева юзаси	Қовур-расимон	Бир оз эгри-буғри	Текис	-	-
Тупнинг шакли	Ихчам	Тарвақайлаган	Ярим тарвақайлаган	Букет-симон	-
Механизацияда йиғиштирилгандан кейин 2 хафтадан сўнг меваларнинг сақланиши, %	85	90	95	-	-
Техник етилган меванинг ранги	Оқ тўқ кўқимтир	Крем-симон	Оч кўқимтир	-	-
Техник етилган мевалардаги Р-фаол моддаларнинг йиғиндиси, мг%	30	50	100	150	200
Техник етилган мевалардаги С витамины миқдори, мг %	50	100	150	200	250
Сунъий юқтирганда ўсимликнинг сўлиш касаллигига чидамлилиги, % ( $\Sigma$ =балл x 2)	75	50	25	10	0

“Подарок Молдавы” ёки ундан 85-94% меваси мевабандсиз ажраладиган “Михалев” навидан фойдаланса бўлади.

Россиянинг сабзавотчилик институтининг динамометрик игнаси ёки штифти 0,5мм диамергли ИДП-500 асбоб ёрдамида мевани санчиб тешишга мустаҳкамлиги баҳоланади. Меванинг уч қисмидаги пўстининг мустаҳкамлиги (асоси)-тубидагига нисбатан кам. Техник етилган меваларга нисбатан физиологик пишганлари пўстининг мустаҳкамлик кўрсаткичлари анча паст. Нав намуналарини бир хиллигига қараб, ўртacha 10-20 типик навлар намунасида, ҳар бир нав меваларини баҳолаш ўтказилади: оралиги 1см гача масофада меванинг ўрта қисми 3-5 мартадан санчиб тешилади.

✓ **БОДРИНГ.** Очиқ ерда механизация ёрдамида парваришларига ва ҳосили бир марта механизацияда йиғишириб олишга яроқли бодринг навлари ва дурагайларига қўйидаги асосий талаблар қўйилади:

нисбатан юқори ҳосилли (гектаридан камида 15т);

меваларнинг қийғоз пайдо бўлиши;

ўсимлик бир гектар ерда 150 мингтагача қалинликка, энг кучли касалликларга чидамли бўлиши;

ўсимлик туни тўпли ёки қисқапалакли (бош пояни узунлиги Ім дан ортиқ бўлмайдигани), кам шохлайдиган (ён шохлари 2-4 тадан ортиқ бўлмайдиган) бўлиши;

ўсимликда меванинг жойлашиши илориз бўйнидан 10 смдан юқори бўлиши;

ҳосили йиғиширилаётган вақтда ўсимликда 2-3 та товар мева бўлиши;

мевалари ранг ва товарлик хусусиятларини 4 ва ундан ортиқ кун давомида сақлаш қобилиятига эга бўлишлари, яъни сарғайишга, уруғдонини юмшашига, уруғлик қобигини қотиб қолишга чидамлилиги; мазалик ва технологик сифати яхши бўлиши, янгилигига истеъмол қилишга, тузлашга ва консерва саноатида фойдаланишга яроқли бўлиши, ўлчами ва шакли бўйича бир хиллиги, аччиқ бўлмаслиги, эти зич бўлиши, пўсти дағал бўлмаслиги, уруғ хонаси катта бўлмагани, юзаси нисбатан текис ёки ўртacha ғадир-буғир бўлиши; механик таъсир қилишга чидамли бўлиши, йиғиширилаётганда ифлос бўлмаслик қобилиятига эга бўлиши керак.

Комбайнда ҳосилни йиғиширгунга қадар лаборатория—дала шароитида одатда меванинг физик-механик хусусиятлари ўрганилади.

ОПТ-10 асбоби ёки штифт диаметри 3мм динамометрик

игнага қаршилик кўрсатиши билан меваларнинг пўсти ва этининг мустаҳкамлиги аниқланади. Намунага 20-30 та мева олинади ва уларнинг тепа, ўрта ва пастки қисмлари санчиди тешилади. Турли навлар мевалари пўстининг санчиди тешишига мустаҳкамлиги кўрсаткичлари  $173\text{-}317 \text{ г}/\text{мм}^2$  ( $1,5\text{-}3,5 \text{ Н}/\text{мм}^2$ ) оралигига бўлади. “Парад” ва “Конкурент” навлари юқори кўрсаткичлари билан ажрагиб туради.

Энг катта диаметри бўйича 3-4 жойдан тешиб, меванинг кўндаланг кесимида этининг мустахкамлиги баҳоланади. Мева этининг мустахкамлиги кўрсаткичлари  $85\text{-}120 \text{ г}/\text{мм}^2$  ( $1,0\text{-}1,5 \text{ Н}/\text{мм}^2$ ) эзганда 4-20 н оралигига бўлади.

Зарба таъсирига меваларнинг чидамлилиги ППУ-500 асбобида аниқланади. 25 см баландликдан 400 г юк мевалар устига ташланганда дарз пайдо қиласидан зарбалар сони иnobatga олинади. Мевалар одатда 3-7 зарбадан кейин бузилади. Намуна олганда етилганлик даражаси бўйича меваларнинг бир хиллигига алоҳида ахамият берилади. Ёш мевалар кучлироқ зарарланади.

ОПТ-10 асбобида оғирлик таъсир қиласидан зарбалар шаклининг ўзгариши баҳоланади. Бунинг учун иккита текислик орасига меваларни қўйиб 30 секунд давомида 10 кг юк билан сиқилади ва 1,8-5,0% оралиғидаги шакл ўзгариши аниқланади.

ОПТ-10 асбоби ва штокли динамометрик асбоб билан меванинг мевабандга ва мевабанднинг пояга бирлашганилик мустахкамлиги аниқланади. Мевадан мевабанднинг узилишга қаршилиги бўйлама кучда  $1,75\text{-}3,93 \text{ кг}$  ( $20\text{-}40 \text{ н}$ ) ва унинг бўйлама ўқидан  $45^\circ$ га оғишганда  $1,2\text{-}2,4 \text{ кг}$  ( $15\text{-}30 \text{ н}$ ) оралигига бўлади. Мевабандни поядан узишга  $2,35\text{-}4,34 \text{ кг}$  ( $25\text{-}45 \text{ н}$ ), мевабандни мевадан узишга  $-1,87\text{-}5,26 \text{ кг}$  ( $20\text{-}50 \text{ н}$ ) куч талаб қилинади. Баъзи пайтларда айрим навларда меваларни мевабандга мустаҳкам бирикканлиги, мевабандни пояга бирикканига нисбатан анча юқори бўлиб, мевалар у билан бирга юлиниб чиқади. Консерва қилинадиган навлар учун ГОСТ бўйича йиғиштирилган мевабанди мевабанди бўлишига йўл қўйилмайди. Навлар мевабанларининг узун-қисқалиги билан бир-биридан фарқ қиласиди.

Меваларнинг сифатига баҳо беришда уларнинг шакллашиб жараёнида гуллар ўсимликда бир хил типда жойлашган ҳар бир нав намунасидан бир пайтда очилган 50-60 таълан оналик гуллар ажратиб олинади. Гуллагандан 10 кун кейин тутган мевалар таҳлил қилинади: ташқи кўриниши, меванинг

узунаси ва диаметри, түггән уруғ билан уруғ ўрнининг аҳволи ҳисобга олинади. Намуналар (мевалар 10 тадан кам бўлмаслиги керак) ҳар 2 кунда олинади.

Меваларнинг пишиб ўтганлик даражаси рангининг ўзгарганини, шаклининг индекси ва уруғ қобифининг қаттиқлаша бошланганлиги билан аниқланади. 5-10% нотовар (пишиб ўтган) мевалар миқдори билан бир марта йигиштириш муддатини аниқлаш мумкин.

Ўсимлик ёппасига гуллагач, 7-10 кундан бошлаб динамикада намуна олиш йўли билан (2-3 кун оралиқда олиб) меваларнинг пайдо бўлиши баҳоланади. Бир гектар ерда 100 минг ва 200 минг ўсимлик пайдо қилиш ҳисоби билан уруғ экиб, ўсимликнинг қалин туришга чидамлилиги аниқланади. Ўсимликда 5-10% товар кўк бодринг шакллангандан бошлаб, динамикада ҳосил миқдори ва унинг сифати аниқланади. 50-100 та ўсимликдан ҳар 2-3 кундан кейин намуналар олинади. Фракциялар ва товарлиги бўйича кўк бодринг ҳосили ҳамда бир ўсимликдаги меваларнинг ўртача сони ҳисобга олинади. 16-жадвалда келтирилган шкаладан фойдаланиб, бодрингни нав намуналари ҳосилининг механизацияда йигиштиришга яроқлилигини тахминан баҳолаш ва танлаш мумкин.

Навлар ва селекцион намуналар бўйича меваларнинг механизацияда теришга яроқлилигини комплекс баҳолаш учун Россия сабзавот экинлари селекция ва уруғчилик илмий тадқиқот институти “Агроприбор” илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Симферопол филиали билан биргаликда дала шароитида меваларни механизацияда йигиштириш асосий жараёни имитация қилувчи кичик габаритли КОД-1,4 бодринг йигиштирадиган комбайн яратилди. Комбайн ишининг технологик жараёни ўсимликни ер устки қисмини кесиш ва йигиштириб олиш, ўсимлик массасидан меваларни ажратиш, ўсимлик массасини ташлаб, ва меваларни идишга йигиш ишларини ўз ичига олади. Бодринг йигиштирадиган КОП-1,5 комбайни бажарадиган ишларни (жараёнларни) КОД-1,4 комбайни ҳам айнан шундай бажаради.

Комбайн билан нав намуналарига баҳо бериш давлат нав синаш методикасига мос келадиган тажриба даласидаги майдончаларда ўтказилади. Бодрингни комбайнда йигиштириб олиш тажрибасини ўтказиш учун танланган  $28\text{m}^2$  ҳисобий майдончанинг узунаси 20м, эни 1,4м бўлгани маъқул.

**Бодринг навлари ҳосиллининг механизацияядага бир марта йигиштириб  
олишга яроқлилигини баҳолаш шкаласи**

Кўрсаткич	Баллар					Белгининг аҳамиятили коэффициенти
	1	2	3	4	5	
Меваларнинг зарба таъсирига чидамлилиги, кг/м <sup>2</sup>	<0,30	0,31-0,40	0,41-0,50	0,51-0,60	>0,60	1
Меванинг санчиб тешишига мустаҳкамлиги (штифт диаметри 3мм, ОПТ-10 асоби), г/мм <sup>2</sup>	<200	201-230	231-260	261-290	>290	2
Мевани тешиши индекси (ИДП-500 асоби)	2,0-2,5	1,7-1,9	1,4-1,6	1,1-1,3	0,5-1,0	2
Мевага мевабанднинг биринчлик мустаҳкамлиги, кг	>3,20	2,71-3,19	2,21-1,70	1,71-2,20	1,50-1,70	1
Ҳосилни йигиштириш даврида бош поянинг узунаси, см	>140	121-140	101-120	81-100	80-60	2
Бир марта йигиштирганда товар мевалар ҳосили, га/т	<5	5,1-10	10,1-15	15,1-20	>20	3
Умумий ҳосилдаги товар мевалар, %	<65	66-75	76-85	86-95	>95	1
Умумий ҳосилда меваларнинг касалликлардан зарарланганлиги, %	6-8	4-6	2-4	0,1-2,0	0	2
Меваларнинг умумий дегустацион баҳоси (яңгилари, консерва қилингани, тузлангани), мазаси	жуда ёмон	ёмон	қони-қарли	яхши	аъло	

50+90 см схемада икки қаторли лентасимон экиш усули комбайн ишлаши учун энг қулай ҳисобланади. Даланинг бутун майдони бўйича комбайннинг ўтишини таъминлаш мақсадида нав намуналари майдончаларда тезпишарлигига қараб гуруҳланади. Ҳар бир нав намунаси 6 марта қайтариқда экилади. Тўрт қайтариқдан меваларни бевосита комбайнда йиғиштириш учун, бешинчи ва олтинчи қайтариқлардан йиғиштириш муддатини аниқлаш ва қўлда териш йўли билан нав намуналарини таҳдил қилиш учун фойдаланилади.

Ўсимликда товар мевалар иложи борича кўп етилганда ҳосил комбайнда йиғиштирилади. Лекин ГОСТда (Давлат ягона нусхаси) кўзда тутилган таҳдил қилинадиган намунада ўлчамидан ортиқ бўлган мевалар 10% дан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Комбайнда ва қўл билан меваларни охирги териш кунлари оралигидаги ҳарорат  $50\text{-}70^{\circ}\text{C}$ , гуллай бошлагандан кейин ҳавонинг самарали ҳарорат йиғиндиси  $180\text{-}210^{\circ}\text{C}$  ( $10^{\circ}\text{C}$  юқори) бўлганда ҳосилни бир марта йиғиштириш муддати таъминланади.

Бевосита комбайн билан йиғишдан олдин ҳимоя қаторидаги ҳосил терилиб, ҳисобий майдонча белгиланади. Тракторнинг ўтишини таъминлаш учун кенг (90см) қатор ораларидағи палаклар тўғрилаб суриб қўйилади. Бундан ташқари, ҳосилни теришдан олдин майдон, ўсимлик ва бодринг экини қуидаги шакл ва 17-жадвал асосида тавсифланади.

Экспериментал маълумотларни тўлдириш мисолининг шакли қуидагича:

Баҳолаш жойи-

Тупроқ тури ва механик таркибининг номи-

Рельефи-

Микрорельефи-

0-10см қатлам тупроғининг нами, мутлоқ қуруқ тупроққа нисбатан, % -

0-10см қатлам тупроғининг қаттиқлиги, МПа-

Далани ифлосланганлиги,  $\text{m}^2$ даги ўтлар сони-

Ўтларнинг баландлиги, см -

Қўпини ташкил қиласиган ўтлар тури-

Ўтмишдош экин -

Ҳар бир гуруҳдаги мевалар сонини тегишли ўтказиш коэффициентига кўпайтириб ва натижаларини қўшиб-жамлаб, 100та мевага (0 дан 300 тагача) баллда заарланганлик даражаси аниқланади, кейин битта мевага қайта ҳисобланади. Масалан, 100та мевадан заарланмагани 50 та ( $50 \times 0 = 0$ ), кучсиз

зараарлангани 10 та ( $10 \times 1,5 = 15$ ), ўрта заараарлангани 40 та ( $40 \times 2 = 80$ ). Бу ҳолда 100та меванинг заараарланганлак даражаси 95 бални, битта меваники-0,95бални ташкил қиласди. Шу схемада меваларнинг ифлосланганлиги аниқланади, бироқ тилинган ва ишқаланганларининг ҳаммасини эмас, фақат ифлослангани ҳисобга олинади.

17-жадвал

**КОД-1,4 комбайни билан нав намуналарини баҳолашда  
бодринг ўсимликни тавсифи**

Кўрсаткич	Нав, дурагай			
	"Пар-рад"	"Кон-курент"	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>
Экиш схемаси, см	50+90			
Меванинг етилганлиги	техник			
Ўсимликнинг туриш қалинлиги, йа минг	125	150	150	125
Қатордаги ўсимликлар орасидаги масоға, см	11,5	9,5	9,5	11,5
Ўсимликнинг ҳом вазни: г	255	230	360	275
га/т	31,9	34,5	54,0	34,4
Поянинг узулиги, см	96	89	121	92
Новдалар сони	3,1	2,0	2,6	2,7
Новдалар узунасининг йигиндиси, см	47	38	60	39
Барглар сони	26,3	23,0	31,5	30,0
Баргпоя оғирлигига меваларни нисбати	1,7	0,9	1,8	1,2
Хосил структураси товар маҳсулот:	85	75	70	84
Умумий ҳосилга нисбатан, %	massa, га/т	15,6	28,0	20,6
Стандарт мевалар:товар маҳсулотга нисбатан, %	87	73	70	80
massa, га/т	13,6	20,3	14,5	19,5
Стандарт бўлмаган мевалар:				
Товар маҳсулотга нисбатан, %	13	27	30	20
massa,га/т	2,0	7,7	6,1	4,8
Стандарт меванинг оғирлиги, г.	70	70	80	83

Украина сабзвотчилик ва полизчилик илмий—тадқиқот институтнда бодринг меваларини механик заарланишга ва комбайнда йигиштирганда ифлосланишга чидамлилигини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган. Ушбу методикага биноан ҳар бир нав намунасидан 100 та мева таҳлил учун ажратилади, 2-3 соат давомида дастлаб ивитилади, кейин ювилади. 18-жадвалда келтирилган шкала бўйича заарлганлиги баҳоланади.

**Механизацияда йигиштиргандан кейин бодринг меваларини баҳолаш шкаласи**

Заарлан-ганик	5-20 мм узунасида тилинганик сони		25-400 мм <sup>2</sup> майдонни ишқалантнлар сони	Күчириш(ұтқазыш) коэффициенти, баллда
	Пұстига бир оз зарар етган	Этига зарар етган		
Жуда күсисиз	1-3	-	1	1
Күсисиз	4-6	-	2	1,5
Үрта	7-9	1	3	2
Күчли	10-15	2-6	4	2,5
Жуда күчли	15 дан юқори	6 дан юқори	4 дан юқори	3

**Изоҳ:** зарар етмаган мевалар учун күчириш коэффициенти 0.

19-жадвалдаги шкалала мувофиқ ҳар бир майдончадан комбайнда йиғиширилган ҳосил сараланади ва ҳисобланади.

**Бодрингнинг турли нав ва дурагайлари КОД-1,4 комбайнида йиғиширилганда иш сифати тартиботи ва күрсаткичлари.**

Күрсаткич	Параид	Конкурент	F <sub>1</sub>	F <sub>2</sub>
Меваларни йиғишириш түлиқлиги, %	87	90	89	84
Меваларнинг йүқолиши, умумий, %	13	10	11	16
шундан: қайтариладигани	12	9	10	14
қайтмайдигани	1	1	1	2
махсулот таркиби, %	100	100	100	100
шундан: мевалар	89,6	87,0	73,0	89,6
тупроқ	6,5	10,0	21,0	5,0
Үсимлик аралашмаси	3,9	3,0	6,0	5,4
Шикастланмаган мевалар сони, жами, %	81,7	79,0	66,0	80,7
massаси, га/т	14,8	10,9	8,0	15,0
шундан: товарлиси, %	87,5	100	76,0	79,5
massаси, га/т	13,6	10,9	6,1	12,6
шундан: стандартлиси, %	68	77	52	61
massаси, га/т	8,0	8,4	3,2	7,5
стандарт бўлмаган, %	32	23	48	39
massаси, га/т	5,6	2,5	2,9	5,1
Шикастланган мевалар, %	7,9	8,0	7,0	8,9

**ПИЕЗ.** Бу экин навларига қуйидаги талаблар қўйилади: пиёз бошининг ялпи пишиши (йиғишириш вақтида пиёз 85-90% пишган бўлиши керак); пиёз бошининг шакли думалоқ, индекси

0,9-1,1; ўсимликнинг барги кам (5-б барг), пишаётганда бўйни ингичка: қуруқ пўсти пишиқ (қалинлиги 0,8мм гача), пиёз бошига зич ёпишган; пиёз боши зарба ва бошқа механик таъсирга чидамли; уяда 1-2 пиёз бўлиши; кўп ийллик нав намуналарида – ўлчами ва шакли бўйича уядаги пиёз – бир текис бўлиши керак.

Ўсимликнинг бир хил бўлиши ва пиёз бошининг ялғи пишиши кўпинча уруғни унувчанлик қобилияти бўйича аниқланади. Даладаги унувчанлиги ва ўсиб чиқиш қуввати юқори бўлган уруғ яроқли ҳисобланади. Бевосита уруғидан етиширилган нав намуналарининг ўсимта ва ниҳоллари шўрга чидамлилиги билан ажралиб туриши ва юқори осматик кўрсаткичларга эга бўлиши, бошқа экстремал шароитга чидамли бўлиши, баҳор қуруқ келганда ҳам ёппасига униб чиқиш имкониятини туғдиради.

Уруғлик ўсимликлар баландлиги ва уяда ёппасига шаклланиши бўйича гулдор поялари бир хил, шамол ва касалликка чидамлилиги юқори бўлиши керак. Нав хусусияти ва маҳаллий жойнинг шароитига қараб гулдор поянинг баландлиги 60 дан 100 см гача бўлади. Шу билан гуллаш ва уруғнинг ёппасига пишиши таъминланади.

Механик таъсир этишга пиёзни чидамлилигини тебранадиган деворда (вибростендда) баҳоланади. Бир нечта намуналарни синашга имкон бўлиши учун унинг бункерига тўсиқлар қилиниб бир нечта секцияларга ажратилади. Намуна учун типик бўлган 50-100 та товар пиёз ўртacha нусхани ташкил қилиши керак. Бир секция ичига стандарт сифатида қабул қилинган нусха солинади. Деворнинг минутига тебраниш сони 220. Тажриба йўли билан экспозициянинг узунлиги аниқланади. Олинган миқдордаги пиёзнинг 10-15 фоизи пўстилининг қанча муддатда (вақтда) заарланиши аниқланади.

Ёғоч ёки металл майдончага 70 см баландликдан 50-100 пиёзни ташлаш йўли билан намунани баҳолаш мумкин. Бундай иш ҳар бир намунада 3-5 марта ўтказилади. Кейин пиёз сақлашга кўйилади. Сақлаш муддати тугагандан кейин заарланганлик сабабли чиққан чиқинди ҳисобга олинади. Агар асрашга кўйилган пиёзни 80% сақланиб қолса, намуна яхши деб ҳисобланади.

ИПД-500 асбобида пиёзни қуруқ пўстининг мустаҳкамлиги санчиб тешиш йўли билан баҳоланади. Ўхшаш навлардан 10 тадан типик товар пиёз намунаси олинниб, ўхшамайдиганлари ичига 50 тагача пиёз намунаси киради. Ҳар бир пиёзни энг катта диаметри бўйича асбоб билан беш жойидан санчиб

жойидан санчиб тешиш ўтказилади. Мустаҳкамлигининг кўрсаткичи бўлиб ўртacha қуч хизмат қиласди. Пиёзни 3-5 нуқтасидан олинган қуруқ пўстининг қалинлиги ҳисобга олинади. 10 та пиёзнинг ўртacha кўрсаткичи олинади.

Нав намуналари ҳосилининг механизацияда йигиштиришга яроқлилигини баҳолашда маҳсус шкаладан фойдаланилади (20 жадвал).

20-жадвал

**Пиёз нав намуналари ҳосилининг механизацияда йигиштиришга яроқлилигини баҳолаш шкаласи.**

Кўрсаткич	Баллар				
	1	2	3	4	5
Товарлилиги, %	70	75	80	90	95
Ёппасига пишиши, %	60	70	80	85	95
Пиёз шакли индекси	0,7-1,3	0,75-1,25	0,8-1,2	0,9-1,1	1,0
Пиёздаги барглар сони	10	8	7	6	5
Бўйини қалинлиги (пиёз устидан 1,5 см баландликдаги), мм	10	8	6	5	4
Уядаги пиёзлар сони	3	2	1,5	1,2	1
Бекитадиган қуруқ пўстини қалинлиги, мм	0,1	0,3	0,4	0,6	0,8
Тебранадиган девор кўрсаткичи бўйича қуруқ пўстининг бирикканлигининг мустаҳкамлиги, зарарланмаган пиёз, %	10-20 (жуда кучсиз)	21-40 (кучсиз)	41-60 (ўрта)	61-80 (мустахкам)	81-100 (жуда мустахкам)
ИДП-500 асбоби кўрсаткичлари бўйича санчиб тешишга қуруқ тангачанинг мустаҳкамлиги, г/мм <sup>2</sup>	<10	10-25	26-50	51-75	>75
Пиёзни зарба таъсирига чидамлилиги, зарарланмаган пиёз, %	жуда кучсиз	кучсиз	ўртacha	кучли	жуда кучли
Тебранадиган деворда синалганда 70 см баландликдан туширилганда	10-20 <10	21-40 10-25	41-60 26-50	61-80 51-75	81-100 >75
Рефрактометр бўйича пиёздаги эрувчан қуруқ модданинг миқдори, %					
Аччиқ навлар	12	13	14	16	18
Ярим аччиқ навлар	10	11	12	13	14
Ширин навлар	6	7	8	9	10
Механизацияда йигиштирилгандан кейин пиёзнинг сақланиши, қишики сақлашдан кейин сақланиб қолган пиёз, %					
Аччиқ навлар	70	75	80	85	90
Ярим аччиқ навлар	60	65	70	75	80
Ширин навлар	50	55	60	65	70

**САБЗИ.** Узунаси 12-15 см илдизмевалар, цилиндр ёки конусли йўғонлашган шаклга эга бўлган, юзаси текис ясмиқчалари чуқур бўлмаган, тупроқ билан кам боғланган, шохланишга, ёрилишга ва зарба таъсирига чидамли навлар ҳосили механизацияда йиғиштиришга яроқлидир. Тупроқ юзига нисбатан илдизмевалар бошининг жойлашганлиги бир текис бўлгани маъқул (ер юзаси билан баравар ёки унга 0,2-0,5 см кирган). Туббарги ётиб қолишга чидамли, ўртача баландликда (30-45 см), илдизмева бошчага маҳкам ёпишган (узб олиш кучи қамида 6 кг) бўлиши керак. Машинада йиғиштирилгандан кейин илдизмеваларнинг юқори даражада сақланганлиги муҳим аҳамиятга эга.

Лаборатория усули билан навлар ҳосилини механизацияда йиғиштиришга яроқлилигини баҳолашда уруғ  $300\text{m}^2$ дан кам бўлмаган майдонга экиласди. Динамометр ёрдамида ўсимликнинг тупроқ билан боғланганлиги (сугуриш кучи) мустаҳкамлиги аниқланади. Майдоннинг 10 жойидан 100 та қазилмаган ўсимлик баҳолаш учун ҳар бир нав намуналари доирасида олинади. Тупроқнинг намлиги ва зичлиги баравар аниқланади. Дастакли динамометрдан фойдаланиб, илдизмеванинг палак билан боғлиқлигининг мустаҳкамлиги тадқиқот қилинади. Илдизмева бошчасидан 5 см масофада палак қисқичга маҳкамланади (палакнинг қисиладиган узунаси-10 см). Барглар боғлами асосининг диаметри, боғламдаги барглар сони, илдизмева катталиги (диаметри) ўлчанади.

Зарба таъсирига илдизмеваларнинг чидамлилигини аниқлашда нав учун типик бўлган 100 та товар илдизмева олинади. Уларнинг дастлабки вазни ҳисобга олинади, кейин илдизмеваларни транспортердан баландлиги 1 м дан оралиги 30 мм бир бирига параллел бириктирилган металли юзага ёки диаметри 8 мм ли металли хивичга ташланади ва сўнг сақ-лашга қўйилади. 10 кун сақлангандан кейин намуна тортилади. Дастлабкига солиштирилиб кейингисининг фарқи бўйича йўқотилган оғирлик ҳисобга олинади. Бундан ташқари, илдизмевалар фракциялар бўйича сараланади ва улар заарланганлик характеристи ва даражаси бўйича таҳлил қилинади.

Нав намуналари илдизмеваларининг зарба таъсирига чидамлилигини лабораторияда таҳлил қилиш учун 10-20 дона илдизмевадан ўртача намуна олинади. Ҳар бир илдизмеванинг бошчасидаги сегменти кесиб олинади ва ППУ-500 асбоби билан 200 г юкли зарба таъсир қилдирилади. Илдизмевалар тўқимасини бузган зарбалар сони аниқланади.

Тупроқ юзасига нисбатан илдизмевалар бошчасининг нотекис жойлашганлиги, айниқса, ер бетидан навлар популяциялар ўсимлиги бошчасининг кескин чиқиб туриши палагини кесиши қийинлаштиради ва заарланган илдизмевалар сонини оширади. Ушбу белгисини баҳолаш учун тупроқка чуқур жойлашган бошчани, тупроқ юзасига тенг бўлган ва тупроқ юзасидан баланд жойлашган бошчалар ҳисобланади. Кўрсатилган белгиси бўйича навлар популяциясининг ўхшашлик даражасини, ушбу груп ўсимликлар нисбатини фоизда кўрсатилади.

Комбайн ёрдамида нав намуналарини баҳолаш учун бир гектар ерга 1-1,2 млн ўсимлик ҳисобий қалинликда 100 м гача майдон узунасида бир ёки икки қаторли қилиб экиласди. Ҳосил суғургич турдаги комбайнда йифишириллади. Йифиширишдан олдин ўсимликнинг баландлиги, баргларнинг қаторга нисбатан жойлашганлиги, навнинг маҳсулдорлиги ва эртапишарлик даражасини тавсифлайдиган умумий вазнига нисбатан палагининг вазни аниқланади.

Комбайнда йифиширилган ўсимлик тўдасидан ўртacha ҳажмдаги 100 донаси ажратиб олинади. Унда етилмаган илдизмевалар сони, товар илдизмевалар сони, шохланган, қасалликлар билан заарланганлари ҳисоблаб чиқиласди, товар илдизмеванинг ўртacha вазни аниқланади. Товар илдизмевалар фракциясидан заарланганлар сони ҳисобланади ва заарланган хиллари аниқланади (ёрилгани, сингани, ишқалангани ва бошқалар).

**ОҚ БОШЛИ КАРАМ.** Ҳосили механизацияда теришга яроқли карам ўсимлиги, морфологик белгилари ва пишиш муддатлари бўйича бир текис, кам ёки ўртacha баргли, 70 см дан ортиқ бўлмаган диаметрли, карам боши шакли ва ўлчами бўйича деярлик бир хил бўлиши керак: юмалоқ ёки юмалоқ-ясси (индекси 0,7-0,8 дан кам бўлмаган), кўндаланг диаметри 25 см дан кам бўлмаган ва вазни 3 кг гача, ташқи танасининг баландлиги 14-16 см дан кўп бўлмаган, ўсимликни тик ҳолатда мустаҳкам ушлаб турган, ёрилиш ва зарба таъсирига юқори чидамли бўлиши керак. Карам атрофида тик жойлашган барглар, карам боши йифиширилаётганда учрайдиган механик таъсири юмшатади. Карам бошини аҳил шаклланиши-энг қимматли белгисидир. Ҳосилни йифишириш вақтида эртапишар навларда камида 80%, ўртаги ва кеч пишарларида камида 90-95% товар карам боши бўлиши керак. Механизацияда йифиширишга яроқли навларни дала шароитида синашга

мүлжалланган участкалар бегона ўтлардан тоза, текис, қиялиги 5<sup>0</sup> дан ортиқ бўлмаган ва ер шароитига қараб узунаси 150-200м дан кам бўлмаслиги керак.

Карамнинг нав намуналарини механизацияда теришга яроқлилигини комбайн ёрдамида баҳолаш жуда қийинлигини ҳисобга олиб, уни дастлаб лаборатория-дала шароитида ИПАНИОХ, ИДП-500, НИИОХ тебранувчан стенди «Барабан» ва бошқа асбобларда ўтказган маъқул. Ушбу асбоблар ёрдамида карамнинг механик таъсирга чидамлилиги, ёрилиши, ўраб турган баргларнинг санчиб тешишга чидамлилиги ва бошқалар аниқланади. Тадқиқотлар комбайнда йигиштирилганда кўрсатилган асбоблар билан аниқланган, карам бошининг зарарланганлик даражаси уларнинг физик-механик хусусиятлари кўрсаткичлари билан мутаносиб эканлигини кўрсатади.

Механизацияда йигиштиришга карам нав намуналарини яроқлилигини баҳолашда ўсимликни йигиштиришдан один кузатув ўтказиш керак. У куйидаги тахминий ҳисоблашлар рўйхати ва кузатувларни ўз ичига олади:

*карам бошлари эгилиб жойлашган ўсимликлар сонини (%) аниқлаш;*

*100 ва ундан ортиқ ўсимликни танлаб олиб, 3 қайтариқдаги нав намунада ҳисоблаш ўтказилади;*

*ташқи ўзакнинг узунасини аниқлаши учун: 3 қайтариқдан 100 ва ундан ортиқ ўсимлик намунаси олинади, намунадаги ҳар бир ўсимлик бўйича ҳисоблаш ўтказилинади, ушбу белгиси бўйича намунанинг бир хиллик даражасини характерлайдиган ўртача арифметик ва вариацион коэффициенти ҳисобланади, бараварига қийшайган, узунчоқ-конуссимон (одатда тик туришга кам мослашган) ва цилиндросимон (одатда анча чидамли) карамлар (%) сони ва ўзак шакллари ҳисобга олинади;*

*ўсимлик тўйбаргидаги барглар сони, барглар вазни, карам бошини ва ўсимликни барча вазнини карам вазнини нисбатига фоизда ҳисобланади; комбайнда йигиштиришга ҳосилдаги тўйбарг баргларини солиштирма оғирлигини озлиги ва сонини кам бўлиши комбайнда йигиштиришга мойиллик қилиши аниқланади;*

*карам бошининг қанчалик (ялти) пишганлигини (шаклланшини) аниқлаш (умумий ўсимликка нисбатан шаклланган карамлар сони, %);*

*карамнинг зичлигини аниқлаш: карам қанчалик зич бўлса, йигиштираётганда шунчалик кам зарарланади. Зич карамларда бу кўрсаткич бирга яқин.*

Комбайнда йиғиширилган карам навларини комбайнни түплагицидан олинган ўртача намунани таҳлил қилиш йўли билан баҳолашда (3 марта тақрорлашда 100 тадан ўсимлик) асосан қўйидаги белгилар ҳисобга олинади:

карамнинг зааррланганлик даражаси (%): учтагача беркитадиган барглар, учтадан ортиқ беркитадиган барглар, карамни бузилиши;

ўзагининг узунаси: ташқи ўзаги йўқ-0 дан 3 см гача карамга тегиб туради (нормал кесилади), 3 дан 5 см гача (5% га яқин карамга йўл қўйилади), 5 см дан юқори (йўл қўйилмайди);

йиғиширилган карамни баргдорлиги: битта барг (бунга йўл қўйилмайди, чунки карам ифлосланади), 2-3 барг (меъёрий сон), 3-4 барг (йўл қўйилади), бешта ва ундан кўп барглар (бўлмаслиги керак);

ташқи ўзак кесимининг характеристи: бурчаги 20<sup>0</sup> қияликдан юқори кесилиши эгри ҳисобланади-бундай бўлмаслиги лозим, 20<sup>0</sup> дан кам кесилиши меъёрий ҳисобланади.

Комбайн бункеридан ва маълум ҳисобий майдончадан (одатда 14-20м<sup>2</sup>) олинган намуналардан карамни товар ва то-вар бўлмаган сони ҳисобланади. Бундан ташқари маҳсулот қўйидаги фракцияларга ажратилиди: товар, етилмаган, ўсан, ёрилган (дала шароитида), касалланган, бўш ва бошқа карамлар. Маҳсулотда (бункердаги) товарсиз карам боши 5% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

### Қовоқдош сабзавот ва полиз экинлар

Ушбу экинлар навларини механизацияда йиғиширишга яроқлилигини аниқловчи асосий белгилари қўйидагилар: ўлчами ўртача, мевасининг шакли думалоқ, зарба таъсирига чидамлилиги, ялпи пишиши, мева этининг пишиб ўтиб кетишга чидамлилиги, ташишга яроқлилигининг юқорилиги ҳисобланади.

Меваси палаги асосига яқин жойлашган ва ўсимлик шакли қалтапалак тупли навлар ҳосили механизацияда йиғиширишга энг мақбул ҳисобланади. Қовун, қовоқ ва қовоқчалар шундай экинлардир. Қовоқчада ўсимлик тупли шаклида бўлишидан ташқари оналик гуллари ортиқ бўлса ҳосили юқори бўлиб қийғос етилади. Мавжуд механизация воситаларидан фойдаланиб, нав намуналари ҳосилини механизацияда йиғиширишга яроқлилигини баҳолашда асосан қўйидаги кўрсаткичлар инобатга олиниши зарур:

меваларни йиғиштиришда ёрилганик ва зааралланганлик даражаси (фоизда);

меваларни палакдан (ўсимлиқдан) ажралиши: этини зарарланганлиги, палакнинг узилиб чиқсан қисмини, мевабанд борлигини инобатга олиб, ажралган мевалар фоизи ҳисобланади;

меваларнинг ўлчами ва шакли бўйича бир текислиги;

товар ва товар бўлмаган мевалар сони ва нисбати ҳисобга олинади.

Кўрсатилган белгиларни ҳисоблаш учун 3 марта тақоррлашда 50-100 та дан мева олинниб, ўртача намуна таҳлил қилинади.

Картошкачиликда дала тажрибаси ўтказиш техникиаси ҳам сабзавотчиликниги ўхшаш бўлиб, тажриба схемасини тузиш, тажриба майдончаси юзаси, майдонча шакли ва бошқалар ушбу китобни олдинги бобларида баён қилинган. Лекин картошка билан тажриба ўтказишда унинг ўзига хос хусусиятлари бор. Улар қўйидагилардан иборат.

**Ўсимликларни парваришилаш.** Барча тажриба майдонида ўсимликни парваришилаш ишлари қисқа муддатда ва баравар (боронолаш, культивация қилиш, тупроқ уйиш ва бошқалар) бажарилиши керак. Далада ўсаётган тажриба экинлари бегона ўтлардан ҳолис тоза ҳолатда бўлиши керак. Ўтлар, касалликлар ва зарапкунандаларга қарши қурашиб учун кимёвий воситаларни қўллашга йўл қўйилади. Лекин улар тупроқнинг озиқа тартиботига ва тажриба ўсимликларининг ривожланишига таъсир қиласлиги лозим. Дала тажрибаларини ўтказишда бир кун давомида ҳамма варианларнинг ҳар бир ишини бажариш, албатта, асосий қоида бўлиши керак. Иложи бўлмаган ҳолларда тажрибани ҳар такрорида ишларни бир кунда ўтказишга йўл қўйилади.

Бундан ташқари, барча технологик жараёнлар, ушбу тажрибада ўрганиш предмети бўлмаса, бир хил бўлиши керак.

**Фенологик кузатувлар.** Фенологик кузатувлар ўсимликни ривожланишининг айрим босқичларини бошланиш вақтини белгилаш имкониятини туғдиради. Бунда қўйидаги босқичлар белгиланади: майсаларнинг пайдо бўлиши (25%); 75% майсаларнинг тўлиқ пайдо бўлиши; майдончадаги умумий тупсонидан 25%нинг фунчаласи; 75%-тўлиқ фунчаласи; майдончадаги умумий тупсонидан 25%нинг гуллаши ва тўлиқ гуллаши бунда ўсимликнинг 75% гуллайди. Палагининг қурий бошлаши ва тўлиқ қуриши ҳам шунга ўхшаш тарзда ҳисобга олинади.

**Метеорологик кузатувлар.** Дала тажрибалари натижаларига тўғри баҳо бериш мақсадида метеорологик шароит ҳисобга олинади. Масалан, туганакларнинг нормал униб чиқиши учун тупроқдаги минимал ҳарорат  $7^{\circ}\text{C}$ га яқин бўлиши, гуллаш ва туганаклар пайдо бўлаётган босқичда ту-

проқдаги мақбул ҳарорат  $18^{\circ}\text{C}$  ва ҳавоники  $-20\text{-}22^{\circ}\text{C}$  бўлиши керак.

Картошкани тупроқ намлигига муносабатининг критик даври гуллаш босқичига тўғри келади. Бу вақтда палакнинг, илдиз тизимининг шаклланиши тугаётган бўлиб, ётиқ новда (столон) ва туганаклар пайдо бўлади-булар янги ҳосилнинг асосидир.

Картошканинг ривожи қўйидаги тўртта босқичлараро даврга ажратиласди: 1) экиш- майсалаш; 2) майсалар-ғунчалашнинг бошланиши; 3) ғунчалаш- гуллаш; 4) гуллаш палагининг қуриши ёки ҳосилни йиғишиши.

Метеорологик кузатувлар ҳар куни махаллий қуёш вақти билан уч марта ўтказиласди: соат 7, 13, ва 21 да.

Ҳаво ҳарорати ҳисоби кечакундуздаги нормал, минимал ва максимал ҳолати бўйича олинади. Тупроқ юзасидаги ҳароратни нормал ва минимал термометр билан, тупроқ термометри билан эса, 10, 20, 30 ва 40 см чуқурликдаги ҳарорат ўлчанади.

Ҳавонинг нисбий намлиги буткадаги ҳўлланган ва қуруқ термометр билан аниқланади.

Махсус тажрибаларда ўсимлик баландлиги даражасида ер олди қатлами ҳавосининг намлиги ва ҳарорати ҳисобга олинади. Бунда термометр тўғри тушадиган қуёш нуридан ҳимоя қилинган бўлиши керак.

Об-ҳаво шароити таҳлилини эртаги ва кечки, эртаги ва ўрта пишар навларнинг, баҳорда ва ёзда экилганларини, алоҳида ўсимликнинг ўсиш босқичлари билан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

**Экин ҳолатини кузатиши.** Дала тажрибаларида поянинг туриш ҳолатини, айниқса экинлар зарарланганда (дўл уриши, совуқ тушиши, кучли ёғингарчилик, парвариш пайтида машинанинг зарар ётқазиши ва бошқалар) доимо кузатиб туриш, муҳим аҳамиятга эгадир. Бу кузатишлар майдончанинг яроқли ёки яроқсиз қисмларини аниқлашда, белгилашда ёрдам беради.

Ҳаво қуруқ бўлган пайтларда кундузи баргларнинг сўлиши ва кечаси уларнинг кўтарилиши, пастки табақалардаги баргларнинг сарғайиши, кўк ҳолатдаги баргларнинг қуриши, ғунча ва гулларнинг тўкилиши қайд қилиб борилади. Бунинг учун тажрибанинг ҳар бир варианти бўйича 100тадан туп олинади ва ушбу ҳодисалар фойзда қайд қилинади.

**Ўсимликнинг озиқланиш жараёни ва шароитини кузатиш.** Ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнида у ёки бу озиқа элементининг етишмаслигини вақтида сезиш (билиш) мұхим аҳамиятта эга. Айрим пайтларда ўсимлика оч қолиш белгилари картошканинг барг ва пояларида кескин билинади. Азот, фосфор, калий ва магнийнинг етишмаслиги пастки поғонадаги қари баргларда күпроқ билинади, кальций ва миснинг етишмаслиги эса асосан юқори поғонадаги ёш баргларда сезилади. Күмлоқ тупроқларда ўсимлик кальций тузини етарли миқдорда олмаслиги сабабли юқори баргларининг қызариши кузатилади.

Темир ва алюминийнинг бир яримли окиси ўсимликка киргanza туганакларнинг этида занг доғлар пайдо бўлади.

Ўсимликка азот оширилган миқдори берилса, фосфор ва калий етишмаса туганак ичидаги бўшлиқ пайдо бўлади.

Ўсимлик азот билан етарлича озиқлантирилмаса баргларининг ранги оч яшил тусга киради. Барг бўлакларини кенг ривожланганлиги ва тўқ-кўкимтиридан бўлиши ўсимликнинг азот билан етарли миқдорда таъминланганини кўрсатади.

**Морфологик тавсифлаш.** Тажрибада картошка ўсимлигининг характерли ботаник белгиларини: туп, поя, туганак, барглар томири, гулининг ранги ва бошқа хусусиятларини қайд қилиб бориш керак. Ушбу белгиларнинг кўпчилиги жуда характерли бўлиб, кўпинча навни аниқлашда хизмат қиласди. Гуллаш даврида морфологик тавсифлашни ўтказиш керак.

Сербарглик даражаси бўйича картошка тури кучли, кучсиз ва ўртача баргли; поясининг ҳолати бўйича-тиқ турадиган ва ёйиқ бўлиши мумкин.

Поя баланд, ўрта, паст, йўғон, ўрта ва ингичка; диаметри бўйича-думалоқ, кўп қиррали, уч қиррали бўлиши мумкин.

Поя қирраларида қанотларининг ривожланганлик даражаси кучсиз, ўртача ва кучли бўлади. Поя ранги бўйича одатда оч-кўкимтиридан турли даражада пигментлидир. Пояни ажратиб турадиган белгиларига ёнбаргча шакли ҳам киради. У баргсимон, оралиқда ва ўроқсимон бўлиши мумкин.

Картошка барги бир биридан ажralиб турадиган белгиларга эга. Бўлаклар ва бўлакчалар сонига қараб баргларини четининг кучли кесилганлиги ўртача ёки кучсизлиги аниқланади. Баргининг ранги оч-яшил, кўк, тўқ-яшил ёки қўнғир-яшил бўлади.

Барг бўлаклари шакли бўйича думалоқ, кенг овал ёки чўзиқ овалсимон бўлиши мумкин. Барг бўлакларининг учи шакли бўйича кенг ва тор, асосини шакли бўйича-юраксимон, ханжарсимон ва оралиқ шаклда, бўлагининг учи калта ёки узун, эгилмайдиган ёки чўзилган бўлади.

Бўлакларининг томирланиши чукур, ўрта, майда ва кучсиз бўлади.

Баргининг юзаси-нурсиз, ялтироқ. Тукланиши-кучли, ўрта, кучсиз.

Гул бешта гулкосачабаргли гулкосачадан, бешта туташган гултожбарглар гултожидан ва тўдага йифилган бешта икки хонали чангдондан, устунчали икки уяли туганакдан иборат.

Картошканинг гули аввалимбор гултожилари: оқ, қизил-бинафша, кўк-бинафша ва кўк ранги билан фарқланади. Ранг ҳар доим бир хил тақсимланмайди. Бўялган гултож оқ доғли, нурлар билан ва ўткир учли бўлиши мумкин. Миқдори бўйича гули йирик, ўрта ва майда бўлиши мумкин.

Гулнинг гулкосачаси-узун ва қисқа, баргсимон, наштарсимон ва бегизсимон, ўткир учли бўлади. Устунчаси узун ва қисқа, тўғри ва эгилган бўлиши мумкин. Тумшуқласининг ранги одатда кўк, айрим пайтда қорамтири-кўқидир. Чангдонининг шакли-тўғри ва эгри, ранги-тўқ сариқ, сариқ ва сариқ-кўқимтиридир. Чангчи конуссимон, цилиндросимон ва нотўғри шаклдаги тўдага йифилган. Кесилган туганак ё бўялган, ё бўялмаган бўлади.

Туганакларнинг муҳим фарқланувчи белгиларига: ранги, шакли, кўзлари сони ва чуқурлиги, этининг ранги, ўсимтасининг ранги киради.

Туганаклари шакли бўйича юмалоқ, овалсимон ва чўзинчоқ, охиргилари яна буйраксимон ва турпсимон бўлиши мумкин. Нотўғри, ассиметрик шаклдаги туганаклар учрайди. Пўстининг рангига қараб: оқ, қизил, оч-қизил, қизғиш, тўқ пушти, кўқимтири ва доғсимон бўлади. Этини ранги кўпинча сариқ ёки оқ, камдан-кам ҳолларда эти пигментли туганаклар учрайди.

Туганакда кўз кўп ва кам бўлади. Улар чукур ва юзаки, бутун туганак бўйлаб тақсимланган ёки учига йифилган бўлиши мумкин.

Картошка навларини тавсифлашда ёруғликда пайдо бўлган ўсимта муҳим аҳамиятга эга. Улар калта, йўғон, ўрта йўғонликда ва ингичка, оч-кўқимтири, кўк, оч ва тўқ қизил, бинафша, оч ва тўқ кўк- бинафша бўлади.

**Үсімлікнің тұп сонини ҳисоблаш.** Кartoшқа әкіни билан дала тажрибасыда бу іш уч марта: түлік майсалар пайдо бүлгандан кейин, гуллайбошлаганда ва ҳосилни йиғиштиришдан олдин үтказилади. Бунинг учун үсімлік тұғри жойлаштирилганда, масалан, 70x30см, миқдорига етмаёттан үсімлік сонини аниқлаш керак. Тажрибани ҳар бир майдончасидаги ҳамма үсімлікнің сони саналиши зарур.

**Әкіннің бегона үтлар билан ифлосланғанлығының ҳисоблаш.** Үтларни ҳисоблаш майдончанинг беш жойидан конверт усулида синашга ажратылған доимий кузатадиган жойда үтказилади. Бунинг учун әзат үстіга үлчами  $0,7 \times 1,4\text{м}$ , майдони бир квадрат метрга ( $0,98\text{м}^2$ ) яқын рама қўйилади. Үтлар турлари бўйича ҳар кузатишда икки мартадан ҳисобга олинади-биринчи марта үтларни йўқ қилишга йўналтирилган ишлов беришдан олдин, кейингиси ишловдан сўнг үтказилади. Кўйидаги таснифлаш бўйича үтлар гурухланади: бир йилликлар, кўп йилликлар, илдизсимонлар, туганак-пиёзиллар.

**Ҳосил йиғилишиниң ҳисоблаш.** Kartошқа палагининг ва туганакларининг (ҳосилнинг) ўсиши навга, ўғитга, парваришиш үсуллари ва бошқа шароитларга қараб, аниқланади. Бунинг учун тажрибанинг ҳар бир варианти бўйича, вақти-вақти билан 50-100 тадан туп қазиб олинниб ҳисоб қилинади. Тўрт қайтариқда ҳар бир майдончадан 12-25 тадан туп, 6 қайтариқда эса 16-17 тадан туп қазиб олинади.

Вегетация давридаги намуналар сони тадқиқот мақсадига боқлиқ. Агар ҳосилни ошиб бориш характеристері навга ёки әкиш муддатига боғлиқлиги кузатиладиган бўлса, унда намуналар ҳар 7-10 кунда олинса етарли бўлади. Агар үсімлікнің озиқланишидаги критик пайт аниқланиши керак бўлса, унда үсімлікка ўз вақтида ёрдам бериш учун намуналарни ҳар 5 кунда олиш зарур.

Тажриба майдончаси юзасини шундай ҳисоблаш керакки, барча намуналар олингандан кейин якуний ҳосилни ҳисоблаш учун майдончанинг ярмига яқини қолсин.

Намуналарда туганакларнинг вазни ва сони фракциялар бўйича, палагининг вазни, баргнинг ассимиляцион юзаси, туганак вазнининг палак вазнига, барглар вазнининг поялар вазнига нисбати, асосий ва ён пояларнинг сони аниқланади.

Үсімлікларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти-нинг методикаси бўйича туганакларнинг ва палагининг ка-саллик ва зааркунандалар билан жарохатланғанлиги аниқланади. Палак ва туганакларнинг агрокимёвий таҳлили асосий

озиқа элементларининг ўсимликка сўрилиш динамикасини билиш имкониятини туғдиради.

Ҳосил билан озиқа моддалар олиннишини аниқлаш учун ҳосилни йифишдан олдин палак ва туганаклар намунасини олиш керак. Лекин бунинг учун гуллаш даврида олинган палак намунаси ярамайди, сабаби, йифиштириш вақтигача палакдаги пластик моддаларнинг кўп қисми туганакка ўтган бўлади. Охирги намуна олинаётганда тажриба тупларидаги куриган баргларнинг қуруқ моддасини йўқотишга йўл қўймаслик учун ҳалталарга йифилади. Кимёвий таҳлил вақтида тўкилган барглар намунадаги палак вазнига пропорционал равишида қўшилади.

**Ҳосилни ҳисоблашга тайёрлаш.** Аввало қўндаланг ҳимоядан картошка туплари, айрим сабабларга кўра майдончада яроқсизга чиқарилган ўсимликлар чиқариб ташланади. Тажриба даласидан олинган туганакларнинг ҳаммаси лабораторияга олиб кетилади.

Ҳисобдан чиқариб ташланадиган майдон тўғри бурчакли ёки квадрат ҳолда бўлиши керак. Агар бундай майдонча умумий майдончанинг ярмига яқинини ташкил қиласа, унда барча майдонча яроқсизга чиқарилади.

Ҳимоя ва ҳисобдан чиқарилган ер йифиштирилгандан кейин ҳар бир майдоннинг ҳисобий юзасидаги картошка туплари сони ҳисобланади. Кейин ҳосил сифатини аниқлаш учун ҳар бир майдончадан ўртача 20 тадан туп (намуна) олинади. Бунинг учун майдончанинг диагонали бўйича зина усулида қаторасига ҳар бир ҳисобий эгатдан 5 тадан туп йифиштириб олинади. Ҳар бир намуна алоҳида идишга солиниши муҳимдир. Намуна солинган ҳар бир идишга этикетка боғланиб, унда тажриба ва майдонча номери, қайси қайтариқдан олинганилиги кўрсатилади ва улар таҳлил қилинадиган хонага олиб бориб қўйилади.

**Ҳосилни ҳисоблаш.** Барча ҳосил далани ўзида тортилади. Агар ер жудаям нам бўлса йифиштирилган туганакларни куритиш учун майдончага юпқа қилиб ёйиб қўйилади кейин тупроқдан тозалаш учун саватга солиб силкитилади. Шундан кейин ҳосил тортилади ва сақланадиган жойга жўнатилади.

**Ҳосил структураси ва товарлиги.** Майдончадан олинган ҳосил структурасидаги туганак намуналарини тавсифламоқ учун фракциялар бўйича: 80г дан юқориси йирик, 60-80 граммлilarи ўрта, 40 граммдан кичиклари майда туганак ҳисобланиб, шу таҳлитда сараланади. Ҳар бир фракция бўйича

туганакларнинг вазни ва сони аниқланади. Туганаклар ҳоси-  
линиңг товарлилиги вазни 40г дан юқори бўлган ҳамма туга-  
наклар бўйича аниқланиб, умумий ҳосилга нисбатан фоизда  
белгиланади.

**Ўсимликлар етишмайдиган тажрибага тузатиш киритиш.**  
Озиқланиш майдони ўрганилмайдиган тадқиқотларда тажри-  
банинг барча майдончаларидағи экиннинг қалинлиги бир хил  
бўлиши керак. Лекин амалиётда, айрим сабабларга кўра,  
ўсимликнинг нобуд бўлиши туфайли у турлича бўлади. 200 ва  
300м<sup>2</sup> майдончадаги 3-4 тупнинг фарқи ҳосилни аниқ белги-  
лашга таъсир қилмайди, фарқи 10-20та туп бўлса тажриба-  
нинг аниқлигини сезиларли даражада камайтиради. Бундай  
ҳолларда йиғиштирилган туплар сони ва умумий вазни бўйича  
бир тупдаги ўртача ҳосил аниқланади ва етишмайдиган туплар  
сони бўйича ҳосилга муайян туганаклар оғирлиги қўшилади.  
Агар 10-15% дан ортиқ туп бўлмаса, тузатиш киритилмайди  
ва майдонча бутунлигича яроқсизга чиқарилади.

Лекин майдончани чиқариб ташлаш ўрганилаётган уруғ-  
лик материал сифатига боғлиқ бўлганда ўсимликнинг туриш  
қалинлигига тузатиш (текислаш) киритилмайди. Масалан,  
тажрибада бугун туганак яримта туганак билан таққослаб  
ўрганилганда, яримта туганак экилган майдончада 30-40% ва  
ундан кўп ўсимлик униб чиқмаган ёки нобуд бўлган бўлиши  
мумкин.

Тузатиш методининг камчилиги шундан иборатки, айрим  
ўсимликларнинг нобуд бўлиши ҳисобига ҳосилнинг камайи-  
ши пайдо бўлган қўшимча озиқланиш майдони ҳисобига  
қўшни ўсимликлар ҳосилининг ошиши билан ўрни қопланади.  
Ўсимлик вегетациясининг охирида ўсимлик нобуд бўлган  
ҳолларда фақат ушбу усулини қўллашга йўл қўйилади. Ушбу  
усул билан киритилган тузатиш барча бошқа ҳолларда ҳосил-  
ни оширади. Ушбу иккинчи ҳатони бартараф қилиш учун но-  
буд бўлган ўсимликлар ёнида турган тупларни олиб ташлаш  
тавсия қилинади. Тупнинг ўртача ҳосилини нобуд бўлган ва  
олиб ташланган туплар сонига кўпайтириб, у ёки бу майдон-  
чада етишмайдиган ҳосил ўрни (тўлдирилади) қопланади.

Тавсия қилинган тузатишларни бирорта ўсимлик нобуд  
бўлганда қўллаш зарур. Каттароқ майдончада ўсимлик нобуд  
бўлса, унда бутун майдонча ҳисобдан чиқариб ташланади.

## Картошка уругчилиги бўйича тадқиқотлар

**Танлаш усуллари.** Картошка билан селекция ишлари амалиётида танлашнинг турли: оила ичидаги биринчи йил туганакларини якка танлаш; клонли якка ёки бир ва кўп марта ёппасига танлаш; салбий танлаш (тозалаш) усуллари қўлланилади.

Объектив белгилари ва хусусиятлари мажмуи бўйича уруғликни кўп марта якка танлаш: эртапишарлиги (намуналар, палагининг қуриши), ҳосилдорлиги (вазни бўйича), крахмал миқдори, таъми, касалликларга чидамлилиги, сақланиши, туганаклар шакли, уяларининг зичлиги ва бошқа белгилари бўйича ўтказилади.

Танлашда тупнинг баргдорлиги, шохланиши ва шохланиш характери, ётиқ новда сони ва уларнинг узунаси, илдиз тизими-нинг тупроққа кириш чуқурлиги ва ривожланганлиги, туганакларнинг сони ва юриклиги, уясининг ихчамлиги, эртапишарлиги, вирус ва бошқа касалликларга чидамлилиги, уруғикнинг ноқулай тупроқ-иклим шароитига муносабати ва бошқалар инобатга олинади.

### Селекция жараёнининг схемаси

Навларни яратиш ишлари дастлабки ота-оналик шаклларини танлаш, керакли дурагай уруғни олиш ва улардан уруғлик етиштиришдан бошланади.

Кўпчилик илмий-тадқиқот корхоналарининг ишлари асосида навларни синаш методикаси ва схемаси тузилган. Куйида шулар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Навларни синаш селекцион схемаси ота-оналик ниҳолхона (жуфтини танлаш, чатиштириш); биринчи йил ниҳолхона уруғчилиги, иккинчи йил дурагай ниҳолхонаси, дастлабки нав синаш, асосий нав синаш, танлов нав синашлардан иборат.

Бундан ташқари, параллел равишда динамик нав синаш ўтказилиши (уруғларни эртапишарлигини баҳолаш), экологик нав синаш, истиқболли дурагайлар навларини ишлаб чиқаришда синаш ва селекцион кўпайтириш ишлари бажарилади.

**Ота-оналик ниҳолхона.** Ота-оналик ниҳолхонанинг майдончасида селекция учун 30-40 туп дастлабки шакллари парвариш қилинади. Бу ерда ўсимликнинг маҳсулдорлигини оширишга ёрдам берадиган, уларни гуллашини давом этиши ва мева беришини яхшилайдиган технологик шароит (фон), яратилади. Ниҳолхонани асосий иш жойидан узоқ бўлмаган,

ер ости сизот сувлари юқори, унумдор ерларга жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Дурагайлаш бўйича барча ишлар отоналик ниҳолхонада ўтказилади.

**Иккинчи йил дурагайлар ниҳолхонаси.** Иккинчи йил ниҳолхонасига дурагайларни бир қаторли майдончанинг ҳар бирiga 10-15-20 тадан туганаклар экилади.

Стандарт сифатида эртаги, ўргапишар ва кечки навлардан фойдаланилади, у ҳар 20-25 майдончадан кейин жойлаштирилади.

Ўрганилаётган дурагайларни баҳолаш биринчи йил ниҳолхонасида аниқланадиган белгилар бўйича ҳосилни бўлаклаб ҳисоблаш кўшиб ўтказилади (товар ҳосил ва майда туганаклар ҳосили алоҳида ҳисобланади). Эртапишарликни дастлабки баҳолаш намуна (1-2 тупни қазиб) олиш йўли билан ўтказилади. Туганакларнинг касалликларга чидамлилиги лаборатория шароитида сунъий юқтириш методи ва далада кузатиш йўли билан ўрганилади. Экишдан олдин ҳар бир дурагайнинг X,S,K вирусларига муносабати текширилади. Бунинг учун ҳар бир гибрид ёки клоннинг биттадан туганаги иссиқхонага экилади ва серологик метод ёрдамида текшириб кўрилади. Ёзда иккинчи текширув ўтказилади. Жамланган белгилари билан истиқболли дурагайлар дастлабки нав синаш ниҳолхонасига ўтказилади, ёмонлари чиқитга чиқарилади, оралиқлари ушбу ниҳолхонанинг ўзида иккинчи йилга синашни давом эттириш учун қолдирилади.

**Дастлабки нав синаш ниҳолхонаси.** Олдинги йилда танланган яхши дурагайлар дастлабки нав синовига киритилади. Шу ниҳолхонанинг ўзида стандарт навга нисбатан муайян натижа бермаган дурагайлар қайта синаш учун қолдирилиши мумкин.

Ушбу ниҳолхонага кирган ҳар бир намуна 3- қайтариқда, бир қаторли майдончага 30-40 туганак экилади. Бутун ўсиш даврида ҳар бир дурагай бўйича фенологик кузатувлар ўтказилади. Дурагайлар агар селекция йўналишида олиб борилаётган бўлса, қурғоқчиликка, юқори ҳароратга муносабатлари аниқланади. Вирус касалликлари ҳисобга олинади.

**Асосий нав синаш ниҳолхонаси.** Бу ниҳолхонага киритилган дурагайларнинг нав синови қоида бўйича икки йил давомида ўтказилади. Асосий нав синаш ниҳолхонасида дурагайларни 4 қайтариқда, тўрт қаторли майдончанинг ҳар бирiga 30 тадан туганак экилади. Шундек қилиб, ҳар бир синалаётган дурагайнинг 480 тадан туганаги экилади. Ҳар 5-10 номер-

дан кейин таққослаш учун стандарт сифатида энг яхши районалаштирилган, айнаш ва бошқа касалликлардан ҳоли бўлган нав экиласди. Дастребки нав синаш ниҳолхонасида ўтқазилган кузатув ва ҳисоблашларнинг асосийлари бу ерда ҳам ўтказилади.

Асосий нав синаш учун уруғлик материали кўпайтириладиган селекция ниҳолхонасида етиштирилади. Синалаётган ҳар бир дурагай учун бир хил озиқланиш майдонини сақлаш мақсадида ушбу ниҳолхонада бошқа нав ва ўсимлик аралашмасидан тозалаш ўтказилмайди.

Туганак туга бошлаганда тўрттала қайтариқнинг ҳаммасидан синалаётган нав ёки дурагайдан ҳамда стандарт навдан 5 тупдан намуна қазиб олинниб, эртапишарлиги аниқланади.

Йиғиштиришдан бир неча кун олдин майдонча четидаги ҳамма туплар ҳосили билан қазиб олинниб, даладан чиқариб ташланади. Ҳар қайтариқдаги майдончада 100 тадан туп ҳисоблаш учун қолдирлади.

Қайтариқдаги туплар сонининг тенг бўлиши аниқ ҳисоблаш ва математик ишлов бериш учун жуда муҳимдир. Товар ва майда туганаклар ҳосилини йиғиштиришда ҳар қайтариқдаги намуналар алоҳида ҳисобга олинади.

**Танлов нав синаш ниҳолхонаси.** Икки йил асосий синаидан кейин яхши дурагайларни Давлат нав синаш методикаси бўйича танлов нав синовида 4 қаторли майдончанинг ҳар қаторида 50 тадан тупни 4 қайтариқда (800 туганак) ўрганилади. Синаш учун уруғлик материални селекцион кўпайтириш ниҳолхонасидан олинади. Асосий нав синовидаги ниҳолхонада ҳам тозалаш ўтказилмайди. Ҳосил йиғиштирилиб ҳисоблангандан кейин дурагайларни касалланган ҳамма туганаклари чиқитга чиқарилади. Ўша дурагайлар асосий нав синаш билан параллел динамик ва экологик синаш ниҳолхонасида, селекцион кўпайтиришда ўрганилади, ишлаб чиқариш текширувидан ўтказилади. Истиқболли дурагайлар бўйича асосий ва танлов нав синаши билан бирга уруғлик клонларни (супер элитани) танлаш олиб борилади.

**Динамик синов ниҳолхонаси.** Дастребки ва асосий синаида дурагайлар ичидан олдинги йилларда эртапишарлиги билан ажralиб чиқсан дурагайлар 2-3 йил ичida динамик синовда ўрганилади.

Ниҳолхонадаги майдонча бир қаторли, қаторига 60 тадан туганак 4 қайтариқда экиласди. Синашнинг асосий вазифаси районлашган эртапишар стандарт нав билан таққослаб, ҳо-

силни йиғиши динамикаси бўйича дурагайнинг эртапишарлигига баҳо беришдир. Шу мақсадда ўсиш даврида 15 тадан туп 4 қайтариқда 4 та намуна олинади. Эртапишар навда туганак пайдо бўлабошлаганда биринчи намуна, ҳамма қолганларидан ҳар 10 кундан кейин олинади. Намунадаги туганаклар ҳосили вазни бўйича ва стандарт – эртапишар навга солишириб эртапишарлиги фойзда аниқланади.

**Экологик синаш ниҳолхонаси.** Экологик синашдан асосий мақсад дурагайнинг экологик қовушқоқлиги-тупроққа, иқлимга, ўйттга ва бошқаларга муносабатини аниқлашдир. Маълумки, картошкани экологик қовушқоқ навлар ва дурагайлари йиллар бўйича юқори ва турғун ҳосил беради. Бу навлар узоқроқ яшайди. Экологик синовлар институтлар ва вилоятлардаги тажриба станциялари далаларида ўтказилади. Экологик синовга асосий нав синовида 1-2 йил бир нечта белгилар йиғиндиси бўйича ажралиб чиқсан яхши дурагайлар киритилади.

Дурагайларни экологик синаш уч йил давомида ўтказилади.

Биринчи йилда дастлабки нав синаш методикаси бўйича оригиналатор уруғлик материалида уч қайтариқда бир қаторли майдончага 48 туганак экилади. Экологик нав синови учун ўз дурагайини киритган корхона ҳар синов нуқтасига 120 тадан бир текис туганакларни юбориши шарт.

Иккинчи йилда синов пунктида олинган уруғлик материалидан фойдаланиб синаш ўтказилади.

Учинчи йилда дурагайлар асосий синаш методикаси бўйича синалади: тўрт қаторли майдончанинг ҳар қаторига 30 тадан туганак 4 қайтариқда экилади.

Ҳар бир дурагай бўйича синашнинг барча йилларида фенологик қузатувлар ўтказилади. Касаллик, ҳосил, крахмал миқдори, эртапишарлиги, сақланиши ва асосий нав синаш методикасида кўзда тутилган бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Экологик синашнинг ҳар пунктида турли институт ва тажриба станциялари селекциясининг бир неча (5-10ta) дурагайи ўрганилади. Шунинг учун йиғиширилгандан кейин дурагайлар бўйича олинган маълумотларга ишлов берилади ва маҳсус ҳисоблаш бланкига киритилади, кейин оригиналаторларга жўнатилади.

**Селекцион кўпайтириш ниҳолхонаси.** Селекцион кўпайтириш асосий, танлов ва экологик синов учун уруғлик матери-

ални етказиб беришда асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Ушбу ниҳолхонадан давлат нав синови учун уруғлик материаллари олинади. Асосий ва танлов синовида синалаётган дурагайларнинг ёши ва қиймати, уруғлик материал миқдорига қараб, ҳар бири, бир гектар ерга етадиган даражада кўпайтирилади.

Вегетация даврида фенологик кузатувлар ўтказилади, бунда, палаклар ва туганаклардаги касаллик, шунингдек жами ҳосил ҳисобга олинади. Ҳар сафар касаллик (3-4 марта) ҳисоблангандан кейин касал ўсимликлар ва аралашмалар дарров чиқариб ташланади.

Селекцион кўпайтириш икки мақсадни қўзда тутади. Бу кўпайтириш ва кичкина ишлаб чиқариш синови ўтказишдан иборат.

**Ишлаб чиқариш синови.** Асосий ва танлов синовидан кейин яхши дурагайлар ишлаб чиқариш синовига киритилади. У яқин хўжаликларда, картошка селекцияси билан шугулланувчи тажриба станцияси ва илмий корхонада тажрибалишлаб чиқариш шароитида 2-3 йил давомида ўтказилади.

Сабаби, у ерларда комплекс механизация қўлланилиши туфайли дурагайларнинг туганакларини парваришлаш хусусиятлари, йиғиштирилаётганда, ташишда ва саралашда механик заарланиши, кейин туганакларни тузалишининг давомийлиги ва сақланувчанлиги аниқланади.

Ўрганилаётган ҳар бир дурагай майдони бир гектардан кам бўлмаслиги керак. Синашдаги технологик фон бир гектар ердан камида 20-25т ҳосил олишни таъминлаши керак.

Одатда ушбу синовларни картошка бўйича ихтисослаштирилган хўжаликларда истиқболли дурагайларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш билан бирга олиб борилади.

Дурагай давлат нав синаш вақтида ишлаб чиқариш шароитида яхши ўрганилган ва ушбу хўжаликларда етарлича кўпайтирилган бўлиши, районлаштириш вақтигача у 200 ва ундан ортиқ гектарни эгаллаши мумкин. Давлат нав синаш тармоғида дурагайларни синаш йилларида уни кейинчалик яхшилаш, кўпайтириш ва ишлаб чиқариш синови ишлари билан давом эттирилаверилади.

Ушбу уруғни районлаштириш вақтигача 30т гача элита ва 500-600 т гача 1- репродукция етиштирилган бўлиши керак.

Районлаштирилгандан кейин уруғлик материал бундан кейинги кўпайтириш учун элита хўжаликларига берилади. Оригинатор-муассаса ва нав муаллифи шу нав бўйича

урұғчиликни түфри ташкил қилиши ва кейинчалик уни яхшилаш, шу уруғ районлашган вилоятларда ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва бундан кейинги күпайтириш жараёнлари билан шүгүлланиши керак.

## **Статистик ишлов бериш учун маълумотлар тайёрлаш**

Статистик ишлов берішдан олдин қуидагиларни: яхлитлаш, ҳар бир тажриба майдончаси ва вариантылар бүйича ўттача арифметик ҳисоблаш, шубҳали маълумотларни яроқсизга ажратиш ва тушиб қолғанларини тиклаш ҳамда уларни алмаштиришга тайёрлаш зарур.

### **Тажриба маълумотларини яхлитлаш**

Тадқиқотларда қуидаги қоидага амал қилинади: тажриба маълумотларини учта рақамли сон билан аниқ ёзиш керак. Агар картошка гулга киргanza дастлабки ҳосили 1870кг/га бўлса, уни 1,87 т/га деб, ҳосилдорликни 18700 кг/га эмас, 18,7 т/га деб ёзиш керак.

Янада яхлитлаш учун маълум вариацион қаторни стандарт оғишини 4 марта камайтириш керак. Агар S/4 учун биринчи аҳамиятли рақам бутун бўлса, унда маълумот бутун сонгача яхлитланади. Буни картошка ўсимлигининг биринчи чиққан пояси мисолида кўрамиз. Масалан, яъни  $S = 16,8\text{ см}$  бўлса у ҳолда  $1/4S = 4,2$  бўлади. Шундай қилиб, 112,3; 117,8 ва шунга ўхшаш сонгача яхлитлаганимизда қуидагича кўриниш олади: 112; 118 Агар 16,4 сондаги  $S = 1,6$  га тенг бўлса, у ҳолда  $1/4S = 0,4$  га тенг бўлади. Демак, биринчи аҳамиятли сон ўндан бир бўлар эди ва маълумотларни ўндан биргача  $-16,4$  яхлитлаш керак.

Квадратлар йигиндисини ҳисоблаганда қўшимча рақам олинади, яъни дастлабки маълумотлар ўнталик қисмга эга бўлса, унда квадратлар 100гача ҳисобланади. Агар соннинг охирги рақами 5 дан катта ёки 5 дан кейинги сон нолдан китта бўлса, унда охирги аҳамиятли рақамни биттага орттирилади. Масалан, 84,67 ва 84,651 сонини 84,7 гача яхлитлайдилар. Агар охирги сондан кейин 5 турса, ундан кейин ноллар турса, унда охирги аҳамиятли тоқ сонни биттага орттирадилар, яъни 84,550 тенг 84,6га, жуфт сон эса: 84,450 тенг 84,4 ўзгармасдан қолади.

## Үртача арифметик ҳисоблаш

Маълумки, айрим пайтларда ишлаб чиқариш тажрибала-рида ҳосил турли ер майдонларидан йигиштириб олинади. Масалан, 0,5га ўлчамли ер майдонидан картошка ҳосили  $X_1$  13,0 т/га бўлса, 16га ер майдонидаги картошка  $X_2$  ҳосили эса 11,0 т/га га тенг бўлган. Ўртача арифметик ҳисоб қўйидагича бўлади:

$$X = (13,0 + 11,0) : 2 = 12,0 \text{ т/га}.$$

Лекин, ер майдонлари бир-биридан тубдан фарқ қилишини эътиборга олсак, у ҳолда ўртача арифметик ҳисобланганда қўйидагича бўлади:

$$X_{\text{бах}} = \frac{X_1 f_1 + X_2 f_2 + \dots + X_n f_n}{\sum f} = \frac{13,0 \cdot 0,5 + 11,0 \cdot 16}{0,5 + 16} = 11,1 \text{ т/га}$$

Шундай қилиб, мазкур қиймат ўртача арифметик-ҳисобдан 0,9 т камдир.

Ҳар бир тажриба майдони ёки алоҳида ўсимликлар бўйи-ча ўртача арифметик ҳисоблангандан сўнг, албатта, шубҳали қийматнинг тўпламга тегишилиги ҳақидаги фаразни текши-риш зарур. Бу ерда сўз қийматларни яроқсизга, яъни аниқ вариацион қаторнинг қолганларидан ишончли тарзда фарқ-ланиши ҳақида боряпти.

### Шубҳали қийматларни яроқсизга чиқариш

Берилган вариантнинг қолган ҳамма қийматларидан се-зиларли даражада фарқланувчи шубҳали қийматлар факат ма-тематик статистика ёрдамида аниқланади. Субъектив равиша қийматларни яроқсизга чиқаришга йўл қўйилмайди. Буни аниқ мисолда кўриб чиқамиз.

Маълум бир вегетацион тажрибаларда, бунда икки ҳисса азот дозали вариант олти қайтариқда бўлиб, ўсимликнинг миқдорини инобатга олган ҳолда қўйидаги натижалар олинган: тувакда г: 20,8; 19,0; 10,1; 19,9; 21,0; 22,0. Олинган қийматларнинг ҳаммаси берилган вариацион қаторга тегиши-лилигига ишонч ҳосил қилиш учун қўйидаги амаллар бажари-лади.

1. Вариацион қатор ўсиб бориш кўринишида тартиблана-ди: 10,1; 19,0; 19,9; 20,8; 21,0; 22,0. Биринчи иккита ва охирги иккита қийматга  $X_1$ ,  $X_2$ ,  $X_{n-1}$ ,  $X_n$  номерлар берилади. Четда-

гилари бир мунча шубхали қийматлар бўлади, яъни 10,1 ва 22,0.  $X_1$  ва  $X_n$  учун тау (Г) мезонини ҳисоблаш йўли билан уларнинг шубхалиги формулалар бўйича текширилади:

$$\Gamma_1 = \frac{X_2 - X_1}{X_{n-1} - X_1} = \frac{19.0 - 10.1}{21 - 10.1} = 0.817$$

2. Гнинг назарий (иловадаги 1-жадвалга қаранг) мезони тоғилади. н-б бўлган қиймат учун  $\Gamma_{0,95}=0,689$ ;  $\Gamma_{0,99}=0,805$

3. Ҳисобий  $\Gamma$  мезони назарий мезон билан солиштирилади. Агар  $\Gamma$  ҳисобий  $\geq \Gamma$  назарийга бўлинса, унда текширилаётган қиймат шубхалидир.

Хуносалар: шундай қилиб,  $\Gamma_1=0,817$ , яъни  $\Gamma_{0,95}$  ва  $\Gamma_{0,99}$  кашта бўлса, унда текширилаётган 10,1 қиймат шубхали ва уни яроқсизга чиқариш керак.

Бу нафақат Р0,95 ишончли оралиқ даражасида, балки Р0,95 даражасида ҳам тасдиқланади. Бунда эҳтимол назарияси бўйича 100 тадан бир ҳодиса хатоликка йўл қўйиш имконияти туғилиши мумкин.

Гп = 0,333, яъний  $\Gamma_{0,95}$  ва  $\Gamma_{0,99}$  дан кичик, демак, текширилаётган 22,0 қиймат шубхали эмас ва уни яроқсизга чиқариб бўлмайди.

Демак, ўрта арифметик ҳисоб олтитадан эмас, балки қолган бешта қиймат бўйича чиқарилиши керак:

$$(19,0+19,9+20,8+21,0+22,0)/5=20,7\text{ г.}$$

Шубхали қийматлар яроқсизга чиқарилмагандан ўрта арифметик кўрсаткичлари анча пасайган бўлар эди:

$$X=(10.1+19.0+19.9+20.8+21.0+22.0)/6=18.8 \text{ г.}$$

Шуни такидлаш лозимки, мазкур формула бўйича шубхали қийматларни яроқсизга ажратишни, қайтариқлар сони камиди 4 та бўлганда ўтказиш мумкин.

### Тушиб қолган маълумотларни тиклаш

Тажрибанинг айрим майдонларида олиб борилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар тушиб қолганда кўпинча рақамларга ишлов бериш мураккаблашади (ўсимликларга кушлар ва зараркунданаларнинг зарар келтириши, сув босиши, техника-нинг эзиши ва бошқалар).

Маълумотларнинг тушиб қолганлиги учун вариантларда ўртача арифметик кўрсаткичлар юқори ёки паст бўлиши мум-

кин. Агар тушиб қолдирилган маълумотлар жуда кичик қийматлардан иборат бўлса, унда ўртача арифметик кўрсаткич юқори бўлади. Агар тушириб қолдирилган маълумотлар катта бўлса, унда ўртача арифметик кўрсаткич паст бўлади. Натижада хатолик пайдо бўлади. Лекин уларнинг эҳтимол қийматини ҳисоблаб, тушириб қолдирилган маълумотларни тиклаб хатоликни бартараф этиш мумкин.

Бир маълумот тушиб қолганда қуидаги формуладан фойдаланилади

$$\text{Хтикалш} = \frac{Iv + nP - Ex}{(I - n)(n - 1)};$$

*Бу ерда:* I-вариантлар сони, v- тушиб қолган маълумот, вариантидаги маълумотлар йигиндиси; n- тажрибадаги қайтариқлар сони; P-тушиб қолган маълумот, қайтариқдаги маълумотлар йигиндиси; Ex- жами тажрибадаги маълумотлар йигиндиси.

Картошка тажрибасининг учинчи қайтариқ, иккинчи вариантида тушиб қолган ҳосил кўрсаткичини тиклаш услуби 21-жадвалда келтирилган.

21-жадвал

#### Картошка ҳосилдорлиги, т/га. X- тушиб қолган маълумот

Вариант	Қайтариқлар			V ва EX
	I	II	III	
1. Ўғитсиз	13,22	14,1	14,8	
2. Гўнг, 10т/га	16,18	15,14	X	V=16,18+15,14=31,32
3. Гўнг, 15т/га	18,32	17,52	17,68	EX=13,22+14,1+14,8+16,1
4. Гўнг, 20 т/га	17,88	20,06	17,5	8+15,14+18,32+17,52+17,6 8+17,88+20,06+17,5=182,4

$$I=4; n=3; P=14,8+17,68+17,5=49,98$$

$$\text{Хтикалш} = \frac{(4 \cdot 31,32) + (3 \cdot 49,98) - 1824}{(4 - 1) \cdot (3 - 1)} = \frac{1248 + 149,94 - 1824}{6} = 15,39$$

Тикланган маълумот тушиб қолган кўрсаткич ўрнига қўйилади ва дисперсион тахлил ўтказилади. Кўлланилган формула ўртача арифметик қийматга ортиқча таъсир қилмайди ва маълумотларга ишлов беришни анча енгиллаштиради.

Бир қанча маълумотлар тушиб қолганда маълумотлар сони тўлиқ бўлмаган тажрибалар учун тавсия қилинган усулдан фойдаланилади.

**Қайтариқлар турли сонда бўлган тўлиқ реномизация  
усулида тажрибани жойлаштириш.**

Фараз қилайлик, картошкани ўғитлаш тажрибасида ўғитсиз вариантда учта, NPK вариантида тўртта, гўнгли вариантда бешта қайтариқлаш бўлган (22-жадвал)

22-жадвал  
**Картошка ҳосилдорлигига ўғитнинг таъсири X**

Вариант	X бўйича қайтариқлар, т/га					X	тафовут
	I	II	III	IV	V		
1. Ўғитсиз	14,9	16,8	16,6	-	-	16,1	-
2. NPK	19,9	21,4	19,7	21,5	-	20,6	4,5
3. Гўнг	21,6	23,7	20,1	24,0	22,1	22,3	6,2

$$L=3; n=3; n_2=4; n_3=5; N=12$$

Ҳисоблашлар ўтказилади.

1. Тажриба бўйича ўргача арифметик қўрсаткич.

$$X_N = \frac{EX}{N} = \frac{14.9 + 16.8 + \dots + 22.1}{12} = 20.19 \approx 20.2\text{т}$$

Ихтиёрий бошлаш учун 20 сонини олиш ва четга оғишини ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир (23-жадвал).

23-жадвал  
**Ихтиёрий бошлангичдан четга оғиши**

Вариант рақами	Қайтариқлар бўйича X-A					Йигинди	V
	I	II	III	IV	V		
1.	-5,1	-3,2	-3,4	-	-	$V_1$	11,7
2.	-0,1	1,4	-0,3	1,5	-	$V_2$	2,5
3.	1,6	3,7	0,1	4,0	2,1	$V_3$	11,5

$$\text{Йигинди } P - 3,6 \quad 1,9 \quad -3,6 \quad 5,5 \quad 2,1 \quad \Sigma X = 2,3$$

$$2. \text{ Тўғриловчи омил } C = (\Sigma X)^2 / N = (2,3)^2 / 12 = 0,44;$$

3. Турли хил тарқалишларнинг квадратлари йигиндиси:

$$\begin{aligned} Cy = \Sigma X^2 - C &= (5,1^2 + 3,2^2 + 3,4^2 + 0,1^2 + 1,4^2 + 0,3^2 + 1,5^2 + 1,6^2 + 3,7^2 + \\ &+ 0,1^2 + 4,0^2 + 2,1^2) - 0,44 = 26,01 + 10,24 + 11,56 + 0,01 + 1,96 + \\ &+ 0,09 + 2,25 + 2,56 + 13,69 + 0,01 + 16,0 + 4,41 - 0,44 = 88,35; \end{aligned}$$

$$CV = \Sigma \left( \frac{V_1^2}{n_1} + \frac{V_2^2}{n_2} + \frac{V_3^2}{n_3} \right) - C = \Sigma \left( \frac{11,7^2}{3} + \frac{2,5}{4} + \frac{11,5^2}{5} \right) - 0,44 = 73,2$$

$$CF = Cy - CV = 88,35 - 73,2 = 15,15;$$

4. Барча хил тарқалишларнинг эркин даражасининг сони:

$$V_y = N-1=12-1=11; V_V = /-1=3-1=2; V_z = V_y - V_V = 11-2=9.$$

Дисперсион таҳлил натижалари жадвали тузилади.

24-жадвал  
Дисперсион таҳлил натижалари

Тарқалиш	Квадратлар йигиндиси	Y <sub>1</sub>	Дисперсия	F ҳак	F наз	
					0,95	0,99
Умумий варианatlар	88,35 73,2	11 2	- 36,6	21,8	4,26	8,02

Хатолар 15,15 9 1,68

$F_{\text{ҳак}} > F_{0,95}$  ва  $F_{0,99}$  бўлганлиги учун тафовут ишончли

5. Тажрибанинг умумий хатоси

$$E = \sqrt{\frac{S^2 Z}{(n_1 + n_2 + n_3) / 1}} = \sqrt{\frac{1.68}{(3 + 4 + 5) / 3}} = 0,648$$

6. Жуфт варианatlарни солиштириш учун тафовут хатоси.

$$1) Sd_{1-2} = \sqrt{S^2 Z \frac{n_1 + n_2}{n_1 n_2}} = \sqrt{1.68 \frac{3 + 4}{3 \cdot 4}} = 0.987$$

$$2) Sd_{1-3} = \sqrt{S^2 Z \frac{n_1 + n_3}{n_1 n_3}} = \sqrt{1.68 \frac{3 + 5}{3 \cdot 5}} = 0.998$$

$$3) Sd_{2-3} = \sqrt{S^2 Z \frac{n_2 + n_3}{n_2 n_3}} = \sqrt{1.68 \frac{4 + 5}{4 \cdot 5}} = 0.869$$

7. Жуфт варианtlар учун энг кичик мұхимлилік тафовути (ЭКМТ)

$$1) 1 \text{ ва } 2 \text{ ЭКМТ}_{0,95} = S_{d1-2} t_{0,95} = 0.987 \cdot 2,26 = 2,23 \text{т};$$

$$2) 1 \text{ ва } 3 \text{ ЭКМТ}_{0,95} = S_{d1-3} t_{0,95} = 0.998 \cdot 2,26 = 2.26 \text{т};$$

$$3) 2 \text{ ва } 3 \text{ ЭКМТ}_{0,95} = S_{d2-3} t_{0,95} = 0.869 \cdot 2,26 = 1.96 \text{т};$$

$$4) 1 \text{ ва } 2 \text{ ЭКМТ}_{0,99} = S_{d1-2} t_{0,99} = 0.987 \cdot 3,25 = 3.21 \text{т};$$

$$5) 1 \text{ ва } 3 \text{ ЭКМТ}_{0,99} = S_{d1-3} t_{0,99} = 0.998 \cdot 3,25 = 3.24 \text{т};$$

$$6) 2 \text{ ва } 3 \text{ ЭКМТ}_{0,99} = S_{d2-3} t_{0,99} = 0.869 \cdot 3,25 = 2.82 \text{т};$$

Әркин күрсаткыч 9 учун  $t_{0,95}=2,26$  ва  $t_{0,99}=3.25$  қий-матлари олинади. Сүнгра таҳлилнинг якуний жадвалини тузадилар (25-жадвал)

25-жадвал  
Дисперсион таҳлил якуни.

Вариант	$\bar{X}$	d тафовут	ЭКМТ		Sx%
			0,95	0,99	
1.Үғитсиз	16,1	-			
2.NPK	20,6	4,5	2,23	3,21	
3.Гүнг	22,3	6,2	2,26	3,24	3,21

8. Тажрибанинг нисбий хатоси:

$$Sx\% = (\Sigma/XN) \cdot 100 = (0.648/20.2) \cdot 100 = 3.21\%$$

Хулоса: 1. Иккинчи ва биринчи, учинчи ва биринчи варианtlар орасидаги ҳосилдорлик тафовути мөсравишида 4,5 ва 6,2 т.ни ташкил этади. Бу ЭКМТ0,95 ва ЭКМТ0,99 дан катта. Шундай қилиб, эҳтимолиятнинг иккала даражасида ҳам тафовутнинг ишончлилиги исботланди.

2. Учинчи ва иккинчи варианtlар орасидаги ҳосилдорлик тафовути 22,3-20,6=1,7 т.ни ташкил этади. Бунда ЭКМТ0,95 (10,96) ва ЭКМТ0,99 (20,82) дан кичик. Шундай қилиб, тафовутнинг ишончлилигининг фарқи исботланмади.

3. Тажрибанинг аниқлиги ўртача.

## **10-боб. ДАЛА ТАЖРИБАЛАРИ НАТИЖАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ**

Дала тажрибаларида ҳар йили ўрганилаётган тадбирларга фақат технологик баҳо бермасдан, варианtlар бўйича ҳосилдорлик даражасини, тажрибанинг аниқлиги ва қўшимча ҳосилнинг ишончлилигини билиш билан чегараланмасдан, уларнинг иқтисодий самарарадорлигини ҳам аниқлаш керак.

Агрономик тадбирларни иқтисодий баҳолаш ва тажриба натижаларини иқтисодий самарарадорлигини ҳисоблаш қўйида-ги асосий кўрсаткичлар: ҳосилдорлик даражаси, қиймат кўрсаткичидаги ялпи маҳсулот, меҳнатнинг унумдорлиги, маҳсулотнинг таннархи, ўрганилаётган тадбирнинг рентабеллиги асосида ўтказилиши керак. Ялпи маҳсулотнинг баҳоси ҳосил миқдори, сифати ва харид нархи ёки чакана нархидан савдо чегирмасини чиқариб ташлангандан кейин даромаднинг келиб тушиши муддатларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқиласди.

Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаб чиқиш натурал қиймат-да (1 центнер маҳсулотга киши-соат ёки киши-кундаги меҳнат сарфи миқдори бўйича) ва пул ҳисобида (киши - соат ёки бир иш кунига сўмда маҳсулот ишлаб чиқариш) олиб борила-ди.

Бир экин билан ўтказиладиган тажрибаларда маҳсулот кўрсаткичларидан фойдаланса бўлади. Бир нечта экинлар билан ўтказиладиган тажрибаларда эса меҳнат унумдорлигининг баҳоси кўрсаткичларини қўллаш қулай ҳисобланади. Бир экин билан ўтказиладиган тажрибаларда ҳосил кўп марта йиғиши-рилганда, албатта, маҳсулот ва қиймат кўрсаткичларидан фойдаланиш кераклигини ҳисобга олиш лозим.

Ана шу кўрсаткичларни аниқлаш методикаси қўйидагича: меҳнат унумдорлигининг натурал кўрсаткичлари ушбу дала-дан центнерда олинган ялпи маҳсулот миқдорини шу маҳсулотни етиширишга сарфланган киши-кун сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади. Ёки акси бўлиши ҳам мумкин: ушбу маҳсулотни етиширишга сарфланган сон-кун ялпи маҳсулот миқдорига бўлинади.

Меҳнат унумдорлигининг баҳо кўрсаткичлари пул ифода-

сида баҳоланиб, олинган маҳсулотнинг уни етиширишга сарфланган киши-куни сонига ёки киши-соатга бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Маҳсулот бирлигининг ишлаб чиқариш таннархи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. У маҳсулот етиширишга сарфланган ялпи ишлаб чиқариш ҳаражатларини (амортизация ажратмаларини қўшиб) оғирлик бирликларидаги (одатда центнерда) маҳсулот миқдорига бўлиш йўли билан ҳисобланади. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари таркибига умумий ишлаб чиқариш ва умумий хўжалик ҳаражатларини киритиш лозим. Тўла таннарх ҳисобланганда маҳсулотни тарага жойлаштириш, транспортда жўнатиш ва сотишга кетган ҳаражатлар ҳисобга олинади.

Ишланаётган тадбирнинг рентабеллик (ёки фоиз) даражаси (иктисодий самарадорлиги) умумлаштирилган иктисолий кўрсаткич ҳисобланади. Уни қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаш мумкин.

$$P_{\text{ишлаб чиқариш}} = \frac{Y_{\text{иц}} - T}{T} \cdot 100\% \quad \text{ёки} \quad P_{\text{иц}} = \frac{\Phi}{T} \cdot 100\%$$

**Бунда:** Рич- рентабеллик даражаси, %; Яич- ялпи маҳсулот нархи, сўм; Т- барча маҳсулотнинг таннархи, сўм; Ф- фойда, сўм.

Фойданни аниқлаш учун маҳсулот тушумларидан барча ҳаражатларни, яъни маҳсулотнинг тўлиқ таннархини айирамиз. Фойданинг тўлиқ таннархга нисбатининг 100%га кўпайтирилган ифодаси рентабеллик даражасини кўрсатади.

Иктисолий самарадорликни ёки факат қўшимча ҳосилга кўра (агар қўшимча ҳосил технологиясининг алоҳида элементини жорий қилишга боғлиқ бўлса) ёки асосан жорий қилинаётган тадбир бўйича (агар бу маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ ҳамма меҳнат ҳаражатлари ва воситалари ҳаражати калькуляциясининг технологик картасини тузиш билан тугалланиши керак бўлган янги технологияни тадбиқ қилиш билан боғлиқ бўлса) аниқлаш мумкин.

Ҳисоботда 1-шаклда келтирилган кўрсаткичларга биноан қўшимча ҳосил иктисолий самарадорлигининг ҳисоб жадвали унинг асосида берилади. Тадбирнинг самарадорлик жадвали ишлаб чиқилади ва ҳисботга жойлаштирилади (2-шакл). Жорий қилинаётган тадбирнинг самарадорлигини аниқлаш учун 3-шакл бўйича ҳисоб-китоб қилинади. Бу ҳолда хўжаликда жорий қилинаётган чора-тадбирлар бўйича меҳнат ва воситалар сарфининг алоҳида ҳисобини олиб бориш зарур. Бу ҳисоб ишлаб чиқариш мақсадидаги текширувдан сўнг тадбиқ

қилинаётган чора-тадбир бўйича технологик карга тузиш имконини яратади.

1-шакл

**Жорий қилинаётган чора-тадбир ёки усулининг иқтисодий самарадорлиги**

Экин	Вариантлар	Ҳосилнинг кўшилиши		1т махсулотга меҳнат сарфи, киши-соат	1т махсулотни таннархи, сўм	1т махсулотни тўла таннархи, сўм	Фойда, сўм		Рентабеллик даражаси
		Ялпи	Товар				жами	1т махсулотга	

2- шакл

**Хўжалик кўрсаткичлари билан жорий қилинаётган чора-тадбир самарадорлигининг қиёсий маълумотлари**

Кўрсаткичлар		Жорий қилинаётган чора-тадбирларнинг кўрсаткичлари	Хўжалик кўрсаткичлари	Хўжалик кўрсаткичларига нисбатан жорий қилинаётган тадбирнинг кўрсаткичлари, % да.
Майдон, га Ҳосил, га/т Товар махсулот 1 га,т 1т махсулотга меҳнат сарфи, киши- соат 1т махсулотни таннархи, сўм 1тмаҳсулотни пуллаш харажатлари, сўм 1т махсулотни тўла таннархи, сўм 1т махсулотни пуллашни нархи, сўм 1т махсулотдан олинган фойда, сўм рентабеллик даражаси, %				

Махсулотни сотишга сарфланган харажатлар меҳнатга хақ тўлаш ва ишлаб чиқариш нормаси ҳамда моддий воситалар

нархини баҳолаш, шунингдек, жорий қилинаётган чора-тад-бирлар самарадорлигини аниқлашдаги қўшимча харажатлар даражаси хўжаликдаги каби бўлиши керак. Акс ҳолда буларни таққослаб бўлмайди.

Кўшимча ҳосил олишни таъминлайдиган технология бўйича ўтқазилган ишланма агарда тадқиқотлар маҳсулот бирлиги таннархи ва унинг таркиби ҳамда меҳнат сарфи аниқланган технологик карта билан тугалланса унинг аҳамияти кўп марта ошади. Ушбу маълумотлар режалаштириш органларига норматив маълумотлар сифатида тақлиф қилиниши мумкин.

## **11-бөб. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ БҮЙИЧА ҲУЖЖАТЛАР ВА ҲИСОБОТ**

Илмий тадқиқот ишлари ва илмий-техник ишланма жа-раёнда уларга оид илмий тадқиқот (илмий) ҳужжати яратилиб, илмий-техник муаммони амалий ва назарий ҳал қилишни, уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишни акс эттиради.

Илмий ҳужжатларнинг асосий турлари:

*илмий тадқиқот ишларининг тематик режаси (йиллик, уч йиллик, беш йиллик);*

*илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ) бүйича ишчи дастур, ИТИга техник топшириқ (ТТ);*

*тажриба бүйича дастлабки ҳужжат (кундалик, иш дафтары, дала ёки лаборатория тажрибаларининг журнали ва бошқалар);*

*илмий-тадқиқот ишлари бүйича ҳисоботлар (йил бүйича қисқа ва тўлиқ, оралиқ, якуний ҳисоботлар).*

Илмий тадқиқотларни режалаштиришнинг асосий шакли дастурий-мақсадли принципи бүйича ишланадиган беш йиллик ва йиллик ИТИ режаси (тематик режалар)дир. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, сабзавотчиликда илмий-техник тараққиёт суръатини тезлатишни тъминловчи муҳим илмий-техник муаммо ва топшириқларни ҳал қилиш-режада тутилган асосий вазифадир.

Беш йиллик ва йиллик ИТИ режаси тайёрланаётганда, ишларни режалаштирганда узлуксиз ва изчиллик, келажаклаги ва йиллик иш режаларининг ўзаро боғланиши ҳалқ ҳўялигининг бошқа тармоқлари билан узвий алоқада тармоқ ривожланишининг муҳим вазифаларини изчил ҳал қилиш тъминланади.

ИТИ беш йиллик режаси унинг барча методик ва ташкилий талаблари ҳисобга олиниб тузилгач, шу муассаса буй сунадиган юқори ташкилот томонидан тасдиқланади.

Беш йиллик режага сабзавотчиликдаги муҳим муаммоларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун давлат буюртмалари, юқори турувчи ташкилотлар белгилаган топшириқлар;

давлат, идора, юқори турган ташкилот тасдиқлаган мұхим илмий-техник мұаммо ва топшириқтарни ҳал қилиш бүйіча республика ишчи дастурининг босқичлари; истеъмолчиларнинг тұғридан-тұғри буюртмаси; бош ташкилот ишлаб чиққан, координацион дастур билан аниқланған аниқ ишлар; тармоқда техник тараққиётни таъминлашга йұналтирилған ва корхоналарнинг үzlари белгилаган ишлар киради.

ИТИ йиллик режаси муассаса ИТИнинг беш йиллик режаси асосида ишлаб чиқылади. Үнда беш йиллик илмий-техник дастур ва ИТИ режаларини топширигини үз вактида ва юқори сифатли бажарыш күзде тутилади. Йиллик режада аниқланған топшириқ, босқич ва кичик босқичларининг рақамлари ва формулировкаси дастур ёки координацион режасида қандай бұлса шундай ёзилади.

Йиллик ИТИ режасида, албатта, белгиланған йилда бажарыладынан босқич ва кичик босқич ишлари, құшимча топшириқ ва мөжерій ишлар күрсатылади. Режа йилида тугаллаған ишлар бүйіча олинған натижалар, улар күриши керак бүлған муассаса ва уларни жорий қилишдан кутилаётган самарасини күрсатиши зарур.

ИТИ беш йиллик ва йиллик режаларининг лойиҳаларини институттнинг (тажриба станциясининг) илмий кенгаши күриб чиқади ва уларни юқори ташкилот тасдиқлайды ёки у билан келишилади.

ИТИнинг тасдиқланған режаси асосида ҳар бир илмий-тадқиқот мавзуси бүйіча иш дастури тузилади. Лекин даставал қуйидаги тайёргарчылық ишлари-күйилған масалани ҳал қилишга алоқадор, ватанимиз ва чет әл манбалари бүйіча мавжуд маълумотларни йиғиши, ўрганиш ва таҳлил қилиш ишлари бажарылиши керак. Олдин ўтказилған тадқиқотлар, синовлар, патент материаллари, илгор тажриба ва бошқа манбалар, мавзу предметига тегишлиси тұғри ва бошқа йўл билан умумлаштирилади. Кейинчалик ушбу материалларни (маълумотларни) түлдириш ва аниқлаш керак.

Ўтказилған ишлар асосида ахборот материали тайёрланади. Тадқиқотларнинг имконли йұналиши шакллантирилади. Мавзу бүйіча тадқиқотларни ўтказиш мақсадға мувофиқлиги техник-иктисодий жихатдан асослаб берилади. Ишнинг асосий йұналишини шакллантирилған мұаммо ёки мавзу бүйіча (ёки ҳал қилиш усулини) танланади.

Илмий тадқиқот ишига (ИТИ) техник топшириқ (ТТ) ишлаб чиқылади ва тасдиқланади. У мақсад, мазмун, ишни

үтказиш тартиби, ИТИ охирги натижаси (илмий –техник маңсулот) ҳамда ИТИ натижаларини белгиланган усулда бажарилишини аниқловчи дастлабки мажбурий хужжат бўлиб хизмат қиласди.

ИТИ ТТ илмий башорат, ватанимиз ва чет эл фани ва техникаси ютуқларини таҳлили, ИТИ изланиши натижаси, патент хужжатларни ўрганиш ҳамда буюртма берувчининг талаби асосида ишлаб чиқилади.

**“Илмий–тадқиқот ишларини үтказиш тартиби. Асосий қоидалар”.** ГОСТ 15.101-80 да ИТИ ТТни тузиш, тавсифлаш, расмийлаштириш ва келишиш баён қилинган. ИТИ ТТ умумий кўринишда қўйидаги бўлимлардан иборат бўлиши керак: ишни амалга ошириш учун асос; ишни амалга оширишдан мақсад ва дастлабки маълумотлар; ИТИ босқичлари; ИТИ бажаришга асосий талаблар; ИТИ натижаларини амалга ошириш йўллари; иш тугагандан кейин тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати; ИТИни кўриб чиқиши ва қабул қилиш тартиби; изланишдан кутмилаётган натижаларни техник - иқтисодий асослаш; илова (жадваллар, схемалар, ИТИни бажариш учун керакли бўлган патент, маълумот ахборот рўйхати ва бошқа материалилар).

Бажарувчи ва ҳамкорликда бажарувчиларнинг таркиби аниқланади. Дастлабки техник- иқтисодий ҳисоблашлар үтказилади. Изланишлардан кутилаётган самара олдиндан (тахминий) аниқланган бўлиши керак.

Шундан кейин тадқиқотларнинг иш дастури ва методикаси ишлаб чиқилади. Ишчи дастур ИТИни мақсадга мувофиқ ташкиллаштиришни таъминлашга даъват этувчи ва энг кам вақт ҳамда маблағ сарфлаб, натижалар олишга хизмат қилувчи асосий ва тартибга солинган хужжат бўлиб хизмат қиласди.

Ишчи дастур тузатганда тадқиқотларнинг янги методларини қўллашни кўзда тутиш лозим. Асосий масалаларни танлаш ва иккинчи даражали кўрсаткичларни ўрганиш ишларини ҳаддан ортиқ мураккаблаштириб юбормаслик керак. Ишончли натижаларни олишни таъминлаш жуда муҳимdir. Шунинг учун тажриба үтказиш шароитини чукур таҳдил қилиш ҳамда натижаларни дастлабки баёни учун шакл ва уларга кейинчалик ишлов бериш катта аҳамиятга эга. Зарур бўлса олинган натижаларни бошқа тадқиқотчilar олган натижалар билан таққослаб кўриш ҳамда айрим тажрибаларни такрор үтказиш яъни тиклаш имкониятини инобатга олиш зарур.

Бажарувчи ишчи дастурни тузади, уни дастлаб илмий бўлим (кафедралар), методик комиссия ёки илмий кенгаш

Йиғилишида кўриб чиқилади. Кейин институт (станция) директори (ректори) ёки илмий ишлар бўйича унинг муовини тасдиқлади.

Ишчи дастурда мавзунинг номи ва шифри, илмий-техник маҳсулот яратиш учун шартнома номери, иш ўтказиладиган муддат ва жой, раҳбар ва бажарувчиларнинг исми-шарифи ва фамилияси, лавозими, мавзунинг асосланганлиги, тадқиқотлар йўналиши ва вазифаси, ишчи дастур, ИТИни бажариш методикаси, кутилаётган якуний натижалар, зарур ускуналар, приборлар, материаллар рўйхати кўрсатилади, ишни босқичма –босқич бажариш графиги келтирилади.

Мавзуни асослашда ишни бажаришдан мақсад, унинг жуда долзарблиги, натижаларни қўллашнинг амалий истиқболлари кўрсатилади. Масаланинг ҳолати баён қилинади, ушбу йўналишда ўтказилган иш ёки технология, навлар, усуллар, чет эл ва ватанимиз техникаси, илфорлар тажрибаси, адабиётлар манбалари, патент фонди, олдинги тадқиқотлар материаллари, ушбу йўналиш тадқиқотларини башорат қилиш бўйича материаллардан фойдаланиб баҳо берилади.

Масаланинг ўрганилганлик ҳолати олдинига тахминан ёритилиши мумкин, кейинчалик чуқур ўрганилиб, мавзу бўйича оралиқ ва якуний ҳисоботларда тўлиқ баён қилинади. Бундан ушбу ишни ўтказиш зарурлиги тўғрисида асосланган холоса келиб чиқиши керак. Агар мавзу юқори ташкилотлар томонидан тасдиқланган илмий-техник дастурга, қарорга, фармойишга мувофиқ ИТИ режасида кўзда тутилган бўлса, унда буни расмий ҳужжатларга ҳавола қилиб белгилаб қўйилади.

Тадқиқотларнинг асосий йўналиш ва вазифаларида илмий-техник муаммоларни ҳал қилиш йўлининг мақсадга мувофиқ танланганлиги ва асосланганлиги, ишни бажариш учун танланган йўналиш бўйича ҳал қилиниши керак бўлган масалалар қисқа баён қилинади. Илмий–тадқиқот ишларида иккита ёки ундан кўп йўналиш кўзда тутилган ҳоллар бўлса, унда тадқиқотлар жараёнида улар ичидан мақсадга энг мувофиқи танлаб олиниши керак. Иш бошқа тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишлари билан биргаликда, бирорта бўлим, ташкилот билан ҳамкорликда ёки мустақил ўтказилиши ва ҳажми кўрсатилади.

Ишдан кутилаётган якуний натижаларда мавзу бўйича ИТИ ўтказишда нимага эришиш мумкинлиги қисқа ҳолатда: янги нав ёки дастлабки материалларни чиқариш, қатъиян

янги технологик усулларни, ишчи органларни, агрегатлар ёки технологияларни, уларнинг асосий параметрларини аниқлашни асослаш ва яратиш; мавжуд технологик усулларни такомиллаштириш, технологиялар, тизим, навлар, меъёрий- техник ҳужжатлар ва бошқалар бўйича илмий асосланган таклифлар аниқ шаклда қайд қилинади. Мавзу бўйича илмий хисоботга тақдим қилинадиган қўшимча ҳужжатлар (давлат нав комиссиясига навларни топшириш, янги машина ва ускуналарга дастлабки талаблар, технология ва алоҳида усул бўйича тавсиялар, машина тизими, машиналарнинг макет на муналари, стандартлар ва б.) белгилаб қўйилади.

Мавзу бўйича ИТИни ўтказишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигининг асоси берилган тадқиқотлар на тижалари кўлланилишининг иқтисодий самарадорлиги ва кўлами акс эттирилади. Иқтисодий самарадорликнинг дастлабки ҳисоби келтирилади ёки унда ҳисоблаш тўлиқ ўтказилганлиги тўғрисидаги материалларга асосланниб унинг якуний на тижалари кўрсатилади. Агар иқтисодий самарадорликни аниқлаш имконияти бўлmasa, унда кутилаётган техник ёки ижтимоий самара келтирилади.

Иш дастурида ИТИ бажаришнинг қўйидаги асосий босқичлари кўрсатилади: тайёргарчилик босқичи; назарий ишланмалар – мавзу бўйича изланиш ишларининг тавсиясини инобатга олиб тадқиқотларнинг мумкин бўлган йўналишини шакллантириш (агарда шундай иш қилинган бўлса), тадқиқотларнинг қуляй вариантларини танлаш, ИТИ дастури ва методикасини ишлаб чиқиши ва расмийлаштириш;

эксперимент ва макет намуналарини тайёрлаш ва лойиҳалаштириш; эксперимент ишлари-лаборатория, вегетацион, лизиметрик ишлар, дала тажрибалари ёки уларни бирга олиб бориш; технологик усулларни лаборатория ва дала шароитида экспериментал ва тажриба намуналарини синаш ёки нав, препарат, технология, технологик усулларни ва бошқаларни ишлаб чиқариш шароитида текшириш;

синов ва тадқиқотлар на тижаларини умумлаштириш-таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши, мавзу бўйича ҳисобот тузиши ва расмийлаштириш, ишни тўлиқ қабул қилиш ва ўтказилган ИТИ на тижаларини кўриб чиқиши. Ҳар бир босқич бўйича ишнинг қисқа мазмунини бериш зарур.

Агар ишни бажариш жараёнида дастурга аниқлик ёки ўзгартириш киритиш керак бўлиб қолса, унда буни бўлим ва методик комиссия йиғилишида кўриб чиқиш керак. Ҳар бир

босқич бүйича ишни бажариш методикаси баён қилинади. Масаланинг холати ўрганилганда изланадиган материал, тандаб олинадиган маълумотлар, қўлланиладиган таҳлил методи, баҳолашнинг бош мезони ва бошқалар кўрсатилади. Назарий ишланмалар учун ишлаб чиқиш методини (аналитик) таҳлилий, графикли, эксперт баҳолаш ва бошқалар келтирилади. Экспериментал тадқиқотлар ўтказаётганда аниқланадиган кўрсаткичлар ва қўлланиладиган методлар, тажрибалар схемалари, такрорлаш ва ўлчашлар сони, тортиш ёки ўлчашнинг аниқлиги, олинган маълумотларга ишлов бериш усули ва йўллари, асблолар, ишчи органлари, макетлар, фойдаланилаётган экспериментал қурилмалар тўлиқ ёритилади. Олинган маълумотларга ишлов бериш ва ёзиш учун шакллар ишлаб чиқилади ва иловада кўрсатилади.

Агар экспериментал тадқиқотлар ёки синовларни мавжуд методикада ўтказиш кўзда тутилса, бундай ҳолатда аниқ ва тўлиқ номи кўрсатилиб, унга асосланиш билан чегаралсанса бўлади. Агар тадқиқот бошлангунга қадар айрим ҳисоблашларнинг методикасини тузиш имконияти туғилмаса, унда дастлабки тажрибаларни ўтказгандан кейин “хусусий методика” ни ишлаб чиқишига йўл қўйилади. Бу умумий дастурда олдиндан белгилаб қўйилади. “Хусусий методика” илмий раҳбар ва бўлим (лаборатория) мудири билан келишилади.

Иш дастурининг охирида керакли ускуналарнинг рўйхати, асблолар, материаллар, календар йил давомида босқичмабосқич бажариладиган ишларнинг режа-графики ва илова келтирилади. Иловага кутилаётган самараодорликнинг ҳисоби, кўрсаткичларнинг ҳисоб қилиш шакллари ва бошқалар киритилиши мумкин.

ИТИ бўйича кузатиш ва ҳисоблашлар, ишлар бўйича ёзувларни тўлиқлиги ва тизимлилиги дастлабки ҳужжатлар билан таъминланади. Илмий—изланниш тадқиқот ишлари жараёнида расмийлаштириладиган материаллар дастлабки ҳужжатлар ҳисобланади. Улар дала тажриба журнали, дала ишлари кундалиги, ишчи дафтарларидан иборат бўлиб, уларда олинган маълумотлар, қўлланиладиган методлар, тадқиқотларни ўтказиш шароити ва ҳолати, тадқиқотчининг мулоҳазаси, селекцион ва бошқа материалларни каталоги қайд қилинади.

Лаборатория таҳлилларининг дастлабки асосий ҳужжатларига олинадиган ва жўнатиладиган тупроқ, ўсимлик ва бошқа намуналарни қайд қилиш китоби, журнал ёки лаборатория

*тахлилининг рўйхати унга таҳлил маълумотлари, таҳлиллар билан боғлиқ бўлган барча қўшимча маълумотлар ва унда кўрсатилган ҳисоблашлар ёзилади.*

Эксперимент давомида бажарувчи тажриба даласида ўтказиладиган барча агротехник ишлар, ташки муҳит ва ўсимликларнинг шароитини ҳисоблашлар ва кузатишларни қайд қилишга мажбурдир. Улар кейинчалик олинган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш учун керак бўлиб, илмий ҳисоботни тузиш учун асос бўлади.

Барча кузатишлар ва ҳисоблашлар натижалари кузатишлар ва дала ишлари кундалигига киритилади. Кундалик—кatta бўлмаган дафтар ёки блокнот бўлиб, у чўнтақда ёки дала сумкасида олиб юрилади. Маълумотлар кундаликка хронологик тартибда тегишли шаклда, даланинг ёки лабораториянинг айнан ўзида, иш ва кузатишларни бажариш вақтида, ҳолисона, аниқ, лўнда, тўлиқ ҳаждма ёзиз борилади. Уларни одий қалам ёки шарикли ручкада ёзиз бориш керак. Барча киритиладиган ўзгартиришлар шарҳлаб қўйилиши керак. Алоҳида варақларга ёзишга йўл қўйилмайди. Маълумотларни ёзишни кейинга қўймасдан, ўша вақтнинг ўзида кундаликка ёзиз қўйиш шарт.

Кундаликка қўшимча дастлабки ҳужжат ишчи дафтар ёки журнallар бўлиши мумкин. Уларга ялпи кузатиш, ҳисоблаш ва таҳлилларни ҳисобга олиш ишлари ёзилади. Дала тажриба журнали жамланувчи илмий ҳужжат ҳисобланади. Унга ишлар ва кузатишлар натижаси олинган барча маълумотлар дастлабки ҳужжатлар асосида ўз вақтида ва пухта ишланиб, сиёҳ билан кўчирилади ва хонада сақланади. Шу журналда дала тажрибаси бўйича ҳамма асосий материаллар тўпланган бўлиши керак. Кейинчалик у умумлаштирилади, холосалар чиқарилади ва илмий ҳисобот ёзилади ҳамда шу асосда амалий тавсияномалар ишлаб чиқилади.

Илмий муассасаса раҳбарияти дастлабки ҳужжатлар шаклини ва уларни тузиш тартибини аниқлайди. Улар технологик тадқиқотларда ва селекцион ишларда, механизация ва ўсимликларни ҳимоя қилиш тажрибаларида, дала тажрибаларида ва лаборатория изланишларида турлича бўлиши мумкин.

Технологик тажрибалар учун мисол тариқасида бирламчи ҳужжатлар шаклининг кўйидаги кўринишини келтирамиз. Булни сабзвотчилик ИТИ ва шу йўналишда ишлайдиган бир тадқиқотчи кўллаши шарт.

Дала ишлари ва кузатишлари кундалигидаги сарварақда

Қўйидаги маълумотлар бўлиши керак: илмий муассаса ва унинг қисмларининг номи (тажриба станцияси, бўлим, лаборатория, таянч пункти), мавзу, бўлимнинг (тажрибанинг) номи., иш ўtkазиладиган жой, манзили, телефони, ишнинг раҳбари ва бажарувчининг фамилияси ва исми, отаси исмининг бош ҳарфлари. Кейин, бажарувчи тўлдирадиган мундарижа, тажриба схемаси, уни ўtkазиш методикаси ва жойлаштириш режаси ёритилади. Журналнинг қолган (асосий) қисмига жадваллар чизиб қўйилмайди. Унга ўtkазиладиган кузатишлар, ҳисоблашлар ва таҳлиллар натижалари тадқиқотлар вазифаси ва йўналишига қараб эркин шаклда ёзиб борилади.

Иш дафтари кундаликдаги каби сарварақ ва мундарижа шаклига эга бўлади. Ундан кейин чизилмаган варагълар бўлиб, унга тадқиқотчига қулай шаклда, тажрибанинг ўзига хослиги-ни инобатга олган ҳолда зарур ёзувлар ва ҳисоблашлар амалга оширилади.

Дала тажрибаси журналининг сарварагида илмий муассасанинг номи, мавзунинг (тажрибанинг) номи, ўtkазиладиган муудати ва жойи, лавозими, раҳбар ва бажарувчининг фамилияси ва исми, отаси исмининг бош ҳарфи, манзили ва муассаса телефони кўрсатилади. Журналнинг бетларида мундарижа, кейин тажриба ва тажриба даласи бўйича умумий маълумотлар: *тажриба ўtkазишнинг мақсади ва вазифаси, натурада унинг жойлаштириш схемаси ва плани, ўtkазиш методикаси (қайтариқлар сони, миқдори, майдончанинг конфигурацияси ва жойлашганлиги, тажриба эгаллаган майдон, қўшимча кузатувлар ва тадқиқотлар, олинган маълумотларга ишлов бериш методи); тажриба даласининг тарихи ва тавсифи, унинг айрим қисмининг микрорельефи (баланд-пастлиги, олдин йўл бўлганлиги, ташлануқ ерлиги ва бошқалар); тупроқ типи ва унинг тавсифи (генетик қатламлар бўйича тавсифномаси, тупроқниң механик таркиби, маданийлаштирилганлик даражаси, сизот сувининг жойлашиш чуқурлиги ва бошқалар) келтирилади. Кейин қатламлар бўйича участка тупроғининг агрокимёвий тавсифи берилади. Сувли ва тузли вытяжжаканинг (рН, гидролит кислоталилик, ютилган асосларнинг йигиндиси, катионларнинг ютилиши сифими, гумус, умумий нитрат ва аммиакли азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калийнинг таркиби); участка тупроғининг сув-физик тавсифи (тупроқ доналарининг сувга чидамлилигининг фоизи, ҳажм оғирлиги, зичлиги, энг нам сифими, тупроқнинг биологик фаоллиги); тажриба ўткаган йиллардаги ўсув даврининг метеорологик тавсифи (дека-*

ойлар бүйича ҳаво ва тупроқ ҳароратининг маълумотлари-үртача суткалик, энг кўп ва энг кам ёғингарчилик, ҳавонинг нисбий намлиги, қуёш ёруғлигининг давомийлиги) тўғрисидаги маълумотлар қаердан олинганлиги, метеостанциянинг жойлашгани кўрсатилади.

Дала тажрибаси журналиниң асосий қисмida олинган натижалар ва уларда ўтказиладиган ишлар бүйича қуйидаги маълумотлар: тупроқقا ишлов бериш (ишлов бериш турлари-асосий, экишдан олдин, эгат ораларига, ишлов бериш чуқурлиги, иш сифати, булар учун фойдаланиладиган машина ва қуроллар); ўғитлаш (ўғитлар тури, шакли ва миқдори, солиши муддатлари ва усуллари ҳамда бу иш учун қўлланиладиган техника); экиладиган ва ўтказиладиган материаллар тавсифи (экин ва навнинг номи, уруг өтишишилган жой, ҳосил олинган йил, тўп номери, репродукцияси, нав тозалиги, навнинг категорияси, синфи, лаборатория ва дала унувчанилиги, тозалиги, 1000 дона ургунинг оғирлиги, ургуни тайёрлаш усуллари, вегетатив кўпаяди-ган экинлар тавсифи-ниёз, саримсоқ, картошка, кўп йилликлар, экиш ва ўтказиши олдидан уларни сақлаш тартиби ва усуллари); парваришилаш технологияси ва кўчнатнинг сифати; экиш ёки ўтказиш вақти, усули ва техникаси, экиш схемаси, уругни экиш меъёри, ўсимликни туриш қалинлиги, экинни парвариш қилиш (ўтоқ қилиш, яганалаш, озиқлантириш, сугориш муддати, меъёри ва усуллари, ўтлар, касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашиш ўйлари ва бошқа тадбирлар); қўшимча кузатувлар рўйхати ва уларни бажариш методикаси; дала журналиниң олдинги бўйимларида қайд қилинмаган тажриба қўйиш ва ўтказиш бўйича бошқа маълумотлар берилади.

Кейин ишлаб чиқилган таҳлиллар натижалари, қўшимча кузатишлар, ҳосилнинг ҳисоби ва матн жадвал ёки график кўринишида олинган натижаларни статистик ишлаб чиқиш маълумотлари берилади. Шу ернинг ўзида ҳисобий майдончадан майдонча юзаси ва ўсимликлар сони чиқариб ташлангандан кейин чиқариб ташлаш зарурлиги асосланиб, барча маълумотлар келтирилади.

Ҳар бир дастлабки ҳужжат бетларига номер қўйиш, дастлабки ҳужжатларни олиб бориш тўғрисида-бажарувчи ва текширувчи учун эслатма кўринишида-олдинги муқованинг орқа томонига қоидасини (тартибини) кўрсатиш керак.

Дастлабки ҳужжатларда барча ёзувлар қисқа, аниқ, ишончли, ўз вақтида ёзилган бўлиши керак. Турли тажрибалар бўйича ёзувлар бир хил бўлиши керак. Чунки уларнинг

ҳар бири бўйича маълумотлар бошқа тажрибалар маълумотлари, ёки бошқа муассасаларнинг шунга ўхшаш тажрибалари бўйича маълумотлар тузишни енгиллаштиради.

Бўлим, лаборатория, сектор раҳбари, илмий раҳбар ёки мавзу бўйича масъул ижрочи томонидан барча ёзувларнинг тўлиқлиги, ўз вақтида бажарилиши ва ишончлилиги бўйича назорат амалга оширилади. Уларнинг ўзи тажриба сифатига жавоб беради.

Тажриба тугагандан кейин илмий ҳисбот тузилади, жорий қилиш учун тавсияномалар, ихтиро учун талабнома, меъёрий ҳужжатлар (меъёрлар, стандартлар), машина ишлаб чиқаришга дастлабки талаблар ва бошқалар расмийлаштирилади.

Илмий—тадқиқот ишлари бўйича йиллик, оралиқ ва якуний ҳисботлар қисқа ва тўлиқ қилиб ёзилади.

Йил натижаси бўйича қисқа ҳисбот давлат ҳисботи шаклида ёки юқори турган ташкилотлар томонидан белгилangan шаклда тақдим қилинади. Унда ҳар бир топшириқ ва босқич бўйича олинган изланиш натижалари, кутилаётган самара ва жорий қилиш ҳажми, ишлашга сарфланган воситалар, тугалланган илмий ишланмаларнинг апробация натижалари қисқа ҳолда баён қилинади.

ИТИ бўйича тўлиқ йиллик, оралиқ ёки якуний ҳисбот 7.32-81 ГОСТ талабларига биноан “Илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳисбот. Умумий талаблар ва расмийлаштириш қоидалари” тузилади. У сарварақ, бажарувчилар рўйхати, реферат, мазмуни, шартли белгилар рўйхати, бирлик ва иборалар, кириш, асосий қисми (ИТИнинг барча босқичларини акс эттиради), якун, хуроса, тавсиялар ва таклифлар, фойдаланган манбалар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиши керак.

Ҳисботга қўйидаги: материални баён қилишнинг мантиқий кетма-кетлиги, далилларнинг ишончлилиги, ифода қилишнинг қисқа ва аниқлиги, иш натижаларининг аниқ ёзилиши; тавсия ва таклифларнинг асосланганлиги каби умумий талаблар қўйилади.

Илмий ҳисботнинг кириш қисмida ҳал қилинаётган муаммонинг ҳозирги пайтдаги ҳолати, мавзуни ишлаш учун бошлангич маълумотлар келтирилади, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифаси, ИТИ ўтказишнинг зарурлиги мавзунинг долзарблиги ва янгилиги асослаб берилади.

Ҳисботнинг асосий қисмida танланган тадқиқотлар йўналиши уларни ўтказиш методикаси, бажарилаётган тадқи-

қотларнинг мазмуни, олинган натижалар, уларнинг таҳдили кўрсатилади, умумлаштирилади ва баҳоланади. Агар техник топшириқ билан тасдиқланган ёки ИТИ бажариш режаси бўйича оралиқ ҳисобот тузиш кўзда тутилмаган бўлса, унда ушбу босқичлардаги тадқиқотлар натижалари иш бўйича якунни ҳисоботда кўрсатилади.

Хуносада бажарилган ИТИ натижалари ёки унинг айрим босқичлари бўйича қисқача якунлар, улардан фойдаланиш бўйича таклифларни жорий қилишнинг техник-иктисодий самарадорлигини, ҳалқ хўжалиги ва илмий нуқтаи назардан баҳоланганди ва иш натижаларининг ижтимоий қиммати ёритилган бўлиши керак.

Ҳисоботни тайёрлаш билан бирга масъул бажарувчи ИТИ ҳисоботи ва ўрнатилган қоидага кўра давлат рўйхатга олиш тартиби бўйича ахборот картаси ва илмий техник ютуқ (ИТЮ) паспортини тўлдиради. У илмий-техник ютуқ ва тугалланган ишларни амалга оширилаётганинги назорат қиласиди ва ҳисобини олиб бориш имкониятини туғдиради.

Иш тугагандан кейин (тугалланган изланишлар ёки алоҳида босқичи бўйича) бажарувчи буюртмачига ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади. У бажарувчи ва буюртмачи орасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қиласиди.

Далолатномага шартнома шартида кўзда тутилган илмий, техник ва бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

## I. Дала журналининг шакли

Тажриба корхонаси  
Манзилгохи  
Тажрибанинг номи  
Бажарувчи

## I. Тажриба ўтказишнинг методик шароити

1. Тажрибани асослаш
2. Тажриба ўтказиш схемаси
3. Натурада майдончаларни жойлашганлик чизмаси (чертежи)
4. Тажриба майдончасининг юзаси
5. Тажриба майдончасининг узунаси
6. Тажриба майдончасининг эни
7. Ҳисобий майдончанинг юзаси
8. Ҳисобий майдончанинг узунаси
9. Ҳисобий майдончанинг эни
10. Ҳисобий майдончанинг қайтариқлари

## **II. Тупроқ шароитининг тавсифи**

1. Рельефи
2. Тупроқнинг механик таркиби
3. 0-25 ва 25-40 см қатламлари бўйича тупроқнинг асосий агрокимёвий кўрсаткичлари
4. Тупроқнинг фарқи ва унинг маданийлаштирилганлик даржаси

## **III. Тажриба ўтказиладиган йилдаги оби-ҳаво шароитининг тавсифи**

1. Кузги-қишки ва эрта баҳордаги оби-ҳаво шароити
2. Картошканинг ривожланиш даврлари бўйича оби-ҳаво шароити
3. Метеорологик маълумотлар:  
ойлар ва декадалар бўйича ҳаво ҳарорати белгиланади (ўртача, минимал, максимал), соат 13 даги намликка нисбатан фоизда ҳавонинг намлиги, очиқ ердаги (минимал, максимал, ўрта) ва соат 13 да 10 см чуқурлиқдаги тупроқнинг ҳарорати, ёғингарчиликнинг ўртача йиллик кўрсаткичлари (мм) ва вегетация даври бўйича ўртача маълумотлар чиқарилади.

## **IV. Тажриба ўтказишнинг технологик (агротехника) шароити**

1. Алмашлаб экиш
2. Бу йилги картошканинг ўтмишдоши
3. Картошка экиласидиган тупроққа ишлов бериш (усуллари, қуроллар, муддати, ишланган чуқурлиги)
4. Охириг уч йил ичida тажриба даласига солинган ўғитлар
5. Картошкага солинган ўғитлар бўйича маълумот: органик (тури, сифати); минерал (тури, шакли, %да озиқа элементлари миқдори); бир гектар ерга солинган нормаси (кузда, баҳорда, сочиб, уялаб, озиқлантиришда)
6. Уруғ материаллари таснифи: картошка нави, апробация маълумоти бўйича уруғнинг категорияси, уруғлик картошка қаерда етиширилган (уруғлик участкадами ёки тажриба даласидами, тупроғи); экилган туганакнинг ўртача вазни; уруғлик картошкани экишга тайёрлаш йўллари (қиздириш, ундириш, кесиш ва бошқалар)
7. Картошкани экишдан олдин тупроққа ишлов бериш, экиш усули, озиқланиш майдони, экиш учун машина, туганакни жойлаштириш усули, туганакни жойлаштириш чуқурлиги (см).
8. Ниҳоллар пайдо бўлгунга қадар (қуроллар, бажариш муддати)

дати) ва ниҳоллар пайдо бўлгандан кейин картошкани парваришилаш технологияси (куроллар, ишчи органлари, юмшатиш чуқурлиги, пуштага тупроқ тортиш баландлиги, бажариш муддати).

#### **V. Фенологик кузатувлар**

Ўсимлиқнинг униб чиқиш, гунчалаш, гуллаш ва палагини сарғайиш фазаларининг бошланиши (10%) ва (75%) давоматини белгилаш.

#### **VI. Палак ва туганаклар касаллигини ҳисоблаш (%), ҳар вариант ва қайтариқдаги миқдори**

#### **VII. Тажрибадаги картошканинг ривожланиш хусусиятлари**

#### **VIII. Иш кундалиги: хронологик тартиб, ишнинг сифати, айрим даврларда об-ҳаво шароити**

#### **IX. Вегетация даврида картошка ҳосилининг тўпланишини ҳисоблаш натижалари (ҳосилни чамалаш)**

1. Муддати
2. Майдончадан чамалаб олинган туплар сони
3. Чамалангандаги палак ва туганаклар вазни
4. Палак ва туганакларнинг бир гектар ерга айлантирилгандаги ҳосилдорлиги
5. Жаъми ва фракциялар ( $25\text{-}50$ ,  $50\text{-}80$ ,  $80\text{-}100 >100$ ) бўйича чамалангандаги туганаклар сони, товар туганаклар сони
6. Фракциялар бўйича туганаклар вазни
7. Оғирлиги бўйича ҳосилдаги товар туганаклар фоизи
8. Ҳар бир фракция бўйича туганакларнинг ўртача вазни
9. Ҳосилдаги товар туганакларнинг ўртача вазни

#### **X. Йигиштиришдан олдин чамаланган ҳосил ҳисоби ва унинг сифати**

1. Муддати
2. Синовдаги туплар сони
3. Синовдаги туганаклар вазни
4. Туганаклар ҳосили га/т
5. Фракциялар бўйича чамаланган туганаклар сони (жами,  $5\text{-}24, 25\text{-}50, 50\text{-}80, 80\text{-}100 < 100$ , товар)
6. Фракциялар бўйича чамаланган туганаклар вазни

7. Вазни бўйича товар туганаклар фоизи
8. Туганакнинг ўртача вазни г.да

## **XI. Йифиштиришдан олдинги картошка туганакларидағи крахмални фоизда аниқлаш**

1. Аниқлаш методи
2. Муддати
3. Сувнинг ҳарорати
4. Тузатиш киритгунча тажриба варианtlари ва такрорланишлари бўйича крахмалнинг фоизи
5. Ҳарорат бўйича тузатиш
6. Тузатиш киритилгандан кейин крахмал фоизи

## **XII. Якуний йифиштиришда тажрибадаги картошка ҳосилини ҳисоблаш натижалари**

1. Йифиштириш муддати
2. Ҳисобий майдонча ўлчами
3. Йифиштириш қуроли
4. Йифиштирилган туплар сони (чамалашда, майдончада, жаъми)
5. Кг.да туганаклар вазни (чамалашда, майдончадан, жаъми)
6. Гектарга айлантирилгандаги ялпи ҳосил (т.да, назоратга нисбатан %)
7. Т/га ҳисобида экишга сарфланган уруғлик материали
8. Уруғни айрииб ташлангандан кейинги гектардан олинган ҳосил (т.да назоратга нисбатан %)

5 ва 1% ли ақамиятлы даража учун  $r$  мезонининг қиймати

N	$r$		n	$r$	
	0.01	0.05		0.01	0.05
4	0.991	0.955	13	0.502	0.395
5	0.916	0.807	16	0.472	0.369
6	0.805	0.689	18	0.449	0.349
7	0.740	0.610	20	0.430	0.334
8	0.683	0.554	22	0.414	0.320
9	0.635	0.512	24	0.400	0.309
10	0.597	0.477	26	0.389	0.299
11	0.566	0.460	28	0.378	0.291
12	0.541	0.428	30	0.369	0.283

## ФОЙДАЛАНИЛГАН, АДАБИЁТЛАР

1. Азимов Б. Д. Технология выращивания интенсивных сортов томатов в Узбекистане. «Фан». Т., 1990.
2. Бакулов Л.С., Беков Р.Х., Лудилов В.А. и др. Рекомендации по технологии производства томатов для промышленной переработки. М., «Колос» 1978.
3. Букасов С.М. , Камераз А.Я. , Лехнович В.С. и др. Широкий унифицированный классификатор СЭВ и международный классификатор СЭФ видов картофеля селекции TUBERARIUM (DUN.) BUK. Рода SOLANOM L. СССР, Л., 1977.
4. Ведров Н.Г. , Колесняк А.Д. Основы обработки данных полевых опытов методами вариационный статистики. Методическое пособие. Иркутск, 1984
5. Гавриш С.Ф. Физико-механические и агробиологические свойства сортов томатов, пригодных для машинной уборки урожая. Автореферат канд. дис. Л., 1977.
6. Глущенко Е.Я., Воронина М.В., Стрекалова А. И. Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны) Л., 1977.
7. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта (с основами статистической обработки результатов исследований) "Колос" М., 1968.
8. Доспехов Б.А. Планирование полевого опыта и статистическая обработка его данных "Колос" М., 1968.
9. Ермолов Е. , Задина И. Методы оценки картофеля в современной селекции. Иностранный литературы. М., 1959.
10. Зуев В.И., Азимов Б.Ж., Умаров Х.З. Сабзавот экинларини сугориш ва ўғитлаш. «Ўзбекистон», Т., 1975.
11. Зуев В.И., Умаров А.А. Кадырходжаев А.К. Интенсивная технология возделывания овощебахчевых культур и картофеля (учебное пособие) Т., "Меҳнат" 1987.
12. Изучение и поддержание коллекции овощных растений (морковь, сельдерей, петрушка, пастернак, редька и редис) Методические указания под редакцией академика Д.Д. Брежнева, ВИР им. Н.И. Вавилова Ленинград-1981
13. Кононков П.Ф., Губкин В.Н. Повышение полевой всхожести семян овощных культур. М., Россельхозиздат 1986.
14. Литтл Т., Хиллз Ф. Сельскохозяйственное опытное дело. Планирование и анализ. Под ред. Д.В. Васильевой. М., "Колос" 1981.
15. Лорх А.Г. Динамика накопления урожая картофеля. ОГИЗ –сельхозгиз Государственное издательство сельскохозяйственной литературы. М., 1948.
16. Лудилов В.А. Биологические основы механизированной уборки томатов и перца. М., 1976.
17. Лудилов В.А. Методические указания по селекции перца для механизированной уборки урожая. М., 1979.

18. Методика полевого опыта в овощеводстве и бахчеводстве. Под редакцией В. Ф. Белика и Г.Л. Бондаренко. М., 1979.
19. Методика опытного дела в овощеводстве и бахчеводстве. Под редакцией профессора В.Ф. Белика. М., ВО Агропромиздат. 1992.
20. Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур. Выпуск четвертый. Картофель, овощные и бахчевые культуры. М., "Колос" 1975.
21. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. 3-е переработанное и дополненное издание. Т., 1963.
22. Методика исследований по культуре картофеля. М., 1967.
23. Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником в условиях орошения. Под общей редакцией Попова Г.П., Дормана И.А. Т., 1957.
24. Методика (основные положения) определение экономической эффективности использования в народном хозяйстве новой техники, изобретений и рационализаторских предложений. Под общей редакцией академика Н.П. Федоренко, Бачурина А.В., Тихомирова С.М. и других, УзНИИНТИ Т., 1977.
25. Моисейченко В.Ф., Заверюха А.Х., ТрифоноваМ.Ф. Основы научных исследований в плодоводстве, овощеводстве и виноградарстве. М., "Колос" 1994.
26. Мухин В.Д. Подготовка семян овощных культур к посеву. Московский рабочий 1979.
27. Найдин П.Г. , Соколов А.В. , Болотина Н.И. , Михайлов Н.Н. Методические указания по организации и проведению полевых опытов с удобрениями. "Колос", М., 1965.
28. Перегудов В.Н. Методические указания по математической обработке урожайных данных конкурсных сортоиспытаний сельскохозяйственных культур. Изд. МСХ СССР. М., 1959.
29. Сазанов В.И. Сельскохозяйственное опытное дело в растениеводстве и его методика. Сельхозиздат. М., 1962.
30. Скачкова Л.Н. Некоторые вопросы методики оценки и селекции томатов для механизированной уборки. Автореферат канд. диссертации. М., 1974.
31. Таблицы к водосливам Чипполетти и Томсона. Изд. Третье Т., 1975.
32. Чирков В.К. , Терпелец Н.А. Механизация выращивания и уборки овощей. Рекомендации. Майкоп-1979.

# М У Н Д А Р И Ж А

<b>Кириш.</b> .....	<b>3</b>
<b>1-БОБ.</b>	
Дала тажрибалари ўтказиш методикасининг умумий масалалари. ....	6
Тажриба ўтказиш турлари. ....	6
Дала тажрибасининг схемаси. ....	8
Дала тажрибаси учун ер танлаш. ....	9
Дала тажрибасини тақрорлаш ва майдонча сатҳи. ....	11
Тажриба майдонида қўлланиладиган технология. ....	18
Тажрибадаги йўлдош (ҳамкор) изланишлар. ....	20
Тажриба ўтказилаётган майдончалардаги экинлар ҳосилини ҳисоблашга тайёрлаш ....	28
Ҳосилни йигиштириш ва ҳисоблаш. ....	30
Дала тажрибаси натижаларини ишлаб (ўрганиб) чиқиш ..	32
Хужжатларни расмийлаштириш. ....	34✓
<b>2-БОБ.</b>	
Сабзавот, полиз ва картошка экинлари бўйича алмашлаб экишни ўрганиш ва агрономик асосларни ишлаб чиқиш. ...	36
Агрономик асосларни ўрганишнинг асосий усуллари. ....	36
Ўтмишдош экинларни ўрганиш бўйича тажрибалар. ....	37
Оралиқ экинлар самарадорлигини ўрганиш. ....	38
Алмашлаб экиш бўғинларини ўрганиш. ....	39
Алмашлаб экишни бошқа технологик тадбирлар билан боғлаб ўрганиш .....	41✓
Ёрдамчи тадқиқотлар. ....	42
<b>3-БОБ.</b>	
Гербицидларни қўллаш бўйича тадқиқотлар. ....	47
Тадқиқотларнинг вазифалари. ....	47
Майдон танлаш ва тажрибаларни жойлаштириш. ....	49
Гербицидларни солиш ва тажрибада қўлланиладиган технология. ....	52
Тажрибада кузатиш ва ҳисоблаш ишларини олиб бориш.	55

<b>4-БОБ.</b>	<b>Сугориш усуллари ва сугориш тартиботини тадқиқ қилиш.</b>	59
	Тадқиқотларнинг вазифаси. ....	59
	Тажрибалар схемаси. ....	59
	Майдон танлаш ва тайёрлаш. ....	62
	Биргаликда олиб бориладиган ёрдамчи кузатувлар. ....	65
	Тупроқнинг сув-физик хоссаларини аниқлаш. ....	70
	Дала шароитида тупроқнинг ҳажм оғирлигини аниқлаш. ....	70
	Тупроқнинг солиштирма оғирлигү ғи аниқлаш. ....	72
	Тупроқнинг намлигини аниқлаш. ....	75
	Тупроқнинг ғоваклигини аниқлаш. ....	78
	Тупроқнинг дала нам сифимини аниқлаш. ....	79
	Сугориш меъерини ҳисоблаш. ....	80
	Сув истеъмолини ҳисоблаш ва унинг маҳсулдорлиги. ....	81
<b>5-БОБ.</b>	<b>Ўғитлар билан дала тажрибаларини ўтказиш.</b>	84
	Ўғитлар билан тажриба ўтказишдан мақсад. ....	84
	Ўғитлар билан тажрибалар ўтказиш схемаси ва вазифаси..	85
	Минерал ўғитлар асосий турларининг таъсирини ўрганиш. ....	86
	Минерал ўғитларнинг мақбул миқдори ва нисбатини аниқлаш. ....	87
	Микроўғитларни ўрганиш. ....	89
	Минерал ўғитлар шаклларини баҳолаш. ....	90
	Кўп омилли тажрибалар. ....	91
	Алмашлаб экишда ўғитлар тизимини ўрганиш. ....	93
	Полиз экинлари билан тажриба ўтказишнинг хусусиятлари. ....	94
	Дала тажрибаси учун майдон танлаш ва тайёрлаш. ....	96
	Майдонча ўлчами ва варианларнинг тақрорланиши. ....	96
	Ҳамкор ҳисоблашлар ва кузатувлар. ....	97
	Агрокимёвий тадқиқотлар. ....	99
<b>6-БОБ.</b>	<b>Сабзавот маҳсулотлари турларини кўпайтириш ва уларни етиштириш муддатлари бўйича талқиқотлар.</b>	102
	Тадқиқотларнинг мақсади. ....	102
	Сабзавотлар турларини кенгайтириш учун истиқболли навлар ва экинларни танлаш. ....	103

Уругни экишга тайёрлаш усулларини ишлаб чиқиш. ....	105
Сабзавотлардан юқори ва эртаги ҳосил олишни таъмин- лайдиган технологик тадбирларни ишлаб чиқиш. ....	108
Кўкат ва зиравор сабзавот экинлари технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тажрибалар. ....	111
Кўп йиллик сабзавот экинлари билан тажрибалар ўтказишни ўзига хос хусусиятлари. ....	112
Ҳамкор кузатувлар ва ҳисоблашлар	115
<b>7-БОБ. Сабзавотларнинг интенсив навларини етиштириш ва йи- ғишиштириш бўйича технология ишлаб чиқиш. ....</b>	<b>121</b>
Асосий қоидалар. ....	121
Бир қанча иш жараёнини баравар бажариш ва такомил- лашган агрономик тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар. ....	122
Ишнинг дастури. ....	122
Умумий методик қоидалар. ....	124
Сабзавот экинларини парваришилашда иш жараёнларини биргаликда бажаришда комбинацияланган машина ва агрегатларни синаш. ....	132
Асосий методик қоидалар. ....	133
Сабзавотлар ҳосилини механизация ёрдамида йигишишти- риш ва йигиширилгандан кейин маҳсулотга ишлов бе- риш технологиясини яратишдаги тадқиқотлар. ....	136
Помидорни парваришилаш ва йигиширишда механизаци- я технологиясини баҳолаш методикасининг хусусият- лари. ....	141
Сабзавотларни индустрисал ишлаб чиқаришнинг истиқ- болли интенсив технологиясини асослаш. ....	152
<b>8-БОБ. Сабзавот экинлари ва нав дуррагайлари ҳосилининг ме- ханизацияда йигиширишга яроқлилигини баҳолаш методи- каси. ....</b>	<b>159</b>
Помидор. ....	160
Ширин қалампир. ....	164
Бодринг. ....	166
Пиёз. ....	172

Сабзи.	175
Оқ бошли карам.	176
Қовоқдош сабзавот ва полиз экинлар.	178
<b>9-БОБ.</b> <b>Картошка экини бўйича тадқиқотлар методикаси.</b>	<b>180</b>
Ўсимликларни парваришилаш.	180
Фенологик кузатувлар.	180
Экин ҳолатини кузатиш.	181
Ўсимликнинг озиқданиш жараёни ва шароитини кузатиш.	182
Марфологик тавсифлаш.	182
Ўсимликнинг туп сонини ҳисоблаш.	184
Экиннинг бегона ўтлар билан ифлосланганигини ҳисоблаш.	184
Ҳосил йигилишини ҳисоблаш.	184
Ҳосилни ҳисоблашга тайёрлаш.	185
Ҳосилни ҳисоблаш.	185
Ҳосил структураси ва товарлиги.	185
Ўсимликлар етишмайдиган тажрибага тузатиш киритиш..	186
Картошка ургучилиги бўйича тадқиқотлар.	187
Статистик ишлов бериш учун маълумотлар тайёрлаш.	192
<b>10-БОБ.</b> <b>Дала тажрибалари натижаларининг иқтисодий самарадорлигини аниклаш.</b>	<b>199</b>
<b>11-БОБ.</b> <b>Илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳужоатлар ва хисбот.</b> ...	<b>203</b>
Дала журналининг шакли.	213
Илова.	217
Фойдаланилган адабиётлар.	218

Б.Ж.АЗИМОВ, Б.Б.АЗИМОВ

**САБЗАВОТЧИЛИК, ПОЛИЗЧИЛИК ВА КАРТОШКАЧИЛИКДА  
ТАЖРИБАЛАР ЎТКАЗИШ МЕТОДИКАСИ**

**«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти-Тошкент-2002**

Муҳаррир *С. Йўлдошев*

Техник муҳаррир *Д.Исломов*

2001 йил 15 августда босишига руҳсат этилди. Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ .  
«Таймс» ҳарфидаги терилид. Офсет босма усулида чоп этилди. Шартли босма  
табоги 15. Нашр босма табоги 15. Адади 500 нусха.  
Буюртма №19. Баҳоси шартнома асосида

ТошДАУ нашр-таҳририяти бўлимининг «РИЗОГРАФ» аппаратида чоп  
етилди. 700140, Тошкент шаҳри. Университет кўчаси, 3-ий